

ОМОН МУХТОР

# БУХОРОЛИК БИР ЙИГИТ

Романлар

«ЕЗУВЧИ»

Уз2  
М 93

Бу китобни Бухоронинг 2500 йиллагига бағишладик.  
Маъно-мазмундан келиб чиқиб, у «Бухоролик бир йигит» деб аталди.


Муаллиф — таниқли адиб, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Омон Мухтор қайтиб кўздан кечирган «Йиллар шамоли» романи ҳамда ёзувчининг сўнгги йилларда яратилган, янги «Тепаликдаги хароба» романи киритилди. Бу асарлар Бухоро тўғрисида маълум тасаввур беради, деб ўйлаймиз.

Китоб тарихий обидаларни таъмирлаш, асраш ва диёримизни ободонлаштиришда кўп ёзгу ишларни амалга ошираётган Бухоро вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги «Бухорон Шариф» жамғармаси ҳомийлигида нашр этилди.

Уз2

ДИЛШОД ҚИЛИЧНИНГ «ТУРОНДОТ»

© хусусий корхонаси



27344  
НО 391

Мухтор. Омон.

Бухоролик бир йигит: Романлар. — Т.: «Ёзувчи»,  
1998. — 304 б.

## ЙИЛЛАР ШАМОЛИ

Уруш аждари олисларда пуркаган ўт Бухоронинг бағрини ҳам куйдириб ўтди.

Орадан кўп йиллар ўтганига қарамай, жангга фарзандларини юборган Бухоро, ҳамон ўртанар, ҳамон қурбонлар аламини чекарди...

\* \* \*

Чаман қишлоғидаги кутубхонада икки қиз гаплашиб ўтиришарди. Булардан бири — Олия, иккинчиси — Зумрад эди.

Олия — кутубхоначи, хонани бўлган тахта тўсиқнинг орқаси, қатор китоб жавонлари пойидан жой олганди. Зумрад эса, тахта тўсиқдан бери томондаги курсида чўнқайган, кутубхонага китоб учун кирган эди.

— Майли, мен кетдим, опажон, — деди Зумрад. — Нохос ичимни ит таталаб қолди... Бибим останада йиғлаб ўтирган бўлсалар керак.

Бу қиз уч ёшда отадан, беш ёшда онадан айрилиб, шу қишлоқлик Усмон бобо, Райҳон бибилар қўлида тарбия топганди. У ўзига тарбия берган кампирни «бибим» дерди.

Олия Зумрадининг гапига тушунмагандай бўлди.

— Нимага ундай деяпсиз? — сўради у.

— Бугун Камол шаҳарга кетган... — пичирлади Зумрад.

— Тушунмадим...

— Э, опажон, бу катта бир ҳангома. Мен буни сизга тушунтириб беролмайман, — деди Зумрад.

У ўрнидан туриб, бошини силкиганча, Олия билан хайрлашди-да, кутубхонадан чиқиб кетди.

Камол эрталаб шаҳарга жўнаган, кеч қоронғиси тушганига қарамай, ундан дарак йўқ эди.

Райҳон биби тушдан бери оёқларини сандалга суқиб, деразага паришон тикилиб ўтирарди.

— Иби, нимага бу келмаяпти?— пичирларди кампир. — Худойим, мани балам қаерга қолди?

Чаман қишлоғи Бухоро шаҳрининг этаккинасида жойлашган эди. Шаҳар узоқда бўлмаганидан, қишлоқ кишилари мунтазам бориб-қайтишар, ер ором олган қиш кунларида, айниқса, бўзчининг моқисидай қатнашарди.

Райҳон биби буни яхши билар, тушунарди. Аммо у бари бир ўглининг шаҳарга боришини истамас, ўгли шаҳарга кетса, тиричиб ўтиролмасди. Бир томондан, Камол кампирнинг якка-ю ягона ўгли эди. Иккинчи томондан, кампир умрида қишлоқдан чиқмаган, йўл нима, шаҳарини — билмас, унга қишлоқдан атиги икки қадам нарида дунёдаги бутун бало-ю офат оғзини очиб тургандек туюларди. Кампирда бундай тасаввур, албатта, ўз-ўзидан тугилган эмасди. Унинг икки навқирон ўгли уруш кунлари изма-из йўлга чиқишган, шаҳарга кетдим, деб йўқлик бағрига сингиб кетишганди. Райҳон биби бу воқеани ҳар қачон эслар, шундан, кейинги ўғли шаҳарга кетганида эзиларди.

Деразага тун пардаси осилди.

— Худойим, мани балам қаерга қолди?!

Кампир ортиқ ўрнида ўтиролмади. Вазмин қўзғалиб, тўла, оғир гавдасига мос келмаган ғайрат, шиддат билан эшикка йўналди. Унинг эғнидаги пахтали нимчанинг тугмалари солинмаган, қанордек кўйлагининг ёқаси очиқ эди. У оёғига калиш кийди, шу кўйи ташқарига чиқди. Райҳон биби, умуман, қаҳратоннинг аёзи, саратоннинг офтобига беписанд қарарди. У ёз кунларида оёқ яланг юраверар, бошини ҳам кўпинча танғимаганидан, сочлари елкаларида ёйилиб ётарди. Қишда эса, бошини бир парча латта билан ўраб, нимча кияр, унга қалин рўмол, этик ва чопоннинг кераги йўқ эди.

Кампир ташқарига чиққанида қоронғи тушган, ёғаётган қордан атроф ғира-шира ёришиб турарди. Уларнинг ҳовлиси кенг, аммо деярли бўм-бўш эди. Ҳовли ўртасида кичик бир сўри кўзга ташланарди, унинг ёнида қуриган ўрик, ўрик остида шолчадеккина гулзор ўрни бор. Бу ерда иккита уй бир-бирига рўбарў тушган.

Унг қўлдаги уйдан юқорида ошхона, ундан нарида бор эшиги, сўнг айвон. Чап қўлдаги уйдан паст томонда молхона, ингичка йўлак, гужумдан ясалган икки тавақали эски дарвоза.

Райҳон биби тўғри дарвоза томонга юрди. У дарвозани ланг очиб, ғамгин, қўрқувли бир ҳолатда олис-олисга қаради. Уларнинг ҳовлиси қишлоқ кўчасининг этагида бўлиб, бу ҳовлининг дарвозаси ҳам кўчадан четда қурилганди. Рўпарада чексиз дала, далага туташган юҳо дашт. Яккам-дуккам дарахтлар... қордан оқарган дўнгликлару қорайиб ётган ўнгирлар... ёввойи саҳро буталари ва тугал йиғилмаган ғўзапоялар...

Кампирга чор атроф кўнгилсиз, ҳасратли, ғариб бўлиб кўринди. У баттар хаёли қочиб, остонага, қалин қор устига келиб ўтира қолди. Узоқ ўтирди. Унинг устини аста-аста қор босиб, аламдан кўзлари ачиша бошлади. Ниҳоят, кўнгли бутунлай вайрон бўлиб, юрагига сифмаётган фарёд тўлқини беихтиёр бўғзига сурилиб келди.

\* \* \*

Зумрад бекорга безовта бўлмаган эди. У ҳали қишлоқ кўчасининг этагига етмай туриб, кампирнинг баравж ноласини эшитди.

Райҳон биби шунчаки остонада йиғлаб ўтирмасди. У чиндан нола қилар, дод солиб, дунёни бошига кўтарарди.

Райҳон бибига бундай пайтда гап кор қилмаслигини қўни-қўшнилар яхши билишарди. Шундан, улар уйлари-дан чиқишмас, кампирга индашмасди. Фақат қишлоқ кексалари баъзан Камолни дала-даштда тутиб, унга: «Сен шаҳарга бормай қўя қолгин, болам», — деб насиҳат қилишар, Камолга ўзларича инсоф тилашарди.

Бундан уч йил муқаддам Райҳон бибининг чоли — Усмон бобо дунёдан ўтганди. Ушандан буён Камол шаҳарга ора-сира борадиган бўлиб қолган, кампир йиғлаб ўтиришни одат қилганди.

Зумрал хонадоннинг бир аъзоси бўлгани учун ҳам Камолнинг шаҳарга қатнаши, кампирнинг суропли фарёдидан бошқаларга нисбатан кўпроқ куяр, икки ўт ўртасида қолганидан, изтиробга тушарди. У олган китобларини кўксига босиб, ҳовли томон югурди. Райҳон бибига яқинлашиб, меҳрибонлик билан кампирнинг елка-

ларидан қорни сидирган бўлди. Кейин куюниб ялина бошлади:

— Қўйинг, уят бўлади, бибижон... Ичкарига кириг, бибижон, уят бўлади...

Райҳон биби Зумраднинг гапига парво қилмади.

— Сан уёлсанг, ичкарига кириб ўтира бер, — деди у йиғи аралаш. — Ман ҳеч кимдан уёлмайман...

— Бунчалик дод-фарёднинг нима кераги бор, бибижон! Кириг энди...

— Бор, бор... — деди кампир. — Сани ичинг бир сарой, биламан. Сан биров ўлгандаям йиғламайсан...

— Мен сиздай бекорга йиғламайман-да! — деди Зумрад аччиғи чиқиб. — Сиз доим бекорга йиғлайсиз...

— Сан нимани билибсан?! Сан нима қиласан гапириб?! — бўш келмади Райҳон биби. — Сан манга гапирма, балам. Сан китобингни ўқи...

Кампирга бундай пайтда гап қор қилмаслигини Зумрад бошқалардан ҳам кўпроқ билар, аммо ҳар қачон кўнглида кампирнинг таслим бўлишига умид қиларди. Кампир эса бировга итоат қилишни хаёлига ҳам келтирмас, уни енгил осон ҳам эмасди.

Зумрад кампир қаршисида бугун ҳам одатдагидек ўзини ожиз, ночор сезиб, эзилганича ичкарига йўналди. Чап қўлдаги уйга кириб, китобларни дераза олдидаги столга қўйди. Пальтосини ечиб, сатин камзулини кийди.

Уйда кайфият бузилган кунлар баъзан кўпгина рўзгор юмушлари бажарилмай қолар, баъзан эса Зумрад уларни қўли-қўлига тегмай бажаришга мажбур бўларди.

У ҳозир ҳам йўл-йўлакай камзули тугмаларини қадаб, уйда киядиган туфлисини оёғига илди-да, дарҳол ошхонага чиқди. Учоққа ўт ёқиб, қозонга сув солди.

Райҳон бибининг ноласи унга худди қайта-қайта янграган мунгли қўшиқдай эшитилиб, юрагини қиймаларди.

Шу дамда шиддат билан ташқарига чиқиб, кампирга аччиқ-аччиқ гапиргиси келар, бироқ бунга журъати етмаслигини ҳис этиб, эзиларди. Ҳамма бало шунда эдики, у кампирни ичида қоралай олмас, ўзича кампирни ҳар қандай шовқин-суронга ҳақли деб билар эди. Уғлини суйган, уни еру кўкка ишонмаган, шу ҳиссиётдан бошқа нарсага тушунишни истамаган соддадил, мунис, жафокаш онани қандай қоралаш мумкин? Зумраднинг бутун норозилиги Камолдан эди. Йўқ, у қишлоқ кекса-

лари сингари: «Камол шаҳарга Сормай қўя қолсин», демасди. У фақат йигитнинг кампир билан ҳисоблашиб иш тутишини, шаҳардан икки-уч соатда қайтиб келиши, қаро тунгача қолиб кетмаслигини истарди.

Зумрад кампирнинг ноласини тинглаганча овқатга уринаркан, Камол билан бу оқшом қатъий гаплашишни ўйлар, хаёлан ҳозироқ сўз териб ўтирарди. Райҳон бибининг енгининг иложи йўқми, демак, Камолни енгини керак! Қўни-қўшнилар олдида бутун хонадон уятга қолаётганини Камолга тушунтирмаса бўлмайдил..

Ногоҳ кампирнинг овози тинди.

Зумрад энди сигирлар чўзиқ «мў»лаётганини эшитди. «Жониворлар оч қолган, ем сўраяпти», ўйлади у. Учоқнинг оловини тортиб, молхона томон йўл олди. Ҳовли ўртасига борганида, дарвоза томондан ҳеч бир тиррик жон саси келмаётганини сезиб, беихтиёр хаёли қочди. Кампир ҳолдан тойиб, ўзидан кетиб қолмадимикан?!

Зумрад молхонани қўйиб, йўлак томонга ошиқди.

\* \* \*

Камол шу куни эрта тонгда уйдан чиққан эди.

Бир учи қишлоқ кўчасига келиб боғланган тасма йўлнинг иккинчи учи кенг асфальт йўлга бориб боғланарди. Асфальт йўлдан манглайига турлича районлар номи ёзилган автобуслар шаҳарга бориб-қайтарди.

Камол ҳеч қачон бекорга уйдан чиқмас, шаҳарга бормасди. Уни ҳаётдаги ҳар хил эҳтиёжлар кўчага етаклар, кампирнинг раъйига баъзан қараса, баъзан қарамасликка мажбур бўларди.

Бундан икки кун муқаддам у ўзига отамерос бўлган бир парча ерни кўздан кечириб, Усмон бобони тупроққа топширганларидан буён томорқа-ю, боғ қаровсиз қолганини ҳис этганди. Кўнгли ачишиб, отасининг катта, дағал бир кетмони борлиги-ю, қаровсизликдан шу кетмон ҳам занглаб кетганини эслаган, шаҳардан янги кетмон олиб келиб, томорқа билан боғни қайтадан обод қилмоқчи бўлганди.

Камол Бухоронинг Самарқанд дарвозасида автобусдан тушиб, Регистон томон йўл олди. Қачондир мангит амирларининг қароргоҳи бўлган, энди томошахонага айланган ҳашаматли, вазмин эркака яқинлашиб, ўнг қўлга бурилди.

Бундан неча юз йил бурун ясси тошлардан тиклан-

ган, замонлар ғубори чўкиб, бутун заъфарон тошлари қорая бошлаган Чашмаи Аюб эҳроми соясида эски шаҳар бозори жойлашган эди. Бозор эшиги олдида темирчилик дўконлари. Сандон, дам, болға...

Қамол дўконлар олдига келди. У ўтдан янгигина чиққан, ярқираб турган кетмонларни кўздан кечириб, биттасини сотиб олди, қўлидаги юпқа чармдан тикилган енгилгина қора чамадонга жойлаб, арк томонга қайтди.

Йигит Чашмаи Аюб эҳроми ёнидан ўтиб, пешайвонида нақшинкор устунлари, ёнбошида япасқи минораси-ю, олд томонида шинам ҳовузчаси бўлган Болоҳовуз масжидига яқинлашган эди, орқасидан қандайдир машинанинг тариллаб келаётгани хаёлини жалб этди. У «машинага халал беряпман», деб ўйлади-да, ўзини чеккага олди. Бироқ, машина беш-ўн қадам нарига ўтиб тўхтади.

Қамол ранги ўча бошлаган қизил «Москвич»ни, сўнг эса музлаган ойна орқали манглайига айвончали кепка бостирилган, қора пальто кийиб, бўйинини яшил шарф билан ўраган йигитни кўрди. «Москвич» — собиқ бригадир Ражаб аканинг машинаси, уни доим ўғли Қосим ҳайдар, Қосим билан болаликдан ўртоқ эди. Уларнинг икковлари ҳам ўртоқчилик муносабатини қадрлашар, ҳали ёш йигитлар бўлишганидан, ўзларича бу муносабатни абадий деб билишарди. Тасодифий учрашув Қамолни қувонтирди. У дарҳол машинага яқинлашди.

— Эй, салом алайкум...

— Яхшимисан, оғайни?! Утир... Шаҳарга келар экансан, айтмайсанми!..

Қамол Қосимнинг ёнидаги ўринни эгаллаб, чамадонни тиззасига қўйди.

— Сенинг шаҳарга келишингни билмабман... Билсам-жу, айтардим...

Қосим Қамолдан нима ишлар билан шаҳарга келганини, қандай юмушлар билан юрганини суриштирди.

Қамол шаҳар магазинларини бир қур айланмоқчи, шаҳардаги қишлоқ хўжалик техникумига кириб чиқмоқчи, ниҳоят, уйга Бунёд қишлоғи орқали ўтмоқчи эди.

— Майли, чамадонни орқага қўй, ишларингни икков ярим соат-бир соат ичида биткарамиз, — деди Қосим.

Қамол дўстининг илтифотидан мамнун бўлди. Улар машинада Лабиҳовузга йўл олишди. Бу ердаги мага-



зинларни бирма-бир айланиб, кейин янги шаҳар томонга кетишди.

Чаман қишлоғи этагида жойлашган колхоз боғида ўттиз-қирқ қути асалари бор эди, асаларига кўп йиллардан буён Мутавалли бобо деган киши қараб келарди. Камол бу кишидан асалари боқишни ўрганган, утган йили баҳорда тўрт қути асалари сотиб олиб, қутиларни ўз боғлари тўрига териб қўйганди. Камолнинг қўлида қўшимча чорчўплар<sup>1</sup> ҳам, асал ўтказгич ҳам, қочоқ ариларни тутиб келиш учун алоҳида челақ ва қоп ҳам бор эди. Унга фақат қутиларни очиб, чорчўпларни текширганда асаларини ҳайдаш учун битта тутун пуркагич керак, лекин бу арзимаган нарсани у кўпдан буён тополмай юрарди. Қосимга, магазинда ишлайсан, топиб бера қол, деб илтимос қилган пайтлари ҳам бўлган. Қосим топиб беришни ваъда қилгану, бу ишга ҳафсаласизлик билан қараганди.

Улар тутун пуркагични янги шаҳардаги катта бир магазиндан топишди. Камол олган буюмининг машина орқасига қўйди. Яна эски шаҳар томонга қайтишди.

Камол Усмон бобо ётиб қолган кунлар мактабда ўқишни чала қолдириб кетишга мажбур бўлган, буни ҳар қачон ўксиниб ўйлар, келгусида ҳар қалай маълумотли одам бўлишни кераклигини устида бош қотиради. У сўнгги пайтлар бу борада нимадир қилиш керак, деган фикрга келганди. Улар шаҳарнинг Марказий кўчасида жойлашган қишлоқ хўжалик техникумининг қириб топишди. Камол сиртқи бўлимга кириш учун қачон, қандай ҳужжатлар топшириш кераклигини суриштирди.

Улар техникум биносидан чиқиб, машинага ўтиришди. Камолнинг бўйнида бугун бажариши лозим бўлган биргина вазифа қолганди. Қўшни Бунёд қишлоғида Усмон бобонинг Қувват бобо деган эски қадрдонини бўлиб, анчадан буён оғир ётарди. Камол бозордан иссиқ нон, ҳолва, қанд-қурс олиб, йўл устида чолдан аҳвол сўраб ўтмоқчи эди. У: «Энди бирров бозорга кириб, кейин тўғри қишлоқ томонга қайтаверамизми?» деган гапни сўрамоқчи бўлиб, Қосимга қаради. Камол сингари бу йил йигирма учга кирган, аммо жуссаси Камолдан анча кичик, бир қарашда Камолнинг тенгдоши эмас, унинг укасига ўхшаган Қосимнинг кичкина, қонсиз, сўлғин юзида аламзада одамларга хос бир сиқилиш акс ётар-

<sup>1</sup> «Чорчўп» бу ўринда «рамка» маъносини билдиради.

ди. Катта. ўткир кўзлари олдинга ўйчан, ғамгин тикилган, у энди нечундир машинани ҳайдашга ошиқмас эди.

Камол Қосим билан учрашгани-ю, у билан айланиб юраверганини, Қосимдан шаҳарда ишларинг борми, йўқми, қишлоққа қачон қайтасан, деб бир оғиз сўрамаганини эслаб, ногаҳон ўзини Қосимнинг олдида қарздор одамдай ҳис этди.

— Бирон нима қилмоқчимидинг? — сўради у мулойим.

— Йўқ, ўзим...

— Уйланиб қолганингга сўраяпман...

— Дарров қишлоққа қайтиб ҳам нима қилдик! Шунини ўйлаяпман.

— Қайтмасдан нима қиламиз? — сўради Камол.

— Хўп десанг, икки ўртоқ театрга борардик. Соат ўн иккида «Фарҳод ва Ширин» бор экан, кўрардик...

— Меннинг қишлоқда бир оз ишларим бор эди-ку, — чайналди Камол.

— Якка ўзим бормай деяпман-да. Сенинг ишларингни бир соат ичида биткардик, огайни. Мабодо иккимиз кўришмасак, шу театрга кетадиган вақтни бари бир айланиб ўтказардинг... Икки ўн беш — бир ўттиз!

Камол «Фарҳод ва Ширин» спектакли Алишер Навоийнинг достони асосида яратилгани, асарни Хуршид деган шоир саҳнага мослаб ёзиб чиққанини шаҳар кўчаларидаги деворларга ёпиштирилган афишалардан билар, аммо бу спектаклни кўрган эмасди. У ҳаётида бир мартагина театрга кирган, «Офтобхон» деган асарни томоша қилганди. Шу фурсатда томошага кўнглида мойиллик борлигини ҳис этиб, хаёлидан: «Мен ҳам одам бўлиб, ойда-йилда битта томоша кўрсам нима қилти!» деган гап ўтди. Бунинг устига, у Қосимнинг сўнги сўзларига диққат қилиб, ўзини илтифот кўрсатган дўсти олдида яна қарздор одамдай ҳис этди. Бироқ айтилган фурсатда кўча эмас, ўз хонадонида ҳам бугунга мўлжалланган талай юмушлари борлигини эслади. Юмушлардан кечиши ҳам мумкин эди. Бирсқ, энг муҳими... Шу аснода лоп этиб, унинг кўз олдида Райҳон бибининг останада йиғлаб ўтиргани келди. Бу манзарани у кўп кўрган, уйга ҳаддан ташқари кеч қайтса, шундай бўлиши муқаррар эканлигини яхши биларди.

— Бизнинг кампирни ичлари жудаям тор-да. Одам эзилиб кетади! — ўзига-ўзи шикоят қилаётгандай бир оҳангда гудраниб қўйди Камол, икки йўлдан қайси бирини танлашни билолмай, хунуби ошаркан.

Қосим қўлини тиззаларига уриб кулди.

— Нимага куляпсан?! — хафа бўлди Камол.

— Икки соат томоша учун кампирни ўйлаб эзилдиган бўлсанг, мен билан техникумга бориб, ўқишни нимага суриштириб юрибсан?!. Ахир, техникумга кириб ўқисанг, умуман бир оёғинг шаҳарда бўлишини билмайсанми, оғайни?!

— Мен ўқишга ҳозир киришим қийин. Шунчаки бир суриштирдим... — деди Камол. — Бизнинг кампирни ичлари тор, эшикдан узоқроқ кетгани қўймайдилар.

— Зиёни йўқ, — деди Қосим. — Кел, томошани кўрамизу бозорга борамиз, кейин дарров қишлоққа кетаверамиз... — У Камолдан сўз кутгандек жим қолди. Камол ортиқ индамагач, қўшимча қилди: — Мен ўзим сени тўғри Бунёдгача олиб бораман.

Камол ортиқ эътироз билдирмади.

Қосим машинани Болоҳовуз масжидига ёнма-ён қурилган театр биноси томон ҳайдаб кетди. Улар машинани қоровулхона олдида қолдириб, кассадан билет олишди; Бухоро учун қачонлардир ҳашаматли бўлган, амалда оддийгина театр биносининг каттакон қопқасидан ичкарига киришди.

Томоша тугагач, Қосим машинани Регистоннинг чап қирғоғидаги йўлдан Чорсуга — «колхоз бозори» томонга ҳайдади. Арkning орқа деворидан Мирараб мадрасасига қадар йўл оралиғида одамлар ружғун ўйнади. Икки қирғоқда магазинлар, ошхона, дорихона, майда хунармандлар — ямоқчи, чегачи, сартарошларнинг дўкони.

Йигитлар тезгина харид қилиб йўлга тушишмоқчи эди, бўлмади. Бу ерда ҳам анча гўланиб қолишди. Ҳолва, қанд-қурс бозор ичидаги дўконда сероб эди, аммо дастурхонни безайдиган яхшироқ кулчалардан ҳадеганда топилавермади. Нонфуруш, «кулча ана келади, мана келади» дегани учун ҳам улар бу кишининг ўғли хивичдан тўқилган саватни бошига қўйиб пилдираб келгунича, вақтни бекорга ўтказиб туришга мажбур бўлишди.

Куни бўйи қорайиб турган осмон энди янада қорайган эди.

— Кетдик, — деди Қосим машина калитини қўлида ўйнаб турганича осмонга бепарво, лоқайд қарагачан. — Жўп сиқилма, оғайни, ярим соатда етиб борамиз...

Камол осмонга қараб, синиққина пичирлади:

— Ёмғир ёғадими, қорми, ҳаво нам...

Кўп ўтмай, қор учқунлай бошлади. Шаҳар орқада қолиб, машина бирданига белёён дала-даштга чиқди.

Кун кетиб қолган эди.

Камол йўлга ўйчан тикилиб бораркан, кўзи олдига яна лоп этиб Райҳон бибининг остонада йиғлаб ўтиргани келди.

У онасининг раъйига доим қарайвермас, аммо ҳар қачон кўчадан уйга ошиқар, кампирга озор беришни истамас, озор бераётганини ўйлаб, кўпинча руҳан эзиларди.

— Якка ўзим юрмайин, деб сенга ёпишиб олдим, оғайни, хафа бўлмайсан! — гудранди Қосим, худди Камолнинг хаёлларини ўқиётган одамдай. — Мен ўзи кун ора шаҳарга келиб-кетаман. Бугун сени йўлдан қўйганимдай, кўпинча Акбарни ишдан қолдириб юраман...

Акбар — уларнинг ҳамқишлоғи, дўсти, Тошкент университетининг журналистика бўлимини тугатиб қайтган, ҳозир редакцияда ишларди.

— Мен ҳам баъзан келганимда Акбарни кўриб тураман, — деди Камол. — Лекин, мен шаҳарга кўп ҳам кела бермайман...

— Мен кун ора шаҳарга келиб-кетаман! — таъкид оҳангида такрорлади Қосим. — Нима қилай, оғайни, қишлоқда жудаям зерикаман...

— Сен ўқиб юриб, шаҳарга ўрганиб қолгансан. Бўлмаса, қишлоқда одам зерикмайди...

— Ким билсин...

— Биласанми, мен бир вақтлар китобга анча қизиқардим, — деди Камол. — Қишлоқда кутубхона ишга тушганидан хурсанд бўлдим. Бирон кун кириб, китоб олишни ҳам ўйлаб турибман... Қишлоқда ҳозир одам зерикмайди. Клуб десанг — клуб, кинотеатр...

Қосим индамади.

Лайлак қор ёғар, чор атроф дам сайин оқариб борарди.

Машина кенг асфальт кўчадан ингичка йўлга бурилди-да, бир тартибда қатор қурилган янги типдаги уйлар — тунука томли оқ иморатларга яқинлашиб, улардан бирининг қаршисида тўхтади.

Камол машинадан тушди.

— Сенга қўшилиб мен ҳам чолни кўришга кийсам бўларди, — деди Қосим. — Лекин, нимагадир оёғим тортмаяпти... Хоҳласанг, бир ярим, икки соатлардан кейин қайтиб келиб, сени олиб кетишим мумкин.

— Овора бўлиб нима қиласан! Бу ёғи узоқ эмас, ўзим борарман... — Камол чамадонини қўлига олди.

«Москвич» қор устида иккита бир хил чизик тортиб, йироқлашди.

Камолнинг юз-кўзларига қор учқунлари совуқ урилди. У йўлдан кеокин бурилиб, катта, енгил қадам ташлаганича, рўпарадаги иморатнинг зангор эшигига яқинлашди.

\* \* \*

Қосим ёлғиз қолиб, машинани кишлоқ томонга ҳайдаб бораркан, яна ўйчан, рамгин бир ҳолатга тушди.

«Фарҳод ва Ширин» спектаклини бугун биринчи кўриши эмасди. У театрда қўйилган спектакллари қайта-қайта томоша қилар, «Фарҳод ва Ширин» эса унга деярли ёд бўлиб кетган эди. Ялтир-юлтир кийинган шаҳзода Фарҳод — Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Жўрақул Сатторов, ҳарир либосдаги Ширин — Ўзбекистон халқ артисти Назоқат Неъматова эканлигини ҳам бу йигит яхши билар, кўча-кўйда актёрларга зимдан эргашиб, уларни кузатган пайтлари ҳам кўп бўлганди.

Хаёлида бугунги воқеалар жонланди... Театрга кириб, билетда кўрсатилган жойларга келиб ўтиришаркан:

— Сен болаликдан театрда қизиқиб юрардинг, — деган эди Камол унга. — Ясама соқол-мўйлов топиб, мактабга Ражаб аканинг чопонларини кўтариб келардинг. Кейин, томоша бўларди...

— Биласан-ку, оғайни, Тошкентга бориб театр институтида ўқимоқчи эдим, — деб жавоб берганди Қосим. — Отам: «Фойдали бирон ишнинг бошини тутгин», деб, раъиймга қўймади. Самарқандга етаклаб, савдо техникумига киритди... Мана, бу ёғи артист ўрнига магазинчи бўлиб ўтирибмиз...

Йигитлар театрдан чиқиб, ошхонада овқатланишган, бу ерда суҳбатни давом эттиришган эди.

— Икки ёш бир-бирини шунчалар яхши кўриши мумкин экан! — деганди Камол спектакль таассуротида.

— Бу бир афсона, оғайни, Ҳаётда бундай бўлмайди!

— Нимага бўлмаскан! Навоий ёлғон гапни ёзган деб ўйлайсанми! — Қосимнинг фикрига қўшилмаганди Камол.

Қосим ўзича: «Одамлар орасида ҳозир бундай муҳаббатни қидириш телбалликдан бошқа нарса эмас!» — деб билар, Камолга ҳам шундай маънода гапирган эди. Унга артист бўлолмаганини эслаш қанчалик хуш келмаса, муҳаббат ҳақида гапириш ҳам шунчалик малол келарди. У бола эканида — уруш йилларида Ражаб аканинг бошидан ўтган воқеани бот-бот эслар, бу воқеа унинг ҳаётида чуқур из қолдирган эди.

Қишлоқда Наима деган ёшгина келинчак бўларди. Наиманинг урушга кетган эридан қорахат келди-ю, Ражаб ака бутун қишлоқ олдида келинчакка хушторлик қила бошлади. Бригадир Наиманинг изига тушиб, бировнинг гапига, бировнинг маломатига ҳам қарамай, ўз оиласини ташлади. Аммо Наима билан маълум муддат яшаб, кейин яна ўз оиласига қайтиб келди.

Қосим онасининг асаби бузилган, йиғлаган чоқларини кўриб, отасини айбламади. У, онасининг гаплари таъсирида бўлса керак, отамни Наима биздан юлқиб кетди, деб тушунди ва болаликдан аёлларга нисбатан нафрат аралаш истехзоли муносабатга ўрганди.

Қосим мактаб даврида қизларга кам аралашди. Кейинги ўқиш йилларида эса, қизлар билан дўстлашишга уринди-ю, аммо тез орада ўзи танишган қизларнинг юриш-туриши, хатти-ҳаракати ғашига тега бошлади; улардан узоқлашиб қўя қолди.

Ўқишлар тугаб, қишлоққа қайтгач, уни ота-онаси уйланишга кисташди.

Чаман билан Бунёд қишлоғи кишилари эскидан бир-бирларига қиз бериб, қиз олишар, ёшлар гоҳ Чаман, гоҳ Бунёд қишлоғи этакларида ошиқона учрашиб юришарди.

Қосим Бунёд қишлоғидан Раъно деган қизни кўз остига олган эди, чолу кампирга ўшанинг номини айтди.

Тўйдан кейинги биринчи кунлар у Раъно билан тинч-тотув, хуррам яшади. Аммо орадан йил ўтиб, Раънонинг кўзи ёригач, турмушдан ногаҳон файз кетди. Қосимга, аввало, Раънонинг қиз туққани ёқмади. Бундан сўнг, Раъно унга хунук-бедаво, рўзғор ишларига ҳафсаласиз, дунёда ўз чақалоғи, кийим-кечак, таом ва уйқудан бўлак нарсага қизиқмайдиган ҳиссиз бир аёл бўлиб кўрина бошлади. Аёлнинг юриш-туриши, хатти-ҳаракати ғашига тегадиган бўлди.

Қосим ўзига Раънони боғлаб турган ўнлаб кўзга кўринмас иплар борлигини, оилани бузиш, бу ипларни узиб ташлаш осон эмаслигини ҳис этди. У бошқача йўл-

ни танлади — уйга худди меҳмон сингари кириб-чиқишга, уйдан кўпинча қочиб юришга одатланди...

Қосим, муҳаббат ҳақида гап кетганида Камол билан ортиқча баҳслашмади. Ўзича, «Камол ҳаётни билмаган соддадил йигит», деб ўйлади-да, кулумсираб қўя қолди.

— Сен энди қачон уйланмоқчисан? — сўради у Камолдан.

Унинг назарида, Камол бу саволни бир оз нохуш қабул қилгандай бўлди. Эҳтимолки, дўстининг гапидан: «Уйланганидан кейин ҳаёт нима, муҳаббат нима экаулигига тушунасан», деган маъно чиқариб, кўнгли оғригандир. Қосимга, бундан ташқари, Камолнинг кўнглида аллақандай сир яшириниб ётгандай, аини шу кунларда кимдир бу содда, беозор йигитнинг хаёлларига кириб, қону жонида яшай бошлагандай бўлиб туюлди. У ойначадан дўстига кўз ташлаб, дўстининг юзида майин бир хижолатми, тотли бир энтикишми акс этганини кўрди.

— Сен энди қачон уйланмоқчисан? — яна сўради Қосим.

— Э, шу гап унча эсга тушмай турибди! — деди Камол ҳазил оҳангида, аммо сезилар-сезилмас малолат билан. — Бунини нимага сўраяпсан?!

— Оиламиз бўлсаям, биз эркин қуш бўлиб юрибмиз. Сен билан ҳозир ҳафтада, ойда бир кўришамиз, хотин олсанг, бутунлай кўришмай кетамизми, деб қўрқяпман, оғайни...

— Қўрқма, мен яқин ораларда уйланмасам керак! — деди Камол ишонч, қатъият оҳангида. — Уйланган пайтимда ҳам бари бир сендан ажралиб кетмайман...

Қосим машинани қишлоқ томонга ҳайдаб бораркан, хаёлидан: «Камол уйланишга шошилмай тўғри қиляпти, мен дарров уйланиб нимага ҳам эришдим», деган гап ўтди.

Машина қишлоқ кўчасига кирди. Қосим машина ойнасидан ўз ҳовлилари дарвозасига берпарво, лоқайд кўз ташлади-да, тўхтамай кўча бошига қараб кетди.

\* \* \*

Чаман қишлоғи битта узун кўчадан иборат. Чап томонга қараб юрсангиз, чексиз дала-даштни кўрасиз. Унг томонга қараб кетсангиз, олисдан шаҳар қорайиб кўринади.

Қишлоқнинг мана шу томонида янги қурилган қатор муассаса бинолари кўчадан алоҳида ажралиб турибди. Булар — икки қаватли мактаб биноси, касалхона, магазин, почта ва кутубхона.

Қосим машинаи кутубхона олдида тўхтатди. Сўнг-ра, бир қаватли бинонинг баланд зинасидан босиқ кўтарилиб, бир тавақали эшикни очди.

Олия хонани иккига бўлган тахта тўсиқнинг орқасида бошини қуйи солиб ўтирарди. У бошини кўтариб, эшикка қаради.

— Салом алайкум, — деди Қосим. — Ишлар яшми?..

— Яхши... Келинг...

— Нима янгиликлар? Тинчликми?..

— Тинчлик... Ўтирибмиз...

Қосим тахта тўсиққа кўксини тираб, олдинга илғакдай энкайганича, Олияга куни бўйи шаҳарни айлангани-ю, театрда томоша кўриб қайтганини иштиёқ билан гапириб берди.

Олия унинг ҳикоясини жимгина эшитди.

Қосимга Олиянинг жимгина ҳикоя тинглаши ёқар, бундай пайтларда ўзининг туриши, гаплари, овози унинг ўзига ҳам нечундир хуш келарди.

— У кутубхонага ёзилмаган ва ҳеч қачон китоб олмасди, ҳар гал кутубхонага фақат Олия билан шунчаки бир оз гаплашгани кирарди.

Бироқ қизга андак оч, суқланиб тикилишдан ўзини тиёлмасди. Унга юрагида Олияга нисбатан номаълум бир адоват ҳам яшириниб ётгандай туюлар, назарида, мана шу адоват ошкор бўлмасин учун ёлғондан илиқ муомала қилиб, ўзини ҳам, қизни ҳам алдаётгандек бўлиб кўринарди. Аммо, Олияга муносабати тўғрисида ўйлаб, қандайдир хулоса чиқариш унга малол келар, умуман, бу йигит ниманидир ўйлашдан кўра, қаёққадир бориш, ниманидир қилишга кўпроқ мойил эди.

— Майли, кетдим, — деди ниҳоят Олияга у. — Кечаси магазинни очиб, бир оз ўтирмасам бўлмайди...

Қосим кутубхонадан чиқиб, Олияга айтганидек, магазинга келди; бу ерда алламаҳалгача савдо билан машғул бўлиб ўтирди.

У магазинни ёпиб, ҳовлига келганида, хотини дарвоза олдида шамдай қотиб турганини кўрди.

Раъно машина учун дарвозани кенг очди. Қосим машинани дарвозахонада қолдириб, уй томонга йўналар-



кан, хотини энди уйнинг остонасида совуқдан жунжикиб турарди.

— Ҳа, Раъно, ухламадингми?..

— Куни бўйи йуқсиз, хаёлим қочди...

Қосимнинг қулоғига шу дамда худди Раънонинг эмас, Олиянинг овози эшитилгандай бўлиб туюлди. У оёқ остига қараб келаётган эди, бехосдан бошини кўтарди.

Шу топда ғира-шира ёруғлик бағрида Раъно эмас, негадир Олия қотиб турганга ўхшаб кўринди...

\* \* \*

Қувват бобо уй тўрида чўзилиб ётарди.

Шифтда митти чироқ сарғайиб ёнар, оёқ остидаги туркман гилам ва кўрпачалардан бўлак уйда ортиқча ҳеч қандай жиҳоз кўзга ташланмас эди.

Қамол уйга кириб, чолга салом берди. Чол қўллари ни ерга тираб, ўрнидан оғир кўтарилди. Қамол билан кўришгач, болишлар орасида гўдакдай бўлиб ўтирди.

Девордаги печкада ўтин чирсилларди. Бошини қора шол билан ўраган кампир чойнак-пиёла кўтариб кирди.

— Ма, бачам, чойни ўзинг қайтар. Ҳозир ман Бафониям айтаман...

Чолу кампирнинг ўғли, аслида, Вафо бўлиб, уни Бафо дейишарди.

Қамол чойни қайтара бошлади.

Қувват бобо ўз касали тарихини, яхши бир ҳикояни айтгиси келган одамдай, катта иштиёқ билан батафсил гапиришга тушди. Гапнинг силлиқ чиқаётганига қараганда, бу ҳикоя унга аллақачон ёд бўлиб кетганга ўхшарди:


— Тузуккина юриб, десайиз, чорбоққа бир чиқдим у лойга сирғалиб йиқилдим. Ҳамин бел минан икки аёққа овриқ турди...

Эшик очилиб, уйга ўрта ёшлардаги миқти, қип-қизил киши кирди.

— Ассалому алайкум... Бинойи юрибсизми, укажон, бақувватмисиз?

Кампир дастурхон кўтариб келди. Қамол ўрнидан туриб, чамадондан нон, ҳолва, қанд-қурсни олиб, дастурхонга қўйди. Пиёла даврани бир қур айланиб чиққандан кейин каттакон лаганда шовла келди.

Қамол игна устида ўтиргандай нотинч эди. У кеч қоронғиси тушгани-ю, ўзи ҳамон уйга қайтолмагани,



Райхон биби, эҳтимолки, дунёни неча бора бузганини ўйлаб эзиларди.

— Фотиҳа ўқисангиз, бобо, — деди ахийри сабри чидамай. — Менга жавоб берсангиз...

— Утира беринг, укажон, бахайр. Қиш кечаси узун, уйга бориш қочмайди, укажон, — норозилик билдирди Вафо чолдан бурун.

— Бошқа кун яна келаман, ака. Бугун шаҳарга бориб, анча айланиб қолдим. Кеч бўлди...

— Тўғри шаҳардан келяпман, денг? Катта йўлдан бери ёнига пиёда келдингизми? — қизиқсинди Вафо.

— Йўқ, Қосим деган жўрамизнинг машинасида келдик.

— Қосим деганингиз Махсумнинг куёви бўлса, уни танийман...

Қувват бобо: «Мен бир оз дам олай, Камолбой, хафа бўлманг», — деб, ўрнига қайтиб чўзилди.

Вафо Қосим ҳақида гап чиққанидан кейин «магazinчилар ҳам ҳар хил бўларкан» деди ва энди «Қосим бир сўм берган болага тўртта конфет санаб беради, молга баъзан ортиқча нарх қўяди» мазмунида гапира бошлади.

Райхон бибининг остонада йиғлаб ўтиргани кўз олдидан кетмай, кўнгли ғашланиб турган Камолни бу гаплар баттар ғаш қилди.

— Қосим билимли, ақлли йигит, — деди у. — Қосим инсофни мен билан сиздан кўпроқ билади, ака. Унинг шундаай ишлар қилганини мен кўрмадим. Биладан, сиз ҳам кўрганингиз йўқ. Бировдан эшитган гапни айтиб юришга ҳожат бормикан?!

— Бу рост гап, укажон, — бўш келмади Вафо. — Эшитган гап-ку, лекин рост!

Қувват бобо синиқкина товушда йигитлар баҳсига аралашди:

— Қўй, Бафо... Ҳар кимни гуноҳи минан савоби ўзига!

— Қосим менга энг яқин жўра бўлади. Ким у тўғрида ёмон гап айтса, аввало, ишонмайман, кейин хафа ҳам бўламан... — деди Камол.

— Яшанг! Қосим жўрангиз бўлгани учун айбини ёлар экансиз-да!...

— Унинг айби йўқ. Бировдан эшитган гапни айтиб юрманг, ака, илтимос...

Қувват бобо шифтга тикилиб ётганича, яна ўша гапни такрорлади:

— Қўй, Бафо... Ҳар кимни гуноҳи минан савоби ўзига!..

Камол ниҳоят ўрнидан туриб, дағал пальтоси, қоракўл телпагини кийди; мезбонлар билан похушроқ хайрлашиб, қордай оқ иморатдан қорли кўчага толиққан, эзилган бир ҳолатда чиқди. У худди жисму жонидаги бутун ғайратни ишга солиб, ўтган фурсатнинг ҳиссасини чиқармоқчидай, катта, енгил қадамлар билан қишлоғи томонга равона бўлди.

Камол гўёки шу дамда қорни ғижирлатиб олдинга юрмас, балки қор бағрида учиб борар эди...

\* \* \*

Зумрад молхонани қўйиб, йўлак томонга ошиқди. Аммо беҳосдан оёқ шарпалари ва икки кишининг товушини эшитди-ю, тўхтаб қолди.

— Биласиз-ку, мени ҳеч бало урмайди...

— Биламан, балам. Локин сан кетсанг, бари бир, йиғлайман-да...

Зумрад изига қайтиб молхонага кирди, чироқни ёқди. Шифти пастак молхонада бири оқ, бири жигар ранг иккита сигир бошини бириктириб, эшикка мўлтираб турарди.

Зумрад юқори бурчакда уюлиб ётган ғарамдан пичан олиб, охурга келтириб ташлади, пастки бурчакда турган хумдан тоғорага сув солиб, тоғорани ҳам сигирлар бўйнидаги арқон етадиган яқин жойга келтириб қўйди. Бу ишларни у яширин бир алам, яширин бир зарда билан қилди. Камол ҳам, кампир ҳам «ўзини кўрсатиб» бўлган; энди «ўзини кўрсатиш» навбати Зумрада етган, Зумрад учун гўёки булут осмонга кўтарилгану энди ўзи момақалдироқ бўлиб гулдураши керак эди. Шундай пайтлар доимо у билан Камол ўртасида қизиқ бир ҳолат рўй берарди. У Камол билан очиқ гаплашишни кўнглига тугса-да, ҳеч қачон биринчи бўлиб оғиз очмас, хафа бўлганини билдириш мақсадида қовоғини уйиб юраверар эди. Биринчи бўлиб Камол оғиз очар, Зумрад мана шундан кейин гулдурашга тушиб, кўнглини бўшатарди.

Бу кеч ҳам у одатдагидай гулдурашга ошиқмади. Унг қўлдаги уйга кириб, сандал устига дастурхон ёзди. Кейин ошхонага чиқиб шўрва сузиб келди, чой дамлади.

Дастурхон устида ўтган бутун дилсиёҳликни эсидан

ҳам чиқарган Райҳон биби Камолдан шаҳарда нималар кўрганини эринмай суриштирди. Камол бўйинини қисиб ўтирганича, ошиқмай овқатланаркан, ора-сира зимдан Зумрадга қараб қўйиб, кампирга шаҳарда кўрганларини истар-истамас гапириб берди:

— Қосим билан бозор айландик, зимистон<sup>1</sup> бўлсам, одам кўп... Театрда томоша қизиқ бўлди...

Зумрад овқатдан кейин дастурхонни йиғиштирди, ошхонага чиқиб, идиш-товоқни ювди. У, ниҳоят, рўзгор юмушларидан бўшаб, чап қўлдаги уйга кирди-да, стол устидаги чироқни ёқиб, бугун олиб келган китобларидан бирини ўқишга тутинди. У китоб ўқир, аммо Камол билан гаплашиши кераклиги хаёлини банд этган, шундан астойдил ўқишга киришолмас эди.

Остонада ҳамон бошида телпак, аммо энди узун қора чопонга ўраниб олган Камол кўринди. У, осойишга уйга кирди-да, столнинг бери томонида турган курсини печка яқинига олиб қўйди, чопонига қайтадан ўраниб, оғир ўтирди.

— Ҳа, китобхон, ишлар қалай? — деди оҳиста.

Аллақачон хаёли бўлинганига қарамай, ўзини жўрттага китобга боғлаб ўтирган Зумрад бошини қўтариб, печка ёққа бурилди. У заифгина елкаларини олдинга андак букиб ўтирган Камолга тикилди-да, йигитнинг ўйчан кўзларида ширин бир хаёл порлаб, юпқа лабларида беозор бир табассум ўйнаётганини кўрди. Бу йигитнинг табиатан мулојим, босиқ эканлиги, турмушда ташвиши кўпу ишининг самараси камлиги ёдига тушди. Китоб қаҳрамонларининг қисфаси хаёлидан ювилиб, бу оқшом Райҳон бибининг остонада йиғлаб ўтиргани кўзи ўнгида жонланди. Камолнинг уйга бемалол кириб, осойишта ўтирганини ўйлади-да, жаҳли чиқиб, қатъий гаплашиш соати етганини ҳис этди.

Зумрад жаҳли чиққанида Камолга аччиқ-тизиқ гапираверар, ўз гапини тарозида ўлчаб ўтирмас, бунга аллақачон ўрганиб кетган эди.

— Ҳа, бесавод, — деди у. Худди шу дамдаёқ бу унга ҳазил тариқасида айтилган гапдай бўлиб кўринди-ю, тажавгликиб, яна бошқа сўз қидира бошлади: — Дарвиш... дарбадар...

Камол «бу дашномларнинг барига розиман» дегандай, унга ўзи қўшимча қилди:

---

<sup>1</sup> Бухорода «зимистон» сўзи «қоронғи» эмас, асосан «қиш» маъносидан тушувилади.

— Девонаи Машраб...

Йигитнинг пинак бузмаётганини кўриб, Зумраднинг баттар аччиғи келди:

— Тушунмайман, нимага мунча оғзингизнинг тано-би қочади?! Бибим икки соат йиғлаб ўтирганлари учунми?! Ёки мен хуноб бўлганим учунми, а?!

Бу гапга Камол ҳадеганда жавоб бермади.

У елкаларини янада бужди; боя кўзларида кўринган ширин бир хаёл ногаҳон сўнди.

— Уйга доим барвақт келаман, деб ўйлайману, кейин, уйдаги гап кўчага тўғри келмайди... Шаҳарда бугун анча ишларим бор эди. Бунинг устига, Қосим билан бир оз айланиб қолдик... Э, қиш пайтида ўзи кунларнинг баракаси йўқми, дарров кеч бўлади...

Зумрад бу гапдан ўзича хулоса чиқарди:

— Биладан, ҳаммасига Қосим айбдор. Уша сизни доим йўлдан қолдиради... Узидан бошқа одамни ўйламайди бу Қосим...

— Қосимдан, ақалли, сиз айб қидирманг. У бечора фақат менинг хурсанд бўлишимни ўйлайди. Мана, бугун ҳам куни бўйи мен билан судралиб юрди. Яна ўзи машинада мени Бунёдга ҳам олиб борди... Қўйинг, менга дўст бўлгани учун Қосим бекорга гап эшитмасин! Айб менинг ўзимда. Бир дунё ишни бир кунда бажаргим келади. Баъзан бажаришга улгураман, баъзан дардисар бўлиб қола беради...

Зумрад яна тутоқиб кетди:

— Ишингиз бўлганида, шаҳарга бора беринг. Лекин, битта ишни бажариб, ярим кунда қайтиб келсангиз бўлмайдими?! Шаҳар узоқда эмас-ку?! Менинг хуноб бўлишимни ўйламанг, майли, лекин кампирни бундай ўйламайсизми?!

Камол бошини эгди. Бир оз сукутдан сўнггина бошини, елкаларини кўтариб ўтирди. Унинг мулойим кўзларида қайтадан ширин бир хаёл порлаб, лабларида ёруғ бир табассум ўйнади.

— Кеч қолган вақтларим, ўзим кампирни ўйлаб, эзиладан, — деди у. — Лекин кампир мендан хафа бўлмайдилар, биладан. Бизнинг кампирда забон йўқ, бу киши на бир насихат қиладилар, на бир уришадилар. Ёнларида бўлсам, кўнгиллари тинч, бўлмасам — йиғлайдилар, холос... Кўпроқ мен сизни хафа қилишдан қўрқаман. Ғалати. Сизнинг хафа бўлишингизни хоҳламайману аччиғингиз келиб, онахондай уришиб қўйишингиз менга бир оз ёқадиям...

Зумрад шу дамда беихтиёр Усмон бобо дунёдан ўтган кундан буён чиндан ҳам хонадонда ўз-ўзидан онахон бўлиб қолганини англади. Райҳон бибини койиб қўйишга ҳаққи бўлмаганидек, аслида, ўзидан икки ёш катта, навқирон йигит бўлиб қолган Камолнинг танобини тортиш ҳам вазифаси эмаслигини ҳис этиб, онахонлигидан хижолат чекди. Зумрад муте сингари муомала қилаётган бу мулойим, беозор йигитнинг панду насиҳатга муҳтож эмаслигига иқрор бўлди. У яна шундай бир ҳақиқатга иқрор бўлдики, ўзи хонадоннинг юраги, аммо хонадоннинг боши — Камол.

Зумрад кўп гапларни ўйлади. Бироқ унинг йигит қаршисида бу гапларни тан олгиси келмади.

— Мендан куляпсиз, а? — деди аксинча. — Ҳай, майли, кулгингиз келса, кула беринг.

— Ўлай агар, сиздан кулганим йўқ, мени тўғри уришяпсиз, — деди Камол. — Бизни кампирнинг юраклари жудаям тор. Одам бу кишининг фарёд чекишини кўрган, ҳатто ўйлаган пайтида беихтиёр эзилиб кетади! — У, ўзига мана энди навбат келганига яхши тушунган, шу дамга қадар одоб юзасидан тек турган киши сингари, кўнглидаги сўзларни дона-дона қилиб гапира бошлади: — Наҳотки, кампирга озор бериш менга хуш келса?! Йўқ, албатта. Лекин, ўзингиз яхши биласиз, Зумрад, турмушда одамга кўп нарсалар керак, одам қимирлаб турмаса тириклай икки оёғи гўристонда бўлади... Кечирасиз, бу гапларни мавриди келгани учун бир айтяпман... Мана, масалан, ҳозир мен техникумга кириб, сиртқи бўлимда ўқийман, деб турибман, хаёл-да, нима дейсиз! Энди бўлса, сиз билан гаплашиб туриб ўйласам, уйга кечроқ келганимда дунёни бузган кампир, аниқки, шаҳарга бир ҳафталаб кетишимга мутлақо тоб беролмайдилар... Демак, йил бўйи ўқишни ўйлаб юрганим, ниҳоят бугун техникум эшигига бориб шарту шароитни суриштирганим — ҳаммаси бир пул!.. Кейинроқ бир вақт ўқирман, деб таскин топишдан бўлак иложим қанча!.. Лекин, сиз мени тўғри уришяпсиз, кампирга озор берганимни бўйнимга оламан, айбимни яшириб ўтирмайман...

Зумрадининг кўнгли юмшади. Унга ўзи Камолнинг юрагини, фикру ўйларини билмай туриб, аччиқ-тизиқ гапиргандай бўлиб кўринди. Бироқ, шу аснода бугун эрталабдан кунни югур-югур билан бошлаганини, бир лаҳза ором олмани устига, нуқул асаби бузилганини

эслади. У эрталабдан ўзларига ажратиб берилган пахта майдонидан ғўзапоя йиғиштириб келган, қишнинг совуқ нафаси уфурганига қарамай, улар ҳамон ғўзапояни бутунлай йиғиштириб олишмаган эди. Камол шундай шароитда кунни шаҳарда ўтказиб юрганни ўйлаб, Зумрад яна икки оғизгина нордон гап қилди:

— Уйда исиниб ўтиришни биламиз. Ғўзапояни бўлса йиғадиган одам топилмайди. Нима, бизга ўтин керак эмасми?!

Зумраднинг бутун аччиқ-тизиқ гапларини осойишталик билан эшитган Камол, ғўзапоя тўғрисидаги гапни эшитиб, бирданига қизарди.

— Сиз қаттиқ ишладингиз, биламан, — синиққина сўзланди у. — Эртадан мен ҳам ишга киришиб, икки-уч кунда ҳаммасини йиғиб оламиз...

Хонага узоқ сукут чўкди.

— Эсим қурсин... Сизни кундузи Мутавалли бобо икки марта сўраб келдилар. Чироқлари ёнмаётган экан.

Зумраднинг бу гапи койиш руҳидаги олдинги гапларга нуқта қўйди.

Камол электр симларини улаш, радио-телевизор сингари буюмларни тузатишга уста эди. Буни билган қишлоқ аҳли нимадир ишқал чиқса, дарров Камолни сўроқлар, у эса, айтилган ишни бажону дил бажарарди.

— Бобо икки марта сўраб келган бўлсалар, бормаслик уят-ку!

Камол ўрнидан енгил қўзғалиб, чопонига қайтадан уранди-да, тезгина чиқиб кетди.

\* \* \*

Камол кетганидан кейин Зумрад стол устида очиқ ётган китобни ёпиб қўйди; чироқни ўчириб, ўринга кирди.

У Камол билан бари бир ўзи истагандай гаплашолмаганини, ҳали Райҳон бибини оқлаганидай, Камолни ҳам оқлаганини ўйлаб, ўзини ортиқча кўнгилчанликда айблади. У кўп вақт ўтмасдан йиғитнинг бир кунни яна қаро тунгача ғойиб бўлиши, кампирнинг яна остонада йиғлаб ўтириши аниқ эканлигини ўйлади. Хаёли қочиб, дили қайтадан сиёҳ бўлди.

Қор энди тинганди. Каравот этагигача ой нури тўкилиб, хона бирдан ёришди.

«Дунёда ҳеч нарса абадий эмас, дейишади! Кунлар, ойлар ўтиб, Камол балки шаҳарга қаро тунгача кет-

масликка ўрганар, балки ўзининг шаҳарга боғлиқ ишларидан воз кечар! Эҳтимол, кампир ўглининг раъйига ҳозиргидан кўпроқ қарар, шаҳарга бориб-желишнинг оддий ҳол эканлигига тушунар! Ҳар қалай, хонадонда уч йилдан буён давом этаётган можаронинг ҳам қандайдир ниҳояси бордир!...»

Зумрад шундай деб ўйлади-да, кўнгли бир оз таскин топиб, жисму жонига ором кира бошлади.



Камол ўзини Мутавалли бобо сўроқлаганини Райҳон бибига айтиб, қайтадан усти-бошини кийди. У кампирга ўзини чол нима сабабдан сўроқлаганини айтиб ўтирмади. Кампир ўглининг электр ишларига аралашганидан ниҳоятда қўрқар, бир куни Камол ўз уйлари томига чиқиб узилган симни улаганида Райҳон биби ерга ётиб олиб, айюҳаннос солган эди.

Мутавалли бобонинг уйда лампа хирагина милтилларди. Камол қаерда сим куйганини аниқлаб, чироқни ёқиб берди. Эртaroқ келолмагани учун чолдан узр сўраб, кўчага чиқди.

Қор кўрпани бошига тортган қишлоқ кўчаси сокин эди. Камол девор этаклаб уйга томон йўл олди. Кўча бошидан келган қандайдир машина қишлоқ сукуватини бўзиб, дашт томонга ўтиб кетди.

Камол Қосимни эслади. Қосимнинг «қишлоқда баъзан зерикаман», деганини ўйлаб, дўстига ачинди. У дўстининг кўпдан буён, умуман, сиқилиб юрганини, унга катта бир қувонч насиб этмагани-ю, насиб этмаётганини ўйлади. Бу йигит ёши ўтиб, умр йўлидаги гурбатлардан толиққан, азбаройи ҳамма нарса жонига текканидан хуноби ошган, дунёда бахти йўқ, умиди йўқ бир кимсага ўхшарди. Камол дўстининг ҳолатини унинг артист бўлолмагани оқибати, деб тахмин қилди. Артист бўлолмаганидан, бу йигитнинг ҳаттоки бўю баста ҳам ўсмай қолгандай бўлиб туюлди унга...

Камол уйга қайтиб, дераза олдидаги тўшакка чўзилганича, оёқларини сандалга суқди.

Райҳон биби пишиллаб, ширин ухларди.

Камолнинг бошида айланган ўйлар, шу оқшом унинг тушларида ҳам давом этди. Туш кўрсаки, Қосим Регистонда, ҳашаматли, вазмин арк пойида оёқларини кериб, кўксини мағрур кўтариб турганмиш. Хушқомат, елкадор, Камолдан анча катта эмиш. Ялтир-юлтир



кийиниб, қилич таққан, худди шаҳзода Фарҳод қиёфасига кирган эмиш. «Сен Фарҳодни ўйнаяпсанми?» — сўради ундан Камол. «Йўқ, мен Фарҳоднинг ўзи, оғайни!» — дермиш Қосим. «Ҳазилингни қўйсанг-чи!» — Қосимнинг қовоғидан қор ёғармиш. У чиндан ҳам Фарҳод эканлигини исбот қилмоқчи бўлиб, баланд овозда «Танда тоқат қолмади» деган ашулани айтиб берармиш...

\* \* \*

Қосим Камолга: «Мен ўзим кун ора шаҳарга келиб кетаман», деб ростини айтган, шаҳар айланиш унинг учун одат тусига кирганди. Шунга қарамасдан, Қосим Камол билан шаҳарда учрашиб қолгани-ю, шаҳар кезганини узоқ кунларгача унутолмади. У, айниқса, Камол билан ўйланиш борасида гаплашганини қайта-қайта эслар. ўзи, Камол, ҳаёт тўғрисида беихтиёр хаёлга чўмарди.

Қосим Камолнинг кимгадир кўнгил қўйиши, кимгадир ўйланиши мумкинлигига шу дамга қадар бефарқ қараб келган, бундан кейин ҳам шундай бўлади, деб ўйлаганди. Йўқ, ўша суҳбат пайти Қосимга Камолнинг кўнглида аллақандай сир яшириниб ётгандай, айти шу кунларда кимдир бу содда, беозор йигитнинг хаёлларига кириб, қону жонида яшай бошлагандай бўлиб туюлди ва Қосим бунга ҳеч қачон бефарқ қарай олмаслигини кундан-кунга чуқурроқ ҳис этди.

Қосим Камолнинг яқин орада ўйланмаслик ҳақидаги гапига кўнглида ишонмасди. У энди кўп нарсаларни ўйларди. Камол қаердан қиз танлаган — Чаманданми, Бунёдданми? Унинг танлагани қандай қиз — Раънога нисбатан чиройлими ёки хунукми?! Умуман, Камолни кўйдирган санам ким бўлди экан?!

Қосим, мен бахтсизман, Камол муҳаббатда, очлада мендан кўра албатта бахтлироқ бўлади, деб ўйлар, уни рашкками, қизғанишгами ўхшаган ҳиссиёт куйдирарди. Қосимни шу дамда Камолнинг тақдирини нечукдир ҳар қачонгидан кўпроқ қизиқтирар, у кўнглидаги саволларга тезроқ жавоб топишни истар, ўз ҳолатидан ўзи ижирганиб, руҳан қийналарди.

Қосим айрим оқшомлар уйда кўрпага бурканиб ётганича, бехосдан: «Э, бор-э, менга нима?» — деган фикрга келар, ўзи, Камол, ҳаёт тўғрисида ортиқ бундай ўй сурмасликка қарор қиларди. Бироқ, кўп ўтмас-

дан, унга ўзининг бахтсизлиги билан Камолнинг бахти тўқнаша бошлагандек бўлиб кўринар, ўзини гўёки таҳқирлангандек ҳис этар, яна беихтиёр аёвсиз хаёл гирдобига тушарди.

\* \* \*

Камол чиндан бир неча ойдан бери ширин изтироб оғушида яшар, унинг кўнглида аллақандай сир яшири-ниб ётгани айни ҳақиқат эди...

Камол кузда, пахта йиғим-терими давом этаётган кунларда далани кезиб юриб, пахтаси яхши очилган, машинага ажратиб қўйилган майдонда бир тўп теримчи гимирлаб юрганини кўрганди. Булар шу қишлоқлик Хайдар ака бригадасига шаҳардан келган ёрдамчилар бўлиб, аслида, буларнинг Камолга алоқаси йўқ, майдон ҳам унга дахлсиз эди. Аммо, ҳар қандай қишлоқ кишиси сингари у рўй бераётган аҳволга бепарво қараёлмади. Шовқин кўтарди. Ёрдамчилар йўл ёқасидаги ариқнинг нариги бетига ўтиб кетишди.

Камол йўлда давом этди. Худди шу асно, ҳаво ранг қўйлак, пошнаги туфли кийган қандайдир қиз осмондан тушгандек Камолнинг рўпарасида пайдо бўлди. Камол қизнинг катта, беғубор, содда кўзларига тўқнаш келиб, олдинга босишини ҳам, бирон томонга бурилиб кетишини ҳам билолмай, довдираб қолди. Қиз эса, йигитга эътибор ҳам бермаган кўйда, унинг ёнидан елдай ўтиб кетди.

Камол машина теримига ажратилган майдонга ўғринча кирган шаҳарлик ёрдамчиларни оқламади. Аммо, у ўзининг ёрдамчиларга: «Сенларнинг фойдангдан кўпроқ зиёнинг тегади» деб, кескин гапирганини ҳам кўнглида тўғри деб билмасди. У, маълум фурсат ўтганидан кейин, ёрдамчиларга шундай пайтда гап ни-мада эканини босиқ тушунтириш керак эди, деб ўйлади. Камол ўша кун рўпарасида пайдо бўлган қиздан ўзининг шовқин кўтаргани учун хижолат чекди. Манз, шу қизнинг олдида ўзидан-ўзи нечундир бир оз уялган-дек бўлди.

Нотаниш қиз ўша кун Камолнинг хаёлига кирди. Бу қиз Камол таниган, кўриб юрган қишлоқ қизларидан эмасди. У афтидан, шаҳарлик эди. Камол уни ёрдамчилардан бўлса керак, деб ўйлаб, Хайдар ака бригадасига тегишли пахта майдонларида кўп кезд; ёрдамчилар турган ётоқхоналар атрофида кўп айланди.

Йўқ, Камол ҳаво ранг кўйлак, пошнаги туфли кийган қизни қайтиб ҳеч қачон, ҳеч қаерда учратмади. Қиз хаёлий бир шарпадек лип этгану ғойиб бўлган эди.

Камол тинчини йўқотди. Унинг боғу томорқа тўрри-сида ўйлашига ҳам, шаҳарда ўқишни орзу қилишига ҳам энг аввал кўнглида туғилган нотинчлик сабаб бўлди. Йигит хаёлидаги қизни гоҳо қишлоқ, гоҳо шаҳарда излар, кўришгиси келар, ўзинча баъзан, мен бу қизни энди ҳеч қачон, ҳеч қаерда учратмайман, деб қўрқарди.

\* \* \*

Камол Қосимга «қишлоқда одам зерикмайди», дегани-ю, клубни, кинотеатрни тилга олганига қарамай, унинг ўзи клуб ёки кинотеатрга кунда бормасди. Кутубхона борасида ҳам худди шундай. У қишлоқдаги кутубхона ишга тушганини эшитган, аммо кутубхонага бирон марта кирмаганди.

Камолнинг Бухородаги қишлоқ хўжалик техникумида сиртқи ўқишига ҳам имкон йўқлиги маълум бўлиб қолди. У кампир онасининг майлу хоҳиши билан ҳисоблашишга мажбур эканлигини ҳис этиб, бир томондан, ҳозирча ўқиёлмаслигига қаноат ҳосил қилди. Иккинчи томондан эса, Камол ўқиш орзусидан бутунлай воз кечиши ҳам мумкин эмасди. Шундан, у қишлоқ кутубхонасига ора-сира кириб, ҳар хил китоблар билан оз-моз танишиб турсам, қачондир нафи тегар, деган фикрга келди.

Бир куни у кутубхонага йўл олди. Эшикни дадил очиб, ичкарига кирди. Кутубхонада ҳеч ким кўринмасди. Камол ботинар-ботинмас тахта тўсиқнинг олдида борди. Тўсиқ олдида тўхтаб, икки ён тараф, орқа тараф ҳамда хона ўртасидаги қатор тоқчаларда шифтгача тегиб қўйилган китобларни кўздан кечирди... У, одамлар ўқисин, деб шу қадар кўп китоблар яратилгани, шунча китоблар борлиги-ю, ўзи сўнгги йилларда деярли китоб ўқимаганини ўйлади. Уқинди.

Камолга кутубхона, китоблар биргина лаҳза ичида гўёки бутун ҳаётини эслатгандек, ҳаётда рўй берган нуқталарни ёдига солгандек бўлди.

Камол ақлини таниб, қаерлардадир уруш бораётгани, икки акасининг жангда нобуд бўлганини эшитди. У, отасининг қадди букилиб, ҳасса тутганини, онасининг аччиқ бўзлагани, неча кун нам ерга кўксини босиб ётганини кўрди. Эзилди.

Чаман қишлоғида олдинлар фақат битта тўрт йиллик мактаб бўлиб, бу мактабни битирган ўқувчилар ўз қишлоқлари билан қўшни Бунёд қишлоғи ўртасида жойлашган етти йиллик мактабга бориб ўқишарди. Етти йилликни битирган ўқувчилардан айримлар колхоз идораси олдидаги катта мактабда ўқишни давом эттиришар, айримлари меҳнат майдонига киришарди.

Камол ўзини илк бора мактаб остонасига зарурат деб эмас, мажбурият юзасидан қадам қўйгандек ҳис этди. Тўрт йиллик мактабда Ҳасанов деган муаллим бўларди. У ҳар кун эрталаб мактаб олдидаги майдончага уфқ тарафдан мотоциклни тариллатиб кириб келар, туш пайти мотоциклни тариллатиб, уфқ тарафга қайтиб кетарди. Камолни ўшанда майдончада туриб қаердадир, қишлоқдан олисда яшаган муаллимнинг мактабга келиб-кетишини кузатиш — хат-савод ўрганишга, китоб кўришга нисбатан кўпроқ қизиқтирарди. Камол хаёлига жонланиб кирган ўнлаб, юзлаб сўзни юпқа дафтар чизикларига ёзар, бироқ ниҳоятда бадхат бўлганидан, ўзининг ёзган сўзларини ўзи ҳам қайтиб ўқиёлмасди. Алифбе унга севимли китоб эмас, латтадан тикилган жилдга шунчаки солиб қўйилган болтадек туюларди. Тўрт йиллик мактабни ҳаммадан орқада судралиб тугатган Камолни етти йиллик мактабга зўр-базўр қабул қилишди.

Камол Чаман билан Бунёд қишлоғи ўртасида жойлашган етти йиллик мактабда олдингидан анча дуруст ўқиди. Бунга муаллимлар берган даккилар ёки Камолнинг ўртоқлари наздида ўялиши сабаб бўлгани йўқ. Бунга янги мактаб ҳовлиси кунжидаги пастак бир уйча, бу уйчадаги мўъжаз бир кутубхона сабаб бўлди.

Камол бир танаффус пайтида синфдошларига эргашиб кутубхонага кирди. Ўртоқлари кутубхонага ёзилганини кўриб, у ҳам ёзилди ва ўртоқлари китоб олганини кўриб, у ҳам китоб олди. Камол биринчи олган китоб «Ўзбек халқ эртаклари» эди. У китобни олишга олиб, дарҳол ўқимади. Бошда уйга келтириб, хона тўридаги токчани эгаллаб ётган дарслик ва дафтарлари орасига ташлаб қўйди. Кейин бир кун китобни эринибгина варақлади; бир эртакни ўқиди.

Қайсидир қишлоқдаги одамлар муаззам дарахт остида нечундир мулланинг жасади узала ётганини кўришибди. Қарашса, унинг танаси бору, боши йўқ экан. Одамлар: «Аслида, мулланинг боши бормиди ёки йўқмиди?» — деб, ўйланиб қолишибди. Шунда, кимдир бу

саволга жавобни, яхшиси, мулланинг хотинидан сўраш керак, дебди. Одамлар мулланинг хотинига мурожаат қилишибди. Мулланинг хотини узоқ ўйланиб, ахийри: «Ияклариди соқолга ўхшаган бир нарса липиллаб тургани эсимда, лекин бошлари бормиди, йўқмиди, билмадим», — дебди.

Камол «Мулланинг боши бормиди?» — деган бу эртакни, сарлавҳа остига «Бухоро эртаги» деб ёзилгани учун ҳам қизиқиб ўқиди. Сўнг бошқа эртакларни ҳам ўқишга тушди. Кейин китобни тўғри мактабга кўтариб борди ва биринчи рўпарасидан чиққан ҳисоб муаллимига ҳалиги эртакни кўрсатиб, Бухорода ростдан шундай воқеа бўлганми ёки буни одамлар тўқишганми, деб сўради. Ҳисоб муаллими эртакни ўқимаган экан, ўқиди, кулди.

— Бундай воқеа бўлган эмас, буни халқ тўқиган, — деди у. — Лекин, сен билиб қўйгинки, халқ бир нарсани бекорга тўқимайди. Халқимиз, одам дунёда фойдали ишлар қилиши, одамнинг бошида ақлу заковат бўлиши керак, демоқчи...

Муаллим шундан кейин Камолни кутубхонага етаклади. Унга Садриддин Айнийнинг «Эски мактаб» ҳамда «Одина» китобларини олиб берди.

— Энди бўлган воқеалар ёзилган мана бу китобларни ўқи, — деди у. — Ҳозир сен дарсларни қанчалик яхши тайёрлаб, қанчалик кўп китоб ўқисанг, катта бўлганингда шунчалик фойдали ишлар қиладиган одам бўласан!

Камол шу даврда кўплаб эртакларни, қарийб жамики халқ дostonларини ва болалар ҳаётидан ёзилган талай китобларни ўқиди. У етти йиллик мактабни ёмон битирмади. Колхоз идораси олдидаги мактабда ўқигиси, катта мактабда ўқишни албатта давом эттиргиси бор эди, бўлмади... Усмон бобо қаттиқ ётиб қолди. Камол эндиликда мол-ҳолга қараш, ўт ўриб келиш, экин-тикинни суғориш бўйинга тушган биринчи вазифалар эканлигини ҳис этди. Қишлоқда юмуш оёми?! Қишлоқда яшагач, фақатгина шахсий хўжаликни ўйлаш етарли эмасди. Албатта, хонадондан кимдир далага чиқиши, чопиққа, теримга қатнашиб, колхоз ишига ҳам баҳоли қудрат ёрдам бериши керак эди. Райҳон бибига чолнинг йиқилиб қолгани таъсир қилаётганини кўрган Камол, онасининг пинжиги киришдан бўлак илож йўқлигини англади... Усмон бобо тўшакдан қайтиб қўзғалмай, ҳаёт билан видолашди... Камол ўқишни қўйиб, ти-

рикчиликни ўйлайдиган бўлди. Қишлоқчилик эмасми, у балоғатга етиб-етмасданок, катта ёшдаги одамлар сафига қўшилди...

\* \* \*

Кутубхона, китоблар чуқур хаёлга чўмдирган Камолнинг диққатини ногаҳон енгил бир шарпа жалб этгандек бўлди. У бошини кўтарди.

Китоб жавонлари орасидан кутубхоначи қиз чиқиб келди.

Камол қизни кўрди-ю, эси оққандек, қотиб қолди. У, магазинга яхши бир мато келганини эшитиб киргани энди пули йўқлигини ҳис этиб, чеккада паришон туриб қолган одамга ўхшарди.

Бу, кутубхоначи — Камол излаб юрган нотаниш қизнинг ўзгинаси эди. Фақат, ҳозир у ҳаво ранг кўйлаида эмас, қизил кийган, унинг сочига ҳам қандайдир қизғиш тўғнағич қадалганди.

Камол хижолатга тушиб, қизнинг катта, беғубор, содда кўзларидан беркингиси, улардан қочгиси келди. У тахта тўсиқ олдида турганича, ҳаяжондан бир оз титрар, унинг учун рўпарасида қайта кўринган қиз ажиб бир хилқат, табиатнинг гўзал бир бунёди эди.

— Кечирасиз... Ҳорманг...

— Келинг... Китоб керакмиди? — Қиз бу гапни ўзининг ишлари билан хаёли банд бўлган одамларга хос ишчан оҳангда айтди.

— Ҳа, китоблардан... — пичирлади Камол.

Қиз яна жавонлар орасидан хонанинг орқа томонига йўналиб, кўздан ғойиб бўлди. У андак фурсатдан кейин икки-учта китоб кўтариб келди. Келтирган китобларини, Камол танишсин учун, тахта тўсиқ устига қўйди. Кутубхонага биринчи қадам қўйган қишлоқ ёшларидан кўпчилиги эртақ, дoston китобларини сўрашса керак, кутубхоначи қиз Камолга ҳам «Ойсулув», «Нигор ва Замон», «Рустамхон» сингари дoston китобларини тақлиф қилганди.

— Булар яхши... лекин, мен буларни бир вақт ўқиганман, — деди Камол. — Турмушдан ёзилган китоблар бўлса...

Қиз беозор жилмайди.

— Китоблар кўп... Ўзингиз нимани ўқимоқчи эдингиз?

— Мен... шундай... қизиқарли китоблар ўқимоқчи эдим...

Қиз хонанинг орқа томонига йўналиб, бу сафар бир хил оч-қизғиш рангдаги иккита қалин китобни кўтариб келди.

— Мана бу — Айний ёзган китобларни ўқинг, — деди у курсига ўтираркан, таъкид оҳангида. — Китоб ўқи-моқчи бўлган бухоролик энг аввал Айнийни билиши керак!..

— Яхши! — деди Камол. — Мен болаликда бир оз ўқиганман, лекин ёзиб беринг, яна ўқийман.

Кутубхоначи қиз тахта тўсиқининг ортида ўтирганича, кичик бир дафтарчани қўлчга олди. Камолдан исму фамилияси, туғилган йилини суриштира бошлади. У ҳар дам йнгитга қараб қўяр, унга аста-аста разм солаётганга ўхшарди.

Камол, бу қиз мени далада учратганини эсладими ёки Зумрад мендан унга шикоят оҳангида гапирганми-кан, деб баттар хижолатга тушди. Бўйинини, елкаларини қисди.

Кутубхоначи қиз, ниҳоят, «қўл қўйинг» деб, дафтарчани Камолга узатди. Камол қўл қўйиб берганидан сўнг эса, худди «гап тамом» дегандай, бошини вазмин букиб, олдида очиқ ётган дафтарга ниманидир ёза бошлади.

Камол олган китобларини кўтариб, кутубхонадан чиқди.

Бу кун у ўзини кўпдан буён ширин изтиробга солиб юрган қиз билан яна кўришгани-ю, икки оғиз бўлса-да, гаплашганидан мамнуният ҳис этарди. Аммо, бундан бўлак, энди унинг юрагида баёнсиз бир оғриқ ҳам уйғонган, кўнглига мислсиз бир ғусса ҳам чўкканди. Камол қизни ўйлаб юганида, қиз ўзига ниҳоятда яқин тургандек туюлган, назарида, уни учратса, бас эди. Бу кун қизни учратганидан сўнг эса, у олдин ўйлагани шунчаки хаёл эканлигини, икки ўртада йироқ масофа борлигини сезгандек бўлди. Камол, айни фурсатда, қизнинг совуқроқ гаплашганидан бир оз ғаш, ўз тақдир бундан кейин қайси тарафга йўналишини билмаганидан бир оз паришон эди.

— Кунлар ўта бошлади. Камол ҳар кун бир марта кутубхонага бориб қиз билан кўришишни ўйлар, бироқ ўзидан-ўзи қиснар, бунга нимадир монелик кўрсатарди.

У кутубхонадан келтирган китобларини тез орада ўқиб чиққанига қарамай, яқин кунлар ичида кутубхонага қайтиб кирмади.

Минг тўдқиз юз олтмиш бешинчи йил баҳори қишлоққа ўзгача файз билан кириб келди. Худди шу йилдан қишлоқ ҳаёти, бутун қишлоқ аҳли ва жумладан, Камоллар хонадони турмушида янги саҳифалар очила бошлади...

Райҳон биби уйдан чиқмасди. Камол билан Зумрад уйга ҳар оқшом қандайдир гап топиб келишар, дастурхон бошида ўтириб, ўртага тўкишарди.

— Бибижон. Яраш ота раис бўлдилар...

— Баҳромовга нима бўлди?

— У киши ўз колхозига кетди. Яна олдингидай иккита колхозга ажралдик...

Зумрад, шундан кейин, бир оқшом бундай гап қилди:

— Яхши ишлар бўляпти... Одамларнинг бир вақтлар қисқарган томорқаси қайтиб кенгаяди... Мол-қолга, қўю қўзи, паррандага сон киради... шунга ўхшаяпти...

Камол эса бошқа бир гапни айтди:

— Идорада мажлис бўлди. Яраш ота анча гапирдилар. Қишлоқ хўжалиги суст ўсяпти, унинг ўсишига ниманки халал берса, шунга қарши курашамиз, дедилар... Яраш ота ўзлари гоҳ отда, гоҳ пиёда, гоҳ машинада қишлоқларни айланиб, шу кунлар оқсоқоллар билан суҳбатлашиб юрган эканлар. Ким қаерда, қандай ишлаётгани билан ўзим шахсан қизиқаман, дедилар...

Бир кун Камол уйга илжайиб келди. У дастурхон бошида ўтирганида ҳам лабларини йиғолмасди.

— Ёшлар бригадаси тузиляпти, — деди у ниҳоят. — Мени бригадирликка сайлашяпти...

— Бошқа одам топилмаптими! — тегишди Зумрад.

— Мени дала ишларида тажрибаси кўпроқ, дейишяпти... Ким билсин...

Камолнинг юриш-туришида энди олдинги паршонлик кўринмасди. У баъзан далага, баъзан идорага қатнар, нималардандир куюниб, ҳаяжонланиб юрарди. Энг муҳими, у шаҳарга боришдан ўғиз очмай қўйган, бундан Райҳон биби ҳам, Зумрад ҳам хурсанд эди.

Бухоро аввалдан иқлими иссиқ ўлка. Шундан, гўёки ёз баҳорга чап бериб, ўзи бостириб келгандай, ҳарорат бирдан кўтарилганди. Илк баҳордан ариқлар лабида



майса, шўра, ялпиз сабза уриб, дала-биёбонда тиканак қизғиш, сарғиш гуллар очди. Қадимда гўшт қаҳат бўлганидан, кейинчалик эса, ҳавасга шўрани тўғраб, ҳар баҳорда чучвара қилган халқнинг қачондир бу ҳақда тўқиган енгил қўшиғи янгидан қишлоқ йиғитларининг тилига тушди, қайтадан янграй бошлади:

Қизлар бородур шўрага,  
Мен ҳам бороман шўрага...

Зумрад Камолнинг энди уйда ҳам одатдагига ўхшамаган тарзда қимирлаб қолганини кўрди. У бир кунни тонгда гумбурлаган товушдан уйғониб кетди. Ҳовлига чиқиб, Камолнинг кўча томон деворини қўприб ташлаётганига кўзи тушди.

— Э, шу дарвозани бу еққа кўчириб қўяй. Ҳамма қатори дарвозамиз кўчага қаратилса, тузук бўлар...

Камол дала-даштга қаратилган дарвозани кўчага қаратиб қурди. Зумрадга Камолнинг бу иши ёқди. Аммо ўзинча, шу пайтга қадар ҳеч кимнинг хаёлига келмаган бу ишни Камол нима сабабдан бирданга қўзғатганига ҳайрон ҳам қолгандек бўлди.

Кўп ўтмасдан, у бир оқшом алламаҳалгача китоб ўқиб ўтириб, қўққисдан Райҳон бибининг хонасида ҳам чироқ ўчмаётганини сездди. Райҳон биби одатда эрта ухлар, Камолнинг ҳам узоқ ўтириш одати йўқ эди. Зумрад таажжубланди. У қўлидаги китобни ёпди; нариги хона деразасига ўйчан тикилиб, анча ўтириб қолди. Бироқ, деразадаги шуъла ҳадеганда сўймади.

Зумрад эртаси кунини шу хона тўрида турган сандиқ устида бир даста китоб ётганини кўрди. Қизиқсиниб қаради — кутубхона китоблари, аммо ўзи олган китоблардан эмас, бошқа.

Девор этагида мўмингина ўтирган Камол унга оҳиста сўзланди:

— А... буларни мен олдим.

Зумрадга кўпдан буён китобга қарамаган Камолнинг ногаҳон бир даста китоб кўтариб келгани фалатироқ туюлди.

— Янгилик, — деди у. — Бригадир бўлиб китобга ҳам муҳаббат туғилиб қолдимми?!

— Э, қарасам, мenden бўлак ҳамма ўқиб юрадди. — хижолатдан қизариб, ўзини оқлагандай оҳангда пичирлади Камол. — Мен ҳам бир оз ўқий-чи...

Зумрад Камолдан: «Томорқамиз, боғимиз бутунлай

қаровсиз бўлиб қолди», деган гапни кўп эшитган, бироқ шу пайтгача йигитнинг томорқа-боғ билан шуғулланганини кўрмаганди. Шундан, у Камолнинг янги кетмон сотиб олганига ҳам парво қилмаган, томорқа-ю, боғ тартибга тушадди, деб ўйламаганди. Айниқса, пахтага эътибор кучайиб, қишлоқда ер кўпаяди, деб юриб, томорқалар аксинча қирқилган, солиқлар ошиб, одамлар мевали дарахтларни кундаков қилаётган, молларини ҳам сўйиб сотаётган бир пайтда бунга ишониш қийин эди. Йўқ, Камол қизгин ишга тушди. Зумрад унинг томорқани янгидан чегалаб, дарахтлардаги бачки шохларни қирққани, ер чопгани, йўлкаларни тозалашга киришганини кўриб, яна — ҳам суюнди, ҳам таажжубга тушди.

Зумрадга Камолнинг юриш-туришида жиддий ўзгариш рўй бераётгани, умуман, ёқар, уни қувонтирарди. Аммо, шу билан бирга, қизга энди Камол нимагадир тараддуд кўраётгандай бўлиб туюлар, ажиб бир ўзгариш келаётганини ўйлаб, баъзан хаёли қочарди.

Кулар ўтгани, йигитнинг кўнгли қатидаги гаплар ошкор бўлгани сайин, қизнинг кўнглига баттар гулгула туша бошлади.

Камол бир куни Зумрадга бундай савол ташлади:

— Бу кутубхоначи қизни когонлик дейди, шу ростми?

— Рост... Нимаиди?

— Когонлик бўлса, нима учун Когонда иш топилмагандай, бизнинг қишлоқда юрибди, дейман?!

Камолнинг гапи Олиядан қандайдир ранжиган, норози бўлган одамнинг шикоятига ўхшарди. Бу гап Зумрадга, ҳар қалай, шундай таъсир этди. У Олиянинг ёнини олиши керак бўлган одам ҳолатига тушиб, қишлоқ кутубхонаси узоқ йиллар давомида фақат номпагина ишлагани, кутубхона Олиянинг қўлига ўтганидан буён иш анча тартибга келганини куюниб айтди. Бундан сўнг, иш оқсаб ётган жойга келиб хизмат қилаётган Олияни мақтагандек, унга кўнглида қандайдир меҳри борлигини изҳор этгандек бўлди.

Камол бу гапларга жавобан ҳеч нарса демади. У бир нуқтага андак маънос тикилиб, хаёлга чўмди. Сўнг ўрнидан кескин қўзғалиб, хонадан чиқиб кетди.

Зумрад йигитнинг кўнглида Олиядан ранжиш ҳам, норозилик ҳам йўқлигини, у Олия тўғрисида очиқ гап сўрашга тортганини учунгина бошда шунчаки тўнғиллаб қўйганини ҳис этди.

Олия билан кичик бир суҳбатдан кейин, Зумраднинг хаёли яна қочди. У одатдагидай китоблар олмоқчи бўлиб кутубхонага борди. Қўлидаги китобларни топшириб, бошқа китоблар оларкан, Олиянинг хомуш гаплашаётгани, кутубхоначининг ўзи қандайдир китобга боғланиб ўтиргани бештиёр диққатини жалб этди. Кутубхоначи қизнинг нима ўқиётгани билан қизиқсинди.

— Толстойнинг «Қазаклар» китоби, — деди Олия. У муқовани кўрсатди. Қалин оқ муқовада ажиб бир расм бўлиб, муаллифнинг номидан ҳам катта қора ҳарфларда «Қазаклар» деган сўз ёзилган эди. — Утган ҳафта телевизор шу китобнинг киносини берибди. Хосият айтди, — ҳамон хомуш сўзланди Олия. — Сиз кўрмадингизми?!

— Йўқ, олажон, мен уни кўролмадим... — деди Зумрад.

— Мен, албатта, кўрмоқчи эдим, лекин бўлмади. Утган ҳафта уйдаги телевизор ёмон ишлади...

Телевизор ҳақидаги гап бехосдан Камолга бориб боғланди.

— Менга айтмабсиз-да, — деди Зумрад. — Камолга айтсак, дарров тузатиб берарди...

— Камол телевизор тузатишни биладилар, денг?

— У киши электр ишларига қизиқиб юради... Кейин, Камол ишни миннат қилмасдан бажаради, шуниси яхши... камтар йиғит...

Зумраднинг назарида, Олиянинг оқ, лўппи юзи ёришиб, катта, беғубор, содда кўзларида яширин бир мамуният порлагандек бўлди.

— А, буни биламан... — деди Олия.

Зумрадни қизганишгани, рашкками ўхшаган ҳолат чулғади. У Камолни ўзи мақтаб қўйиб, Олиянинг «биламан» деганидан хаёли қочди, куйди.

Олия Камолдан қайтиб оғиз очмади. Уша кундан кейин Зумрад Олия билан яна кўришиб, суҳбатлашган пайтларда ҳам Камол тўғрисида ортиқ гап қўзғалмади. Камол ҳам Зумраддан Олия тўғрисида қайтиб ҳеч нарса сўрамади ва Зумрад кўнглига гулгула солган гапларни аста-секин унута бошлади. Аммо баҳор ўртала-рида, кутилмаганда, унинг дарди янгиланди.

Зумрад бу йил юмушлари ҳар қачонгидан кўпайиб, олдинги пайтлардагига нисбатан нотинчроқ юрган, Райҳон бибининг яна раъйига доим ҳам қарайвериш имконини топмаган Камолни уйга қамаб қўйиш ҳеч кимнинг қўлидан келмаслиги-ю, ундан буни талаб қилиш

ҳаттоки кулгилли эканлигини яхши биларди. Бироқ, у кампирнинг осойишталигини истар, Камолга бошқаларга инсбатан кўпроқ инсоф тилаб юрарди...

Камол, умуман, инсофга кирганди. Унинг шаҳарга бормай қўйганига, Райҳон бибининг тинчиб қолганига ҳам кўп пайтлар бўлди. Зумрад хонадонда энди дилсиёҳлик қўзғалмаслиги, кайфият бузилмаслигига кўнглида кундан-кун ишонч ҳосил қила бошлади. Ана шунда яна бир кун гишт қоллипдан кўчди...

Камол шаҳарда қиладиган ишлари борлигини айтиб, наҳорда чиқиб кетди. Хонадонда қиш кунларидаги сингари манзара яна тақрорланди.

Уша кун Зумрадининг қайтадан асаби бузилиб, қони қайнади. Камол бу гал шаҳардан қайтиб келгач, Зумрад уни одатдагидан ҳам кўпроқ исканжага олиб, буидан кейин аҳвол шундай давом этса, уйдан кетаман, деган шартни қўйди.

Камол қизининг аччиқ-тизиқ гапларини вазмин эшитди. Сўнгра, қизга жавоб ўрнида қандайдир воқеани ўйчан ҳикоя қила бошлади... Бир одам денгизда саёҳат қилгиси келиб, олис манзилни кўзлаган каттакемага минибди. Аммо кема қирғоқдан узоқлашгач, у денгиз салобатидан ниҳоятда қўрқибди-да, ўзини тўрт томонга уриб, дод солибди. Атрофидаги одамлар унга гап тушунтирмақчи бўлиб қанчалик уришишмасин, фойдаси тегмабди. Ахийри, кема дарғаси денгизчиларга ҳалиги сайёҳни белидан арқон боғлаб бир-икки соат сувга тушириб қўйишни буюрибди. Сайёҳ сувга тушганидан кейин, бошда баттар бақирибди. Лекин, сал фурсат ўтгач, у тинчибди ва бошқа бақирмасликка ваъда берибди-да, ўзини тортиб олишларини сўраб яливибди...

— Бир китобда ёзилган гаҳати бу воқеани мен бекорга гапирмадим, — деди Камол ниҳоят. — Кампир учун қишлоқдан нари томон — мисоли денгиз. Мен ҳам кампирни қўймай шаҳарга бир олиб боришим керак. Пўлни кўрсинлар... шаҳарни...

Зумрад қишлоқ кексалари орасида умри бўйи бир қатла шаҳарни бориб кўрмаган кишилар топилиб туриши-ю, Райҳон бибининг бу борада танҳо эмаслигини биларди. Ҳозир у мункиллаган бир чол билан пахта терими кунлари хирмонда суҳбатлашганини эслади. Ушанда, Зумрад хирмонда чой қайнатиб юрган, дастёрлик қилган чолдан Бухорога ўтмиш замонларда бориб-бормагани-ю, Бухоронинг охириги амирини кўриб-кўрмага-

нини шунчаки сўради. Чол беозор кулумсираб, узоқдан кўкка юксалган минораси кўриниб турган шаҳар томонга хомуш қаради. У ўтмиш замонда ҳам, ҳозирги даврда ҳам Бухорога бормаган экан. Зумрадининг саволига жавобан, чол жудаям антиқа воқеани гапириб берди. У амир замонда «шаҳарга бир борсам, керак бўлар», деб уч-тўрт танга тўплаган, халтачага солиб қўйган экан. Қовун пишиги кунлари, ниҳоят, шаҳарга бориш ниятида хачирга миниб, йўлга тушибди. Бироқ, йўлнинг ярмига бормасдан танга солинган халтачанинг ёнида йўқлиги, демакки, уйда қолиб кетганини сезибди. Хачирнинг бошини буриб, яна уйга келибди ва шаҳарга бориш қайтиб ҳеч қачон хаёлига келмабди.

Зумрад қишлоқ кексалари орасида туғилган тупроғига қаттиқ боғланган, шу тупроқдан бўлак жойлар билан танишишни ортиқча бир ташвиш деб билган кишилар ҳамон борлигини биларди. Улар хонадонида Райҳон биби худди шундай қишлоқ кексаларига тирик мисол эди.

— Бибим шаҳарга бормайдилар, — деди Зумрад Камолга. — У кишини шаҳарга олиб бориш сиз ўйлагандай осон иш ҳам эмас...

— Алдайман-да, — кулди Камол. — Қувват бобонинг уйига борамиз, деб катта йўлга олиб чиқаману шапла автобусга ўтқазаман...

Зумрадининг хаёлига белидан арқон боғлаб денгизга туширилган сайёҳ ўрнашиб қолганди. Унга бу воқеа ниҳоятда қизиқарли бўлиб кўринди.

— Сиз айтган денгиз воқеаси қайси китобда бор экан? — сўради у.

— Билмадим қайси китобда. Мен буни ўқиганим йўқ, — деди Камол. У хижолат чеккандай, ногаҳон қизарди. — Буни менга Олия айтиб берди...

\* \* \*

Камол кутубхонага ҳали қайтиб кирмаган, Олия билан яқиндан танишишга улгурмаган баҳор кунларидан бирида уни идорага чақиринди.

Раиснинг маданият ишлари бўйича муовини Раҳматов марказдаги катта бир йиғинда қатнашиб келган, йиғин таассуротларини колхоз фаоллари билан ўртоқлашмоқчи эди.

Раҳматов гапни райондаги бир колхозни комиссия текширгани-ю, суғоришдан, ишлов беришдан бебаҳра

қолган, ёввойи ўтларга кўмилиб кетган ғўзаларни кўриб, колхоз раҳбарларини қаттиқ танқид қилганидан бошлади. У мазкур колхоз раҳбарлари ўз айбларини пардалаш учун янги сотиб олинган машиналарни ремонт қилинган машиналар ҳисобига кўшиб маълумот беришганини, бу айб ҳам комиссия томонидан фош қилинганини айтди.

Раҳматов механизацияга эътибор ниҳоятда кучайган давр келганидан сўзлаб, айрим колхоз ва совхоз раҳбарлари механизацияга ёвқараш қилаётгани сабабли, шундай жойларда одамларга жабр бўлаётгани-ю, ҳали кўчада ўйнаб юрадиган даври ўтмаган болакайлар машаққатли меҳнат майдонига кираётганидан гапирди.

У ниҳоят, ўз колхозларидаги нуқсонларни очди. Сўзи охирида қишлоқ кишиси уй-рўзғор тутиш, қандай кийиниб, қандай юриб-туриши устида ҳам бафуржа ўйлайдиган кунлар аллақачон етиб келганини таъкидлади. Куйиниб, кўпроқ китоб ўқиб-ўрганиш, олам ва одам тўғрисида чуқурроқ ўйлаш ҳозирги кунда барчанинг бурчи эканлигини ҳам таъкидлаб ўтди.

— Сизлардан яширишга ҳожат бўлмаса керак, — деди у. — Мен ўзим вақтим бўлганида газета-журналларни варақлаб тураман-ку, лекин, тўғриси, кейинги икки-уч йил ичида биронта янги китоб ўқиганим йўқ... Марказдаги мажлисда кутубхоналар билан китоблар устида ҳам гап борди. Айбим ўзимга маълум бўлганидан, худди бутун танқид менга тегишлидай, бўйнимни қисиб, қизариб ўтирдим.

Камол Раҳматов ўтказган суҳбатнинг бир қарашда жуда оддий ва унча-мунчада эсга тушавермайдиган кутубхона билан китоблар устидаги гапга боғланиб кетишини хаёлига ҳам келтирмаганди.

У идорадан қайтиб келди-да, ул-бул харид қилмоқчи бўлиб, Қосимнинг магазини томон кетди. Магазин эшигига яқинлашган ҳам эдики, ичкаридан Раҳматов чиқиб қолди:

— Сени кўрганим яхши бўлди, — деди Раҳматов тўхтаб. — Сен электр ишларини бир оз биласан, а?!

— Ҳа, ўзимча қизиқиб...

— Юр, бу ёққа... Кутубхонада чироқ ёнмаётган экан, шуни ўзинг бир кўргин-чи... Агар тузатсанг, мон-тёр болани ҳозир қидириб юрмасдик...

Камол Раҳматовга эргашиб олдинга уч-тўрт қадам босганича, таққа тўхтади.

— Йўқ, мен у ёққа бормайман...

— Нима учун?— сўради Раҳматов ажабланиб.

Камолга кутубхонага кириб, чироқни тузатиб бериш ўзига нисбатан аввалдан эътиборсиз, бепарво муносабатда бўлиб келган, эҳтимолки, шунчаки бир қишлоқ йигити деб писанд қилмаган шаҳарлик кутубхоначи қизнинг олдида ўзини камситишдай бўлиб кўринди.

— Ўзим бормайман-да! — деди қайсарлиги тутган Камол. — Мен монтер эмасманки, идораларда чироқ тузатсам...

— Бу идора эмас! Мен сендан кабинетимнинг чироғини ёқиб беришни сўраганим йўқ! — деди Раҳматов жаҳли чиқиб. — Монтер бўлмасанг, нима қилибди! Халққа фойданг тегишини ўйламайсанми?! Бушнинг устига, мен сендан илтимос қиляпман.

Ҳамроҳининг қизариб-куюниб галирганини кўриб, Камолнинг шашти қайтди.

— Мен уни тузатолмаслигим ҳам мумкин, — бирданга буш келмаслик учун тўнғиллади у. — Лекин, майли, кўришдан қочмайман...

Улар кутубхонага кириб келишди.

— Танишмисизлар? — сўради Раҳматов. Сўнг, жавоб ҳам кутмай, унинг ўзи йигит билан қизни таништиришга тутинди. — Бу киши — Олияxon. Бизнинг жуда яхши қизимиз. Меҳнаткаш!.. Бу — Камол. Бизнинг ақлли йигитлардан. Оддий кетмончи, хирмонда ишчи, табелчи, энди бригадир бўлиб, қисқаси, суяги далада қотган. Пахта ишидан бўлак ўнта-ўн бешта ҳунари ҳам бор...

Камол ўзини биров мақтаганида хижолат чекар, қисинарди. У шундан, мақтовни унча хуш ҳам кўрмасди. Бироқ, ҳозир Олиянинг олдида қадри кўтариб қўйилгани унга хуш келди; ҳалигина Раҳматовни хуноб қилганига ичида пушаймон бўлди.

— Икки кундан буён чироқ ёнмасдан, уйга барвақт кетаман. Одамлар бўлса, бу ерга овора бўлиб, бекорга келиб-кетишади... — деди Олия гўёки уни кимдир айблагану ўзини оқлаши керак бўлган одамдай, журъатсиз, эҳтиёткор товушда.

Камол жавонлар орасидан хона тўрига ўтиб, темир дарчани очди ва бир-бирига чирмашиб ётган симларни кўздан кечирди.

Хонада чироқ ярақлади.

— Яшанг! Бор экансиз-ку! — югуриб Камолнинг ёнига келди Олия. — Сизга жудаям каттақон раҳмат! Мени одамлар олдида хижолатдан қутқардингиз...

Олия ёш боладай қувониб, Камолга кўзлари порлаб қаради.

Қизнинг хурсандлиги йигитга ҳам ўтди.

Камол хона ҳам, қизнинг кўнгли ҳам ёришганидан мамнун ҳолатда, энди қандайдир янги ташвишлар билан эшик олдида хомуш турган Раҳматовга кўз ташлади. У, кўнглида бу ёққа ўзини койиб-койиниб келтирган Раҳматовга ишбатан миннатдорлик ҳис этар, гапирай, деса, тилига сўз келмас эди...

Камол шундан кейин кўп ўтмай, қўлидаги китобларни алмаштириш баҳонасида яна кутубхонага қадам қўйди.

Камолни бу сафар Олия самимият билан кутиб олди, у билан гаплашишга майл билдирди.

— Бир нарсани сўрасам майлими?.. — деди Олия.

— Майли... албатта...

— Сиз... бу дала-ю экин-тикидан ташқари, анча-мушча касбга уста экансиз... Дейман, деҳқончилик ўзи бир дунё иш бўлса, бошқа ишларни қачон ўргандингизу бундай ишларни қилишга қандай улгурасиз?!

Камолнинг юрагини ўз ҳаётидан буткул беҳабар бўлган қиз билан суҳбатлашиш иштиёқи қитиқлади.

— Акбар деганимиз бор, Қосим, учов бир синфда ўқирдик, — деди у. — Булар иккови ўнинчини битириб, ҳар ерда ўқишди. Орада мен мактабни битирмай, ўқишдан ҳам қолиб кетдим. Бир парча томорқамиз бор, онам ивирсийдилар. Даладан бўш пайтим қўлидан иш келадиган одамларга учрадим. Одам қилган ишни одам қила беради. Бир ёқдан, озгина вақтим бор эди. Иккинчидан, қарасам, ўқишдан қолгач, нимадир қилгим ҳам йўқ эмас. Унга учраб уни, бунга учраб буни ўргандим. Бизнинг бобойлар «туя бўйинини чўзмаса, янтоқ қаерда» дейди. Турмуш шундай бир кўчаки, унга ўзингни урмасанг, бор-йўқлигинг ҳам билинмайди, nasibанг ҳам бутун бўлмайди... Кўп ишни билганим яхши!.. Лекин, бундан менга бир зиён текканини ҳам айтай... Мисол дейлик, уйингизга меҳмон келса, дастурхон ёзиб, унга пон, қанду қурс, мева-чевани битта-биттадан тегиб чиқасиз. Дастурхонни йиққан пайт, яна ҳаммасини битта-биттадан қайтиб оласиз. Шундай қилмасдан, дастурхонни бир кўтараман-қўяман, десангиз, понга мураббо тўкилиб, узум билан анжирга ушоқ аралашиб кетади... Тўғриси, мен дастурхонни бирдан тузаб, бирдан кўтаргим келиб юрдим. Шунинг дастидан, кўп йил кўзга кўринадиган бирон иш ҳам қилмадим, уйда ҳамма



мендан норози ҳам бўлди... Ҳозир тузук. Ишларимни навбати билан, битта-биттадан бажаришга ўргатяпман ўзимни. Зарур ишни олдин, позарур ишни кейинроқ... Ишларим ёмон эмас, фақат, ўқишга кираймикин, деган ниятим бор эди, илож топилмай, бир оз орқага судрал-япти...

— Турмушда нималар бўлмайди, — деди Олия. — Ўқишни хоҳласангиз, ҳалиям кеч эмас... Умуман, эзгу ишнинг кечи йўқ...

Қизнинг катта, ёруғ кўзлари ярқиради.

Камол гапирётганида «бу гапларнинг шаҳарлик, ўқимишли Олияга ҳеч қизини йўқдир», деб ўйлаганди. У, қизнинг ўз ҳикоясига бефарқ қарамаганини сезиб, бу сафар ортиқча ётсираб турмаганига хурсанд бўлди.

Оддий, одамий суҳбат қиз билан йигитни анча яқинлаштириб қўйди.

— Ғалати... бир мактабда ўқиган, бир кўчани чангитиб катта бўлган болалар энди турли одамларга айланиб қолдик, — деди Камол. — Акбарнинг ўз кўчаси бор. Қосимнинг ҳам. Менинг ҳам... Лекин орамизда дўстлик то ҳамон сақланган, шуниси яхши...

Суҳбат давомида Олиянинг оқ, беғубор юзи неча бора ёришиб, унинг маъсум чеҳрасига неча бора булутлар соя ташлади. Камол қизнинг юз-кўзида дам сайин ўзга бир латиф ҳолат акс этишини кўриб, киши бу қизга узоқ-узоқ тикилса ҳамки, унинг ҳуснига ҳеч қачон тўймаслигини ҳис этди.

Олия йигитнинг ҳикоясини эшитди-ю, бу йигит билан яқиндагина танишганини ҳам унутиб, ўзи тўғрисида эркин ҳикоя қила бошлади:

— Мен бу қишлоқдан биринчи таниган одам сиз айтган шу Қосим... Тошкентда ўқиб юрган пайтим эди. Ётоқхонамизда катта бир хона бўлиб, бурчагида телевизор турар, кўпинча талабалар шу хонада ҳар хил мажлислар, ҳар хил кечаларни ҳам ўтказишарди. Тошкентда ўқиётган бутун бухоролик талабалар Янги йилни ҳалиги хонада бирга кутиб олишадиган бўлишди. Анча одам тўпланди. Кечамизга Самарқанддан ҳам, Бухоронинг ўзидан ҳам кутилмаган меҳмонлар келиб қолишди. Ушанда Қосим билан танишдик. Қосим кўп гаплар айтди, лекин нималар дегани эсимда йўқ. Назаримда, ўқишни битиргандан кейин қишлоғимизга келинг, деган бўлса керак... Кейин, кунлар ўтиб, байрам кечасининг таассуротидан узоқлашиб кетдим. Қосим ҳам қайтиб хаёлимга келмади... Ўқишни тугатганимда мени Бу-

хородаги маданият бошқармасига юборишди. Маданият бошқармасида қаерга бориб ишлашим аниқ ҳал бўлиши керак эди. Бошқарма эшигига келганимда, Когонда ишласаммикан, бошқа бирон ёққа борсаммикан, деб иккиланиб қолдим. Аниқ фикрим бўлмагани учун эшикдан нари кетдим. Дўкончадан «Бухоро ҳақиқати» газетасини олиб, Лабиҳовуздаги боғчага кирдим. Бир харрак четида ўтириб, газетани кўздан кечира бошладим. Қарасам, номи Чаман бўлган бир қишлоқда кутубхона узоқ йиллардан буён ёмон ишлагани етмагандай, охириги пайтларда, умуман, эшигига қулф солиб қўйилган экан. Тўғри бошқармага келиб газетани кўрсатдим, шу қишлоққа бораман, дедим. Автобусдан колхоз идораси олдида тушиб, энди идорага кирай деб турсам, биров менга қараб жилмайиб келяпти... Қосим!... У тўғри мени шу кутубхонага олиб келди, менга иш жойимни кўрсатиб, кейин Мунаввар биби деган кампирнинг ҳовлисига етаклаб кирди. Кампирнинг ташқисида бемалол туришимни айтди. Шундай қилиб, қишлоққа келиб қолдим...

— Қосим олижаноб одам... Яхши йигит! — ўйчан пичирлади Камол. У Қосим билан Олия олдиндан таниш эканлиги-ю, Олиянинг Қосимни ажиб бир ғамза билан тилга олганини ўйлаб, қизнинг ҳикояси ўзини хурсанд қилмаганини ҳис этди. Аксинча, унинг юрагини рашкми, қизганишми тимдалади.

— Қосим менга яхшилик қилганини бир умр унутмасам керак! — деди Олия.

— Мен ўзимни содда десам, сиз мендан ҳам ўтар экансиз!.. — кўнглидаги ҳиссиётни босолмай, сўзланди Камол. — Газетага қараб, иш баҳона, одамнинг бегона жойга кетаверилини умримда биринчи марта эшитишим. Бундан бўлак, яна бир гап... Шахсан ўзига тегишли бирон гап баҳона бўлмаса-ю, бирон сабаб йўлга бошламаса, инсон тўғри келган бир ёққа бекордан-бекорга кета бермайди...

— Бало-э! Сиз бало экансиз-э! — деди Олия беихтиёр. — Мен сизни олдинлар ҳўриб юрганимда, қўлидан кўп иш ҳам келавермайдиган бўшгина бир йигит, бунинг устига, кўп нарсага тушунмаган, мудраб юрган бир одам, деб ўйлагандим. Хафа бўлманг, ахир сиз кўримсизгина бир кишисиз-ку! Катта бир даврата кирсангиз, сизга ҳеч ким эътибор ҳам бермаслиги мумкин... — Олия шу қадар ҳаяжонга тушган эдики, ўрнidan туриб, бошини чайқаганича, нари-бери юра бошлади. У,

ниҳоят, ўрнига келиб ўтирди. — Тўғри, бизнинг оила-  
мизга тегишли бир гап шу ишларнинг ҳаммасига сабаб  
бўлди. Одам ақл билан ўйлайди, лекин одамни ҳиссиёт  
йўлга етаклайди...

«Олиянинг оиласига тегишли қандай гап уни  
боши оққан томонга — бу қишлоққа етаклаб келган  
экан?!».

Камол буни ўша кунни ҳам, кейин ҳам Олиядан сў-  
рашга ботинмади. Сўрашни эп ҳам кўрмади.

Йигитнинг кўнглида ўша кунни бир тугун тугилди-  
ки, бу тугун узоқ пайтларгача ечилмади.

— Сизга Когон, ҳар қалай, яхши эмасмиди? — фа-  
қатгина эҳтиёткор оҳангда сўради Камол. — Ўз ерин-  
гиз....

— Когон яхши, — деди Олия ўйчан, осойишта қиё-  
фада. — Мен бу ерда икки йилча ишлаб, кейин балки  
кетарман...

Ўз гапидан Камолнинг ўзи куйди.

Унинг кўнглидаги бир ҳиссиёт ўрнини қизнинг гапи-  
дан сўнг иккинчи ҳиссиёт эгаллади. У кўнглида бу қиз-  
нинг қишлоқдан кетишини буткул истамаётганини сез-  
ди.

— Бизнинг қишлоғимиз ҳам ёмон эмас... — деди Ка-  
мол, худди ҳозироқ йўлга отланган Олияга илтижо қи-  
лаётгандай, синиқ товушда.

— Яхши!.. Қишлоқда анча дўст орттирдим. Хосият,  
Зумрад, Қосим... Мана, энди сиз... Кириб туринг...

Камолга Олиянинг таклифи хуш келди.

— Албатта, кирарман...

У эшикдан чиқиб, зиналарга бирма-бир қадам қўяр-  
кан, кутубхона аталган бинога энди ўзини икки сирли  
олам — китоблар ва Олия маҳкам боғлаб қўйганини,  
бу икки оламдан ажралиши ниҳоятда оғир эканлигини  
ҳис этди.

\* \* \*

Олия ўзи қишлоққа кириб келган биринчи кунларни  
кўп эслар, одатда қишлоқ кишилари билан суҳбатлаш-  
ганидан кейин шундай бўларди.

У бир кунни Зумрад билан анча суҳбатлашди.

— Сиз китобга ўч, китобни дилдан яхши кўрадиган  
одамсиз, — деди Олия Зумрадга. — Хафа бўлманг, рос-  
тини айтаман. Олдинлар бир даста китоб олишингизни  
кўриб, ўзимча бундай фикрга борардим: «Бу қиз ёки

уйда китоб ўқишдан бошқа иш қилмайди, ёки олган китобларини йўлига варақлайди, суратларини кўради-ю, қайтариб беради!» Вақт ўтиши билан фикрим ўзгарди. Қарасам, сиз кучига яраша иш қилай, деб ўзини ҳар томонга урадиган, чарчашни билмайдиган бир қиз экансиз. Хосият ҳар йили қанча пахта теришингиз, қандай теришингизни айтди. Ўзим ҳам бир куни далада кетмон чопаетганингизни кўрдим. Ҳозирлар уйқудан келиб китоб ўқишингизни ҳам бемалол кўз олдимга келтира оламан... Биламан, сиздай қўлидан иш келадиган қизлар қишлоққа керак, лекин менга айтнинг-чи, нега ўқишга бормадингиз?... Иш ўз йўлига, лекин қишлоқ қизлари ўқиши ҳам керак-ку...

— Мактабни битиргач, ўқишни кўп ўйладим. Бунинг устига, борсам, бораверардим, ўзимга маълум, йўлимни ҳеч ким тутмайди... — Зумрад босиқ гапирар, у ўйчан ва бир оз ғамгин қиёфага кирганди. — Фақат, опажон, уйдан узоққа кетгани юрагим бўлмади, уялдим. Уруш даврида етим қолган бир қизчани шу хонадон одам қилса-ю, у ёрдами тегадиган кунда хонадондан қочса, бу, албатта, инсофдан эмас. Бунинг виждоним қабул қилмади!... Усмон бобо ётиб қолдилар... кейин, дунёдан ўтдилар... Менга шундай бир пайтда уйдан кетсам, хонадон бузилиб, нураб тушадигандай кўринди... Бир куни менга шу хонадон керак эди. Йиллар ўтиб, энди мен хонадонга керак бўлиб қолдим...

— Қишлоққа янги келган одамман, биласиз. Гап сўраб, эҳтимол, дилингизни оғритдим... Илтимос, хафа бўлмаңг...

— Хафа бўлмайман, опажон, — деди Зумрад.

У кутубхонадан чиқиб кетгач, Олия ўзининг қишлоққа келиб одамлар ҳаёти, тақдирини билан кундан-кунга яқиндан танишгани-ю, танишиб бораётганини ҳис этди. У бегона қишлоққа тўғри кириб келаверганини эслади ва шу дамда қишлоққа қадам қўйган кунларига ҳаёл уни беозор етаклади.

Олия бир қаватли кутубхона биносига яқинлашиб, баланд зинадан юқорига кўтарилди: эшик оғзида гурзидай кулф занглаб ётганини кўриб, кутубхонанинг аҳволи қандайлигини дарҳол тасаввур қилди. У эшикни очди. Кутубхонанинг аҳволи Олия тасаввур қилганидан ҳам ҳароб эди. Полга бир энли чанг ўтирган, хона деворларига ўргимчаклар катта-катта тўр ташлаган. Олияни китобларнинг аҳволи ҳаммасидан кўпроқ қайғуга солди. Китоблардан бир қисми деворлардаги чуқур ток-

чаларда бетартиб қалашган, қолганлари эса қандайдир газета-журналлар билан бирга хона ўртасида шунчаки уюлиб ётарди. Сичқон кемирган, захил қогозларга қараб бўлмас, улардан димоққа гупиллаб моғор иси уриллар эди.

Олия ишни кўчага бир қур китоблар, газета-журналларни чиқариб, хонани шамоллатишдан бошламоқчи бўлди. Уйдан эски бир кўйлак кийиб, бошини катта рўмол билан танғиб келди; кутубхонани аста-аста бўшата бошлади.

Олиядан ўша кунни колхоз раиси Яраш ота хабар олди.

— Сен бизнинг одамларини уят қилма, қизим, — деди раис. — Қишлоқда шу ишга бир оз бепарво қарашган. Бу ёғи нима гапнинг бўлса айтабер, биз сендан ёрдамни дариг тутмаймиз...

Олия биринчи навбатда, хонани оқласа, кейин, деворлар бағридаги чуқур токчаларни китобдан бўшатиб, тахтадан токчалар қилинса яхши бўлишини айтди.

Раис кетгач, муовини Раҳматов келди. У хонани кўздан кечириб, бир нафас китоб ташиётган Олияни кузатди-да, нидамай кўздан гойиб бўлди. Аммо, кўп ўтмасдан Раҳматов қайтиб кўринди. Бу сафар иккита қишлоқ қизи ҳам унга қўшилиб келганди. Раҳматов Олияга қизлардан бирини Хосият, иккинчисини Раҳима деб таништирди; булар ҳамма нида ёрдам беришларини билдирди.

Кутубхона уч-тўрт кун ичида бутунлай ўзгарди-қолди. Олия деворлари оқланган, тартибга келтирилган кутубхонада ишга тушди — ҳар бир китобнинг чапгини артиб, йиртилган варақларини елимлади, муқовасиз китобларга картондан муқова ясади, китоблардан ҳар бирини ўз ўрнига қўйди. Хонанинг тартибга келиши учун озгина фурсат кетган бўлса, кейинги ишга қарийб бир ойча вақт сарфлади. Утган вақт ичида китоблар билан шуғулланишдан ташқари, аста-секин илк китобхоналар — қишлоқ қизлари, йигитлари билан яқиндан таниша бошлади.

Олия бугунги қишлоқни яхши билмасди.

У Когон яқинидаги бир қишлоқда яшаган қариндошлари уйига болалигида отаси билан неча марта борган, ўшанда кўзига чалинган қишлоқ унда ёрқин таассурот қолдирмаган эди. Уруш эндигина тугаган йиллар эди. Олия ўша қишлоқни қачон эсласа, бошига дока салла

ёки рангсиз матодан қилинган фўтани боғлаб олган, узун чопони этаклари оёқларига ўралишган ғамгин чоллар, пахтали қора камзул кийиб, бошини катта рўмол билан тангиган шикаста кампирлар кўзи олдига келарди. Худди шунингдек, қишлоқ деганда турли мато парчаларидан — қуроқдан тикилган қандайдир дастурхонлар, зоғора нону бир ҳовуч туршак, бир ҳовуч майиз кўз олдидан ўтарди. У, булардан ташқари, отаси билан Бухорога бориб бозорни айлангани, бу ерда қишлоқдан келган, кўзлари аёздан ёшланган чолу кампирларни кўрганини ҳам баъзан эсларди. Олия балоғатга етиб, аллақачон газеталарда «Йилдан-йилга шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги тафовут йўқолиб боряпти» сингари сўзларни учратишга ўрганиб қолган бўлса-да, Чаман қишлоғига келганидан сўнггина бу сўзларнинг маъносига тушуна бошлади. У ўз тасаввурида яшаган ғарибгина еру тўртта пахса девордан иборат қишлоқ қўйнига эмас, янги иморатлар қад кўтарган, боғлар шовиллаган қишлоқ бағрига кирди. У қишлоқ дегани фақатгина ивирсиб юрган мискин қариялар макони бўлмасдан, ақлу заковатда ҳам, билим-маданиятда ҳам ҳар қандай шаҳарликдан қолишмайдиган кишилар мулки, ўзини машаққатли меҳнатга урган мардлар майдони эканлигини фаҳмлади. Гарчи қишлоқда икки йилча ишлаб, кейин Қогонга қайтишни ўйлаб қўйган бўлса ҳамки, у ўзининг қишлоққа, қишлоқнинг эса ўзига кераклигини ҳис этиб, бу ердаги ҳаётга беихтиёр ўргана бошлади...

Шундай қилиб, кундан-кунга бегона қишлоқ қадрдон қишлоққа айлана бошланди.

\* \* \*

Олия Камолнинг ҳаётига кутилмаганда кирди. Кирди-ю, гўёки шу заҳоти эшиклар тақа-тақ ёпилиб, унинг қачондир қайтиб чиқиши мумкин эмасдек бўлиб туюлди.

Камол бир куни даладан қайтаётиб, магазинга йўналди. Магазин тўрида уч-тўрт киши нималардир харид қилишаётганини кўриб, индамай қўйи томонга ўтди; чуқур токчалардаги ялтироқ электр буюмларини томоша қила бошлади.

— Кел, огайни, — деди Қосим унга яқинлашиб. — Ҳозир тосу кўзани йиғиштирамиз... Бирга кетайлик, гап бор...

Қосим чиндан кўп ўтмай магазинни беркитди-ю, улар қишлоқ кўчасига қадам қўйишди.

Камол Қосимнинг қандай гапи борлигига қизиқиб, унинг тилга киришини кута бошлади. Қосим жингалак-соч бошини андак солиштириб, аммо қаттиқ-қаттиқ қадам ташлаб борар, афтидан зик, ниҳоятда асабий эди.

— Сенга мен, оғайни, Зумраддан шикоят қилмоқчиман, — деди у ниҳоят. — Уйда сенлар индамайсан, шу қиз ҳаддидан ошди, тўғриси. Ҳар қалай, шу қизнинг танобинини тортиб қўйиш керак!

Камол Зумрад билан Қосимнинг аввалдан бир-бирини унча хуш кўрмаслигини билар, ўзинча буни уларнинг иккиси ҳам мағрур, кибор эканлигига йўярди. Улар рўпара келишганда бири иккинчисининг ўзидан олдироқ салом беришини кутар, бири иккинчисини кўнгилсиз, тунд, асабий кузатарди. Аммо, улар орасида ҳеч қачон дўстлик илтифоти бўлмагани сингари, ҳеч қачон низо ҳам чиққан эмасди.

— Нима бўлди ўзи?! Гапир, нима бўлди?! — сўради Камол.

Қосим бу саволга эзилган товушда жавоб берди:

— Зумрад бугун магазинга кирди... Хўмрайиб турибди, тўнғиллаб нарса сўрайди. Ўзинг ўйлаб қара, тўғри муомала қилган одамга мен жонимни бераман-ку, нарсани бермайманми! Жаҳлим чиқди, оғайни, лекин тишимин-тишимга босиб, индамадим. Бу киши бўлса, менинг паст келганимни кўриб, баланд келдилар. Мени одамлар олдида ўғри деб, рўйи-рост ҳақорат қилдилар бу киши. Агар қиз бола бўлмаса, биласанми, ҳақорат қилгани учун қўлимга тушган нарсани олиб отардим. Шайтонга ҳай бердим, оғайни, оғир бўлай, дедим... Лекин, тўғриси, бу ёғи жонимга тегди. Муомалани ўрганса, ўзига фойда, бўлмаса мен вақтинин топиб, бошқача гаплашаман...

Камол Қосимни ҳам, Зумрадни ҳам қадрлар, улардан бирининг ёнини олиб, иккинчисини яқсон қилишга кўнглида майлу ихтиёр топилмас, бу унинг қўлидан ҳам келмас эди.

— Зумрад нима олмоқчи бўлиб кирган экан? — сўради у босиқ товушда.

— Мен шаҳар сотиб, Зумрад шаҳар олармиди! — тўнғиллади Қосим. У нечундир сўз қидириб қолгандек бўлди: — Ўзинг биласан... Ўзинг биласан-ку, одамлар магазинга от билан туя сўраб кирмайди. Магазинга одамлар арзиммаган майда-чуйдалар учун киради!..

Қамолга Қосим тўғри жавобдан негадир қочгандай бўлиб кўринди. Шу билан бирга, Зумраднинг эркалик қилиб, баъзан ўзига қаттиқ гапириш одати борлигини эслади-да, Қосимга ҳам шундай муомала қилиб, уни ранжитгандир, деган хаёлга борди.

— Сенлар икковнинг ҳам ақлли, олижаноб одам бўлсанг, ёмон одам бўлмасанг... — деди у. — Нимага гапларнинг бундай чиқишмайди, ҳеч тушунмайман!.. Арзимаган нарсалар учун икки одам бир-бирини диққат қилиб, асабини бузиб юришининг ҳожати борми!.. Сен бу гапларни қўй, мен Зумрадга ҳам айтаман, у ҳам қўйсин...

Қосим Қамолга анчайин совуқ жавоб қайтарди:

— Мен кимга қандай муомала қилишимни биламан. Лекин Зумрад муомалани ўрганса, ўзига фойда...

Қамол дунёда одамлардан бурун улардаги турли хислатлар, фазилат ва қусурлар мангу курашишини умрида ўйлаб ҳам кўрган эмасди.

Уни, шундан, Қосим билан Зумраднинг тўқнашгани бир оз қайғуга солди, холос. У Қосимга «бу гапларни қўй» деганидек, Зумрадга ҳам бекордан асабини бузиб юрмасликни маслаҳат беришга чоғланиб, кўнгли таскин топа қолди.

Йўқ, Қамолнинг бу ҳолати узсққа бормадди. У Қосим билан хайрлашганча, уйга кетаётиб, Мутавалли бобонинг дарвозаси олдида Мунаввар бибига рўпара келди. Қамол кампирга салом берди-ю, Олия шу кампирнинг ҳовлисида яшаётганини ўйлаб, беихтиёр Олиянинг Қосим билан олдиндан таниш эканлигини эслади. Буни у шунчаки эслади-ю, кейин кўнглига қандайдир гашлик чўкди.

\* \* \*

Зумрад Қосимни аввалдан хуш кўрмас, аммо бир кун Олия сабаб бўлиб, у билан тўқнашишини билмасди... Уша кун Зумрад тонг саҳарда қумғонни қўлига олган, икки кулча орасига яхна гўштни босиб, далага чиққанди.

Нонушта ҳам қилмай чиққан эркак-аёллар ҳар тарафга сочилиб, қуёш найза бўйи кўтарилганга қадар кетмоп уришди. Улар шундан кейингина чулдираган ариқча бўйига келиб, қуюқ ўт-ўлан кўрпаси устида нонуштага ўтиришди. Қумғонларда биқирлаб чой қайнади. Тугунчаклар очилиб, ҳар ким ўзича дастурхон ёзди.



Зумрад дастурхонлар қайтиб йиғилгач, дугонаси Хосият билан чеккага ўтиб ўтирди.

— Тунов кунн Олия оланинг ёнига бордим, — деди у Хосиятга. — Мен қандайдир кийим ёки безакни бировда кўриб, умримда рашиқ қилган одам эмасман. Лекин, дугона, Олия опада ажойиб бир нарсани кўрдиму кўзларим ёниб кетди...

У Олиянинг кўксига ингичка зашжирини бўйиндан ўтказиб, осиб юрадиган медальон-соатни кўрган, бу соатга чиндан ҳам ҳаваси келган эди.

— Мен ҳам кўрдим. Ёмон соат эмас... чиройли... — деди Хосият лоқайд оҳангда.

— Бухорога бир борсам, магазинларни қарайман. Лекин ўзимча бу соатни Олия опа Тошкентда олган бўлсалар керак, деб ўйладим...

— Қаердан, қачон олдингиз, деб сўрамадингми?!

— Сўрашга уялдим...

— Сўрамаган бўлсанг, билиб қўй, овора бўлиб Бухорога боришнинг ҳожати йўқ. Бу соат Қосимнинг магазинига келган...

— Мени алдаяпсан.

— Алдаб нима қиламан!

— Ундай бўлса, сен нега олмадинг?!

— Отам менинг ўзимга нарса олишимни ёмон кўрадилар... Айб бўлади, дейдилар.

— Бунинг нима айблик жойи бор экан?

— Қиз бола нарса олса, ўзига сеп йиққанга ўхшайди, дейдилар.

— Йўқ, мен, албатта, оламан. Бугуноқ кечқурун югуриб бориб олмасам бўлмайди... Эртага кўзингни бир куйдирай!..

Зумрад ўрнидан ирғиб турди; кетмонини елкасига қўйиб, яхши бир кайфиятда ўзини пахтазорга урди...

У соатга зормиди?! Йўқ, унинг столида каттагина уй соати мунтазам чиқ-чиқлаб турар, бундан бўлак, чиройли қўл соати ҳам бор эди.

У тез-тез вақтни билиб туришга доимий заруратни сезиб юрганмиди?! Йўқ, уч фасл эрта-соҳардан қоронғи шомгача дала-даштда кезган, тўртинчи фаслда деярли уйда ўтирган қишлоқ қизи соатга кўп қарамайди.

Зумрадин фақат эрка кўнгилдаги ҳою ҳавас Олиядан қолишмасликка даъват этди.

Шу кунн у даладан қайтди-ю, кетмонни ҳовлида қолдириб, Хосиятга айтганидек, дархол магазинга югурди. Қор ярми турли ашёлар, рўзғор буюмлари, қолган қис-

ми озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлган торгина магазинда одам кўп эди. Биров рўмол, биров шакар сўрар, биров чўян қозоннинг, биров эса, телевизорнинг нархига қизикарди.

Зумрад олдинга ўтди. У ўзига керакли соатни суриштирди.

Қосим Зумрадга бир қараб қўйди-да, индамай, унинг ёнида турган кекса аёлга сурп ўлчаб бера бошлади.

Зумрад Қосимнинг қўли бўшагини кутди. Бироқ Қосим нари-берида турганларга сўраган нарсаларини бераверди-ю, Зумрадга қарамади.

— Мен сиздан соат сўраяпман, ахир... Эшитмаяпсизми?!

— Сиз айтган соатдан йўқ.

— Ўзи йўқмиди ёки қолмадими?!

Қосим мужмал жавоб берди:

— Йўқ, деяпман-ку!

— У, менга қаранг, тўғриси айтиш шунчалик қийин эканми?! Биламан, магазинга тузук бир нарса келса, сиз яшириб сотасиз. Афтингиздан кўриб турибман, ўша соатдан сизда бор. Менга айтинг-чи, биздай офтобда пишиб кетмон чопадиганлар магазинга келган нарсани олмаса, ким олиши керак?!

Қосим бошини елкалари орасига тортиб, Зумрадга тик, совуқ қаради:

— Менга гап ўргатма, маъқулми?! Энди бу ёғи кўзим олдида турма...

Зумрад магазиндан аламга тўлиб чиқди. У қишлоқ кўчасига қадам қўяркан, назарида, ўзи ҳозиргина Қосимни парчалаб ташлашга уринган, аммо парчалаб ташлаёлмай, магазиндан ўсал бўлиб чиқиб кетганга ўхшаб кўринди. У гўёки майдонга қўққисдан киргану душмани кўриб енгилга шахт этган, аммо енголмай, майдондан чиқиб кетган эди. Бу унга ниҳоятда қаттиқ ботди. Бундан кейин, у: «Соатинг бошингда қолсин!» деб ўйлади-да, бирданига кўнгли соатдан бутунлай совганини, ўша соатнинг ўзига ортиқ кераги ҳам йўқлигини ҳис этди. Уни аччиқ бир ҳақиқат соатни олмаганидан ҳам кўпроқ қайғуга солди: «Магазин ҳукуматники бўлгач, Қосим нима учун мулкдорга ўхшаб қўлидаги нарсани ўзи хоҳлаган кишига бериб, хоҳламаган кишига бермаслиги керак! Нима учун Олия олган нарсани Зумрад ололмайди?! Нима учун Қосим деган қандайдир магазинчи офтобда пишиб кетмон чопадиган,

қўллари тирналиб пахта терадиган одамларни бир умр юлиб-юлқиб яшайди?! Нима учун?!»

Зумраднинг кўнглида исён алангаси гуруллади.

«Мен бу Қосим билан ҳали бир куни бошқача гаплашаман! — ўйлади у. — Вақтини топиб, албатта гаплашаман!..»

\* \* \*

Камол ҳовлига кириб, тўғри чап қўлдаги уйга йўналди.

Зумрад бошига сочиқни салла қилиб ўраган, боши-лашини ўйлаб, курсига вазмин чўкди.

Камол ҳаво исиб кетганига қарамай, одатдагидай курсини печка томонга олиб қўйди; гапни нимадан бош-лашини ўйлаб, курсига вазмин ўтирди.

— Шу Қосим ошнализ жудаям мазаси йўқ одам-да! — гап бошлади бирдан Зумраднинг ўзи. — Уят деган нарсани билмайди! Уғри!

Камол Зумрадга ўйчан тикилиб, босиқлик билан сўради:

— Бирон воқеа рўй бердими?! Нима бўлди?!

— Биласизми, шу Қосим одамларга ҳеч қачон тўғри бир муомала қилмайди... Уғри! Муттаҳам!

— Қосимни ҳақорат қилмасдан, менга ўзи нима бўлганини айтинг. Бир-бирини ҳақорат қилишдан ҳеч кимга наф тегмайди, биласиз... Бунинг устига, ўғрим, тўғрим, нима бўлсаям, Қосим менинг болаликдан биринчи жўрам... Сиз ҳам менга бегона эмас, ўзимнинг жигарим. Менга азиз бўлган икки одамнинг майда-чуйда учун бир-биринга тош отиши, рост, мени хафа қилади...

— Майда-чуйда эмиш! — деди Зумрад истеҳзоли оҳангда. — Биламан, сиз жўрангизни оқлайсиз... Биламан...

— Бекорга асабни бузиб юриш...

— Қўйинг! Сиз асабдан гапириб нима қиласиз! Қосим жўрангиз яхши бўлса, ўшанинг ёнига бора беринг... — Зумрад йигитдан юзини четга буриб, жим қолди. — Қосим магазинга келган тузукроқ нарсани доим яшириб сотади, — деди у бир оздан кейин. — Мен соат олмоқчи эдим. Оляя опага топилган соат менга топилмади...

Камолнинг устидан бир челақ сув қуйилгандай бўлди. У гапнинг Оляяга бориб тақалишини хаёлига ҳам келтирган эмасди.

Камол бошини вазмин букиб, хаёлга чўмди. Бейхти-ёр магазинга Зумрад нима истаб кирганини Қосимнинг яширгани ёдига тушиб, Қосим билан Олия олдиндан таниш эканлигини яна эслади. У, ниҳоят, ўрнидан хо-муш кўзгалиб, эшикка томон юрди ва Зумрадининг ни-мадир деишини кутиб, останада бир нафас қотиб тур-гач, эшикни гичирлатиб очди-да, нидамай ташқарига чиқиб кетди.

\* \* \*

Камол тупроқ-тўзонда йиқилиб-туриб катта бўлган, у чиндан тенгдошларига инсбатан дала ишларини ях-широқ биларди.

Уруш ва урушдан кейинги йилларнинг машаққати, жафоларини ота-оналар қаторида кўтариб, у андак за-иф ўсган, Райҳон бибининг кўз ёшлари-ю, ортиқча меҳ-ру муҳаббати таъсирида болаликдан одамлар олдида бир оз қисиниб-тортиниб юришга одатланган эди. Бри-гадир қилиб сайлашганида, Камол шундан энг аввал, нима учун бошқалар қолиб, мени сайлашди, деб ҳай-ратга тушди; ўзининг бригадир бўлиб қолганига кўп ишонмади. Аммо, бўйинга вазифа тушганидан кейин, кўнглидан «мен ҳам чакки эмас эканман», деган гап ўтиб, кўксин кундан-кун гурурга тўлди.

Камол қачондир «Бошлиқ бўлиш осон, бошламоқ қийин» деган мақолни бир эшитган, лекин ўшанда бу мақол замирида қанчалар маъно ётганини билмаганди. У, бригада ўзи-ўзидан бригада бўлиб кетавермаслиги, иш ўзи-ўзидан олдинга сурилмаслигини — мана энди пайти келиб, теран ҳис этди. Биринчи кунлар бригадага берилган машинани ҳар кун наҳорда дашт йўлининг муюлишига қўндаланг қўйиб, йигит-қизларни уйлари-дан чақириб чиқишига, кўчанинг у бошидан-бу бошига неча марталаб югуриб-елишига тўғри келди. Йигитлар-нинг Камолга кўп ҳам итоат қиялгиси келавермас, қиз-ларининг эса ота-оналари уларнинг даштда эмас, қиш-лоққа яқин далаларда ишлашларини истаб, норозилик билдиришарди. Бугун бировнинг боши оғриган бўлади, эртага бировнинг оёғи. Биров саҳарлаб нимадир юмуш билан район марказига кетиб қолса, биров машинада даштга бориб, шу машинанинг ўзида секингина қиш-лоққа қайтади...

Камол ўздан кичик ёшдаги йигитларни ака, кичик ёшдаги қизларни опа деб, гоҳо асабий койиниб, гоҳо

ёлвориб, ишини то йўлга қўйгунча, суякларини оқарди. Аммо ер очилиб, чақир тошдан тозалангани, қуруқ даштдан экин майдони шаклига кирганидан кейин, Камолнинг ҳам, бутун бригада аъзоларининг ҳам кўнглига аста-аста ёруғлик туша бошлади.

Кейин... Кейин, экин майдонини сел ювиб кетди. Камол майдон ёқасидаги қатор тутлар соясида Чаққонбой, Башар, Латиф деган йигитлар билан муңгайиб турганича, ҳимоясиз кўчатлар сув юзида маҳзун оққанини кузатди. У сел қаршида ночор эканликларини сезиб, қўлларини асабий силтади. Алам билан уйга қайтиб, уч кун кўрпага ўрашиб ётди. Ниҳоят, бўлмади. У ҳар кунни бир марта Башар билан Чаққонбой уйга индамай келиб, индамай кетаётганидан эзилди. Даштга чиқди. Далада кезаркан, Ўзига-Ўзи энг яқин кишинини оғир кунда ташлаб кетган одамдай бўлиб кўринди. «Мен селга қарамай қўйдимми, онажон!» — деб ўйлади. Юрагидан бўғзига бехосдан бир хўрсиниш суришиб келди...

Камол баъзан далага, баъзан идорага қатнардди. Яраш отанинг одати — идорага келган кишиларни айрим ранслар сингари ярим тунгача олиб ўтирмасди. У кимнинг ишидан рози бўлмаса, кўпинча ўша кишининг олдига янги газетани суриб қўяр, танбеҳ оҳангида қисқа сўзланарди: «Газета мана бундай деяпти, сиз бўлса...»

Камол идорага кириб чиққанидан сўнг, доим кўнглида деҳқончиликнинг поёнсиз меҳнатдан либорат эканлигига иқрор бўларди. У деҳқоннинг далада ҳам, шахсий хўжаликда ҳам ишсиз-ташвишсиз юрадиган пайти йўқлигини ҳис этар, дакки еб уятга қолмайин, деган қишлоқ кишини фурсатини уйқудан, сўмдан юлқиб, кеча-ю кундуз қимирлаб туриши кераклигини ўйларди...

\* \* \*

Камол кўпдандир Зумрад ўзидан бир оз норизо эканлигини билар, Зумрадинг кўзларида ўзига нисбатан мамнуният ўти ярақлашини истарди.

У умрида биринчи марта катта ишларга уринаётганида, қизнинг бунга қизиқиб қарамаслиги оғир ботарди. Зумрад ёшлар бригадасининг дашт бағридан олмиган янги ерларда ишлашидан хабардор бўлса-да, бригадага қўшилмаган, бу ҳам Камолга қизнинг бепарво-беписандлигидан нишона бўлиб туюларди.

Йил ҳали ниҳоясига етмаган, айни ёз кунлари эди. Кўп бригадаларда колхозчилар тонгги салқинда далага чиқишар, қуёш бир оз кўтарилгач уйга қайтиб, кечки салқинда ишни яна давом эттиришар, колхоз правленниси ёзда шундай иш тарзини маъқул кўрганди.

Ёшлар бригадасида тартиб бошқача эди.

Бригада қишлоқлардан чеккада ишлаганидан, колхоз машина ажратиб берган, йигит-қизлар эрталаб машинада даштга бориб, кечқурун қайтишарди.

Зумрад туш пайтлари уйга келиб, гужумдан ясалган қалин, вазмин эшиклари ёпиб қўйилган, қоронғи, салқин хонада бир оз мизғиб олар, кейин Райҳон бибинини уйда ёлғиз қолдириб, яна далага чиқиб кетарди.

Бир кунини туш пайтида Камол уйга бригадага берилган юк машинасида келиб қолди. У, ҳаво гуруллаб ёнаётгани-ю, Райҳон бибининг Зумрадга: «Ҳай-ҳай, сан қаёққа, офтоб уради»,— деганига қарамасдан, қизни ўз бригадаси ерларига қўярда-қўймай олиб кетди. Камол қизга бригада аъзолари гўзани қандай вояга етказишганини кўрсатмоқчи, уни дашт бағрида очилган майдонлар билан таништириб, қизнинг кўнглидаги норозиликни ювишга уриниб кўрмоқчи эди.

Камол шунга қарор қилган, дала сайри қандай ўтишини билмас, унга Зумраднинг нималар дейиши ҳам маълум эмасди.

Улар машинада даштга келишганида йигит-қизлар тушлик қилиб бўлишган, энди ҳамма эгатларга сочилган эди.

— Булар дарров ишга тушибди, — деди Зумрад. — Бундай аҳводаси касал бўлишмайдими?!

— Йўқ, кун қайтиб қолди... Кечгача икки-уч соат ишлаш керак... — деди Камол.

Зумрад Камол билан далаларни айланиб чиқди. Тупроқни, гўзаларни кўздан кечирди; ундан-бундан аҳвол сўраб, ишлаётганлар кайфияти қандайлиги билан қизиқсинди.

Гўза барқ уриб ўсар, йигит-қизларнинг кайфияти яхши эди.

Улар ниҳоят, қатор тут ниҳоллари соясига келиб ўтиришди.

— Тупроқ ичида тош кўп экан, бир оз қийин бўлди, — деди Камол. — Дашт эмасми, бу ерда ёввойи ўт ҳам кўпроқ... Сув танқис...

— Бизда бу йил кўчатлар бир оз заиф. Сизда анча

яхши, — деди Зумрад пахтазор томонга тикилиб. — Шундай гўза етиштиришнинг ўзи бўлмайди...

Камол Зумрадининг мамнун эканлигини кўриб, кўнглида ётган гапни айтди:

— Менинг бригадамга ўтишг. Сиз ҳам, ахир, ёшсизку...

— Аввалдан ўтсам бошқа гап эди, — деди Зумрад.

— Нимага аввалдан ўтмадингиз?..

— Машина ҳайдашни билсам, балки ўтардим. Машина ҳайдаш учун эса, ўқиш керак...

— Нима учун ўқимайсиз? Ўқинг! — деди Камол.

Зумрад бу гапга ҳадеганда жавоб қайтармади.

Камол, сўнги пайтларда қизнинг умри ўзига, Райҳон бибига гап уқтириш билан ўтаётганини, унинг ҳам кўнглида қандайдир орзулар, интилишлар бўлиши мумкинлигига хонадонда ҳозир биров қизиқмаётганини ўйлади.

— Бибим айтдилар, бугун эрталаб уйга қўшни кампирлар келишибди, — оқибат сўзланди Зумрад. — Бибим уларга сиздан шикоят қилган бўлсалар керак, улар «оёғини тушовланг, қочмайди», дейишибди. Бибимга «тушов» дейишгани қаттиқ тегибди, менинг ўғлим одам, унга тушов деган гап кимдан чиқди, деб ҳаммаси билан уришибдилар... — Зумрад роҳатланиб кулди. Сўнг, қайтиб ўйчан қиёфага кирди. — Мен сизнинг оёғингизга тушов тушганидан кейин ўқишга кетаман...

— Ўйимиздан сизнинг кетишингизни тасаввур қилолмайман, — деди Камол. — Кампир ҳам, мен ҳам сизга суяниб қолганмиз...

Зумрадга бу гап хуш келгандай бўлди. Жилмайди.

Камолнинг қалбида қизга нисбатан илиқ бир тўлқин чайқалди. У, икковлари бир-бирларига қадрли эканликларини, одамларни дунёда бир-бирларига энг аввал мана шу буюк ҳиссиёт боғлаб туришини ўйлади.

Улар ортиқ сўзлашмасдан, аммо икковлари ҳам ички бир мамнуниятни, севинчни туйиб, узоқ ўтиришди.

Зумрад, шундан кейин, қайтиши кераклигини айтди. У дашт томонга ўзи келган машина кабинасидан яна жой олди.

Машина ўрнидан жилди. Камол худди Зумрадни ниҳоятда олис йўлга кузатаётган, у билан яқин орада кўришиши гумон бўлган одам сингари, қандайдир ҳаяжонланди; дашт бағридаги йўл ёқасида туриб, Зумрадга қўлини узоқ силкиди...

Олия кўпдан буён Бухоро тарихи, тақдири тўғрисида ўйлар, Бухоро ҳақида ёзилган ўнлаб китобларни ўқиб чиққан эди.

У ҳозир кутубхонада, бошини қуйи солганича оппоқ қоғозга тикилиб ўтирар, ҳаяжонга тўлиб, хаёлида кезган сўзларни аста-аста мисраларга тизарди:

«Бухоро аталган тупроққа ёллари ҳурпайган маст отлар тўзон кўтариб гупурлаб келишарди.

— Кимнинг сарбозлари бостириб келаётир?!

— Эрон шоҳининг сарбозлари... Бухорони эронийлар забт этмоқчи!..

Эрон шоҳлари бошимизда неча марта қилич ўйнатдилар, Уларнинг дастидан неча марта ўчоқларни кул босди; кулбалар ёниб, вайронлардан тутун кўтарилди. Бухоро улардан ўзини гоҳо қутқариб, гоҳо яна балога гирифтор бўлиб қолаверди.

— Ким у, бостириб келаётир?!.

— Искандар Зулқарнайн...

— Ким?

— Чингиз...

— Ким?

— Боту...

Бухорони илма-тешик қилганлар кўп бўлди. Қорахитой қабилалари, қорахонийлар, аштархонийлар...»

Олия ўзи ёзган сўзлардан ўзи таъсирланиб кетди. Унинг кўз олдига гуруллаб ёнган уйлар, кўкка ўрлаган тутун ва тўзон, ерга қулаб типирчилаган оҳудай чиройли отлар, қилич кўтариб ҳар гомонга югурган одамлар келди.

Хаёлида кезган гапларни ёзиб тугатишига, лекин эрталабдан буён кўнглини тарк этмаётган бир ҳиссиёт халал берарди. У Камолнинг сўнгги пайтларда негадир кўринмай қолганини ўйлар, йигитни ўзинча кутар ва нега бундай бўлаётганини ўзи ҳам билолмай қийналарди.

Олия фикрини йиғиб, яна аста-аста қоғозга тушира бошлади:

«Минг етти юз эллик учинчи милодий йилдан минг тўққиз юз йигирмапчи йилгача ўлка тахтида манғит уруғидан чиққан амирлар ўтирди. Манғит амирлари даврида исн, ҳавоси бир хил бўлган яқин жойларда маҳаллий урушлар кўпайиб кетди. Бу ҳам етмагандек, ўз қўли билан ўз юртидаги одамларни оснш,



сўйиш, зиндонга солишлар авжига чиқди ва бегоналар оёғи остида топталган халқ энди бешбаттар хонавайрон бўлди. Муҳаммад Раҳим ёки Доннёр, Субҳонқулихон ёки Насрулло, Ҳайдар ёки Шомурод, Музаффар ёки Аҳадхон — ҳаммаси эрк истаган, саодат истаган одамларни шафқатсиз қурбон қилаверди. Манғит амирларидан сўнггиси Олимхон инқилоб бўлишидан қўрқиб, жабру зулмини ўзининг ота-боболаридан ҳам ўткарди. У минг-минглаб эркакларни йўқотди, молу мулкни мусодара қилдирди. Минг-минглаб аёллар, норасидаларни эрлари, оталари бош кўтаргани учун уйларидан кийимсиз, юпун ҳолда кўчага ҳайдатди, ҳовлилари, бор-йўқ камбағалона рўзгор буюмларини ҳам тортиб олиб, уларни гадоё қилиб юборди.

Бухоро асрлар давомида қурбонлар ва ғариб-ғураболар ватани бўлиб келди...»

Иртиқ-ямоққа ўраниб, ўша амирлар даврида ҳам, кейин ҳам умр йўлида сарсон-саргардон, маҳзун тентираган гурас-гурас одамлар Олиянинг хаёлида қайта тирилди. Шу аснода, қачондир хотирасига ўрнашган икки сатр шеър бехтнёр ёдига тушиб, унинг қулоқлари остида ҳасратли, аммо исёнкор бир оҳангда янграгандек бўлди:

Кўзи вақти саҳар сайёра бўлган халқни кўрдим,  
Жунун водийсида овора бўлган халқни кўрдим...

Олия бу шеърни ҳаттоки снёсат бобида «халқ» сўзи ҳали кўп ҳам ишлатилмаган замонларда Бобораҳим Машраб ёзганини биларди. Кўнглида башариятнинг узоқ асрлардан иборат кечмиш тақдирига аччиб, хаёлидан: «Аждодлар учун ҳам янгидан-янги авлодларга насиб этгин, саодат!» — деган гап ўтди.

Олия энди Раҳматов билан бир неча бора ҳаёт тўғрисида, иш тўғрисида суҳбатлашганини, бу суҳбатлар руҳи ҳозирги фикрларига яқин бўлганини эслади. Раҳматов ўқитувчидан чиққан, кўринишда ҳам, табиатан ҳам зиёли бир киши эди. У илк кунлардаёқ осойишта, жиддий қиёфада кутубхонага кириб келди; девор этагидаги курсилардан бирига вазмин ўтириб, Олиядан ҳам курсига ўтиб ўтиришини сўради.

— Кутубхона иши тартибга тушгани яхши бўлди, — деди Раҳматов, Олия ҳам ўтирганидан кейин. — Биз сизга ишонамиз, лекин, Олияхон, вақти-вақти билан

суҳбатлашиб турсак зиён қилмайди. Режаларингиз қандайлиги устида бир оз гаплашиб олсак...

Олия ўзини мактабга дарс таёёрламай келган кунда муаллим ўрнидан турғизган ўқувчидай ҳис этди. У таълим йилларида кутубхонанинг иши фақатгина одамларга китоб тарқатишдан иборат бўлиб қолмаслиги кераклигини кўп эшитган, муовиннинг гапи ҳам шу мазмунда эканлигига тушунарди.

Раҳматов оқ кўйлак устидан қора костюм кийиб, бўйинбоғ таққан, худди шаҳарлик зиёли сингари сипо эди. У чакка сочлари оқарган бошини кўксига андак солиштириб осойишта, жиддий қиёфада Олиядан жавоб кутарди.

— Режалар борликка бор... — Олия кутилмаганда гап очилгани-ю, ҳали арзирли бирон иш қилинмагани сабабли хижолат чекиб, Раҳматовга ҳуркибгина қаради. У, журъатсиз бир кўйда, Галабанинг йиғирма йиллиги яқинлашиб келябди, шу муьосабат билан Бухоро фарзанди Султон Жўра ҳаёти ва ижодига бағишланган адабий кеча уюштирмоқчи эдик, деб айтди. Бу гапни Олия осмондан олиб гапиргани йўқ. У шундай адабий кеча ўтказишни анчадан буён ўйлар, бироқ, тўғриси, ҳозирча ишга жиддий киришган эмасди.

— Кечани қандай тартибда ўтказасиз?..

— Мен Султон Жўра тўғрисида бир оз гапириб бераман... Қосим унинг шеърларидан ўқиб бермоқчи. Бу йигит ўзи театрга қизиқади, шеърни ҳам ёмон ўқимайди...

— Урушни кўрган одамларимиздан икки-уч кишини чақирсангизу улар ўз хотираларидан гапириб беришса яна ҳам яхши бўлади. Султон Жўра шеърларини ўқимаган, эшитмаган, лекин уни қаҳрамон жангчи деб билган одамларимиз кўп. Султон Жўрага ўхшаб Белоруссия учун жанг қилган одамларимиз ҳам топилади...

Олия гапини Раҳматов маъқуллаб, янги фикрлар айтганидан илҳомланди; айни лаҳзада ҳаслини чулғаетган фикрларни ҳам режа тариқасида ўртага ташлади. Унинг ўйлагани деворий газеталар чиқариш, шоир-ёзувчиларнинг туғилган кунларига бағишлаб доимий равишда адабий кечалар ўтказиш сингари ишлар эди.

Раҳматов Олиянинг фикрларига эътироз билдирмади. Аммо, шу билан бирга, афтидан, унинг қаноат ҳосил қилмагани кўриниб турарди.

Муовин ўша кун и ҳам, кейин учрашган пайтларида ҳам кутубхонанинг қишлоқда маданий марказлардан

бири эканлиги, чиннакам тарғибот ўчоғи бўлиши кераклигини Олияга нозик, беозор тартибда қайта-қайта эслатди...

«Камол негадир сўнгги пайтларда кўрнимай қолди?!»

Олиянинг хаёлида олам-жаҳон гаплар айланганига қарамасдан, бу гапни у хаёлидан чақариб юборолган эмасди. Олия, ҳамма китобхонлар кутубхонага истаган вақтларида келиб-кетганлари сингари, Камол ҳам ўзи истаган вақтда келиб-кетди, бунга менинг қизиқишим шарт эмас, деб ўйлар, Камолга менинг ҳеч қандай ишим йўқ, деб ўзини ишонтирмоқчи бўларди. Камол тўғрисидаги гап эса, унга бари бир осойишталик бермас, унинг кўнглида икки изтироб тўёки бир-биринга қоришиб кетган эди.

У фикрини йиғиб, яна қоғозга боғланди:

«Тарихдан бизга мерос бўлиб қолгани фақатгина аччиқ хотираларми?! Босқинлар, қиргинлар касрига муддатидан эртaroқ умр шами сўнган ота-боболар, наҳотки, бизга бошқа ҳеч нарса қолдиришмаган?!»

Бухорога қадам қўйган киши эртақлардагидай соҳир эҳромлар қаршисида беихтиёр ҳайратга тушади.

— Бу қандай эҳром?!

— Чор минор...

— Бу?..

— Исмоил Сомоний мақбараси...

— Бу-чи?..

— Тоқи Заргарон...

Эҳромларга тикилишдан меҳмоннинг кўзи толиқади. Унинг саволларига жавоб беришдан мезбоннинг тили чарчайди.

Бухоро мисгарлари ясаган кўзалар, обдасталар, Бухоро зардўзлари тиккан нимча, камзул, енгил кавушлар дунё бозорларида кам топилган.

Дўзах шароитида яшаб, мана шундай гўзаллик яратолган ота-боболарни ўйлаб, ўз аждодлари учун авлодларнинг кўнгли бугун баъзан оғриydi...»

Олия кимдир хонага киргани-ю, халақит бергиси келмай, тахта тўсиқ ортида соядай бесас турганини сездди. У, мактаб болаларидан биронтаси эмасмикан, деб бошини кўтарди. Қараса, Камол!

— Салом алайкум!..

Олия, узоқ қишдан кейин баҳор нафасини туйган одамдай, руҳи енгил тортганини ҳис этди.

— Келинг, салом алайкум...

— Ёзишга банд экансиз...

— Бахт тўғрисида бир суҳбат ўтказмоқчи эдик, — деди Олия. — Раҳматов шундай суҳбат ўтказишни таклиф қилгандилар. Бухоро тўғрисида ёзилган бир даста китобларни ўқиб чиқдим. Мана, шу суҳбатдан озгинасини ёзиб, ишни ўзимча бошлаб қўйдим... — Олия ёзган гапларидан Камолни, умуман, кимнидир, шу дамдаёқ воқиф этгиси келаётганини сездим. — Сизга ўқиб берайми?..

— Майли... — деди Камол.

— Йўқ, агар ростдан хоҳласангиз, ўқиб бераман. Хоҳламасангиз, тортимай тўғрисида айтинг.

— Ростдан хоҳлайман... Уқинг... — деди Камол.

Олияни ҳаяжон босди. У, қоғоз тутган қўллари, елкалари андак титраб, ёзганларини Камолга ўқиб бўрди.

Камол нафас ютиб, қизни тинглади. У тўсиққа беозор суяшиб турар, нималарнидир ўйларди. Қиз ўқиб бўлганидан кейин ҳам йиғитдан садо чиқмади.

— Ҳозирча ёзганим шу, — пичирлади Олия. — Кейин, яна ёзмоқчиман...

— Таъсирли ёзибсиз... яхши... — деди Камол.

— Раҳмат! — деди Олия мамнуи бўлиб.

— Нима учун раҳмат деясиз?

— Сизга ёққани учун! — деди Олия. У, суҳбат ўтказишни таклиф қилаётиб, Раҳматов айтган гапларни эслади: «Бухоро, ўзимизнинг қишлоғимиз, одамлар, бахт тўғрисида ўйласангиз... Булар устидан жуда қизғин суҳбатлашиш мумкин... Баъзан шундай мавзуларда суҳбатлашиш фойдадан холи эмас...» Олия ўзи элаган гапларни Камолга айтиб ўтирмади. — Лекин, Раҳматов жуда ақлли одам эканлар, — деди у.

— Раҳматов ақлли одам! — тасдиқлади Камол. У яна негадир ўйланиб қолди. Сўнг, ўзига-ўзи гапираётгандек, гудраниб қўйди: — Сиз қишлоқни ҳали унча билмайсиз-да... Қишлоқда ақлли одамлар кўп. Бу ерда кимдир фақат шундай қора чопонга ўраниб юрса ҳамки, анча-мунча гапларга тушунади...

Олия Раҳматовдан ўзи одатда эшитган маслаҳатлар, фикрлар билан Камолнинг бу сўзлари ўртасида нимадир ўхшашлик борлигини ҳис этди. Унга олиё маълумотли муовин билан тўлиқ маълумотга ҳам эга бўлмаган бу йиғитни бир-бирига уларнинг иккиси ҳам қишлоқ кишиси эканлиги яқинлаштириб тургандек туюлди. Қизнинг кўнглида Камолнинг нималар устидан ўйлангани, нималар дейиши мумкинлигига қизиқиш уйғонди.

Олия толиққанини сездим.

— Бошим оғрияпти... Очиқ ҳавога чиқиб айланса, қолармикан?..

— Ҳаво бугун яхши... балки... — деди Камол.

Олия ўрнидан туриб, Камолга эркин мурожаат қилди:

— Юринг, бир оз айланиб келамиз...

— Мен... майли...

Олиянинг назарида, Камол андак тортингандай, андак қиснигандай бўлиб кўринди. Бироқ бунга у эътибор бермай эшикка кулф солди.

Улар янги иморатларнинг соя томонига қараб, секин-секин кета бошладилар.

Камол ҳамон ўзини эркин тутмасди. Гўёки Олия уни кўзинчоқдай бўйнидан ип ўтказиб, номаълум ёққа судраётганга ўхшарди.

— Бир гап айтсам хафа бўлмайсиз-а?! — деди у ниҳоят. — Сиз мен билан кўчага чиқдингиз... Одамлар бизни бирга кўришса, сизга гап тегмайдими?!

— Одамлар гап қилади, дейсизми?!

— Билмасам... Сиз жуда эркин ўсганга ўхшайсиз...

Олия чиндан ҳам эркин ўсган, у Когон шаҳарчасида туғилиб, вояга етганини бунга биринчи сабаб деб биларди. Когон амирлар давридаёқ атрофдаги туман-вилоятлардан, ҳатто Бухоро шаҳрининг ўзидан ҳам гурбати камроқ жой бўлиб, бу ерда одамлар эркинроқ ҳаёт кечиришган. Уша найтлар Когоннинг номи «Янги Бухоро» бўлганини эсласа, унинг ҳар қалай Эски Бухордан фарқ қилганини ҳис этиш мумкин. Шаҳарчанинг ҳаёти илгарилаб кетганига далиллар кўп. Яқин атрофда биринчи марта газета шу ерда босилган. Когон — амир Аҳадхон, кейинроқ эса, амир Олимхон зуғумидан қочган исёнкор кишиларга паноҳ бўлган, бағрида уларга нажот, ҳаёт бахш этган. Когоннинг устидаги темир йўл ўтгани-ю, темир йўл катта шаҳарларга бориб улангани учун, Когонда ўзбеклар руслар, туркманлар, тожиклар билан бирга, бақамти яшашади...

Олия бошдан рус мактабида ўқиган, буни у эркин ўсганига иккинчи сабаб деб биларди.

— Биз қизлар, йигитлар кўча-кўйда бирга айланиб юраверардик, бирга дарс тайёрлардик, ҳеч ким ҳеч нарса демасди.

— Йўқ, бу ерда бошқача. Бу ерда қиз болани кўз остига олиб юришади...

— Бу ерда ҳам... билмадим... — пичирлади Олия. У ўзининг одамлар гапига қараб яшашга ўрганмаганини,

одамлар орқадан нималар дейиши мумкинлигига ҳеч қачон қизиқмаганини ҳис этди. — Мен эркин юришга ўрганиб қолганман, — деди у. — Энди табиатим ўзгариши қийин...

Бу баҳс уларнинг иккисини ҳам бир оз гаш қилгандек бўлди. Афтидан, Камол қишлоқда бошқача тарбия кўрган, Олиянинг шаҳарда кўрган тарбияси бунга ўхшамасди.

Камол ортиқ индамади.

Қишлоқ кўчасининг шу томонидаги уйлар соясида одамларнинг томорқалари, боғу боғчалари қатор жойлашган эди. Булардан нари ёғи кўл. Бағрида узун-узун қамишлар тиқин ўсган. Кўлнинг бутун теграсини кўм-кўк ўт ҳалқа бўлиб ўраган.

Камол Олияни майса-ғиёҳдан тўқилган чиройли гилам устида дағал, эски курсича бўлиб ётган икки харсанг тош олдига бошлаб келди. Улар бир-бирларига рўбарў ўтиришди.

Олия Камолнинг қишлоқ, одамлар, бахт тўғрисидаги гапга қайтишини истар, ундан сўз кутарди. Камол, ниҳоят, кутубхонада бошланган гапга яқин кела бошлагандек бўлди.

— Бу тошлар мен билан отамники, — осойишта сўз очди Камол. — Қишлоқда Абдували деган чўпон бола бор. Олдинлар шу боланинг тез-тез кўзи оғриб турарди. Охири шаҳарга бориб, касалхонада ётмаса бўлмади. Қисқаси, чўпоннинг кўзи оғриб юрган вақтлар гоҳо мол боқиш ўзимизнинг бўйнимизга тушган. Хув узоқда кўришган новча ўрик бизнинг боғимиз этаги. Боғнинг атрофи сим билан ўралган-ку, лекин битта тахта қутини бузиб, ўша ўрик остидан омонатгина эшик қўйилган. Отам билан икков шу эшикдан молни ҳайдаб, бу ёққа келардик. Кейин, ўт қалин ўсган жойга қозиқ қоқиб, молларни боғлаб қўярдиғу шу тошларга келиб ўтирардик. Менинг дарров ичим қизиб кетарди, кўп ўтиролмасдим. Лекин, қадим одамларнинг ўзи ичи кенг, тоқати кўн бўлганми дейман, отам раҳматли шу тошга бир ўтирдиларми, намозгаргача қимир этмай ўтираверардилар. Миқтигина, соқолдан-қошларигача оқарган, икки юзлари қип-қизил; бошларини сал букиб, офтобга тобланиб ўтирардилар... Бу киши ғаройиб одам эдилар-да. Шу қадар босиқ эдиларки, кимнингдир гапини ярим соат, бир соат миқ этмай эшитишга сабрлари етарди. Эшитиб бўлиб, уч-тўрт оғиз гапириб қўярдилар. Лекин, агар гапни тарозига солинса, бу кишининг уч-тўрт оғиз

гапи паллани босарди. Ҳеч қачон бировни хафа қиладиган гап айтганларини ёки биров хафа бўладиган иш қилганларини кўрмадик. Бировга «мендан сенга бундай яхшилик ўтди», деган миннатни билмасдилар. «Мен фалончи учун бундай иш қилмоқчиман», деб, ҳеч қачон бировга маслаҳат солган пайтлари бўлмаган. Бундай гапни бошқалар эмас, ҳаттоки ўзимизнинг кампирга ҳам айтиб ўтирмасдилар... Мана, шу бизни Зумраднинг отаси урушда ўлган. Биз отам Зумрадларнинг уйига ҳар ҳафта гўшт, ёғ, ун, шакар ташиб юрганлари, қизчадан, касалманд онасидан хабар олиб турганларини билганмиз. Зумраднинг онаси ҳам кўпга бормадди. Фира-шира эслаймади... Бир куни отам кир-чир, сочлари пахмоқ қизчани кўлларидида кўтариб уйга келдилар. Уша вақтнинг ўзидида битта уйимизни, «бу ёғи шу уй Зумрадники», деб қўйдилар. Менга отамнинг гаплари қизиқ бўлган. «Зумрад сендан бирон нарсага хафа бўлса-ю, сенга ёпишиб, юз-бетингни тирнаса, устингни йиртса, бунга менинг ишим йўқ. Аммо, сен Зумраднинг битта сочини юлсанг, хивич дарахтда турибди деб ўйлама!» — менга у киши шу гапни айтганлар... Қувват бобо деганимиз отамга азбаройи ҳурматлари катта бўлганидан, бир умр мавридини топиб, отамни мақтаб қўйгилари келиб юрарди. Одамни юзига мақташ ноқулай. Шундандир, Қувват бобо қачон қишлоғимизга йўллари тушса, остонамизга келганлари заҳоти бизга ҳазиллашиб: «Ҳазрати Хизр уйдаими?» — дердилар... Отамни бекорга мақтаяпти, деб ўйламанг. Ҳаммаси бор гап... Биз у кишини қаттиқ яхши кўрардик. У киши кўз юмган фурсатда аслини олса бизга бегона бўлган Зумрад устларига ўзини шундай ташлаб дод дегану эсидан кетган; ҳамсоямиз дўхтур чақирган. Буям бор гап... Бизнинг хонадонимиз у киши билан жудаям обод, файзли эди...

Камол жим бўлиб қолди.

Уларнинг нақ кўзи олдида бир уюм кўл пашшалари топқа қора тўр бўлиб силтанди-да, говлаб ётган қамишлар ичига тушиб кетди. Кўл пашшаларининг гингиллашига чигиткаларнинг чириллаши қўшилиб, худди нимадир чизиллаётгандай товуш таралди. Эринчоқ қурвақалар уйқудан уйғондими, ҳалиги товуш устига буларнинг вақ-вақаси тушди-ю, умри боқий табиатнинг кунда янгича оҳанги янграй бошлади. Қуёшнинг, одатда, тонг чоғи ярақ-юруқлаган, куни буйи ҳар қалай ялтираб турган найзалари бирданига йиғиштирилгани учундир, у қуёшдан кўпроқ ўн беш кунлик ойни эслатар, фарқи

юзи заъфарон эмас, тўқ алвон эди. У қатор дарахтлар тепасида бугунча сўнг марта порлар, гўёки дарахтлар узун қўллар бўлиб, каттакон, қиздирилган чилдирмави юксақ ҳаволарда тутиб турганга ўхшарди.

Камолнинг ҳикояси Олияни ҳаяжонга солди. Унинг кўзлари жиққа ёшга тўлиб, шу дамда юзига йирик кўз ёшлари думалади. Унга Камол отаси Усмон бобо сингарни софдил, олиҳиммат бўлиб кўринди-да, йигитга нисбатан қалбида ажиб бир яқинлиқни туйди.

Камол кўл томонга ўйчан тикилиб ўтирар, бундай ўтиришидан унинг қалбида ҳали ҳеч кимга айтиб берилмаган, оҳори тўқилмаган яна ўнлаб ҳикоялар яшириниб ётгандек эди.

Олиянинг Камолдан яна ҳикоялар эшитгиси келди.

— Гапиринг... Нимага жим бўлиб қолдингиз?!

— Бу тошда ўтирган пайтлар ёдимга кўл воқеалар тушади...

— Уша воқеаларни менга айтиб беринг...

— Булар бизнинг хонадонимизга тегишли... Бошқа одамга унчалик қизиғи йўқ...

Улар кўл томонга тикилганча, хаёлга чўмиб жим қолишди.

— Айтинг... бу кўл жуда чуқурми? — йигитни гапга етаклади Олиянинг ўзи.

— Чуқур бўлса керак. Ичига одам тушиб кўрмаган. Ростми-ёлғонми, билмадим, иникилобдан олдин бир овчи ўртароққа борини ўйлаб, қамишлар орасида тикилиб қолган, дейишди...

— Ичида қуруқ ерга ўхшаган жойлари ҳам бор эканми?! — сўради Олия.

— Шундай жойлари борликка бору, лекин атрофи ботқоқ... — Камол гапиршга иккилапаётган одамдай ўйлана-ўйлана кўл ҳақида ҳикоя қила бошлади: — Бу кўлда менинг ақлим бовар қилмайдиган қизиқ бир воқеа бўлган... Бухородан амир қочиб, қизил аскарлар дуч келган одамни дўст, душман демай ҳар ер-ҳар ердан териб юрган вақтларда, бир кун, отам шаҳарга кетиб, онам Ҳасан-Ҳусан деган акаларим билан ҳовлида қолишган. Нохос қасир-қусур ўқ овози келган. Онам ҳангу манг бўлиб турсалар, қўшнинг қизи кириб, қишлоқни ёв босди, деган. Онам кўзачага сув солиб, дастурхонга нон ўраганлар, кейин оёқ остида ётган гиламчани олиб, Ҳасан-Ҳусанни гиламчага чирмаганлару бир кўлда кўзача билан дастурхон, бир қўлда икки бола, боғ эшигидан шу кўлга томон қочганлар. Кўлга келиб,



қамишлар ичида қоронғи тушгунча беркиниб ўтирганлар. Атроф сув бўлса, бу киши қамишлар ичига қайси томондан, икки бола, кўзача билан дастурхон кўтарган ҳолда қандай кирганлар — ҳайрон қоламан. Сўрасам, тушунтириб беролмайдилар, донм «кирганман-да, балам», деб қўядилар. Кирганлари майли, устига-устак, бу кўлнинг пашшаси чаққан жойини кўкартирмай қўймайди, ниши заҳар. Ҳозир-ку, дори сепилиб, кам қолган, олдинлар бу ерда гиж-гиж пашша юрган. Бу киши ўзларини, икки болани пашша талашидан қўрқмаганларини, ҳаттоки илондан ҳам қўрқмай тинчгина ўтирганларига — мана бунга, унидан ҳам кўпроқ ҳайрон қоламан... Бу воқеага ишонмай десам, онамга ёлгоннинг кераги йўқ, у киши ёлгон гапирмайдилар. Воқеа онамнинг бошларидан ўтганига қарамай, мен буни у кишидан эмас, шу тошда ўтириб отамдан эшитганман...

— Кейин нима бўлган экан? — қизиқди Олия.

— Кейин қоронғи тушиб, онам ҳовлига келганлар. Келсалар, қишлоқ тинчиган, отам шаҳардан қайтиб, бу кишини қидириб юрибдилар...

— Айтинг... Кейин нима бўлди? — воқеанинг сўнгигига қизиқди Олия.

Камол бир оз сукутдан кейин, ўз ҳикоясини давом эттирди:

— Онам ўша пайтларда Ҳасан-Ҳусанин тишларида тишлаб, шундай ўлимдан олиб қолганлару лекин булар катта бўлган кунда, жангга бериб қўйганлар... Ҳасан деган акамдан бор-йўғи битта хат қолди бу ёғи. Онам рўмолчага ўраб, яшириб юрадилар, ҳеч кимга кўрсатгилари йўқ. Уни мен болалик пайтимда бир ўқигандим, нима гаплар ёзилгани эсимда қолмаган. Фақат эсимда турибди, ўн-ўн беш қатор гап ёзилган, кейин, саккизми, ўн қаторми шеър, нари ёғи яна ўн қаторча гап. Ўзи катта дафтарнинг бир варағи. Варақни ҳўллаб, рангли қаламда ёзган акам. Шеърнинг аввалги бир қатори ўқиганимда миямга ўрнашган эди — «Онажон, ёдимда бор, оқ сут бериб боққанларинг...» — шундай деб ёзилганди. Ҳалати, онам кўлдаги воқеадан ёки ўғиллари урушда нобуд бўлганидан гап чиқса йиғламайдилар. Гўёки «шу можароларни кўришимиз керак экан, кўрдик!» дегандай лоқайд, осойишта ўтирадилар. Лекин, у киши ўша икки ўғил шаҳарга жўнаб, шаҳардан ўлимга кетганини ҳеч қачон унутолмайдилар...

Осмон қорайиб, унда-бунда юлдуз милтиради.

Кўм-кўк қамишларни ҳасратдай сим-сиёҳ ранг ювиб,

яшнаб ётган кўл тун бағрида хаёлий, афсонавий алвас-тилар макони аталган овлоқ бир жойга айлангандай ғарибона тус олди.

Қишлоқ томонда ҳавога ғубор кўтарилди. Сигирларнинг чўзиқ «мў»лаши, итларнинг инжиб вовиллагани эшитилди. Ҳар ер-ҳар ерда чироқлар ярақлади.

— Майли, кетдик энди... — ўридан турди Олия.

— Сиз мендан хафа бўлманг, гапира бериб, бошингизни баттар оғритдим... — деди Камол.

— Йўқ, оғримаяпти... ўтиб кетди...

Улар кўл этагидан қайтиб, янги иморатларга томон юрдилар.

— Ажабо, дунёда инсон кўрган алам нақадар кўп! — деди Олия. — Бугун менинг ёзганларим шундай аламдан иборат... Замонлар ўзгаргандай бўлди. Лекин, суронлар, уруш... яна алам... Асрий аламлардан қутулиб, инсон энди бутунлай алам кўрмасдан ҳаёт кечирса нима киларди!..

Камол индамади. У бир оздан кейин ўзининг бугунги ҳикояларига шунчаки яқун ясади:

— Мен, ўтган воқеалар сабабдандир, майда-чуйда нарсалар учун бировни дарров ёмон кўролмаيمان... бировни ёмон дейишга тилим ҳам бормайди... Аввалдан отамга кўп суяниб ўсганман. Отам деҳқонча содда қилиб: «Айбсиз Парвардигор! Бировга айб қўймай, ўз айбларингни тўғрилашни ўйла!» дердилар...

Олия ўйланиб қолди. Унинг кўз олдига оппоқ соқоли кўксини тутган, кўзлари мулойим бир чол жонланиб келди.

— Бобо художўй одам эдиларми? — сўради у.

— Ҳафсала қилсалар, баъзан ўт устига белбоғни ёзиб, дуойи фотиҳа қилардилар. Лекин мулла эмасдилар. «Одамларга пафи тегадиган ишни қилгин! Шунда сендан Худо ҳам рози бўлади!» деб, ўгит берардилар. У киши учун ўт устига белбоғни ёзиб ўтириш ота-бобалардан, қадимдан қолган муқаддас, пок бир расми-русумни бажариш эди... Умуман, бизнинг одамлар эскидан расми-русумга қаттиқ риоя қилиб келишган. Мана, қишлоқдаги тўй тартиблари бунга бир мисол... Сиз Когонда ўсгансиз, буни билмаслигингиз ҳам мумкин...

— Айтиб беринг, — сўради Олия.

— Йигит билан қизнинг тўйи белгиланган кечада аввал йигит ўз уйига ёру жўраларни чақириб, зиёфат беради. Шом вақти бир тунука қутининг тагини тешб,

унга калтак суқадилар. Кейин қутига керосинга ботирилган латтани солиб, уни ёндирадилар, унинг номи — машъал! Олача чопон кийиб, белини шоҳи белбоғ билан боғлаган, бошига қўқон дўппини қўндирган йиғитни ижкита жўраси қўлтиқлаб олади. Биров машъални кўтариб олдинга ўтади, қолганлар куёвни ўраганча унга эргашадилар. Шундан кейин, қийқириқ, ўйин-кулги билан ҳаммалари келиннинг уйига келадилар. Келиннинг уйида базм бўлади. Охири ҳамма тарқайди. Куёв ҳам жўралари билан ўз уйига кетади. Эртаси кунни ҳали куёв чиқмаган саҳар пайти куёв мошинни, аравами топиб, яна келиннинг уйига келади. Келиннинг уйи олдида катта гулхан ёқадилар. Доммод<sup>1</sup> келинни қўлида кўтариб, гулхан атрофини айланади, оловдан сакрайди. Куёв келинни бемалол кўтариб, оловдан бемалол сакраса, одамлар «баракалла» дейди. Агар келинни яхши кўтаролмаса-ю, оловдан яхши сакрамаса, одамлар куёвнинг устидан кулиб, уни бир оз мазах қилишади... Акбар деган жўрамиз: «Бизнинг халқимиз бир пайтлар оташпараст бўлган, оловга сажда қилган, машъал билан гулханга монанд расми-русумлар ўша вақтлардан қолган», дейди. Шу гап тўғри бўлса керак...

— Тўғри, шундай даврлар бўлган! — тасдиқлади Олия: — Мен буни ўқиганман... Билмадим, ким қандай қарайди, лекин менга оловга сиғиниш ёқади...

— Э, йўқ, ҳаммамиз ҳам мусулмон фарзандларимиз. Менимча, бунга шак келтирмаган дуруст, — кулди Камол.

Улар бир қаватли кутубхона биносининг баланд зинасидан кўтарилишди. Олия эшикни очди. Изма-из ичкарига киришди.

Олия жавонлар орасидан хонанинг орқа томонига ўтиб, Камол учун бир даста кигоб ташлаб келди.

— Ишлар кўпайиб қолди, — деди Камол. — Бригадамизнинг ташвишлари кўп. Даста ишларидан бўш вақтни топдимми, асаларига қарайман, томорқада ивирсийман, кичкина боғимиз бор... Тўғрисиёни айтсам, баҳордан кеч кузгача қишлоқ кишиси учун китоб ўқишга шайроитнинг ўзи топилмайди...

У «хайр» мазмунида бош сиктади.

Олия уни тўхтатди.

---

<sup>1</sup> Бу ҳам «куёв» дегани.

— Мен колхоз боғини бир кўрмоқчи эдим. Бирон кун кўрсатмайсизми?! Жудаям яхши дейишади...

— Майли, бирон кун... шароитга қараб...

Олиянинг назарида, ўз илтимосини Камол андак малол билан қабул қилгандай, йигит гўёки: «Одамлар бизни бирга кўришса, сизга гап тегмайдими?!» — деб тагин истиҳолага бораётгандай бўлиб туюлди.

Камол кутубхонадан чиқиб кетди.

Олия тирсақларини столга тираб, тахта тўсиқ устидан ёпиқ эшикка тикилиб ўтираркан, ўзини фақат шу дамда эмас, балки, умуман, ёлғиз қолгандай ҳис этди. У бундан олдин ҳеч қачон биров билан суҳбатлашиб, ундан ажралгиси келмаётганини сезмаган, кўкси бундай ширин бир қайғуга тўлиб, ҳеч қачон бундай ёлғизликни ҳис этмаган эди...

\* \* \*

Бир воқеа рўй бериб, Райҳон биби ўғлининг шаҳарга бориб-келишига монелик кўрсатмаслигини маълум қилди. Аммо Камол энди, аксинча, шаҳардан бутунлай оғиз очмай қўйди...

Камол Райҳон бибини шунчаки катта йўлга олиб чиқди-ю, кейин Зумрадга олдин айтганидай, кампирнинг бошини айлантириб, уни автобусга солди. Автобус ҳашпаш дегунча Бухоро шаҳрининг Самарқанд дарвозаси аталган бекатига етиб келди. Райҳон бибининг ўғлига нтоат қилиб, шаҳар айланишдан бошқа иложи қолмади.

Она-бола ҳашаматли аркка кириб, ҳар хил антиқа буюмлар, расмлар, турли-туман ашёларни кўздан кечирди. Аркдан чиқиб, «колхоз бозори»га боришди; ҳолва, қанд-қурс харид қилишди; магазинларни кўришди. Камол Райҳон бибини қўхна эҳромлар, болохонадор эски ҳовлилар орасидан буралиб ўтган торгина кўчалар, шаҳардаги катта йўллару юксак иморатлар билан бирма-бир таништирди. Бошда ўғлига худди қорни оғриб қолган ёш боладай афтини буриштириб эргашган кампир, аста-аста шаҳарнинг обод, айлакса бемалол айлангудек бир жой эканлигига ишонч ҳосил қилиб, йўл-йўлакай олган таассуротини яйраб гапиришга тушди. У олдинги икки ўғли мана шу шаҳарга келиб, шаҳардан йўқлик бағрига сингиб кетганини кўп эсламади ҳам.

Она-бола, ниҳоят, Самарқанд дарвозаси бекатига қайтиб, автобусга шоду хуррам ўтиришди. Бироқ...

Улардан олдинги қаторда икки мўйсафид ўтирарди.

Автобус жилиши билан, булар ўзаро ғалати мавзуда суҳбат бошлашди-ю, Райҳон бибининг ногаҳон авзойи ўзгарди.

— Сафар ака бинойи юрибдиларми? — сўради ойна томонда ўтирган мўйсафид ёнидаги қариядан.

— Акамулло тузук. Ўғиллари келиб, думоғлари чоқ, оғиз қулоққа, юрибдилар...

— Қайси ўғиллари? — ажабланди ҳалиги мўйсафид. — У кишини ҳеч кими йўқ эди-ку...

— Бир мўъжиза содир бўлди.

Бу томонда ўтирган қария кунни кеча ҳамқишлоғи Сафар аканинг йигирма икки йил бурун урушга кетган ўғли кириб келганини ҳикоя қилди.

Сафар ака ўғлининг бедарак йўқолгани тўғрисида уруш тугаган йиллари хат олган, ўғлидан бутунлай умидини узган экан.

Ўғил жангда қаттиқ ярадор бўлиб, госпиталда узоқ ётибди. Ахийри даволаниб, қишлоққа қайтиш тараддудини кўра бошлабди. У ўзи даволанган шаҳарчада танишган қизи — қайлигини ҳам бирга боришга кўндирибди.

Улар йўлга чиқамиз, деб турган кунлардан бирида аскар йигит кўчада ўзига раёндош бўлган, ўрта ёшлардаги, афти-ангори ҳар қалай кўзга таниш кишини учратибди. Қишлоғи, отаси тўғрисида ҳалиги қишининг хабари борми, йўқми, суришгирибди. «Хафа бўлманг, лекин Сафар ака аллақачон қазо қилганлар!» — дебди учраган киши билиб-билмасдан. Йигитга қайлиги: «Қишлоқда ҳеч кимнинг бўлмаса, бориб нима қиламиз!» — дебди ва улар Қора денгиз бўйидаги шаҳарчада қолиб кетишибди. Узоқ йиллардан сўнг, йигит шунчаки тугилган қишлоғини зиёрат қилиш ниятида айланиб келса, қишлоқда отаси соппа-соғ юрган экан.

— Колхозга хат ёзиб, «отамизининг дарағи қандай, тирикми ёки дунёдан ўтганими», деб сўраса бўлмайди-ми?.. Тентак! — йигитдан норози оҳавгда тўнгиллади биринчи мўйсафид.

— Мен хато қилмасам, Сафар ака бу йил тўхсанга чиқдилар! — деди бу томонда ўтирган қария. — Акамулло жанг вақтигаям сочу соқол оппоқ, қоматлари асога муҳтож юрган бобо бўлсалар! Бечора игит<sup>1</sup> гапга бовар қилган...

<sup>1</sup> «Йигит» демоқчи. Бухоро шеваси.

Икки мўйсафид, шундан кейин, «бедарак йўқолган» деб хат олишнинг «қорахат» олишдан фарқи борлиги, бунда жангчининг ҳаёт қисмати тўзонли майдонларда кўмилиб кетгани хабар қилиниши, бедарак кетганларнинг ҳаммаси ўлди, деб ўйлаш нотўғри эканлиги бора-сида анча гаплашишди.

Қамолнинг Райҳон бибини қоронги хаёлотдан тортиб олмоқчи бўлиб, машаққат билан шунча шаҳар кездиргани зое кетди. Райҳон биби мўйсафидлар суҳбатини эшитиб бўлгач, уввос солиб, бошда автобусда ўтирганларни ҳангу манг қилди. Сўнг эса, уйга қанот қоқиб учгиси келди-ю, бекордан-бекорга инжий бошлади.

Қамол одамлар олдида кампир учун хижолат чекиб, терга ботди. У, автобус колхоз марказига етмай туриб, ўз қишлоқларига боғланган бошқа бир йўл муюлишида кампир билан тушиб кетишдан бўлак илож тополмади.

Опа-бола уйга пиеда қайтишди.

Райҳон биби уйга келганлари заҳоти, хона тўридаги сандиқни очиб, ундан саргайиб кетган конвертти кўтарди; Қамолни бу «қорахат»ми, йўқми, айтишга мажбур қилди. Қамол хатга қарамасданоқ ўзининг олдида билгани бўйича акалари бедарак кетганини айтди. Лекин, кампир қуруқ гапга хўп деб кетаверадиган одам эмас, хатни Қамолнинг қўлига тутқазиб, дона-дона ўқиб беришни, русчадан дона-дона таржима қилишни сўради. Қамол кампирнинг истагини бажо келтирди-ю, боши баттар балога қолди. Райҳон биби Ҳасан-Ҳусайдан ҳеч бўлмаганда биттаси эрта-индин келиб қолади, деган хаёлга бориб, бунга ўзинча ишониб, шу соатдан эътиборан ўгилларини кутиб олиш ташвишига тушди.

Кампир дарвоза тик этса, ўридан сапчиб, нафаси бўғзига тикилганча, ҳовлига шошилиб чиқарди. Бу ҳам етмагандай, у ҳар куни неча соатлаб дарвоза остонасида ўгиллари қайтишини пойлаб ўтирар, аммо Қамолни кутган пайтларидаги сизгари дод солмас, унинг хира тортган кўзлари умиддан порларди. Райҳон бибининг кўпинча томоғидан таом ўтмас, уйқусида ҳаловат йўқ эди.

Бир куни Райҳон бибининг ҳолати Қамолга ҳар нарсадан кўпроқ таъсир қилди. Кампир ўглининг «кеч бўлди, уйга киринг», деганига қулоқ солмай, остонада оғир ўтирарди. Колхознинг собиқ раисини шу кунларда ҳарбий хизматини ўтаб қайтган шаҳарлик қариндоши кўр-

гани келган экан, аскар кийимда қишлоқ кўчасидан ўтиб қолди. Кампир йигитни узоқдан кўриши билан, унга талпиниб, Камолга: «Қара, аканг эмасми?» — деди. Камол: «Дунёда аскар кийимини кийган йигит камми!» — деб жавоб берганидан, ҳалиги йигит салом бериб ўтиб кетганидан кейин, Райҳон биби бошини букиб, одатдаги фарёдига ўхшамаган чорасиз бир ҳолатда ҳўнғир-ҳўнғир йиғлади.

Камол кампирнинг ярасига туз сепишни истамаганидан, шаҳарга бутунлай бормаи қўйди.

Кўп ўтмай, кампир тўғрисида у янада кўпроқ ўйлаб, кампирни авайлашга ҳар қачонгидан ортиқроқ ҳаракат қиладиган бўлди. Уни бу кайфият кўчасига Қосим бошлаб кирди.

Камол бир кунни магазинга шунчаки бош сукди; Қосим уни кўриб, магазинни беркитди. Икков қишлоқ кўчасига қадам қўйишди; манглайда чироқ ёнаётган икки тавақали қизил дарвоза олдига келиб тўхташди.

— Юр, уйга кирайлик, — таклиф қилди Қосим. — Биз ҳам одамга ўхшаб бемалол ўтириб гаплашсак бўлади-ку...

У дарвозанинг бир тавақаси бағрида жойлашган эшикчани туртиб очди.

Улар ичкарига киришди.

Дарвоза орқасида кичик майдонча бўлиб, қолган бутун ҳовли саҳни қуюқ дарахтзор эди. Нарн-берида чироқ ярақлар, нурдан боғча тўридаги сўри ҳамда ён томондаги бир қатор уйларнинг ҳал югуртирилган эшик-деразаси ёришиб турарди.

Улар ҳали майдончадан ўтмай туриб, уйлардан бирининг эшиги қарс этиб очилди.

— Ҳе-е, сани авлодингни ман...

Оқ сурпдан бир хил кўйлак-иштон кийиб, арвоҳга ўхшаган катта, йўгон киши ўнгу сўлга оғир тебранганича эшикдан майдончага қараб кела бошлади. У йигитларини бехосдан кўриб қолгани, олдинга оёқ босганича ногоҳ тўхтади. Сўнгра, йигитлардан бош-олти қадам нарида, худди оёқлари ерга михлангандай маълум нуқтада туриб, оғир тебрана бошлади.

Камол Қосимнинг авзоли бирданига ўзгарганини сезди; Қосим шу дамда ниманидир ўзинча сир тутгану, энди бу сир ошкор бўлганини кўриб, саросимага тушган одамга ўхшарди.

— Яна ичибсиз-да, а? Сизга ўн гап кор қилмайди!

Ражаб аканинг сочлари пахмайган, қошлари ҳурпай-

ган, тунд, ёввойи кўзлари киши тушида кўрса қўрқадиган даражада бежо, юзи шишганиданми, бесўнақай эди.

— Ман ичма... ичдим озгина...

У бир оз тебраниб тургач, кескин орқага ўгирилди; қайтиб эшик томонга кетди.

— Уйда аҳвол мана шу, — хижолатли товушда гап тушунтирди Қосим. У ҳозиргача сир бўлган айбни гўёки энди очаётгандек, истар-истамас сўзлай бошлади:— Падари бузруквор кейинги пайтларда ичишга ружу қилдилар. Ичларида бингадирликдан тушганларининг алами бор... Анчадан бери уйга қамаб қўйганман, келаётганимни билса, эшикдан чиқмасди, билмасдан чиққан... — У дарахтларга, сўнг осмонга бир қараб қўйди; совуққон, лоқайд оҳангда тўнғиллади:— Менга бари бир, лекин бу киши қайтиб одам бўлмайди. Шу ичиш дастидан ўлиб кетади энди...

Ражаб аканинг аҳволини кўриб бир ғаш бўлган Камолнинг кўнгли, Қосимдан чиққан гапларни эшитиб, икки ғаш бўлди.

— Э, ундай дема! Олам ҳеч вақт ўз отаси ҳақида шу гапни айтадими?!

— Жонига тегса, айтади, огайни...

— Ражаб ака сенинг отанг, — эътироз билдирди Камол. — Отанг бўлганидан кейин, меҳимча, шу гаплар сенга муносиб эмас...

— Жонга тегди, огайни. Кун ора ичиб, ёш болани сўкиб юргани-юрган. Мана, ҳозир ҳам «хе, сани авлодинни», деб, бечора норасиданинг ҳали дунёга келмаган авлодини сўкяпти... Бу киши болага ором бермагани сабаб, хотин билан ҳар кун гапимиз қочиб, ўт чиқади... Уйда қаттиқ сиқилдим, огайни... А, майли, қўй... Юр, нариги хонага кириб, ўзимиз ўтирамиз...

— Йўқ, мен бошқа кун келарман, — суҳбатдан айнади Камол.

— А, нимага?!

— Кайфият тузук бўлган вақт яна келавераман...

— Нима фарқи бор, юр! — уйга қистади Қосим. — Кайфият бизга боғлиқ эмасми?!

— Йўқ, бошқа кун...

Камол дарвозанинг бир тавоқаси бағрида жойлашган эшикчадан қайтиб кўчага чиқди...

«Бизни кампирнинг доду фарёди ҳаммага дoston бўлмасайди, мен Қосимга отасини уйга қамаб қўйгани-ю, бундай муомаласи учун қаттиқроқ гапирармидим! — ўй-



ладн у кўчада бораётиб. — Қосимга бирон бало бўлди-ми ёки ўзи асли шундаймиди?!».

Камол Қосимни «биринчи жўрам» деб юришини эслаб гижинди; бундан кейин шундай дейишга тилим борармикан, деб ўйлади. Аммо, иккинчи томондан, ҳеч қачон Қосимдан тамоман юз ўгиришим мумкин эмас, деган гап ҳам унинг хаёлига келди. Болалик пайтида анча йил биргина синфда ўқиган ўқувчилар худди бир хонадонда ўсиб-улғайган ака-укаларга ўхшаб кетадилар. Аканг ёки уканг билан, табиатида кўринган нимадир хислат, нимадир қусурни сезанингда, дарҳол хайру хўшлашиш осон ҳам, тўғри ҳам эмас!

Камолга Райҳон бибини уруш бир қадар бахтсиз қилгандай, Ражаб ака эса, бесабаб, ўзи ва ўғли дастидан бахтсизлик чоҳига қулагандай бўлиб кўринди. «Нима учун дунёда бахтсизлик деган офат бор экан-а! — ўйлади Камол. — Инсон дунёда қисқагина умрини беғурбат ўтказса нима қиларди! Бахтсизлик офати баъзан кимгадир чапгал солиши, налотки, шарт бўлса?!»

У йўл ўртасида тўхтаб, юлдузларга, яримта кулчага ўхшаган ой, унинг теграсида саргардон кезган парча-парча булутларга жавоб сўрагандай тикилди. Бироқ, у кўкда абадий бир сукутни кўриб, баттар эзилди, бошини ғамгини букиб, йўлида оҳиста давом этди...

\* \* \*

Райҳон бибининг ҳасрати Камол билан Зумрадни бир-бирига ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ яқинлаштирди.

Зумрад олдинлар Камолнинг кайфиятига, юриш-туришига унчалик эътибор бермасди.

У ҳар куни эрталаб далага кетишдан бурун сигирларни соғар, катта қозонда сут қайнатарди. Райҳон биби наҳорда ширчойга сариёғ солиб ичишни хуш кўрар, қаймоқ эмас, қатиқни ҳам фақатгина бош ювишга ишлатарди. Зумрадининг ўзи ширчой ичмас, қаймоққа кампирдай иштиёқи йўқ, кўпинча қатиққа шакар селиб ер, қатиқдан шўртак қурт ясаб, баъзан кундузлари ҳам кесирлатиб юришни қўймас эди. Хонадонда дастурхонга қаймоқ келса, жилмайиб қўядиган, яйраб нонушта қиладиган киши — Камол эди. Зумрад Камолнинг қаймоқни яхши кўришини билар, аммо хуши келган кунлардагина сутнинг қаймоғини олар, одатда эса, Камолнинг олдига ҳам бир коса иссиқ ширчойни қўя қоларди.

Зумрад энди ҳар куни эрталаб сутни қайнатгач, Ка-

молнинг олдига, албатта, бир пиёла қаймоқ келтириб қўярди; иштаҳасиз кўйда нон чайнаб ўтириб, йигитнинг қатма-қат хом қаймоқни қандай яйраб тановул қилишни жимгина кузатарди.

У ҳовли юзидаги шолчадеккина гулзор олдида, гоҳ тонг бўзарганида, гоҳ эса, кун ботаётган чоқда тоғорани кўликка тўлдириб, Камолнинг кийимларини қайта-қайта ювиб ўтирарди. Кеч тунларда бўлса, ювилган кийимларни дазмоллар, йигит кўчадан этигини лойга белаб келганида, этикни тозалар, эринмай мойларди. Бу ишларнинг барини бир умр эркин, мағрур қиз яқинда хонадонга тушган келинчак сингарин беминнат, беозор бажарарди.

Камол ҳам, ўз навбатида, Зумраднинг кўнглини овлашга уринарди.

Зумрад ҳар оқшом овқат тараддудига тушаркан, Камол ошхона ва чуқур айвон ўртасида — ҳовли тўрида жойлашган эшикдан ўзларига тегишли боққа чиқиб, девор орқасида уюлиб ётган ғўзапоядан бир қўлтигини ошхонага келтириб қўярди. Ошхонанинг юқори томонида пастак супача бўлиб, унда ерга бўғзигача кўмилган хум бор эди. Камол челақни обкашга илиб, қишлоқ кўчасидаги уйлар билан колхоз боғи оралиғида бўлган ҳовузчадан ҳар оқшом сув ташир, хумни янгидан тўлдирарди. У Зумраднинг юз-кўзига қарар, қизнинг нимадир истағи бўлса, дарҳол бажо келтиришга ошиқарди.

Камол Зумрад билан қандай қилиб Райҳон бибини ҳасрат гирдобидан чиқариш устида кўп марта фикрлашди. Камолга ўхшаб Зумраднинг ҳам боши қотганди. Сўнгги пайтларда газеталар урушда йигирма миллион одам нобуд бўлганини эслатапти! Бедарак кетган аскарлар қанчалик кўп бўлса, дунёда номаълум аскарларнинг қабристонини ҳам шунчалик беҳисоб. Тўзонлар ичида изи йўқолган минглаб инсон фарзандлари она бағридай илиқ Ватан тупроғида — мана шу қабристонларда ётмаганмикин?! Қардош бир заминда номаълум аскарларнинг қабристонини кўрган ўзбекнинг юрағи беҳосдан ларзага келиши бежиз эмас-ку! Уруш тўғри йўлдай равшан кўришиб турган инсон қисматларини ипдай чувалаштириб юборди!.. Бу гапларнинг ҳаммаси — аччиқ ҳақиқат!.. Бироқ Райҳон бибининг бу ҳақиқатни эшитгиси ҳам, билгиси ҳам келмайди.

Зумрад, Райҳон бибига қандай таъсир кўрсатиш мумкинлигини, ниҳоят, ўйлаб топгандай бўлди.

— Мен бутун дугоналарим, танишларимни зиёфатга чақираман. Сиз ҳам жўраларингизни айтасиз... — деди у Камолга ўйчан қиёфада. — Уйнимизда зўр бир зиёфат ўтказайлик!

Зумрад зиёфатдан фойдаланмоқчи эди. У, кампирнинг миясига ўрнашган хаёлларни фақатгина бошқа хаёллар ёрдамида суриб чиқариш мумкин, деган фикрга келганди.

Зумрад зиёфатга ташриф буюрадиган меҳмонлардан энг аввал, нимадир совға-салом келтириш ниятлари бўлса, ўзи ёки Камол учун эмас, Райҳон биби учун келтиришларини сўрамоқчи эди. Бундан ташқари, у ўзи билан, Камол билан бирга ўқиган, аммо ҳеч қачон кампирнинг кўзига чалинмаган қизлар, йигитларни зиёфатга чақиришни ўйлаб қўйганди. Зумрад Райҳон бибининг нотаниш қизлар, нотаниш йигитлардан, кўпчилик кексаларга ўхшаб қайси қишлоқдан эканлиги-ю, ота-онаси кимлигини суриштириши мумкин, деб биларди. Бу йигит-қизларга қандай жавоб беришни ўргатиб қўйишга қарор қилган, жавоб тахминан бундай бўлиши керак эди: «Мен фалон қишлоқдан бўламан, лекин сиз менинг ота-онамни билмайсиз... Нима фарқ қилади, бибижон, биз ҳаммамиз шу битта колхознинг фарзанди... Сизнинг ҳам фарзандиингиз!»

Зумрад, таниш қизлар, таниш йигитлар ҳам Райҳон бибида маълум таассурот қолдиришига умид қиларди. Зора, кампир буларнинг кечаги норасидалар эканлини эсласа; бутун бир авлод улғайганидан кўнгли ўсиб, ғамгин хаёллари тўзғиб кетса! Улғайган фарзандлар, ажаб эмаски, қайсар кампирни Усмон Носир шеърисидаги:

«Ўтган қайтиб келмайди,  
Эртани севиниб кут!» —

дегандай бир тушунчага сездирмай етаклашса!..

Зумрад билан Камол анча тараддуд кўришди; ниҳоят, улар кутган фурсат ҳам келди.

Райҳон биби, афтидан, бошда Зумрад билан Камол нега ёру дўстларини чақиришганига ҳам, нега келган меҳмонлардан кимдир ўзига рўмол, кимдир калиш совға қилаётганига ҳам тушунолмади. Бироқ, зиёфат бошланиб, йигит-қизлар ўзини эшикдан чиқишга, хизмат қилишга қўймаётганларини кўргандан кейин, ҳамма нарсага бирданига тушунгандай бўлди. Унинг нотанишлар билан танишуви, айниқса, таъсирли чиқди. У бир

ёнида ўтирган нозиккина йигитчадан қайси қишлоқлик эканлиги-ю, ота-онаси кимлигини шунчаки суриштирган эди, йигитча бўйинини гоз тутиб, кампирга бурро жавоб қайтарди:

— Мен Барака қишлоғидан бўламан, сиз меннинг ота-онамни билмайсиз... Нима фарқ қилади, бибижон, биз ҳаммамиз шу битта колхознинг фарзанди... Сизнинг ҳам фарзандингиз!..

Кампирга бу йигитчанинг жавоби ўринсиз ҳазилкашлик бўлиб туюлди, у юзини буриб, иккинчи ёнида қошларини чимириб ўтирган қиз билан гаплашишни маъқул кўрди. Кампирнинг саволига бу қиз ҳам бурро жавоб берди. У фақат гапни «Мен Меҳнатдан бўламан», деб бошлади ва бир эмас, икки-уч марта «бибижон» деди.

Райҳон биби синиққина жилмайди:

— Ҳамманг битта гапни ёд олганмисан?..

У даврада ўтирган бошқа йигит-қизларга қаради. Даврада ўтирганларнинг чиройи очиқ, кўзлари порлар эди. Кампирни беҳосдан ҳаяжон босди.

— Санлар қандай яхши!.. — деди у. — Худо санларга узоқ умр берсин!..

Райҳон бибининг кўзлари жиққа ёшга тўлди. Аммо бу энди ўтган умрдаги армонлар алами эмас, ҳаётдан мамнуният нишонаси эди...

Зумраднинг таклифи билан эиқфатга Олия ҳам келди.

Олия иш топилган жойда бекор ўтиролмайдиган нотинч қиз бўлганидан, давра таштини суришдан кўпроқ Зумрад билан Камолга қарашди. У, ҳамма чиқиб кетганидан сўнг ҳам қолиб, дастурхонни йиғиштириш, идиш-товоқни ювиб қўйиш сингари ишларга ёрдам берди.

Райҳон бибига Олиянинг бундай оддийлиги, меҳнаткашлиги ёқди. Уни бу қизнинг, айниқса, биринчи кўрган кишисига ҳам меҳрибон, самимий муомала қилиши қувонтирди.

Райҳон биби, ниҳоят, Олия ҳам хайрлашиб кетгач, у тўғрида Зумрад билан гаплашишдан ўзини тўхтатиб туролмади.

— Бу мунча хушрўй қиз экан! — деди кампир. — Мунча дилбар!..

Зумрад кампирнинг фикрига қўшилиб, Олияни мақтади. Кампир бу қизнинг қаерлик эканлигини, ота-онаси кимлигини Зумраддан сўради. Зумрад: «Олия опа

Қогондан. Ота-оналарини билмайман...» — деб жавоб бергач, у яна қизнинг шаънига илиқ гаплар айтди:

— Кўзлари катта... бурни нозиккина... Иши тартибли... ўзиям озода...

Зумрад қишлоқдаги оналар келин танларкан, одатда уларнинг икки нарсасага — қизнинг чиройли бўлишига ва озодалигига ниҳоятда эътибор беришларини яхши биларди. Улар совчиликка борганда, кўпинча мезбоннинг кўзини шамғалат қилиб, қизнинг озодалигини текширишарди. Оналар дастурхонга келган чойнакнинг қопқоғини кўтариб, унинг лаб-лунжи яхши артилгани ёки заъфарон доғлари борлигини кўздан кечиришар, токчалардаги буюмларга чангу губор қўниб-қўнмаганига қарашарди. Бу ҳам етмагандай, улар баъзан уйдан ташқарига астагина сирғалиб чиқишар, ҳовли юзи супуриб-сидирилганми, бурчак-бурчакларда ахлат уюлиб ётгани йўқми, ҳаммасини аниқлашга ҳаракат қилишарди. Улар совчиликдан қайтгач, қизнинг уй тутуши тўғрисида баҳс юритиб, буниси маъқул бўлган тақдирда, иккинчи масалага — қизнинг кўриниши тўғрисидаги баҳсга ўтишарди. Оналар кўриниш бобида ҳам ҳар қандай қизни хушлаб кетаверишмас, аксинча, уларда эътироз билдиришга кўпроқ мойиллик бўларди. Баъзан бир қизни хушламай «бурни пучуқ экан, юзига ёпишиб кетган», дейишса, баъзан «бурни жуда катта-э», дейишарди. Қизнинг кўзлари кичкина ёки қисқ бўлса, бу ҳам уларнинг кўнглига ўтиришмасди. Албатта «кўзлари кўзми, тугмами!» ёки «кўзлари юмилиб кетяпти», деб, афтларини буруштиришарди.

Зумрад Олиянинг ҳар жиҳатдан Райҳон бибига ёққанини кўриб, кампирнинг кўнглига қўл солди:

— Сиз шу қизни келин қилмайсизми, бибижон... Хушрўй бўлса... озода...

Райҳон биби бирдан афниди:

— Манга келин қуриб кетдимми... Сап, қишлоққа қайси жойдан пайдо бўлган бир қизни келин қилинг, дейишга уёлмайсанми?! Ман нимага ота-онаси номаълум қизни келин қиламан!..

Зумрад кампирнинг олдида бўш келмади:

— Баҳона қидирманг, бибижон... Сизнинг ўзи ҳеч кимни келин қилишга хоҳишингиз йўқ! Билмадим, ўғлингизга биронта пошшоннинг қизини олиб бермоқчимисиз!.. Ўғлингизни куйиб-қизғаниб, яхши кўрганнингиздан кейин, сизга ҳар қандай келиннинг ёқмаслиги турган гап...

Райоҳн биби Зумраднинг койинишларига жавобан лом-мим демади.

У «менинг сен билан гаплашадиган гапим йўқ» дегандай, дарҳол Зумрадга тескари ўтириб олди...

\* \* \*

Зумрад сўнгги пайтларда кимгадир кўнгил қўйганди. Камол буни сезмаслиги, билмаслиги мумкин эмасди. Зумраднинг ўзи бутун хатти-ҳаракати, юриш-туриши билан буни ошкор этар, Камолни бу тўғрида ўйлашга мажбур қиларди.

Пахта оппоқ очилиб, далага зангори кемалар чиқди. Йўлларда пахта ортган машиналар гувуллаб, пахтазорларга этак тутган одамлар тўкилди.

Камол баъзан бригаданинг даласи, хирмонида юриб, баъзан идорага қатнарди. У кўпинча уйга кеч қайтар, овқатланиб бўлгунича, вақт алламаҳалга борар эди-ю, саҳарлаб яна уйни тарк этишига тўғри келарди.

Бир куни Камол уйга эртaroқ қайтиб, Зумраднинг ҳам одатга хилоф тарзда эрта қайтгани, ҳовли юзини супуриб, яхши кайфиятда ўзича: «Шаҳлоларинг... шаҳлоларинг» дея хиргойи қилиб юрганини кўрди. У ҳовли ўртасидаги қуриган ўрик остига қўйилган тахта сўрининг четига келиб ўтирди; қизнинг ашуласини тинглашга чоғланди:

— Баландроқ айтинг, биз ҳам маза қилайлик...

— Бу сиз маза қилмайдиган ашула! — деди Зумрад эркаланган аразли оҳангда.

Кўча томондан итларнинг вовиллаши, сигирларнинг «мў-ў» деган чўзиқ товуши эшитилди. Дарвозани боши билан очиб, ҳовлига оқ тусли сигир кирди, унинг изидан жигар ранг сигир кела бошлади.

Зумрад қўлидаги супурни ташлади. У боладай енгил ўйноқлаб сигирларни қараш олди. Бирини бўйнидан кучоқлаб, иккинчисининг қўлига осилгандай бўлди.

Сигирлар қиздан бўйини кузатиб, тўғри молхонага қараб кетди.

Камол Зумраднинг хатти-ҳаракатларини кузатиб, унга ёш болага хос қилиқлар эдиларашмаётганини, унинг фақат бўйи ўсиб қолмай, умуман, улғайгани, бутун қалди-қоматида олдин кўринмаган кўркамлик пайдо бўлганини ҳис этди.

Зумрад Камолнинг ёнига келди.

— Мен сизга бир гапни айтмоқчи эдим... Бугун Акбар ака бизнинг бригадамизга келдилар...

— Э, нимага индамай ўтирибсиз?! Мен уни қанча бўлди, кўрмадим, — худди Акбар шу дамда ҳовлига кириб келаётгандай, сўридан тушишга чоғланди Камол. — Бўлмаса, у ҳозир уйдадир?..

— Уйига кириб бир пиёла чой ичгану кетган. Турмай қўя қолинг... Лекин далада бизни кўриб, анча гаплашди у киши...

— Нималар дейди ўзи?!

— Шу далада юрган одамнинг ҳар бири битта қаҳрамон, дейди. Ҳаммаси далада ишлайди-ю, томорқаси, боғини обод сақлашга яна вақт топади, дейди. Тирик одам бўлгач, шахсий ташвишлари, уйи, рўзғори бор, бунга ҳам вақт керак, имконият керак, дейди. Ўзи пахтада ишлаган одамнинг ўнта қўли бўларкан, болаликда биямас эканмиз, дейди...

— Мен кўпинча шахарга борсам, уни албатта излайман. У мени кўрмай кетибди-да! — хафа бўлди Камол. — Мана сизга ёру жўраликнинг оқибати...

— У киши сизни кўриб нима қилади!.. Сиз далада тер тўкмайсиз, ёшларга бригадирман, деб ялло қилиб юрасиз... — тегишди Зумрад.

— Дашт томондан қуруқ, умрида экни кўрмаган ерни олиб ишлаётган бригада бизники бўлади!.. Менинг бригадамга ўтинг, деганим билан ўзингиз ўтмай юрибсизу яна мени танқид қиласиз! — тўнғиллади Камол, кайфияти баттар бузилиб.

— Ҳазил қиляпман. Ҳазил!.. Сиз у кишидан хафа бўлманг. Ҳозир чақ-чақ қиладиган фурсат бўлса, у киши ўз уйида бир кеча тунаб қолмайдими!..

Камол индамади.

— Мен бугун саҳарлаб боғимизни бир оз айландим. Кейин колхоз боғига кириб чиқдим, шийпонга ҳам бордим, — деди у ниҳоят, ўзига-ўзи гапираётгандай, ўйчан. — Олия ишни дала шийпонига кўчирган экан...

У бугун саҳарлаб чиндан ўз боғларини айланган, боғ тўрига териб қўйилган асаларни қутилари атрофида уймалашган эди.

Камолнинг хўроз ҳали қўндоқдан тушмай туриб, иссиқ ўриндан қўзғалгани бежиз эмасди. У эл далага чиқиб ишга тушмасдан олдинроқ Олияга колхоз боғини кўрсатмоқчи, кейин уни кузатиб, далага кетмоқчи эди.

У ўз боғларида бир оз уймалашгач, йўл бошига чиқиб, ваъдага биноан Олия билан кўришди.

Улар олма-анорлари тўкилиб, ерда битта бўлиб ётган, қаҳрабо узумлари ишкомларда ларзон бўлиб турган боғни айланишди.

Кун эндигина кўкариб келаётганига қарамай, боғдаги йўлкаларга аллақачон қалин сув сепилганди. Боғ ўртасидан ўтган ариқ устидаги шинам сўри тепасида чироқ милтиллар, сўрида икки қария — Мутавалли бобо билан боғбон Эргаш ака чой ичиб, гаплашиб ўтиришарди.

Тортинчоқ Камол Мутавалли бобонинг ҳам, Эргаш аканинг ҳам кўзига чалиниб қолишларини истамасди. У боғда каллаи саҳарлаб барно бир қиз билан айланиб юришганини қариялар пайқаб қолишидан ҳайиқар, улардан қаттиқ уяларди. Камол ўзича уларнинг: «Бу икки беҳаё боққа қоронғида нега келибди-ю, нима қилиб юрибди!» — дейишлари мумкин, деб ўйлар, шундай дейишлари унга муқаррар бўлиб туюларди.

Олияга эса, афтидан, бундай шарқона мулоҳазалар, айни фурсатда, ҳар қачонгидай бегона эди. Камол, иккинчи томондан, эркин тарбия кўрган, «аёллар, эркаклар» деб эмас, ҳаммани бир рафтаги одамлар деб қабул қилган Олиядан ҳам ўзи сингари қисинишни талаб қилолмаслигини билар, қизнинг кўнглини оғритишни истамасди. У ўзи оғиз очиб, нимадир деган тақдирда, Олия йигитнинг қисинишидан бошқача хулоса чиқариб: «Сиз нима учундир мен ённигизда бўлганимда одамлардан қочишга уринасиз. Мен моховманми, олдингизда юрганимдан уялсангиз!» — дейиши мумкинлигини ҳис этарди.

Камол қариялар суҳбатига халал бергиси йўқлиги-ю, уларнинг кўзи тушса, ундан-бундан гаплашиб, тутилиб қолишлари ҳеч гап эмаслигини баҳона қилди. У қарияларни узоқдан Олияга таништириб, қизни сўри атрофидан айлантирди; чекка-чеккадаги йўлкаларга етаклади.

Улар боғни айланиб чиқишгач, Камол Олияни дала шийпонигача кузатиб қўйиб, кейин дашт томонга кетди.

Камол Зумрадга фақат боғдаги асалари ҳақида гапирмоқчи, бундан колхоз боғи тўғрисидаги гапга ўтиб, икки қарияга болаликдан айрича меҳри борлигини, саҳархез қариялар меҳнатидан боғнинг кун-бакун обод бўлаётганини ҳикоя қилмоқчи эди. Унинг хаёлида ҳикоя тахминан мана бундай бошланарди: «Бугун наҳорда боққа чиқиб битта асалари қутисини очсам, ичида иккита она ари юрибди. Бошқа қутига қарасам, яна



иккита!.. Она иккита бўлса, иккови уришиб, ҳаммаси қутини ташлаб кетади. Шунга дарров янги қутиларни очиб, биттадан онани бўш қутиларга қўйдим...»

Камол Зумрадга Олиядан гапирмоқчи ҳам, Олия билан боғ кезгани-ю, қизини дала шийпонига кузатиб қўйганини айтмоқчи ҳам эмасди. У тўғри сўзли йиғит бўлгани-ю, ўйчан ўтирганидан, Олияни бенхтиёр тилга олди.

Камолнинг хаёлидаги бутун ҳикоя унинг хаёлида қолаверди.

— Олия опа каллаи саҳрдан шийпонда нима қилар эканлар!.. Мунча меҳнаткаш бўлиб қолганлари қизиқ!..

Зумрад бу гапни нечундир истехзо, нечундир алам билан айтди.

Камол Олия билан кўришгани учун ўзини гуноҳкордай сезиб, бўйинини қисди.

Зумрад индамай Камолдан узоқлашди. У супургини қўлига олиб, ҳовлини қайтиб супуришга тушди.

Камол уни озгина кузатди. Сўнг, сўридан қўзғалиб, уйга кирди; бир оз ором олгиси келиб, дераза олдига чўзилди.

У мизғиёлмади. Бир ёқдан, Зумраднинг негадир Олия тўғрисидаги гапни зарда билан қабул қилганидан кўнгилда туғилган гашлик мизғишга қўймаёса, иккинчи ёқдан, ниҳоятда очиққани халал берди.

— Она, овқат пишганми?! — сўради кампирдан.

— Зумрад билади, балам...

Камол ўрнидан ирғиб туриб, ташқарига чиқди. Зумрад ҳовли юзида кўринмади. Боғ эшиги очиқ эди.. У эшикка яқинлашди.

Зумрад боғда, анор туплари ёнидаги супачада бошини букиб ўтирарди. Камолнинг ҳазиллашиб: «Қоринлар сурнай чалапти, эшитмаяпсизми!» — дегиси келди. Бироқ қизга яқинлашиб гапга оғиз жуфтлаган эди ҳамки, Камолга у елкаси оша ўгирилиб қаради. Қизнинг кўзлари жиққа ёш эди.

— Нима бўлди, Зумрад?.. Э, сиз, қўйинг...

Қиз бошини қайтиб букди. Индамади.

Камолнинг хаёлидан Зумраднинг бугун даладан эрта келгани, ҳовли супуришга тушгани, кайфияти яхши бўлгани-ю, хиргойиси, эркалиги, Акбар тўғрисида завқу шавқ билан гапиргани — ҳаммаси бирма-бир ўтди. У қизнинг қошида туриб, ўзича: «Бу ҳолатларга аввалдан-охир Акбар сабаб бўлса-чи!» деган фикрга борди. Бу фикр унинг хаёлига маҳкам ўрнашди. У гарчи Зумрад ҳали Олия тўғрисида гап чиққанида хуррам кай-

фиятдан асабиятга ўтганини сезган бўлса-да, буни ҳозир қизнинг кўзёш тўкиб ўтиришига сабаб деб билмади. «Бу Акбарни яхши кўради-ю, кўнглида ундан умиди йўқ! — ўйлади Камол. — Шаҳарлик бўлиб қолган Акбар қишлоқ қизига балки белисанд қарар! Балки, бу Акбарни тез-тез кўриш имконсиз эканлигидан куяётгандир!..»

— Менга қаранг, ҳаммаси яхши бўлиб кетади... Менга қаранг...

— Гапирманг, илтимос... — деди қиз оҳиста.

— Менга қаранг, Зумрад...

Зумрад яна унга елкаси оша қаради.

— Сизга доимо яхши! — деди қиз аламли оҳангда. — Қўйинг мени, биродар... Сиз бари бир одамни тушунмайсиз...

Йўқ, Камол Зумрадни тушунди.

Камолга аввал-бошдан Зумрад улар хонадонига бир кирдими, қайтиб чиқмаслиги қонуният бўлиб кўринар, вақту соати етиб, бу қиз ким биландир топшиши ва хонадондан чиқиб кетиши мумкинлиги унинг хаёлига синамас эди.

Зумрад ҳам, афтидан, шундай деб билар, ҳаёти, тақдирини улар хонадонига боғлаган, хонадондан ҳеч қачон узилгиси йўқ эди...

Зумраднинг сирли ҳолати кундан-кунга кўпроқ ошкор бўла бошлади.

Камол бир кунни Ҳайдар ака бригадаси пахта тераётган дала ёқасидаги йўлдан ўтиб кетаётиб, узоқдан Зумрад билан Хосиятни кўрди; ўқ ариқдан уларга томон юрди. Қизлар Камолни тез пайқашди. Камол қизларнинг ниманидир гаплаша бошлаганини сезди ва гарчи гап ўзи тўғрисида бўлиши шарт эмаслигини билса-да, томирлари бўшашиб, қалбида гуноҳкор одамга хос ғашлик туғилди.

У қизларга яқинлашди. Аҳвол сўради.

— Хосият, бир оз ўтирайлик гаплашиб...

Зумраднинг таклифига Хосият рози бўлмади:

— Мен бир оз терай. Сенга ўхшаб машина бўлмасамки, ишим қолади, деб қўрқмасдан ҳар замон ўтираверсам...

Хосият ўз эгатидан илдам кетди.

— Менинг нафасим бўғзимга тиқилди, буни кўрмайсизми, ўтириб озгина дам олайлик деса, ишидан қўрқади, — дегонасини издан койиди Зумрад. — Келинг, бир оз ўтирайлик.

Қатордаги эгатди пахта жойланган бир қоп ётар, унинг ёнида яна бир этак пахта бўлиб, этакнинг устида, олдида ҳам анча пахта уюлган эди.

Зумрад шу кунлар икки юз-уч юз килограммдан пахта терар, Хосиятнинг уни «машина» дегани бежиз эмас. Камол қопга, Зумрад уюлган пахтага ўтирди.

Камол баланд ғўзапоялар устидан Хосият томонга қаради:

— Бу чаққон қизнинг биз билан ўтирмагани ғалати бўлди-ку...

Зумрад дугонасининг бирга ўтирмаганидан ортиқ койинмади. Аксинча, унинг ўтли кўзлари, мардонаворликми, матонатми барқ урган юзда ички бир мамнуният кўринди. У шиддаткор ишлаб ҳорган, аммо ишдан қаноат ҳосил қилиб, енгил нафас олаётганга ўхшар эди.

Зумрад Хосиятдан эмас, ранжишдан кўпроқ аразга ўхшаган оҳангда, Камолдан койинди:

— Сиз мен билан мундай гаплашиб ҳам ўтирмайдиган бўлиб кетдингиз...

Камол Зумраднинг ўктам қиз эканини билар, лекин унинг бунчалик ўктам эканлигига эътибор бермаганди.

— Мен нима дейман!.. — қисинди Камол. — Менинг ҳамма гапим сизга маълум бўлса...

Камол қанчалик қисинса, Зумрад шунчалик ўзини дадил тутди:

— Менга... одамни хурсанд қиладиган бирон гап айтинг...

— Одамни хурсанд қиладиган... нима дей?!

Камолнинг Зумрадга нималардир деб, йўлига бўлсада, унинг истагини бажо келтиргиси, уни хурсанд қилгиси бор эди. Бироқ, нималар дейишини билмас, тилига сўз келмаётганидан баттар қисинарди. Камол ҳазил-мутойиба руҳида нимадир гапирай деса, ҳазил-мутойибага уста эмаслигини ҳам, бундан ташқари, ҳар қандай ҳазил-мутойибанинг вақти-соати бўлишини ҳам Зумрад яхши билади. Кундалик ишлари ёки ўқиган китоблари тўғрисида гапирай деса, ягона хонадонда турган, пахтазорда кўришиб, бир лаҳза ором олаётган икки меҳнат кишиси яна иш ёки китоб ҳақида гапиршига на зарурат бору на эҳтиёж!

Камол Зумрадга ҳеч нарса деёлмади. Гап ҳам уйқуга ўхшайди. Астойдил ухлай деб уринганда уйқу, аксинча, қочганидай, биров билан бемаврид гаплашман, деб астойдил уринганда, кўпинча гап топилмайди.

— Олия опа билан неччи соатлаб гаплашиб юрган вақтларингиз бўлади-ку! — ўпкаланди Зумрад. — Менга, нахотки, ҳеч қандай гапингиз йўқ!.. Биронта яхши гап... Менга биронта яхши гап айтинг...

Зумрад гўёки: «Мен Олия опадан камми!» — деяётганга ўхшар, унинг иззат-нафсини букиб, бундай ёлворгудай ҳолатга тушгани кишига таъсир қилмаслиги мумкин эмасди. У тиззаларини қучгап, ўтли, ўткир кўзларида Камол бундан олдин ҳеч қачон кўрмаган алам, умид, бахт, қувонч учқунлари порлаб, эркин ва эрка ўтирарди.

— Менга айтадиган ҳеч қандай яхши гапингиз йўқми?.. Биронта яхши гап, а?!

Камол ниҳоятда қисинди.

— Галати одамсиз, Зумрад... Мен ҳозир сизга нима дейман!.. — У ўрнидан даст қўзғалди. — Юрнинг, ҳў арава келди, мен қопларингизни кўтаришиб юборай...

Камол қизга совуққон, кескин, дағал гапирди-ю, шундай гапирганига кейин ўзининг кўнгли оғриди. Зумрадининг кўзларида бир озор, бир ҳасрат акс этиб, у қандайдир титраб кетгандай бўлди.

Темир ҳалқа билан қопланган одатдаги гардиш ўрнига икки машина гилдираги ўрнатилган от-арава уларга яқингина ерда кўринди. Хирмонда хизмат қилган аравакаш қоп-қанорларда тўпланган пахтани хирмонга олиб чиқишда теримчиларга ёрдам берарди.

Камолнинг қиздан кечирим сўрагиси, мулойим гап билан уни ҳар қалай эркалаб кўйгиси келди. Йўқ, Зумрад ҳам ўрнидан даст қўзғалиб, ерга тўкилган пахтани бўш этакка асабий сола бошлади. Шу билан Камолга ортиқ оғиз очилишга имкон ҳам бермаслигини намойиш қилди.

Камол аввал Зумрад тўлдирган қопни, сўнг Хосият тўлдирган қопни елкасида ташиб, аравага юклади.

Қизлар йиғитнинг пиздан аравага яқин келишди.

Камол арава олдида тураркан, бир чеккага ўтган Зумрад билан Хосиятнинг пичирлашганини сизди.

Бу воқеа Камолнинг хотирасида узоқ йилларга ўрнашиб қолди.

Уша кунни эса, у кечгача далада юриб, ниҳоят уйга ҳорғин қайтаркан, ўзича бундай хаёлларга борди: «Мен нима учун Зумрадни яхши кўролмадим! Ахир, у ёмон қиз эмас-ку!.. Олдиндан оққан сувнинг қадри йўқ, деганлари шумикан!.. Инсоф билан айтганда, ҳали Олия Зумрадининг ўрнини босиши, мен учун, хонадонимиз

учун Зумрад қадар куюниши, албатта, даргумон...» Камол яна бундай гапларни ўйлади: «Бу қиз менга чинакам кўнгли қўйдими! Унинг ҳозирги ҳолати, балки ўткишчидир!.. У хонадонга қаттиқ боғлангани-ю, биз билан хайрлашишдан қўрққани учунгина ўзини-ўзи шундай ҳолатга беихтиёр тайёрлаган бўлса-чи!..»

Камол Зумрадга бошдан мисоли бир сингил деб қараганини, ҳеч қачон бу тушунчани бузиб, унга қайлиқ деб қараёлмаслигини ҳис этди. У хонадонда келин бўлиб қолса, одамлар: «Худди мана шу мақсад йўлида бу қизга қачондир яхшилик қилишган!» — дейишмайдими?! Бу гап ҳаммадан ҳам кўпроқ Усмон бобонинг порлоқ руҳини ранжитади!..

Камол билан Зумрад ўртасида энди улар уришиб қолгану бир-биринга арази бўлгандай муносабат туғилиб, бу муносабат уларни бир-биридан анча узоқлаштирди.

Зумрадининг кайфияти йўқ, у ҳаммадан ва ҳамма нарсадан шикоятга тўлган одамга ўхшарди. У вонуштадан сўнг далага кетиб, кунни далада ўтказар, кечқурун уйга қайтиб, одатдагидек, овқат пиширар ёки Райҳон биби овқатга урина бошлаган бўлса, ёрдам берарди. Аммо у, энди одатга зид ҳолатда, овқатланиб бўлишгач, нариги уйга чиққани ошиқар, Камол билан уйдан ташқарида деярли гаплашмагани сингари, уйда ҳам у билан гаплашишдан қочиб юрарди.

Камол айрим оқшомлар, Зумрад нариги уйга чиқиб кетганидан кейин, мутолаа қилиб ўтирар, китоб гаройиб таассурот қолдирган пайтларда беихтиёр ўрнидан туриб кетар, Зумрадининг ёнига бориб, китоб устида гаплашгиси келарди. Ташқарига чиққанида, нариги уйнинг очиқ деразаси олдида Зумрад ўйчан, гамгин ўтирганини кўрарди-ю, қизнинг ёнига боргани ботинмай, ҳовлини йўлига бир айланарди-да, беринги уйга қайтиб кирарди.

У айрим оқшомлар уйдан чиқиб, Зумрадининг уйида чироқ ўчганини кўрар, беҳосдан боғ эшиги очиқ тургани хаёлини жалб этарди. Эшикка яқинлашиб, боғ томонга кўз ташлар, боғда вазмин бир соя айланиб юрганидан кўнгли ғуссага тўларди. Шундай пайтларда ўзини боққа ургиси келар, бироқ соянинг ҳам оромини бузишга журъати етмаган йиғит, эшикдан оҳиста узоқлашарди...

Қиш ҳам келиб қолди.

Дала ишлари ниҳоясига етган бўлса-да, Зумрад қа-

ерлардадир кезиниб, уйга кеч қайтар, овқатни ярим-ёрти еб, нариги уйга кетар, уйнинг чироғи тезгина ўчарди. Зумрад гўёки ўзига-ўзи аччиқ қилган, нима гуноҳи учундир, ўзига-ўзи жазо бераётганга ўхшарди.

Бир кун шом кириб, еру осмон қорая бошлаган, аммо Зумрад уйда йўқ, қаерларда юргани маълум эмас эди.

Райҳон биби Камолдан Зумрадни сўради. Зумрад кеч қайтган пайтлари кўпинча: «Хосиятнинг уйига борувдим», дерди, шундан Камол кампирга Хосиятнинг уйини баҳона қилди. Бироқ она-боланинг гапи устида дарвоза тақиллаб, уларникига Хосият келиб қолди.

— Мен Зумрадни кўрмоқчи эдим...

— Иби, Зумрад сани уйингга эмасми?! — инжиди кампир. — Бу келмаябди-ку!.. Бунга нима бўлди?!

Хосият, афтидан, кампирнинг ортиқ безовталаниб ўтиришини истамасаи учун, ўзи уйдаи алақачон чиққаси, бу томонга у келган фурсатда Зумраднинг уларникига борган бўлиши кераклигини айтди.

— Майли, мен кетдим, — деди у, ниҳоят. — Зумрад мени уйда кутиб ўтиргандир...

Хосият дарвозани бир тақиллатгану ҳовлига тўғри жириб келаверган эди. У ўрнидан турганида эса, Камол кузатишга чиқди.

— Мен сизга бир гапни айтмоқчи эдим, — деди Хосият дарвоза оғзида тўхтаб. — Сиз нимага бундай қилиб юрибсиз?!

Камол гап Зумрад устида бораётганини ҳис этди; ўзини айбдордай сезиб, хижолат чекди.

— Мен билмасам... Сиз қайси гапни айтмоқчи эдингиз?! — ҳар қалай олдин Хосиятнинг кўнглини билмоқчи бўлди у.

— Зумраднинг аҳволидан хабарингиз борми-йўқми, демоқчи эдим! Мени аралашганим учун кечиринг, албатта, лекин сиз ўйламагандан кейин, иложим қанча. Одам ҳам шунчалик бепарво бўладими, акажон?!

— Зумрад ўзи ғалати бўлиб қолди... Мен нима қилишимга ҳайронман...

— Ғалати, дейсиз-а... Нимаси буни ғалати?! Кечалари катта эриқнинг бўйига бориб юргани юрган... Бунга биров нарса бўлмасин, деб мен қўрқиб юраману сиз парвойи фалак...

Чамаи билан Бунёд қишлоғи орасида саёз, суви белдан келадиган, аммо кичикроқ бир дарёдай энли ва тезоб анҳор бўлиб, тунда қорайиб оқаркан, анчайин ва-

ҳимали кўринар, уни: «Кечалари одам чақиради, бўйи-да кўпроқ турса, ютади», дейишарди.

Камол Зумраднинг уйга кечикиб қайтган пайтлари анҳор бўйида кезиб чиқишини хаёлига келтирмаганди. Хосиятнинг гапни эшитиб, унга гўёки қизни шу фурсатда сув ўз домига олаётгандай бўлиб туюлди-да, юраги орқага тортди.

— Нимага бундай юради!.. Уйламайдими!.. — бўғилди Камол. Сўнгра, Хосиятга илтижо қилди: — Сиз менга нимани маслаҳат берасиз?!.

— Ундан ўзингизни мунча олиб қочмай, яхшироқ муомала қилинг. Уни оз-моз хурсанд қилишни ўйланг...

— Менинг унга шундай ҳам муомалам яхши... Нима бўлди бу Зумрадга, тушунмайман, — Камол «Зумрад ўзини бошқача тутиши керак эди», деган мазмунда гапирди. Бироқ Хосият гапга Камол ўйламаган маънони берди:

— Вой, товба-э, сизга ҳамма гапни чайнаб бериш керак... Зумрад бир одамни яхши кўрган, наҳотки тушунмасангиз...

— Э, мен буни...

Камол: «Э, мен буни биламан-ку, лекин Зумрадга қайлиқ деб қараёлмайман-да! Ака-сингил тутиндикми, тамом!» — сингари гапларни айтишга чоғланди-ю, хи-жолат чекканидан айтолмади.

— Демак, менинг гапимга тушундингиз-а?!

— Тушундим...

Камол гарчи «тушундим» деб, Хосиятни тинчитган бўлса ҳамки, у билан Зумрад ўртасидаги муносабатда ўша кунга қадар жиддий ўзгариш рўй бермаганидек, бундан кейин ва умуман, ҳеч қачон, жиддий бир ўзгариш рўй бермади.

• • •

Ешлар бригадаси пландаги ҳосилни топшириб, мажбуриятни бажаришга киришган пайтлар эди.

Узоқ ойлар давомида гўёки бир маромда кетган меҳнат ўрнини энди чинакам машаққатли меҳнат эгаллаган, қишлоқ кишиларининг отга қамчи босиб, имиллаётган кунларни тезроқ ўтқаргиси келар, аммо, ҳар қалай, йил бўйи қилинган бутун ишнинг самарасини ўзи-да мужассам этган бу машаққатли онлардан қочиб бўлмасди.

Ҳаво совиб кетган, тунда туман тушар, наҳорда да-

лалар қировдан ярқирарди. Қуни бўли ҳаво неча марта ўзгариб турар, нам ҳаводан ёмғир, қор иси келарди.

Далаларда териладиган пахта деярли қолмаганди.

Бир хил қорамтир тусга кирган юпун ғўзапоялар ниҳол ҳам, кўчат ҳам эмас, ерга суқилган шунчаки қуруқ чўяларга ўхшар, яхлаб-қотганидан қўлни аёвсиз тиларди.

Бригада аъзолари машина териб ўтган майдонлардаги тўкилган пахтани-ю, хом бўлганидан терилмай қолган, янги очилган кўсақларни эринмай тўплашар, майдончага чиқариб тўкишарди.

Октябрь оғи тугаб, ноябрнинг бирипичи куни ҳам ҳаётга қадам қўйди.

Эрталаб кўкка чиққан булут кун давомида тарқаб кетмади, аксинча, бош устида қўрғошин бўлиб қотди.

Камол шу куни кечга томон кўрак чувиш машинаси турган майдончага келди.

Майдончада кўрак тоғ бўлиб уюлган, машина эса, одатдагидай тўзон кўтариб патилламас, Чаққонбой деган йигит машина атрофида негадир фаромуш уймалашарди. У машинани қўйиб, Камолга томон юрди:

— Бу сабилнинг тасмаси чиқиб кетди...

Камол индамай машинага яқинлашди. Улар икковлашиб эни қарийб бир қарич келадиган қалли тасмани икки томондан темир ҳалқага тортиб ўтказишди. Камол қўлларини қоқди; машина тuzалганига қарамай, уни ишга туширишга шошилмаётган, олдингидан ҳам баттар фаромуш қиёфага кирган Чаққонбойга юзланди:

— Латиф қани?!

Латиф Чаққонбойнинг ёрдамчиси бўлиб, машина олдида турган Чаққонбойга кўракни ҳар томондан паншаха билан суриб берарди.

— Уни совуқ урибди, — деди Чаққонбой, Камолдан нима учундир юзига чеккага буриб. — Ваража<sup>1</sup> тутиб, уйига кетди.

— Ёлғон гапираяпсан, ўзим кўрдим, бинойидай юрган эди, — деди Камол. — Бирон марта бурнини тортгани йўқ...

Камол Чаққонбойнинг фаромушлигига ҳам, Латифнинг даладан барвақт кетиб қолганига ҳам бошқа бир сабаб борлигини пайқаб, шу сабабни билишга чоғланди.

Чаққонбой Камолга асабий қаради.

— Ростини айтайми?! Ростини айтсам, Латиф жавоб

<sup>1</sup> Иситма титроғи, демоқчи.



беришимни илтимос қилиб, шундай важ кўрсатишимни сўради... — У машинага кифтини суяб, бошини букди; бир оз сукутдан кейин, хижолат чекаётганга ўхшаш бир ҳолатда сўзини давом эттирди: — Мен ҳам ҳозир сенинг келишингга қараб ўтирган эдим. Хирмонга бугун бир машина пахта ўтказиб бердик, жўра, кечагидан зиёд. Шу ҳавода етар, дейман... — Чаққонбой далага-ю, қатор эгатларга сочилган йигит-қизларга томон ишора қилди. — Булар чиққанидан сўнг, агар жавоб берсанг, кўракининг устига брезент ташлаб, бугун мен ҳам барвақтроқ кетаман...

Камолга Чаққонбойнинг бундай бурро гапириб қолганига яна нимадир сабаб бордай бўлиб туюлди. Йигитнинг гапида қандайдир норозилик оҳанги борлигини сезиб, бу норозиликни ишдан толиқиш нишонаси, деб қабул қилди.

— Ҳаво дейсан, ҳаво бу ёғи бундан яхши бўлмайди, — мулоҳим сўзланди у. — Ҳаммамизнинг қонимизда ҳам бир оз эричочлик бор. Ҳаммамизнинг ҳам ичимизда битта дангаса яшайди, ишнинг оғирга рўпара келган пайтимизда бошини кўтаради. Биз уни енгмасак, ҳеч қачон иш унмайди...

— Гап дангасаликда эмас, — деди Чаққонбой.

Камол Чаққонбойнинг юмшаш ўрнига баттар тумтайганини кўриб, ўзининг «отанг яхши, онанг яхши» қабилида гапирётгани, ишлашни ялиниб сўраётгандай муомалада бўлаётганидан ғашни келди. Бундан ташқари, Чаққонбой ундан бир гапни сир сақлаётгандай туюлиб, хуноби ошди.

— Қилинадиган ишни вақтида қилиш керак! — деди у кескин. — Бугунги ўтиришинг менга ёқмайди, жўра. Яна бу киши Чаққонбой эмиш! Қани сенинг чаққонлигинг?! Шунча кўрак йиғилиб ётибди-ю, Латифга жавоб берганинг етмагандай, ўзим ҳам кетаман, дейсан... Сен ҳали ишдан қочиб, тасмани ҳам ўзинг бўшатиб юбордингми, дейман!..

— Тасмани мен бўшатганим йўқ... Узи чиқиб кетди! — тўнғиллади Чаққонбой.

Камол, ишга нисбатан бундан ортиқ лоқайд муносабат бўлмайди, бу нарса бизда йўқ эди шекилли, мана сенга янгилик, деб ўйлади ва беихтиёр жаҳли чиқди.

— Бирон гапнинг бўлса, оғзингга сув олиб ўтирмасдан, очиқ гапир! — деди у. — Кечаси ёки эртага ҳаво ёғса, холанг келиб, бу кўракини чувиб берадими?! Қарагин, ҳаво тўлиб турибди, тўкилса, нима қиламиз!..

— Ишдан ҳеч вақт қочганим йўқ. Қочмайман... Лекин, сен кўп бақираверма, жўра!.. — қизишмасдан яна тўнғиллади Чаққонбой. — Бугун бировни даладан барвақт кетдинг, деб ҳеч ким уришмайди. Зўр келса, Раҳматовнинг ўзи бунга жавоб беради. Сенинг эсингдан чиққандир, бугун клубда вечер бор... Ростини, Латиф шу мажлисни ўйлаб, барвақт кетди... Мен ҳам клубга бундай қарагим келганидан, сенга гапирдим-қуйдим...

Томи шифер билан ёпилган, девори оқланган бир қаватли узун бинода колхоз клуби жойлашган бўлиб, клубнинг иккита катта қопқаси орасидаги деворга тахта осилган, унга турли-туман эълонлар ёпиштирилди.

Бу оқшом клубда ўтадиган маросимни, аслида Чаққонбой айтганидай «вечер» ёки «мажлис» эмас, «тантанали учрашув кечаси» деса, тўғрироқ бўларди.

Камол сўнгги кунларда ҳар оқшом идорага «сводка топширгани» кетаётиб, клуб деворидаги тахтага қараб кўяр, бир марта яқинлашиб, «Колхозимиз ветеранлари — Улуғ Ватан уруши қатнашчилари билан учрашув кечаси ўтказилади», деган сўзларни ўқиган ҳам эди. Аммо, клубда бугун ўша учрашувнинг борлиги, далада юриб, чиндан унинг эсидан чиққанди.

— Ахир, мен ҳам одамман-ку! — шикоят қилди Чаққонбой. — Қишлоқда маданий ҳаёт деймиз, одамлар маданиятли яшасин, деймизу янги бир кинога кўпинча бундай боролмаймиз. Менинг ҳам тоза уст-бош кийиб, клубга қарагим келгани билан бировнинг иши йўқ. Санга ўхшаган битта акамиз келиб «ишингни қил!» дейди, тамом, қани бориб кўр-чи!.. Кўсакдан чиққан чапга ботиб ўтира берасан...

Камол Чаққонбойнинг гапларини эшитиб, шаштидан қайтди. Лекин, бу унинг фикридан қайтгани эмасди.

— Ҳу, соат саккизда клубга бориш керак. Ҳозир бўлса, тўрт ярим... — Соатига қараб, ўз гапини маъқуллади у. — Шуниям билгинки, раҳбарлар ҳеч кимга ишдан қолинглар, дегани йўқ. Учрашув ўз йўлига, иш ўз йўлига... — Камол шу гапдан кейин, ортқича бирон нима демасдан эғнидаги фуфайкани ечиб ўт устига ташлади ва ички бир ғайрат, шиддат билан паншахани қўлига олиб, гарамга яқинлашди.

— Сен нима қиляпсан?! — деди Чаққонбой, Камолнинг нима қилаётганини кўриб турганига қарамай. У, афтидан, клубга бориш қолдими ёки бир оз туриб борамизми, деб сўрамоқчи эди.

— Икков тўпланган шу кўракни чувиймизу кейин

клубга бора берамиз. Барвақт бўладими, кеч бўлади-ми, бари бир, гап шу! — деди Қамол қатъий. — Ҳали трактор келиб тележкасиз қайтиб кетишни кўришга менинг, масалан, тобим йўқ...

— Ишнинг бундай кўчишини билсам, Латифга жавоб бермасдим! — деди Чаққонбой ўз ишини ўзи эплай олмагану бировнинг аралашганини кўриб эзилган одам оҳангида. — Лекин, сен ёмон қайсар бўлиб кетибсан, жўра. Планимиз тўлган, шу эртага қолса ҳеч нарса қилмасди... — У белига камар ўрнида боғланган белбоғини ечиб, Камолга тугун қилиб ташлади. — Ма, бўлмаса, бошингни ўра, телпакни тўзонда худо урмасин...

Қамол бошини танғиб олди; паншаха билан одатдагидай патиллашга тушган машинанинг йўғон, эгри труба-си оғзига кўракни сура бошлади.

У ҳеч ўзгаришсиз, бир хилда паншаха сураётиб, бепхтиёр ҳаслга чўмди.

Қамол ўзининг яққол Болалик кунларини — уруш энди-гина тугаган йилларини эслади. Ўшанда, уларнинг қишлоғида эскигина, ташландиқ бир масжид биноси бўларди. Узун қиш кечалари — ерни қалнин қор қоплаган совуқ кечаларда масжид ичига чоллар ва кампирлар, келинчақлар ва болакайлар тўпланишар, кимдир фокус кўтариб келар, кимдир юксак масжид гумбази остида ивирсиб, хирагина шам ёқарди. Одамлар масжид ичида, умуман, ерда, тўртта-бештадан давра-давра бўлиб ўтиришар, челаққа солиб келтирилган ўтдан озгина ҳарорат олишарди. Кимдир чордана қурган, кимдир оёқларини бемалол ёзган. Улар бепойи далаларнинг пахта аталган бутун бойлиги сидирилиб солинган қоплар, халталарнинг оғзини очишар — қўллари кўкариб кўрак чувишарди. Олисдаги урушнинг сояси бошларига тушган, турмуш, меҳнат шаронглари оғир бўлган бу одамлар ҳаётдан нолиб-инжиб шикоят қилишмас, ажабо, худди гурбатдан йироқ кишилар сингари гангир-гунгур, ҳазил-мутойиба қилиб ўтиришар, ўз энималарига тушган вазифани ҳалол, беминнат бажаришарди...

Қамолнинг кўз олдидан милгираган фокус билан липиллаб ёган шам ўтди. «Электр ишларига қизиқишимга хотирамда ўрпашиб қолган манзара сабаб бўлгандир! — ўйлади у ўзича. — Ғўзапоя шохида битта кўрак кўрибса, жоним ачишига-ю, ишимиз кўрак йиғиб, кўрак чувишга қолганида, ўзимни ҳар томонга уришимга-чи?! Бунга ҳам худди ўша манзара сабаб бўлмаганмикин!..»

Қамол у кунлардан ҳаёт кишининг ақли бовар қил-

майдиган даражада узоқлашиб қолганини, болаликдаги манзараларни бугунги манзараларга ҳаттоки қиёслаш ҳам қийин эканлигини ўйлади. Бугунги қишлоқ учун чироқ — одамлар унча эътибор ҳам беравермайдиган оддий бир нарсага айланди. Хонадонларда сонсиз-саноқсиз электр буюмлари пайдо бўлди. Уйларнинг тўрига келтириб қўйилган биргина телевизорни олинг. Телевизор фақат хонадонларни обод қилиб қолмасдан, катта бир маданий ҳаётни ҳам келтирди; одамлар фикрини, қалбини олдинлар ҳеч кўрилмаган бир тарзда бойитди. Бухородаги қишлоқнинг оддийгина кулбасига бутун жаҳон ўзининг рақслари, қўшиқларию фаройиб ҳикоялари билан кириб келди...

Камолнинг хаёлини даладан қоп-қанор кўтариб чиққан йигит-қизларнинг шўх-шодон қийқириғи бўлди. Далада унга-бунга ёрдам бериб, ёшлар — тенгдошлар олдига айланиб келган ҳисобчи йигит тарози ёнига ўтиб, қоп-қанорлардаги кўракни торта бошлади.

Йигитлар қоп-қанорларни гарам устига бўшатишаётиб Камолга қараб кўз қисиди; Чаққонбойга «ёрдамчини янгилабсан!» — деб ҳазиллашди.

Ёшлар ўзаро клубда кўришиш ҳақида келишиб, ниҳоят, уй-уйга тарқалишди.

Майдончада Камол, Чаққонбой ва ҳисобчи йигит қолди.

Кун булутли бўлганидан, тун қоронгиси сездирмай, оҳиста бостириб кела бошлади.

Кўрак чувиш машинасининг ҳовога юксалган иккинчи трубасидан прицеп-аравага оппоқ пахта тўкилар, арава ҳам энди тўлиб қолганди.

Камол паншахани тоғдай гарамдан қолган уч-тўрт қучоқ кўракнинг устига ташлаб, Чаққонбойга яқин борди.

У бригада аъзоларига, одағда, қаттиқ гапирмасди. Бугун жаҳли чиққанидан, Чаққонбойга «холанг бу кўракни чувиб берадимиз?!» деб, беихтиёр қаттиқ гапирганини эслади ва бундан нҳида бир оз эзилди. Шу дамнинг ўзидаёқ Чаққонбойнинг: «Вақт билан шароит топилса, қандай маданий бўлишни биз ҳам яхши биламиз!» — деган маънода шикоят қилгани унинг ёдига тушди. Бу йигитнинг тўнғиллагани-ю, шикояти кўнглига унчалик ўтиришмаган бўлса-да, ҳозир бу йигитни даладан икки оғиз яхши гапириб кузатгиси келди.

— Бас қилдик, жўра... Иш бундай бўлибди!.. — деди у. Машина патиллашдан тўхтаб, Чаққонбой бери то-

монга ўтгач, қўшимча қилди: — Сен энди бора бер, жўра, биз иккимиз бу пахтани топшириб, кейин кетармиз...

— Сен ҳам клубга бундай боргин-да! — таъкидлади калта пальтосини кияркан Чаққонбой тўнғиллаб. — Албатта, боргин, яхши бўлади...

Чаққонбой кетди...

Камол ҳам клубга, албатта, борди. Бироқ, бу оқшом клубга у ҳаммадан сўнг, анча кечикиб борди.

Клубга қадам қўйиши билан ҳамқишлоқлари — уруш қатнашчилари бўлган отахонларнинг девордаги катта-катта расмларига, тузатиб қўйилган узун стол устидаги турли-туман журналлар ва кўргазма қилиб терилган ҳарбий китобларга кўзи тушди. «Бу ҳаммаси Олиянинг хизмати!» — ўйлади у ва кўнглида Олиянинг ишидан ажиб бир мамнуният ҳис этди.

Клубда адабий кечалар, қизиқарли учрашувлар ўтказиш одат тусига кира бошлаган, Камол Олиянинг бу борада анча ишлар қилганидан кўнглида, асосан, хурсанд эди. Унга фақат бир нарсаси — шундай пайтларда Олияга Қосимнинг ҳамкорлик қилиши-ю, ёрдам бериши ёқмас, ўзининг артистликка аввалдан ҳавасманд бўлган Қосимдай жараиглатиб шеър ўқиёлмаслигидан куй, баъзан эса хаёли қочар эди.

Учрашув кечаси аллақачон бошланганди. Саҳнада отахонлар қатор ўтиришар, булардан ташқари, юқоридан Раҳматов, Олия, колхоз онахонларидан — Ҳидоят хола деган аёл, колхознинг бош ҳисобчиси Қамбаров ҳам жой олишганди. Минбарда Қосим кўксини кўтариб, қўлларини силкитганича шеър ўқир, унинг овозида кўпчилик бухороликларга хос бўлган майинлик сезилмас, равон ва бир оз кескин ўқир, сукутга чўмган залда унинг товуши баланд янграр эди:

Бўлсанг йигит, бўлсанг ҳамки чол,

Қўлингга қурол ол!..

Қосим шеърни ўқиб бўлди. У актёрларга ўхшаб залда ўтирганларга, таъзим қилди-да, орқа қаторга ўтиб ўтирди.

Минбарга энди Ҳидоят хола кўтарилди.

Эшик оғзида тўхтаб қолган Камол кўзи билан бўш ўрин излади, ниҳоят, топиб, шарпасиз ичкарига сурилди. У бўш кўрсига ўришиб олгач, кимнинг ёнида ўтирганига эътибор берди — тасодифни қарангки, Камолдан бери томонда Латиф ўтирарди.

Латиф бригадирнинг «ваража»дан гапириши мумкинлигидан ҳайиқдимми, гўёки Қамолнинг келиб қолганини сезмаган одамдай, бўйинини олдинга ғоздай чўзиб, кўзларини саҳнага қадади.

Қамол Латифдан кеча қандай бошлангани-ю, нималар бўлганини пичирлаб сўради.

Латиф бригадирнинг койимаслигини ҳис этиб, ўзига келди.

— Аввал Олияхон гапирди, — деди у. — Кейин, бо-бойлар чиқиб, жанг давридан гапириб беришди... Қосим уч-тўртта шеър ўқиди...

Минбарга кўтарилган Ҳидоят хола ўз гапини «азизлар, ман сизга айтсам, халқимиз қаҳрамонлиги бир достон», деб бошлади.

Учрашув кечаси, афтидан, сўнгига яқинлашган, хо-ланинг чиқиши билан тугаб қўя қоладиганга ўхшарди. Хола қаҳрамонлик тўғрисида икки оғизгина гапириб ўрнига қайтса, эҳтимолки, шундай бўларди ҳам. Бироқ, ҳеч ким кутмаган ҳол рўй берди — Қамолнинг эндигина келгани худди ҳисобга олингандай, ўтказилиши олдиндан мўлжалланган учрашув кечасига кутилмаган иккинчи бир кеча — баҳс кечаси уланиб кетди.

Қолхоз онахони минбарда туриб гапга даромад қилди-да, шошилмасдан, «аёлларимиз қаҳрамонлиги-ю, аёлларимиз хизмати», деган гапга бафуржа тўхталди.

— Эркакларга тасанно, қуллуқ, — деди у. — Локин, қарасам, бизнинг хотун-қизлардан ҳеч ким гапирмайди... Ман сизга айтсам, фақат Бухоромизни ўзидан қанча қиз жангга кетган... Майли, жангга кетгандан, кетмагани кўп. Локин, ўзларингиз айтинглар, азизлар, хотунларнинг бу ёқдаги хизмати жангдан камми?! Хотун-қизлардай вафодор, меҳнаткаш, сабру тоқатли, муҳаббатга посбон бир зот оламга топилмайди...

Ҳидоят холанинг чакка сочлари олис ҳаёт йўлларида оппоқ оқ эганди. У кексаяк ишонаси бўлган мадорсиэлик эди, ҳаяжонданми бир оз титрар, минбарда, ёруқчи гаплар остида туриб, бошгина бир томонга андак титирганча бутун аёллар номидан гапирарди. Сўнгги гап — орқа қаторда ўтирган Қосим холанинг гапи давланиши нима учундир бир кеча марта ўрнидан туриб, ёруқчи титрди. У нимадандир тинчини йўқотган, осойишта унинг олмаётгандек эди.

Қосим, нисбат, ўрнидан сапчиб туриб, олдинга босди-да, нисаҳон портлади:

— Гапни бўлаётганим учун кечирасизлар... Менда

бир таклиф бор... Уруш вақтлари хотинлар қандай хизмат қилганини ўзимиз яхши биламиз. Хотин-қизлар ро-са хизмат қилишган!.. Таклифим шуки, холам хафа бўл-масдан, кечамизга алоқаси йўқ гапларни қўйиб, мана бу сарғайиб ўтирган отахонлар тўғрисида гапирсинлар.

Ҳидоят хола ҳам, саҳнада ўтирганлар ҳам, залда ўтирганлар ҳам бир нафас доғ қотишди.

— Майли, гапни сан билсанг, сан гапир, ман гапир-майман... — деди бир нафасдан кейин Хидоят хола су-кунатни бузиб. У минбардан ҳақоратланган, изтиробли ҳолатда узоқлашди.

Вазмин сукунат чўкди.

— Мен гапиргим келгани учун гапни бўлганим йўқ, — деди Қосим ўзини оқлаётган одам оҳангида. — Гапни бўлганим, балки бировга хунук ҳам туюлгандир. Лекин, холам хафа бўлмасинлар, бу киши биз ўқиган китоблардан ярмини ўқимаган, шунинг учун мен ўз ишимни айб деб билмайман ҳам. Таклиф киритиш ҳеч қандай хунук иш эмас!..

— Гапиргинг бўлмаса, бундай отилиб чиқмасдинг... Қани, айт-чи, онахоннинг нима гапи сенинг гашинга те-гади?! — босиқ лўкма ташлади Раҳматов.

— Ортиқча гап туяга юк билан баробар, — деди Қо-сим. — Вафо, муҳаббатдан мунча титраб гапиришнинг нима ҳожати бор!.. Бошқаларни билмадим, масалан, мен ҳавоий гапларни ёмон кўраман. Одам дунёга мазза қилиб, яхши яшаш учун келади. Бу отахонлар, уруш са-баб бўлиб, ўшандай яшолмаган. Менимча, аравани олиб қочмасдан, мана шунга гапириш керак...

Қосим «бопладимми?» дегандай залга қаради; ел-каларини тик тутиб, ўтирган ўринга қайтди.

— Ҳали шеърни гумбурлатиб, қанча қарсақни олган одам бу ёғи бемаънилик қилди, — Камолнинг қулогига шивирлади Латиф.

Залда шивир-шивир товушлар чайқалди-да, кейин, олдингидан ҳам вазминроқ сукунат чўкди.

Сукунатни қўлтиқтаёқнинг тўқ-тўқ товуши-ю, нола-кор гижирлаши бузди.

Минобарга эскигнна қоракўл телпагини қулоқлари-гача бостириб кийган отахон чиқди.

— Ман гапирмоқчиман. Манга тик туриш қийин, кўп гапирмайман... — деди у. — Китоб ўқиш яхши нарса, ман ҳар доим ёшларга ўқишни насиҳат қиламан... Биз ёш бўлган вақтларда шаронт бошқача эди. Чироқ йўқ, радио йўқ, телевизорни кўрмаганмиз. Битта қишлоқда,

агар бўлса, битта патефон бўлгандир... Биз даста-даста китобларни ўқиганимиз йўқ, тўғри гап... Лекин, шуниси борки, биз бари бир, беш-олтита китоб ўқиганмиз... У китобларда варақ ҳам, муқова ҳам йўқ эди. Улар бизнинг меҳнатимиз, чеккан машаққатларимиз... Бизга ҳеч кимнинг овозини баланд кўтариб гапиршига ҳақи йўқ!..

Қўлтиқтаёқ яна бир муддат тўқиллаб, нолакор гижирлади-да, тинди.

Раҳматов ўрнидан қўзғалиб, элда ўтирганларга мурожаат қилди:

— Бу ерда кўпчилик ёшлар... Кимдир гапирмоқчи бўлса, қисинмасдан чиқсин... Қани, ким гапиради?..

Камолнинг юраги гурс-гурс ура бошлади.

У бенхтиёр ўрнидан туриб, олдинга ўтди; тахта эначалардан саҳнага кўтарилди. Қосимнинг Олияга ҳамкор бўлиб, турли кечалар-маросимлар ўтказишга аралашиб юриши аввалдан гашини келтирмаса, балки баҳсга аралашмасиди...

— Мен яхши гапиролмайман, мабодо мендан тузукроқ бир гап чиқмаса, аввалдан уэр... — деди у. — Ҳидоят холанинг гапларини бу Қосим жўрамиз қоқ ўртасидан кесиб, унча тўғри иш қилмади... Вафо ёки муҳаббат дегандай гапларни Қосим қандай тушунади, бошқалар қандай, буни билмайман. Ўзимга келсак, мен бу гапларни деҳқонча содда қилиб «яхши кўриш» деб тушунаман... Биз ёшлар, албатта, кўчага тоза уст-бош кийиб чиқишни ёқтираемиз. Лекин, ҳозир мана, кўпчилигимиз тўғри даладан, чанг урган кийим билан келдик. Камолбой, меҳнатқашмиз, қаранглар, деб мақтанаяпти, деган ҳаёлга ҳеч ким бормаса керак. Гап бошқа ерда. Агар меҳнатни яхши кўрмасак, бундай қилмасдик, демоқчиман. Одамларимиз меҳнатни яхши кўради! Ҳозир клубга келаётиб, баҳор пайтлари клуб ичида сўчаклар тахланиб, қурт боқилиши эсимга тушди. Қизиқ... Одамлар қурт боқишга фақат клубни беш-ўн кунга бўшатиб берибдими?! Одамларимиз пилла униси деб, ўзи турган уй иккита бўлса, шундан биттасига жойлашиб, биттасини қурт боқишга берганини айтинг... Меҳнатни яхши кўришга бундан ортиқроқ мисолни топиш қийин... Ўзимча ўйлайманки, одам дунёни яхши кўрмаса, меҳнатга-ю, машаққатга тоб бермасди. Ёки, дунёда ҳеч иш қилмасдан, қўлларини қовуштириб ўтира берарди... Ўз ерини яхши кўрмаса-ю, бир-бирини яхши кўрмаса, жангга бориб, узоқ бир жойларда қўлларини, оёқларини ташлаб келмасди... — Камолга шу билан гапи туга-



гандек туюлди; у минбардан узилди. Бироқ, шу фурсатда хаёлига янги гаплар келиб, йўлида тўхтади. — Ҳидоят хола жуда яхши гапирдилар, у кишига каттакоп раҳмат!... Урушга ўзи бормасаям, бағрини юборган хотинқизлар бисёр. Бунга мисол десаңгиз, битта мисол менинг ўз онам. Иккита акам урушдан келмай, бечора кампир чеккан изтироб ҳеч вақт, ҳеч кимнинг бошига тушмасин!..

Камол гапини тугатиб, ўрнига келиб ўтирди. Латиф унинг қўли бандини тутиб, секин қисди:

— Гапин билмайман, деб бу ёгини бопладиңгиз, ака... Яхши гапирдиңгиз!.. Ҳозир ўзимиздан биров чиқиб шундай гапирмаса уят бўларди!..

Камол бошини кўтариб, у ён-бу ёндан одамлар меҳрибон, мулойим қараётганини кўрди. Одамларнинг ярқираган кўзларида мамнуният, самимий миннатдорлик ифодаси бор эди.

Раҳматов баҳсни ва умуман, кечани якунлади.

У, Қосимнинг бугунги хатти-ҳаракатини ҳам, фикрини ҳам қаттиқ қоралашини айтди.

— Қосимнинг хатти-ҳаракати аввало одобсизлик, — жаҳл билан аччиқ гапирди Раҳматов. — Аммо, мен буни фақат одобсизлик, деб билмайман, ўртоқлар. Буни мен одамлар кўнглидаги ўтга, ёруғликка тупроқ сепиш, деб тушунаман... Бизнинг ёшларимиз бундай бўлмаслиги, бундай фикр юритмаслиги керак...

Раҳматов кеча ўтказилганидан хурсанд эканлигини айтиб, учрашувларнинг бари бир хайрли эканлигини таъкидлади.

Кеча тугагач, разведкачилар ҳаётидан ҳикоя қилувчи кинофильм кўрсатилди...

Қишлоққа Камол, Латиф, Зумрад ва Олиялар бирга қайтишди.

— Қосимни яхши савалашди, — деди Зумрад йўлда, афтидан, жудаям гапиргиси келиб. — Ўзи Қосимчани бундан ҳам кўпроқ савалаш керак!.. — У Камолга юзланди. — Сиз, лекин, бугун мени биринчи қойил қолдирдиңгиз!..

— Мен Қосимни қоралаш учун гапирганим йўқ, — ғашланди Камол.

— Майли-да... бари бир қойил! — деди Зумрад. — Олия опа, қалай, менинг гапим тўғрими?!

Олия Зумраднинг гапига ҳеч нарса демади.

Улар катта йўл муюлишига келганларида, Зумрад тўхтади. У муюлишдаги икки туп дарахтга — худди ум-

рида дарахт зотини кўрмаган одамдай, қаттиқ тикилиб қолди.

Чироқлар нури тушиб турган икки дарахтдан бири тугал заъфарон тусга кирган, бошқаси кўзни қамаштирадиган даражада алвон эди. Дарахтлар кеч кузга хос шу қадар қуюқ бўёқларни ўзида мужассам этган эдики, кишига фақат улар эмас, бутун олам эртақдагидай сирли, қандайдир хаёлий бўлиб туюларди.

— Одамнинг умри югур-югур билан, ҳар хил ташвишлар билан ўтса ҳамки, бари бир яхши!.. — ўйчан пичирлади Зумрад. — Қачондир уруш бўлгани-ю, қанча одамлар йўқолиб кетгани тўғрисида кишининг ўйлагиси келмайди... Яшаш!.. Яшаш керак!..

Камолнинг уйга бора-боргунча Зумрад билан чиндан ҳам яшашнинг бахт эканлигидан гаплашиб кетгиси келди. Бироқ у бир чеккаси урушга боғланган суҳбатнинг Зумрадга малол келишини ҳис этиб, кўнглида Зумрад учун бир оғриқни туйди.

Шунинг учун индамай қўя қолди...

\* \* \*

Зумрад минг тўққиз юз қирқ учинчи йилда дунёга келганди.

У ҳали йўргакланган гўдак бўлган пайтида урушга кетган отасини бутунлай билмас, ўзини бағрига босган онани эса ғира-шира эсларди, холос.

Қизнинг қўлида ота-онасининг уст-боши, кўрпа-тўшаги қаторида, уларнинг бир-бирига бошини суяб тушган сурати ҳам ёдгор қолган, бу суратга қараб, у отасининг эртақларда ёзилгандек паҳлавон келбатли киши бўлгани-ю, онасининг, аксинча, нозиккина, заифгина эканлигини тасаввур қиларди.

Зумрадининг кўз олдида онаси оқ сурп камзул кийиб оқ докадан рўмол ўраган ҳолатда жонланар, у мана энди йиллар ўтиб, онаси ўшанда Бухоро расму русмига кўра оқ рангдаги мотам либосини кийганича, отасининг ҳурматини бажо келтирганига тушунарди. Қиз ўшанда онасининг йиғлаб ўтирганини кўп кўрган, энди уни ўйласса, бу аёлнинг қандайдир бирон ишни қилаётгани эмас, йиғлаб ўтиргани эсига тушарди...

Зумрад қишлоқ кўчасида гупроққа ботиб ўйнарди.

Шовқин-сурон кўтариб ўйнаётган болалар «отам-отам»лаб гапира бошлашди. Зумрад уларга анграйиб қараб турди-ю, гапга қўшилгиси келди:

— Мани отам аскай...

— Сани отанг урушда ўлган! — деди болалардан кимдир.

Зумрад ўзини уюлган тупроқ устига отиб, оёқларини ерга урди, йиғлади. Отаси ўлгани учун эмас, йўқ, назарида, ўзини болалар негадир ноҳақ камситаётгандай туюлгани учун йиғлади.

У отасининг ўлимини шу тахлитда билган...

У қишлоқ кўчасида тупроққа ботиб ўйнарди. Тасо-дифан ҳовлилари остонасида гурас-гурас одамни кўрди. «Қишлоқдаги ҳамма одамлар нима учун бизнинг ҳовлига ёпирилиб келди?» — деб, ҳайрон бўлди қизча. У ҳовлида одам йиғилганидан ичида бир оз хурсанд ҳам бўлди. Шу аснода, кимдир уни бўш уйга кўтариб кирди ва дераза олдидаги кўрпага ётқизиб, устига қора бир чопон ташлади. «Ухла, сен яхши қиз-ку, ухлагин», — деди ҳалиги киши. Зумрад хонада ёлғиз қолди-ю, ҳовлига одам ёпирилган кунда ўзини уйга қамаб қўйишганини ўйлаб, кўнгли бузилди. Унинг тажаниглик билан ўрнидан туриб ҳовлига қарагиси келди, бироқ бундай қилишга уйга кўтариб кирган кишидан кўрқди...

Зумрад онаси билан шундай видолашган...

Уни, бешга кириб катта қиз бўлиб қолганига қарамай, уйларига доим келиб турган, унга иссиқ кулчам, қандми бериб юрган Усмон бобо қўлида кўтариб олди. Бу кишидан у ётсирамади, «бизни уйга кетайлик», деганига ҳам кўнди. У қишлоқ этагидаги ҳовлига келиб, икки хонанинг тўс-тўполонини чиқариб ўйнади, ҳовли юзида ҳам, боғда ҳам ўйнаб, кунни ўткарди. Ниҳоят, кеч қоронгиси тушди. Зумрадининг ўз уйларига кетгиси, онаси билан кўришгиси келди. Усмон бобо «овқат еймиз» деб, уни қўймади. Зумрад дастурхон бошида ўтирди, лекин овқат еёлмади. У яна ўз уйларидан гап очди, бироқ Усмон бобо: «Бизга бир оз меҳмон бўлиб тургин», — деди. Зумрад йиғлашга тунди. Усмон бобо қовоқ солиб: «Меҳмон ҳам шунча инжиқлик қиладими, биз хафа бўламиз-ку!» — деди. Кейин уни қанд-қурс билан сийлаб, ғаройиб эртактлар айтиб берди.

Зумрад бу хонадонда меҳмон бўлиб қолаверди.

У ҳеч қачон Усмон бободан ётсирамади. Бироқ у, бу хонадонда икки юзи қип-қизил, сочлари пахмайган бир хотинни кўрди. Алвастига ўмшаб юрган хотиннинг сочларидан кўрқди: бу хотиндан қочиб, қаерларга бўлса-да, беркиниб юргиси келди.

У хонадонда ориқ, дароз бир болани ҳам кўрди. Бо-

ла унга ҳадеб илжайиб қарарди. У алвасти аёлнинг қиёфасидан қўрққани сингарди, боланинг нега мунча илжайишига ҳам тушунолмади; болага ҳайиқиш билан қаради.

Зумрад девор этакларида, бурчак-бурчакларда неча кундир мушукчадай ҳурпайиб, кўзларини бақрайтирганча ўтиришни одат қилди. Ўз уйларига кетиш, онаси билан кўришиш хаёлидан осонликча қайтмади.

Йўқ, қизча Усмон бобога ўрганиб қолганидай, бора-бора Райҳон бибини ҳам, Камолни ҳам ўз одамлари деб таниди-ю, буларнинг ҳам беозор кишилар эканлигини кўриб, ётсирамай қўйдди.

У ажиб бир ҳолатни жуда эрта ҳис этди: бу хонадонда иккита одамнинг — Усмон бобо билан ўзининг гапи — гап, ҳукми — ҳукм эди. Райҳон биби ва Камол Усмон бобонинг хоҳишига, раъйига қандай қарашса, ўзининг хоҳишига, раъйига шундай итоаткорона қарашади! Усмон бобонинг ўзи ҳам Зумрад учун ўт-сув кечишга тайёр. Аммо бу киши Райҳон биби ёки Камолни баъзан койиб қўйганидек, Зумрадни ҳам, керак бўлса, койиб қўяди. Фақат ранжитмасдан, инжитмасдан.

Қизчанинг мажруҳ қанотларини ростлашига хонадондаги бу ҳолат чинакам кўмак берди.

Усмон бобо кўз юмгунча кунлар ширин бир хаёлдай ўтди.

Бобо кўз юмгач, Камол итоатсиз, Райҳон биби қайсар, яккафеъл бўлиб қолди.

Зумрадга рўзгорнинг бутунлиги-ю, хонадоннинг софийишталлиги ёлғиз ўзига боғлиқ бўлиб туюлди-да, у бир вақтлар бошини силаган оила учун ҳар қачонгидан ортиқроқ куйди. Бироқ Райҳон бибини ўзи истаган кўчага етаклаёлмади. Меҳрини, хаёлини Камолга бериб, бу йигитни ҳам йўлидан қайтаролмай, кунларни, тунларни изтиробда ўтказди.

Қутилмаганда хонадонга Олиянинг номи кирди.

Зумрад чизган чизиққа кирмаган Камол, Олияни кўриб, йўлидан қайтди.

Тез орада Зумрад, Камол учун Олия ҳаммадан қадрли одамга айланиб, атрофдагилар бари Олиянинг соясида қолиб кетаётганини сизди. Камолнинг бутун хаёлида, сўзида биргина Олия яшар, йигитнинг ҳаётига Олия селдай тошиб кирганди.

Зумрад, ўз наздида, Камолнинг ориқ, сўлғин юзи кундан-кунга ёришиб, мудроқ кўзлари кундан-кунга порлаганини кўрди.

У мана энди Камолни бекорга ўзиники, деб ўйлаганини ҳис этди. «Камол Олияга адашиб боғланди, Олияни эмас, мени яхши кўриши керак!» — деган хаёлга бориб, исён кўтаргиси келди.

Исён кўтарди ҳам. Лекин Камол ўзгармади.

Зумрадга ҳам ўзи аввал-бошдан бу хонадонга бир кирдими, қайтиб чиқмаслиги қонуният бўлиб кўринган эди. Аммо энди ўзига бир вақтлар қучоқ очган хонадондан яқин орада сурилиб чиқиши кераклигини англади. Ҳовлида бор-йўғи иккита хона бор. Ташқаридан Камол кимнидир етаклаб кирадиган бўлса, Зумрад, албатта, уйни бўшатиб бериши керак. Кампирнинг ёнига кўчса бўлади, лекин ўзи узоқ йиллар турган уйда Камолнинг бошқа биров билан яшашини кузатишга унинг тоби йўқ! Энг муҳими — «Зумрад Камолга керак эмас», деган гап унинг, умуман, келгусида хонадонга керак эмаслигидан далолат берарди.

Қизнинг кўнгли оғриди.

У хонадонда «меҳмон» эканлигини, ёши йигирма бешга яқинлашиб, шундай ўтаётганини кўп ўйлайдиган бўлиб қолди.

\* \* \*

Бир йигит билан бир қиз ўзаро яқинликни туйиб, дўстона учрашувларга ошиқса-ю, ёнма-ён кўча-кўйда кезинса, уларни одамлар нигоҳидан на қуюқ боғлар, на тун зулмати, на бирон овлоқ гўша яшира олади.

Камол Олия билан боғда, кўл этакларида, даладашда кўришиб, суҳбатлашиб юрди. Бундай учрашувлар унга бир олам завқу шавқ бағишлар, фақат уятчан йигит бўлганидан, у кўча-кўйда ўзи билан Олияга рўпара келган одамлар нигоҳидан андак қисинарди. Йигитнинг ҳолатини кўриб, Олия баъзан: «Майли, кутубхонада гаплашиб ўтирамиз, қишлоқни бирга айланмай-миз», — дер, Камол билан гўёки шунга келишарди. Бироқ улар ҳар гал юзма-юз бўлиб суҳбат бошланаркан, Олиянинг ўзи қандай гапга келишганини эсидан ҳам чиқариб, ўрnidан эркин қўзғалар, йигитни ҳавода бир оз айланишга яна таклиф қилаверарди. Камол эса, қатъий қарорни билмаган, эркин, беозор бу қизнинг раъйига қарар, унга сўзсиз итоат қиларди. Катта кўзларини соддадил умид билан тиккан Олия Камолга худди отасидан нимадир олиб беришни сўраган ёш болага ўхшаб кўринар, мабодо эътироз билдирса, ўксиб қоладигандай бўлиб туюларди. Камол Олиянинг ўзи билан

кўпроқ кўришишга одатланган кунлардан бошлаб, ўзга йигитлар билан ортиқча гаплашиб ўтиришларга чек қўйганини ҳам яхши биларди. Бунга у эътиборсиз қараёлмас, йигит кишига ҳадеб тортишиш муносиб эмаслигини ўйларди.

Камол энди Олиянинг қишлоққа келгунча ўзини ниҳоятда эркин тутиб, йигитлар билан ўз тенгқурларидек бемалол суҳбатлашиб юрганини, уларга шунчаки таниш деб қараганини тасаввур қиларди. У Олиянинг қишлоққа келиб яна танишлар орттирганини, булардан фақат ўзи билангина чинакам дўстлашганини кўнглидан ўтказиб, бу қизнинг эрка ўрганган, аммо ниҳоятда бокира эканлигига ишонарди. Камол қизнинг қишлоқ кишиларидан биринчи бўлиб қачондир Қосим билан танишгани-ю, қишлоққа келиб Қосимни кўрганида қувонганини энди кўп ҳам эслаб ўтирмас, бу танишликка ўзича ранг бериб, асаби бузилмасди.

Қосим билан Зумрад ўртасида ўтган йили баҳор кунлари кичик бир низо чиққани-ю, Камолни ҳам андак куйдириб кетганидан кейин, Зумрад магазиндан бутунлай оёғини узган, ора-сира Камолни сўроқлаб ҳовлига келиб турадиган Қосим эса, колхоз клубида ўтган учрашув кечасидан кейин, уларникига қадам босмай қўйган эди.

Камол Райҳон бибининг янги кўрпа қавимоқчи эканини, кўрпаликка сатин кераклигини билиб, кўз кунларидан бирида магазинга кирди. Қосим уни жилмайиб қарши олди. Гапи борлигини айтиб, ундан кетмасликни сўради.

Улар кўчага чиқиб, магазин эшигида турган қизил «Москвич»га ўтирдилар.

Қосим Камол билан жанжаллашиб қолгану уни қишлоқдан бир оз узоқда дўппослашга қасд қилгандай, машинани негадир тўғри дашт томонга ҳайдади. У қишлоқ кўринмай кетганидан сўнг машинани тўхтатиб, чўнтагидан сигарета чиқарди, асабий гугурт чақди. Ниҳоят, Камолга бир аламли, бир ўпкаланган одамга ўхшаб қаради:

— Тузук юрибсанми, оғайни?.. Гапирмайсан...

Қосим машина ойнасидан олдинга тикилиб ўтирганича негадир бўйни, елкаларини қисди; ичига тез-тез тутун тортиб, оғзидан тез-тез тутун чиқара бошлади.

Камол Қосимнинг бугунги ҳатти-ҳаракати, ҳолатига бошдан-охир тушунолмади.

— Юрибмиз... юрмай нима қилардик!.. — деди у.

Икковлари ҳам, бири иккинчисининг олдин ҳамла қилишини пойлаган майдондаги икки рақибдай, нафас ютиб, шу кўйи анча ўтиришди.

— Мошинни бу даштга бекор ҳайдаганинг йўқ, сен бекорга бундай қилмайсан, — деди ахийри Камол. — Гапир, нима бўлди?!

— Йўқ, тинчлик, оғайни... Сени бир оз айлантирай, дедим...

— Очигини айтавер... Қулоғим сенда... — Камол клубдаги учрашувда қаттиқ гапирганим учун Қосим ўпка қилса керак, деб ўйлаган эди. Йўқ...

— Очигини айтсам, арзимаган гап, — деди Қосим. — Сен, оғайни, бутун қишлоқ олдида Олия билан етаклашиб юрибсан... Тўғрими?! Бундай юришдан мақсаднинг нима, деб сўрамоқчи эдим...

У гапини бир парча тошдай босди-қўйди.

Камол кимнинг кимгадир дўстлиги, кимнинг кимгадир адоватига бошқа кишилар суқилиши шарт эмас, деб биларди. Шундан, Қосимнинг гапи кўнглига қаттиқ ботди. У бошда нозик мавзудаги гапнинг очилганидан нохушлик сизди. Сўнг эса, тарозининг иккинчи палласини босадиган сўз қидира бошлади:

— Тушунмадим... Бунинг сенга нима алоқаси бор?! Сен...

Қосим Камолнинг гапини шартта кесди:

— Биласанми, шу муомала-муносабатни қўй, демоқчи эдим... Мени, албатта, кечиргин, лекин очигини айтаман, у қиз сенинг бундай муносабатингга арзимайдими...

— Нимага ундай деяпсан?!

— Дўст бўлмасак, буни гапириб ўтирмасдим. Қанча барвақт оёқни тортсанг, шунча ўзингга фойда. Кейин бошинг балога қолиб юрма, деяпман-да... У ўзи мазаси йўқ қиз...

— Сен уни ёмонлама... Менинг кўнглим оғришнини ҳам ўйламай шу гапларни айтасан-а!

— Мен сенга гапирмасам, ким гапиради, хафа бўлма... Сен қизларни, аёлларни билмайсан, оғайни. Мени кечиргин, лекин очиги, у ўзи мазаси йўқ қиз...

Камолнинг қон-қонига Усмон бобо қачондир айтган бир гап ўрнашиб қолган эди. Шу дамда ўша гап ва унга боғлиқ воқеани эслади.

Акбар қишлоққа келиб, уч-тўрт кун юрди ва «бобони бир зиёрат қилайлик», деб Камол билан уларнинг уйига қадам қўйди.

Уйда эркаклар суҳбатлашиб ўтирганида, Зумрад дас-

турхон кўтариб кирди, чой келтирди. Акбар пахта меҳнати осон эмаслигидан гапирётган чоқда қизгина гапга аралашди-ю, иккиси ўртасида баҳс бошланиб, Усмон бобо ҳам, Камол ҳам чеккада қолиб кетишди.

Зумрад: «Қишлоқ ташвишлари кўпроқ аёллар зиммасига тушади, аёлларга кўпроқ қийин», — деган фикрни билдирди. Акбар: «Югур-югурдан боши чиқмаган, ярим тунгача машинага пахта ортган, кеча-кундуз рақам санаб, чўт устида ўтирган эркакларга осонми?!» — деди. Зумрад: «Аёллар нозик, улар икки юз-уч юз кило пахта териб, белни майиб қилиш ёки юз кило пахта жойланган қопни кўтариб, ўсмасак<sup>1</sup> бўлиб қолиш учун яратилмаган!» — деб айтди. Акбар унга бундай жавоб қилди: «Тўғри, ҳукумат шуни ўйлаб техника учун жон куйдирыпти-да. Бу йўлда тўғаноқ бўлиб ётган шахсларни чеккага сурсак, беш-ўн йилда ишлар бинойидай юришиб кетади... Лекин, бари бир, қишлоқдан гап чиқса, биз эркак ёки аёл, деб ўтирмаймиз. Биз ҳаммага бирдай одам, деб қараймиз, иш ҳаммага бирдай осон бўлишини ўйлаймиз!»

Камолга шу кун Зумрад ортиқча маҳмаданалик қилгандай бўлиб туюлди. У, Акбар чиқиб кетгач, бу ҳақда Усмон бобога шикоят оҳангида гапирди.

Усмон бобо Камолнинг шикоятини маъқулламади.

— Олдинги замонлар эмаски, хотин зоти ҳовлида ўтирса-ю, кўчага бошини ёпиб чиқса, — деди чол. — Мисолга олсак, шу Зумрад ҳеч ким билан гаплашмаса, ҳеч кимдан бир гапни эшитмаса, дунёда қандай яшайди!.. Буям майли. Сан бошқа гапни қулоғингга илиб қўй. Аёл киши ёш боладай гап. Минбаъд аёл билан ҳар гапга баробар бўлиб, уни ёмонлаш йўлини тутма. Аёлга ёш болага қарагандай беозор қарагин. Йигитман, дедингми, аёлдан айб қидириб юрмагин.

Камол отасининг шу гапини ва унга боғлиқ воқеани эслади-да, чол билан суҳбат пайтида ўзига-ўзи бир оз аялч кўринганидай, ҳозир кўзига Қосим бир оз аялч кўринди.

Қосим Камолнинг қулоғи остида ҳамон ғўлдираб, Олиядан шикоят қиларди:

— Сендан бўлак ҳамма унинг қандайлигини билади. У сени мулойим йигит эканлигининг кўриб, шайтонлик қиляпти... Ҳозир бутун қишлоқнинг оғзида у билан сенинг гапинг юрибди...

<sup>1</sup> «Ногирон», демоқчи, Бухоро шеvasи.



Камол титраб кетди:

— Бўлди!.. Сендан буни кутмагандим... Турмуш йўлимни менинг ўзимга қўйгин... Олия мен учун жудаям яхши қиз!!! Мен у тўғрида бировдан гап олмайман!.. Эй, худойим, Олия менга қандай ёқинини биров билса-ю, мени жинни қилиб юборганига биров тушунсайди!.. Гапирган гапиравермайдими!.. Одамлар нима деркин, деб ҳозиргача қисинганим етади. Бундан кейин, ўлай агар, парво қилмайман...

Қосим мағлуб келганга ўхшади. У бўйинини баттар қисиб, машина ойнасидан олдинга ўйчаң, маъюс тикилиб қолди.

— Майли, ҳайда мошинни... Бўлмаса тушиб, қишлоққа ўзим пиёда кетавераман...

Қосим машинани ҳайдади.

Машина қишлоқ магазини эшигига қайтиб келди. Қосим магазинни очиб, Камолга индамай кўрпа учун сатин ўлчаб берди.

Камол ўлчанган матони қўлига олди. У дарҳол магазиндан чиқиб кетмоқчи эди, бўлмади! Уни шу фурсатда Қосим бехосдан тўхтатиб, чамаси, ўзи олдиндан тайёрлаб қўйган қўйнидаги сўнги тошни отди. Бу — аслида, Камол яхши билгану юрагининг аллақайси бурчида беркиниб ётган совуқ гап эди.

— Сен мендан хафа бўлма, оғайни. Бир куни ўзинг тушунарсан, Олиядан мен бекорга гапирганим йўқ!.. — деди Қосим дона-дона қилиб. — Сен Олияни эндигина кўриб турибсан. Мен бўлса, уни анча йиллардан буён биламан!..

\* \* \*

Камолнинг юрагида Олиянинг бокиралиги, одамий кўркига нисбатан шубҳа туғилиб, унинг қизга нисбатан муносабатига бир дарз тушди. «Ким билсин, — ўйлади у, — балки Олия ростдан ҳам маломатга лойиқ, енгил табиатли қиздир. Қосим мени ўзига яқин тутиб, чинакам бахт топишимни истаганидан, куйиб гапиргандир!.. Ким билсин!»

Шундан кейин, Олия Камолни бир куни кўчада учратиб, ундан нега кўринмаётганини сўраганида, Камолнинг оғзидан беихтиёр: «Иш кўп, сизни кўриб, китоб ўқишдан бўлак ишим йўқми?!», — деган гап чиқди. Олия шарт ўгирилиб, нари кетди. Камол эса, ўз навбатида,

китобхонликни бутунлай йиғиштириб қўйди-да, Олияни ортиқ сўроқламади.

Камолнинг Қосимга нисбатан муносабатига ҳам олдингидан чуқурроқ дарз тушди. У Қосимни кўрмаслик, овозини, гапини эшитмаслик пайдан бўлди; юрагида номаълум бир нафрат, номаълум бир алам чайқалди. Лекин бари бир, Қосимдан узоқлашиб кетишнинг иложи топилмади.

Камолларнинг уйига анчадан буён оёқ қўймаган Қосим бир куни эрталаб қўққисдан остонада кўринди.

У чиройли, янги қора костюм кийиб, бўйинбоғ таққан, шаҳарлик олифта талабаларга ўхшарди. Аммо унинг кичкина, қонсиз юзи худди баданидан аччиқ аёз ўтаётгандай карахт, кўкимтир катта кўзлари худди кимдандир ниҳоятда жаҳли чиққандай совуқ ярқирарди.

— Отани бериб қўйдик, оғайни...

— Э, қачон?! — сўради Камол беихтиёр ва дарҳол берган саволи ўзига ўринсиз кўриниб, қўшимча қилди: — Бандалик, жўра... Одамларга хабар бериш керакдир?..

— Йўқ, кўпчиликка айтилди, қолгани бир-бирига айтар... Пешинда чиқарамиз, келсанг бўлди...

У қаттиқ, совуққон қадам ташлаб, остонадан йироқлашди.

Камол остонада ўйчан туриб қолди. Уни Қосимнинг тетиклиги, чиройли, сипо кийингани ҳайратга солди-да, назарида, Қосим отасининг ўлими ҳақида ваҳима учун, ёлғондан гапириб кетгандай бўлди. Қосим унда қайғули одамдан кўра қайғули бўлиб кўринишга уринган одам таассуротини қолдирди.

Ёмғир эзиб ёғар, ер тўпиққача лой бўлиб, далага сўнги кўсакларни тергани чиққанлар қишлоққа учтадан, тўрттадан қайтишар, улар ҳаво айнигашига ўзлари айбдордай бошларини буккан эдилар.

Ражаб акани пешинда чиқардилар.

Бошига дўлли қўндириб, Бухоро расмига кўра қора чопон кийган, белига катта белбоғ боғлаган Қосим, узун чопон этаклари оёқларига ўралиб, дарвоза оғзида уймалашиб юрди. Ниҳоят, одамлар ҳовлидан тобутни кўтариб чиққандан кейин, у бир қўлига рўмолча, бир қўлига ҳасса олиб, тобутнинг олдига тушди.

Одамлар тобутни елкадан-елкага олишар, Қосим эса олдинда ёлғиз борарди.

Одамлар Қосимнинг мотамда эканлиги-ю, шу пайт мотам тутган кишига таънакор сўзлаш вақти эмасли-

тига қарамай, унга совуқ гапиришар, аёвсиз тергашарди.

— Эй, балам, сан меҳри кам бача экансан! — тўнгилларди унга лойда юриши қийин бўлган оқсоқ Эргаш ака ҳар дам олдинга интилиб, елкасини тобутга тутмоқчи бўларкан. — Санга меҳр кўпроқ бўлса, бу Ражаб бадмастлик қилмай, дунёдан ўз вақту соатига кетайди!.. Дод демайсанми, ў...

Қосим элат ўрганган расмга амал қилиб, ҳар замонда: «Отажоним, бизни кимга ташлаб кетдингиз, отажоним», — дея овоз солар, бағиллар, бироқ худди байрамга чиққан байроқдор сингари кўксини тантанавор кўтариб, тўп-тўп қадам ташлашидан, мотам тутган одам родини шунчаки бажараётган артистга ўхшарди.

Ёмғир ҳамон эзиб ёғар, оёқлар чип-чип лойга ботаётгани, бу ҳавода маросим ўтказиш тугул, кўчага чиқиб бирон ёққа йўл олишнинг ўзи машаққат бўлгани учунми, ҳамма гўёки қабристон томонга керагидан ортиқ шошаётгандай туюларди. Чеҳраларга дунё билан видолашган одамга нисбатан қайғуришдан, ўкинчдан кўра кўпроқ ланж бир ташвиш сояси тушган, кимнинг йиғлаётгани-ю, кимнинг юзини фақатгина ёмғир юваётганини билиб бўлмас, бу ҳолат кишида беихтиёр совуқ таассурот уйғотар эди.

Қосим ҳаммадан олдинда бораётган бўлса, йўғондан келган, қалин қора мўйлов қўйган Ҳайдар ака ҳаммадан орқада яккаҳол судралиб борар, ҳар дамда бошини чайқаб, ҳиқиллаб қўярди.

— Биродарлар!.. Мунча шошманглар, ахир... — дерди у орқадан. — Ҳеч бўлмаса, бир оз иззатини бажо келтирайлик...

Ҳайдар аканинг гапига доим қулоқ солган оломон, бу дам унинг гапини эшитмаётгандай олдинга босар, унинг судралиб қолаётганига парво ҳам қилмасди.

Қамол Усмон бобо дунёдан ўтган кунни эслади. Унга ўша мотамда бир файз бўлгандай, бу мотамда эса, ҳеч қандай файз йўқдай туюлди.

Дунёга келган ҳар қандай гўдак, доянинг қўлига, онанинг иссиқ кўксига муҳтож бўлганидай, дунё билан видолашган ҳар қандай инсон ўз фарзандлари, ёру дўстлари ҳурматига муҳтож... Инсонни сўнгги йўлга, ундан гўёки қутулмоқчидай, совуққон кузатиб, уни шунчаки тупроққа қўйиб бўлмайди...

Ражаб акани тупроққа топширишди.

Кейин, удумга кўра, «оқлик»<sup>1</sup> деб, хизмат қилганларга «парча» — бир улушдан қирқиб қўйилган сурп берилди.

Бу кунги маросимдан сўнг, марҳумнинг еттиси, йигирмасы, қирқи нишонланиб, ҳар гал кун эндигина кўкарган саҳарда элу элатга ош тортилди.

Камол, «одамга одам шундай кунда керак бўлади», деб ўйлади-да, сарёмғир кеч кузакда ҳар қалай бир ҳафта Қосимга ҳамдам бўлди. У элга ош тортиларкан, сув ташиб, ўтин ёриш, жой тузаб, дастурхон ёзиш сингари юмушларни қилди. Марҳум хонадонига яқин кишилар қатори эшик оғзида қўл қовуштириб турди.

У Қосим билан бирга латга папкани елкага осиб мактабга қатнаган кунлари-ю, Қосим қишлоқдан узоқда ўқиб юрган чоқларда отасидан кўра кўпроқ ўзига хат ёзганини бот-бот эслади. Қосимга нисбатан юрагида ётган ғашлик ювилиб, ўрнини олдинги дўстона яқинлик туйғулари қайтадан эгаллай бошлагандек бўлди.

Биринчи қор тушди.

Сўнг, яна қор ёғди. Яна қор...

Камол, ана шунда, бир кунни сандалга оёқ суқиб ўтиришдан зерикди-да, нимадир қилгиси келиб, аммо нима қиларини билмаган кўйда ташқарига чиқди. У ҳовли юзида бемақсад айланиб юрди. Ҳовли ҳам уйга ўхшаб торлик қилаётгандай туюлди-ю, кўчага чиқиб, осмонга туташиб ётган оппоқ даштга узоқ тикилди.

Камолнинг бари бир кўнгли ёришмади.

У оёғидаги калишни судраб, чопонига қаттиқроқ ўранганича, орқага бурилиб, қишлоқ кўчасидан юқорига қараб кетди ва бир учи кенг асфальт йўлга бориб боғланган қишлоқ камаридаги йўлнинг муюлишига келиб тўхтади. Худди шу аснода баногоҳ унинг ёнидан таниш «Москвич» физиллаб ўтди. У «Қосим», деб овоз бермоқчи бўлди. Аммо шу дамда машинанинг ўнг томондаги ойнасида Олиянинг беғубор юзини кўрди-ю, тили танглайига ёпишди-қолди.

Тўғри йўлга қараб ниманидир гаплашиб бораётган Қосим билан Олия Камолни кўришмадими ёки унга жўрттага парво қилишмадими...

Қизил «Москвич» қорда юзганича кўздан ғойиб бўлди.

Камол уйи томон қайтди. Бироқ унинг уйга киргиси

---

<sup>1</sup> Бухородаги маросимларда оқ матонинг эътибори баланд. Умуман, қадимдан шундай бўлиб келган.

келмади. Яланг оёқлари тўпиққача қорга ботиб, дарво-  
за олдидан тагин дашт томонга ўтди; осмонга туташиб  
ётган оппоқ даштга ғамгин, паришон тикилиб, узоқ ту-  
риб қолди.

Дашт бағрида, Камолдан анча олисда, қор устида  
иккита қора ит судралиб юрар, гоҳ кўзга яқинроқ ке-  
либ, гоҳ кўздан буткул йироқлашарди.

Камолга гўёки Қосим, Олиянинг ростдан ҳам ма-  
ломатга лойиқ қиз бўлиб, ҳар қандай йигит етаклаган  
томонга кетаверишини исбот қилиш учунгина, уни рў-  
парасидан олиб ўтгандай туюлди.

Камолнинг юраги санчди.

Унга бир томондан Қосим Олияни тортиб олгандек  
кўриниб, алами келди. Иккинчи томондан эса, аввало  
Қосим билан Олиянинг муносабати нимадан иборат  
эканлигини аниқ билиши кераклигини ҳис этди. Агар  
Олия маломатга лойиқ бўлса-ю, эркинлик, самимият,  
олижанобликни ниқоб қилишга одатланиб кетган бўл-  
са, қандайдир йўл топиб, қизга жазо беришни ўйлади.  
Аксинча, Қосим оиласидан қочиб, ҳавойилик йўлида  
Олияни Камолдан тортиб олишга уринаётган бўлса, Қо-  
сим билан, албатта, бошқача гаплашишга қарор қил-  
ди. У энди Қосимни бирданига яна ёмон кўриб қолган  
эди.

Камол уйга, ниҳоят, маъюс кириб, эзилган кўйда  
приёмникни буради. Радиодан концерт берилар, хонан-  
да ширали товушда қўшиқ айтарди. Қўшиқда вафодор  
кўнгил соғинчи, тотли бир ҳасрат, одамий бир илтижо  
ўз ифодасини топганди:

Олам менга томуғдир,  
Эй гулузор, сенсиз...

Камол приёмникни ўчирди.

У, нимадир қилгиси келиб, аммо нима қиларини бил-  
май пойгаҳга борди, даҳлизга чиқди; яна уйга кириб,  
яна приёмникни буради. Худди олдинги руҳ, олдинги  
кайфиятда қўшиқ янграр, фақат эндиги қўшиқни бошқа  
хонанда ижро этарди:

Бўйгинангдан ўргилай,  
Ҳар дам сени кўргим келур...

Камол кимгадир тўлиб-тўлиб кўнгил очгиси борли-  
гини, юраги ёлғизлик ҳиссининг шафқатсиз панжалари  
остида ғижимланиб турганини мана энди англагандек

бўлди. Унга ўзи ҳаммадан айрилиб, ҳаммадан узоқлашиб қолгандай, ҳаётининг мазмуни йўқдай бўлиб туюлди; кўнгли бузилди.

У бир вақтлар сиқилса, Қосимнинг ёнига югуриб борар, Қосим билан бирга айланишар, шаҳарга тушишарди. Бир вақтлар сиқилса, нариги уйга ошиқар, Зумрад билан узоқ-узоқ гаплашиб ўтирарди.

Камол ҳозир, ўзига ёлғизлик ҳиссини сезишга йўл бермайдиган, ўзига олдинги суҳбатдошларидан ҳам кўпроқ қайишадиган, юраги, жонига айланиб кетадиган бир зот кераклигини, шу зотга ташналикдан ниҳоятда қийналиб, ўртанаётганини ҳис этди.

Унинг кўз олдига лоп этиб Олия келди.

Ғижинди. Қизнинг суратини кўзи олдидан ҳайдаб юбормоқчи бўлди.

Ҳайдади ҳам.

Бироқ не иложки, унинг кўзи олдига Олиядан бўлак ҳеч ким келмади.

\* \* \*

Эртаси кунни Камол кутубхонага кирди.

Олия одатдагидек, хонани иккига бўлган тахта тўсиқнинг орқасида бошини букиб ўтирарди.

Камолнинг назарида, ўзини кўриб, маънос ўтирган Олиянинг катта, беғубор, содда кўзларида ҳуркак бир қувонч акс этгандай бўлди.

— Келинг... Яхшимисиз!.. Камнамо бўлиб кетдингиз...

Камолнинг хаёлига «мен кўринмасам, Қосим кўринади», деган гап келди-ю, қонида аламли, шикоятли гапириш истаги ёнди. Бироқ у Олиянинг катта, беғубор, содда кўзларидаги қувончни сўндириб юборишга ботинмади.

Олия кутилмаган хатти-ҳаракати билан Камолни ҳайратга солди.

У ўрнидан енгил қўзғалиб, тахта тўсиқнинг четидаги эшикчани очди. Сўнг, бери томонга ўтиб, орқа девор этагида қатор турган курсилардан бирини дераза олдига олиб қўйди-да, Камолни курсига таклиф қилиб, ўзи девор этагида ўтирди.

— Нима, мени суратга оласизми?!

— Албатта, суратга оламан, — деди Камолга рўбарў ўтирган Олия. — Сиз қочоқни бошқа нима қилгай!..

Олия қалин оқ матодан тикилган кўйлак устидан қора жемпер кийган, қоп-қора сочларини бошига чам-

барак қилиб ўраган эди. Юзи тиниқ бу қизга қора сочлари қанчалик ярашса, оқ-қора либос ҳам шунчалик ярашар, қарама-қарши ранглар унинг кўркига кўрк қўшганди.

— Мен келишга келдим, — деди Камол. — Бу ёғи ихтиёр сизда...

У қизнинг беқиёс кўрки олдида лол бўлди. Кўзлари олдидан ўзига қадрли ва хотирасидан ҳеч қачон ўчмайдиган манзаралар ўта бошлади.

У бир оқшом Олия билан дала айланганида, Олия илгичкагина ариқдан ҳатлай олмаган, Камол қўл узатиб, қизни ариқчадан ўтказгану кейин, қизнинг қўлини қўйиб юбормаган эди. У ўша куни қизнинг қўлини маҳкам қисиб далада кезаркан, юраги олдин туйилмаган тотли бир ҳиссиётга тўлган, сўнгра эса, қиз билан шундай кезганини ўйлаб, неча кундир ҳаяжондан энтикиб юрганди.

Бошқа бир куни, Олия билан одатдагидай қўл этакларига келганида, яна ажиб бир ҳолат рўй берган эди. Улар майса-гиёҳдан тўқилган чиройли гилам устида дағал, эски курси бўлиб ётган, Камолга Усмон бобони, болалигини, бутун ҳаётини эслатган иккита харсанг тош олдида тўхташди. Камол қизнинг елкаларини беозор тутиб, унга яқин сурилди... Йигитнинг кўксига қизнинг кўкси жипслашиб, қизнинг боши йигитнинг кифтига босилди... Олия хазон япроғидай титради... Камол Олиянинг юз-кўзларида сирли бир қўрқувни, баёнсиз бир илтижони кўрди... У, ёвуз бир куч шамолдай келиб, қизни бағридан юлқиб кетиши мумкин, деб қўрққан кишидай телбаланиб, қизни бағрига қаттиқроқ босди... Олия оҳиста орқага суринди:

— Сиз ёмон экансиз... Сиз билан кўчага бошқа чиқмайман...

Камолнинг кўз олдидан шу манзаралар ўтди-ю, юрагига таниш бир ҳаяжон тушди. Унга Олия наздида қадр қиммати борлиги, қизнинг дийдор кўришувдан хурсанд эканлиги бир оз ёқди. Қизни ўзидан ҳеч ким тортиб олмагани, эҳтимолки, бундан кейин ҳам тортиб ололмаслигини ҳис этиб, кайфиятини ўзгартириб юборган ёруғ кундан кўнглида мамнун бўлди.

Камол, ҳар қалай, куз кунлари бағри заъфарон бўлиб ётган бўм-бўш, олис даштда Қосимнинг Олия шаънига доғ туширадиган гаплар айтгани-ю, кеча Олия Қосимнинг қор устида юзган машинасида катта йўл томонга кетганини ёдидан чиқаролмасди. У Олия билан

Қосимнинг ўзаро муносабати нимадан иборат эканлигини билгиси келганидан, Олияга шу тўғрида сўзланди:

— Мен сизни кеча кўрдим. Қосим билан машинада кетаётган экансиз... Катта йўл тарафга кетдингиз...

Олия кенг асфальт йўл қирғоғидаги универмагда қўнжи узун, нозиккина бичилган аёллар этиги борлигини эшитгани, Қосимнинг ўша томонга кетаётганидан фойдаланиб, бирга боргани-ю, истаган нарсасини олиб келганини айтди.

— Қишлоқдан катта йўл тарафга автобус ҳам доим қатнайди, — деди Камол. Бу гапни у «Қосимнинг машинасида бориш шартмиди!» деган маънода айтди.

— Ўзи, автобусга минсам бўларкан... Қосимнинг раўйига қараб, унинг машинасига миндиму бошим ба-лога қолди. Сиз учун йўлда Қосим дўстингиз мени койиб, дилимни оғритди...

— У нима деб сизни уришди?!

— Мен сизнинг бошингизни айлантираётган эканман... Бундан бу ёғи қадамимни билиб босишим керак экан...

Камол ўзига ҳам, Олияга ҳам Қосим бирдай руҳ, бирдай мазмунда гапириб, икки ўртадаги муносабатга монелик кўрсатганини ҳис этди. Қосим Камолга «Олиянинг мазаси йўқ», дегани-ю, Олияга «Камолнинг бошини айлантирма», дегани билан бир қарашда Олиянинг табиати енгил эканлигини яхши билган ҳамда Камолнинг тақдирини, бахтини ўйлаб куюнаётган одамга ўхшарди. Аммо, шу билан бирга, икки ўртага кириб, Камолга қизни ёмонлаган, қиздан эса, Камол билан кўришмасликни талаб қилган Қосим қандайдир мақсад-муддао билан иш тутаётгандек эди.

Камол Қосимнинг мақсад-муддаосини аниқ билмаганидай, Қосим билан Олиянинг олдиндан муносабатлари қандай бўлгану нималар сабабли Қосимнинг Олиядан қадамни билиб босишни сўрашга ҳадди сифишини ҳам билмасди. Бу сўроқларга у фақатгина кунлар, ҳафталар, ойлар бадалида жавоб топилишига тушунар, ҳаётнинг ўзи, афтидан, шуни тақозо қиларди.

— Сиз Қосимга нима дедингиз?! — сўради Камол Олиядан.

— Мен, бу тўғрида бошқа гаглашмайлик, дедим...

Улар Қосимни ортиқ эслашмади...

Кунлар, ҳафталар, ойлар ўта бошлади...

Камолнинг олдида иккита очиқ йўл турарди. Бири— Қосим билан болаликдан бошланган дўстона муноса-



батни қадрлаб, давом эттириш, Қосимнинг эзгулик ис- таганига ишониш... ишониш ва Слия билан вақтида хайрлашиб қўя қолиш. Иккинчиси — Олияга томон юз буриб, кўпроқ унга суяниш, Қосимнинг у ҳақдаги фик- рини қабул қилмаслик, умуман, қиз тўғрисидаги гап- ларга бепарво, беписанд қараш.

Қамол иккинчи йўлни танлади. У тагин Олия билан кунора учрашиб, боғда, кўл этакларида, дала-даштда армонсиз айланиб юришни одат қилди. Аммо Қамол биринчи йўлдан бутунлай кўз ҳам юмолмади. Куз кун- лари олис, мискин даштда унинг юрагига бир қатра за- ҳар томган, бу заҳар зарраси уни баъзан Олияга гу- монли, шубҳали қарашга ундарди. Қулоқлари остида Қосимнинг овози янграр, у кўп йиллар Қосимнинг оли- жаноб одам эканлигига бовар қилиб келгани-ю, энди ноҳос Қосимга ишонмаганини ўйлаб, кўнглида ажиб оғринишни ҳис этарди...

Қамол билан Олиянинг муносабатида кундан-кунга янги-янги саҳифалар очилди.

Улар бир кунни одатдагидай дала-даштда узоқ айла- нишди ва ниҳоят, қишлоқ этагига келиб тўхташди.

Олия шохларини қор босган дарахтларга боқар- жилмаяр, возиккина шаҳар қизи бўлгани учунми, эн- дигина бўйи етган ўн етти-ўн саккиз ёшлардаги қизлар- га ўхшар, унга сира йигирма беш ёш бериб бўлмасди. Олиянинг юз-кўзларида дам сайин ўзга бир латиф ҳо- лат акс этар, у аёлларга, оналарга хос фидойи ҳолатда Қамолга нечундир сиғинган, мунис тикилар эди.

Улар яна баҳор келганидан, Чаман қишлоғи ва унинг ён атрофлари ҳар қалай, дилкаш эканлигидан, хайрият- ки, инсонга оламда тириклик гаштини суриш бахти на- сиб этганидан анча гаплашишди.

Қамолнинг қизни қучгиси, ўпгиси, унинг сочларига кўмилгиси, катта, ёруғ, беғубор кўзларига сингиб кет- гиси келди.

Қамол қизнинг елкаларини беозор тутиб, унга яқин сурилди; йигитнинг кўксига қизнинг кўкси жипслашиб, қизнинг боши йигитнинг кифтига босилди...

— Мен сизни яхши кўраман, Олия... Яхши кўраман, жоним... Жоним, ёлғизим...

Йигит қизнинг юзи, лаблари, кўзларини ўпа бошла- ди ва ўз ҳиссиётларидан ўзи энтикиб муҳаббат бахти- дан масту масрур бўлди.

У, одатдаги сингари, ёвуз бир куч шамолдай келиб қизни бағридан юлқиб кетиши мумкин, деб қўрққан ки-

шндай телбаланиб, қизни бағрига янада қаттиқроқ босди.

\* \* \*

Зумрад отаси, онаси уруш касофатидан қурбон бўлганини ҳеч қачон унутолмас, ҳаётдан уларнинг ҳам ҳақини олиб, дунёда чинакам бахтиёр бўлишни истарди.

— Менга рўзгор учун мабодо уч-тўрт қути гугурт керак бўлса, шу Қосимнинг афтици кўрмайин, деб магазинга бормаيمانу ололмайман. Менинг тинчгина турмушимни шу арзимаган нарсга бузиб турибди-да...

Зумрад Қосим тўғрисида баъзан шундай йўсинда гапирар, умуман, бу йигитни ёдига олгиси ҳам, у тўғрида гаплашгиси ҳам йўқ эди.

Бир куни, бари бир, бўлмади.

Зумрад ҳамқишлоқлари билан далага чиқди. Ер заҳматкашлари қуёш найза бўйи кўтарилгунча кетмон чолиб, кейин дала чеккасида нонуштага ўтиришди.

Нонушта пайтида Зумрадни Саъди амаки деган киши гапга тутди. Кўзлари чақчайган, питрак бу чол қизларни «онажон»лаб гапирар, улар билан суҳбатлашишни яхши кўрар, ҳазил-мутуйибзга ўч, қизлардан кимдир суҳбатдан қочмаса, яйраб ўтирарди.

— Бу, онажон, сан бирон ўқишга ҳам кетмадинг?!— гап очди у Зумрадга тикилиб.

— Қишлоқдан бошқа қизлар кетяпти-ку, бўлди-да. Бултур Ҳафиза кетди, Зулфия... Ҳамма мулло бўлса, подани ким боқади, амаки!..

— Онажон, косани тайига ним коса, гапни тайига гап бор... Бу чол тентак, мани ўқишимга чикора, деб ўйлама... Ҳе-е, кўраман, юзингга ҳеч хурсандчилик йўқ. Билмадим, уйга хафамисан-! Ёки манга ўхшаган бирон-та бедавога ишқинг борми?!

— Менинг пахтага ишқим тушган, амаки...

— Ҳе-е, қўй... Ман санга тўғри гап қиляпман...

— Тўғриси шу, амаки...

— Пахтани, онажон, бутун ўзбак яхши кўради... Ичингга гапинг бор-ку, уёлиб ўтирибсан-да...

— Буни ўз ҳолига қўйинг, амаки, — гапга аралашиб, Саъди амакини койиди Хосият.

— Бово кўнгил сўраяптилар, сен қизишиб нима қиласан?! — уни тортиб қўймоқчи бўлди Раҳима деган қиз.

Орага сукут чўқди. Зариф ака деган киши гапниъ бошқа ёққа буриб, сукутни бузди.

— Магазинга атлас келган экан, кеча кирсам, — деди у Саъди амакининг гап оҳангига зид бўлган босиқ товушда. У одатда, кам гапирар, мавриди келганида эса, шу қадар шошмай гапирардики, баъзан юрак сиқилиб кетарди. — Қизларга шуни айтиб қўйсам, керак бўлган одам бориб беш митир, ўн митир қўйлакка олса, деган хаёл билан далага чиқдим бугун...

— У қўйлакка бўладиган эмас. У кўрпалик, — деди Раҳима.

— Ман-ку муни билмайман, локин уйда болаларни боши осмонга етди. Бир олганга ўн митир олдим.

— Ҳе-е, ўзимизни хотинлар бачалик пайти бўз кийган, — деди Саъди амаки. — Вақт келиб, атласга фироқ чиқди... — У Зумрадга юзланди. — Сан афтини кўрмадингми, онажон, нимага бўлайдигон атлас экан?!

— Мен кўрмадим, амаки.

— Бу Қосим билан уришиб қолган, магазинга оёқ босмайди, — деди Хосият.

— Камол билан иккови қалин жўра-ку! — ҳайрон бўлди Раҳима.

— Нимага сан Қосим билан уришасан?! Отангни мулки икки ўртада қолган бўлмаса... — Зумрадга тинчлик бермади Саъди амаки.

— Ҳукуматнинг мулки икки ўртада қолган. Менинг биринчи отам ҳукумат.

— У мандай сани яхши кўриб, жаҳлингни чиқорган!

— У нимага мени яхши кўрайкан! — қизишди Зумрад. — Хотини, боласини яхши кўрсин!

— Кўнгилга фармон йўқ. Кўнгил шундай пошшоки...

Зариф ака босиқ товушда гапга аралашди:

— Кўнгил пошшоми, йўқми, билмайман, локин манга деса, пошшолар гўрга ётган вақт келиб, кўнгилгаям ихтиёр кам қолган. Кўнгил, деб ҳар номаъқул ишга бориш инсофга кирмайди... Билмадим, кимни ёдига бор, Қуралай деган қиз бўлайди. Шу қизга Тўхта деган болани ишқи тушди. Қуралайни отаси Бухородан мачитга имом бўлиб келган эски одам эди, қизига ҳақ сўради. Тўхтани жаҳли чиқди. «Гап лулга эмас, пул чўнтакка, лекин эски вақтга ўхшаб қалин беришни хоҳламайман», деди шу бола. Ҳамма одам «бу ёғи нима бўларкан», деб турибди. Агар Тўхтага мулло кўп тихирлик қилса, одамлар йигит тарафга ўтиб, мулолни таноблини тортишни ўйлаб қўйган. Йўқ, фалокат оёқ остидан чи-

қиб, ҳам одамлар куйди, ҳам Тўхта. Бу бизни муллони Харгўш томонда бир таниши бор экан. Бобо Сайфулло деган. Асо тутмаса, шамолга йиқиладиган қари одам. Шу, десайиз, бир куни қишлоққа келибди, Тўхта колхоз идорасига турган экан, уни эшикка чақирибди, эшикка чиққан палла: «Санга ҳайфи қиз, сан қизни қадрини биласанми?!» — дебди. Тўхта ҳеч гапга тушунмабди. Бу одам ким? Нимага бундай гап қиляпти? Гапдан мурод нима?! Бобо бўлса, Тўхтани ёнидан муллони уйига келибди. Муллони олдинга бир белбоғ пулни қўйибди-ю, қизни шу кеча тўғри Харгўшга олиб кетибди...

— Қиз кетаберибдими?! — сўради Зумрад. — Битта уриб, ўлдириб қўйса бўлмайдимми?!.

— Мана бу айтаётганим анча ўтган гап... Кейин, муллолар ҳам ҳар хил, имонли, имонсизни бўлади. Бунинг устига, одамни феъли... Сан бўлсанг, бировни оғзига қарамасдинг, биров билан кетабермасдинг. Кўриб юрман, санлар бошқача. Локин у кўп мулойим эди...

— Кейин нима бўлди?!

— Тўхта ўқийман, деб Тошкентга кетди. Билмадим, Тошкентда катта бир одам бўлиб юргандир... Мулло, одамлар ўқрайиб қарайверганидан қўрқдим, Бухорога қочди... Бобо Сайфулло деганимиз кўпга бормасдан... Қуралай ўша томонга якка қолган... Бу бир воқеа...

— Иккинчи воқеа нима?! — қизиқди Зумрад.

— Иккинчиси, мана шу Ражаббойни воқеаси, буни ҳамма билади...

Дастурхон бошига келиб, бригадир Ҳайдар ака гапга сира аралашмаган, миқ этмаганди. Қалин қора мўйлов қўйган барваста бу киши четда, қуруқ бир хасни ўйнаганича, оёқлари остига қараб ўтирарди. Унга, афтидан, собиқ бригадирни ёмонлаш худди ўзини мақташдай бўлиб туюлар, шундандир, иккинчи ҳикоянинг айтилишига қарши эканлиги кўриниб турарди.

— Улган одамни гўрига тик турғизишнинг ҳожати йўқдиров, — гудранди у. — Жасадни гўрга қўйган вақт бир оқсоқол ўртага чиқиб: «фалончи қандай одам эди?» деса, биз «яхши одам эди», деймиз. Бу таомилдан мақсад, кетган одам гўрига тинч ётсин!.. Турмушнинг ҳисоб-китобини тирик одамлар олиб боргани туюк...

— Ҳе-е, биргад, косани тайига ним коса, гапни тайига гап бор! — луқма ташлади Саъди амаки.

Собиқ бригадирнинг уруш йилларида Наима билан айланишгани ҳақидаги ҳикояни Зариф ака айтиб ўтирмади. Аслини олганда, бу ҳикояни даврадагилар яхши билишар, уни айтиб ўтиришга зарурат ҳам кўринмас эди.

— Ҳайлаб қарасам, бизнинг қишлоқда шу иккита хунук воқеа ўтган экан, — хулоса ясади Зариф ака. — Ман эски гапларни бекор кавламадим. Кўнгил, деб ҳар номачқул ишга борнш инсофга кирмайди. Қўйиб берса, кўнгил нималарни тусамайди, дейсиз... Одамзод орасира «ман нима қилиб юрибман?!» деб ўйлаб тургани маъқул...

Зумрад Зариф акага ўйчан қаради. У, одатда, кам, шошмай гапирнши натижасида суҳбатдошнни зериктириб қўйиши мумкин бўлган, киши кўп эътибор ҳам бермайдиган кўримсиз, оддий бу одамнинг ичида шунча гаройиб гаплар борлигига ҳайрон қолди.

— Ҳе-е, мани битта гапим шунча гапни чиқорди! — деди Саъди амаки. — Бу ёғи, Зарифжон, мани сизга қўшилмаган жойим бор. Кўнгилни пошшолиги бари бир ўлмайди. Бу дунёдаги ҳар одам нимаики қилса, тўғри деб қилади-да...

— Наинки донмо шундай бўлса... Наинки, Ражаббой уруш шаронтидай оғир бир вақтда иккита хонадонни вайрон қилиб, шу ишни тўғри деб ҳисоблаган. Одамга имону инсоф, менимча, ирода-ю қатъиятдан келади. Ҳаммаси мана шу ирода-ю, қатъият йўқлиги... Мисол ууун, қачондир мани ўғлим расво-ю радди ишлар қилса, одамлар «падарнингга лаънат», дейди. Бунга боис шуки, одам болаликда бамисоли маймун, ўғлим мандан андоза олган, яъни, бола гоҳи вақт ёшликда тарбия кўрмайди, қарайсизки, суяги қотганидан кейин, биров уни қайириши мушқул. Шу йўсин мани касрим ўғлимга уриб, ўғлимни касри неварамга уради, қайсидир эсонларга бўлган нуқсон гоҳ олдимиздан чиқиб қолади. Демакки, ўғлим тарбияли бўлсун, десам, ўзим орасира «ман нима қилиб юрибман?» деб ўйлашим лозим... Бунни ўйлашга келса, манга ирода-ю, қатъият керак.

Зумрадга Зариф аканинг зийрак, ўйчан кўзлари ниҳоятда ёқди.

У дунёда ўзини кузатган, ҳаёти, тақдирин, ҳатто ҳаёлларини ҳам ўткир нигоҳи билан кўра олган зийрак, ўйчан кўзлар борлигини баногоҳ чуқур ҳис этди. Бу кўзлар унинг нима эзгу иши, нима кирдикори бўлмасин, ҳаммасидан хабардор. Улар кишига умр бўйи зим-

дан қарайди. Гоҳ эркалаб, гоҳо аёвсиз тақиб қилади. Бу кўзларга доим яхши кўриниш қийин, ammo улардан ҳеч қачон, ҳеч қаерга қочиб бўлмайди. Уларнинг талаби — ирода-ю қатъият!.. «Халқнинг кўзи олдида...» деган гапнинг маъноси шумикан?!

Зариф ака ошиқмай сўзини давом эттирди:

— Дунё дунё бўлиб, ҳозиргидай яхши кунлар бўлмаган... Одамни одамга қадри ошди. Катта ғурбатлар бизни турмушга бегона... Шундай қилайликки, арзимаган бир ғубор бахтимизга халал бермасун... Ёруғ осмонга, мисол учун, кичкина бир булут чиқса-ю, офтобни олдига турса, одам офтобни яхшироқ кўролмай, азоб ейди. Мани гапим шунга монанд... Бора-бора одамга одам буткул озор еткизмайдиган бир замон бўлади...

Ҳайдар ака ўрнидан оҳиста қўзғалиб, пахтазор томон кетди.

Бригадир кетганидан кейин, бошқалар ҳам ўринларидан туриб, далани ёввойи ўт-ўландан тозалаш учун эгатларга йўл олишди.

— Нимага сиз чўнтакка газит солиб юрайкансиз, дедим, дакалодга усто экансиз! — Зариф акани ўзича мақтаб қўйди Саъди амаки.

Зумрад Хосият билан ёнма-ён эгатга тушаркан, дутонасига кўнглини ёзгиси келди-ю, гапи беихтиёр Қосимга бориб боғланди:

— Магазиндан бир оз атлас олсам бўларди... Шу Қосимнинг афтини кўрмайин, деб магазинга бормаганимга ҳам кўп бўлди...

— Атлас керак экан, менга айтмайсанми!.. Сенга мен ўзим бугун олиб бераман.

— Тўғриси, гап атласда ҳам эмас, — деди Зумрад. — Менга ўз қишлоғимдаги магазинга бундай киролмай юришим ҳамма нарсадан кўпроқ алам қилади...

\* \* \*

Зумрад билан Камол колхоз ишида банд бўлган кунлар, уларнинг бўйнига уй-рўзғорда ортиқча ташвиш тушмагани маъқул!

Райҳон биби шундай деб билар, катта хўжаликда қизгин меҳнат борган пайтларда Зумрад билан Камолдан хонадондаги бутун юмушларни тортиб олишга ҳаракат қиларди.

Кампир қанордек кўйлагининг ёқаси очиқ, яланг оёқ

кўйда айиқдай вазмин қадамлар ташлаб, баъзан ҳовлида айланар, баъзан томорқага чиқарди.

У сабзи-пиёз кавлаб ўраларга кўмар, етилган олманорни узиб, банд-бандидан узун бир ипга боғлаганича уй ва айвон шифтига маржондай осиб қўяр, помидор қуритар, ёзда пичан ўриб, кузда гўзапоя йиғиб келар, гул баргидан мураббо пиширарди...

Пахта етилай деб қолган, теримга тушиш олдидан қишлоқларда тўйгарчилик авжига минган кунлар бошланди.

Райҳон биби тинчини йўқотиб, ўғлини уйлантириш хаёлига тушди.

— Камолбойни хотун олишлари бир армон бўлди,— шикоят қилди у Мутавалли бобонинг аёли Мақсад биби уйга келганида. — Бечора бобо дунёга тузукроқ орзу-ҳавас кўрмай, ёшгина қазо қилдилар...

— О, у киши етмиш бешга кирди-ку. Мундан зиёд ёш бўлиб, бобо неччига кириб ўлсин!.. Ҳаммагаям шундай умр берсин, денг...

— Мани хаёлим, бу ёғи ўзимга паришон. Мангина, ақалли, тузук бир орзу-ҳавас кўрмай кетмасайдим...

— Сиз нимага кетайкансиз?! Ҳуф денг, шу гапни оғзингиздан шамол учирсин... Ман, сиз ўғлингизни ҳар қандай келиндан қизғанасиз, деб индамай юрайдим...

Мақсад бибининг гапи айни ҳақиқат эди.

Райҳон биби чиндан ҳам ўғлини ҳали йўқ келиндан қизғанарди. Кампир кўпинча икки қарама-қарши ҳиссиёт орасида яшар, қандай йўл тутишни ўзи ҳам яхши билмас эди. У бир томондан, ўғлининг уйланиш ҳақида: «Э, шу гап унча эсга тушмай турибди», деганидан фойдаланиб, келин туширишга шошилмасди. Аммо иккинчи томондан, қишлоқларда тўйгарчилик авжига минаркан, умридан саноқли кунлар қолганига қарамай, ўғлини ҳамон уйлантириб қўймаганини эслар, юрагига ваҳима тушиб, тинчини йўқотарди.

— Келин қилсам, келин ҳавлимга тушади, мандан Камолбойни олиб қочмайди-ку! — ўзи-ўзига таскин-тасалли руҳида гапирди Райҳон биби. Кейин, Мақсад бибига шу дамда кўнглига келган гапни очиқ айтди: — Охирги йиллар мани аҳволим дигаргун!... Келин кўрмасдан кетмайин, деб ичимга қўрқаябман...

— Сиз бу тўғрига то ҳозир гапирсайдийиз, ман аллақай сизга хизмат қилайдим... — Мақсад биби энди

<sup>1</sup> «Бошқача», демоқчи.

Райҳон бибига бошқа айб қўйди. — Ман сарупо тайёр бўлсун, кейин гап чиқаду, Камолбойга тайёр сарупо йўқ, дебман...

— Иби, нимага ундоё деб ўйлайсиз! — хафа бўлди Райҳон биби. — Ман сизга ғариб бўлмасам...

Кампирнинг тўйга тараддудни аллақачон кўргани рост эди. У сурункасига уч-тўрт йилдан буён қурт-тутар, пилла ишига қўни-қўшнини деярли аралаштирмас, топган даромади, олган мукофотларини ҳеч кимга кўрсатмай, сандиққа босар эди. Райҳон биби янги кўрпалар қавиб, ёстиққа пар жойлаган, келинга уст-бош, кувёвга янги қўқон дўппи, қора костюм, фасон туфли олиб қўйганди. Кўнгилга маъқул келадиган қиз топилса бас, кампир эртагаёқ дарвозани кенг очиб, элга ош беришга тайёр эди.

— Гап шундой бўлса, дарров қазон қурайлик! — жонланди кичкинагина, чаққонгина Мақсад биби. — Қишлоққа қиз камми?!

Райҳон бибининг кўзи олдига тўйгарчилик авжига минган кунлар ва, айниқса, шанба, якшанбаларда «қайси хонадонда тўю томошо бор?!» деб, қишлоққа шаҳардан ташриф буюриб турувчи созандалар: сурнай чаладиган шаҳарлик бир чол, унинг ҳамроҳлари — доира чаладиган йигит ва ёғоч оёққа минган, икки қўлига иккитадан тўртта қайроқ тошни олиб, уларни бир-бирига шприқлатиб урганча, сурнай, доира, тошлар оҳангида ўйинга тушган бола келди. У гурас-гурас меҳмонлар ҳовлига кириб келаётгани, кўзлари ярқираб, ёруғ чеҳра билан «тўй муборак, биби», дея, илтифот кўрсатаётганини тасаввур қилди-да, ҳаяжондан энтикди.

— Қишлоққа қиз кўп, — деди кампир. — Манга яхши бир келин топилар...

— Ман сизга ҳайрон, — деди Мақсад биби. — О, қўлингизни тайига турган Зумраддан гапирмайсиз.

— Йўқ, ман Зумрадни келин қилмайман...

— Би-и... Зумрад ямонми?!

— Зумрадни ямон деган одамни тилига чипқон чиқмайдимми?! Гап бошқа жойга. Зумрад аввалдан бағримизга қизимиздай ўсди. Бу ёғи уни Камолбойга олиб берсак, одамлар бизни уёт қилади. Ким кўп, кучи оғзига етмаган одам кўп...

— Сиз бировни гапига чикора?!

— Йўқ, ман Зумрадни келин қилмайман... — пичирлади Райҳон биби. — Ундай қилсак, бобони арвоҳи биз-



ни келиб урмайдими! Бобо «Зумрадни келин қилмагин», деб кетган...

— Бу бўлмаса, Раҳима бор... Хосият бинойигина... Ота-оналарням тузук...

— Ҳа, қиз кўп... Узимизга қанча қиз, Бунёдга қанча қиз!..

— Хосият сизга ёқмадими?..

— Иби, ман ёқмади, дебманми?! Майли... Сиз совчиликка борайлук, денг, бораберамиз.

— Совчиликка ман ҳамма вақт тайёр...

— Ман бугун кулча-ю патир пишурай бўлмаса. Сизгина эрта наҳорга келинг... Манам одамдай бир тўй қилай!

Райҳон биби Мақсад биби билан шундай ваъдалашди.

У енг шимариб, кечга томон хамир қорди, тандирга гўзапояни қалаб, кўкка тутун ўрлатди.

Кампир юзига кунжут сепилган нон, қаймоқли патир, кафтдай келадиган сутли кулчалар пиширди. Сўнг, сандиқдан икки кўйлаклик сатин олиб, дастурхонни кенг ёзди; патир устига нон, нон устига кулча териб, сандиқдан олган матоларини буларнинг устига босди. Ҳаммасининг устидан қанд-қурс сепди, новвот, шаҳардан келтирилган ясси гиштдай оқ ҳолвани ҳам қўшиб, дастурхонни маҳкам ўради, совчиликка бориш учун тахт қилиб сандиқ устига қўйди.

Райҳон биби ҳаяжонланар, унинг кўнглида бир оз қўрқув ҳам йўқ эмас эди.

У ўзи билан Мақсад бибини Хосиятнинг уйи қандай қабул қилиши, қизнинг ота-онаси совчилар хоҳишига нима деб жавоб беришини билмасди. Бунинг устига, Камолнинг ўзи ҳам Хосиятга уйланмаслигини айтиб оёқ тираб туравериши мумкинлигига кампирнинг ақли етар, умуман, ўғлининг кўнглида нима борлигини англай олмаганидан ўзинча қийналарди.

Райҳон биби ҳаяжон ва тизгинсиз ўйлар гирдобида кечаси яхши ухлай олмади.

У эртаси куни хўроз қичқирмай, итлар вовиллашга тушмай туриб, кўрпа-тўшакни йиғиштирди. Гуллари олачалпоқ, кенг, узун кўйлак устидан юпқа матодан тикилган шундай кенг, узун зангор кўйлакни кийиб, одатда пахмайиб, елкаларида ёйилиб ётган сочларига тароқ урди, кўйлагига мос зангори дуррани манглайига зич танғиди. Шундан сўнг эгнига оқ сурпдан енгил камзул,

оёғига ялтираган амиркон маҳси кийиб, бошига катта дока рўмолни ташлади.

Кампир, ниҳоят, шайланиб, Мақсад бибининг дарвозадан «ассалому алайкум» деб кириб келишини кута бошлади.

Мақсад биби ҳадеганда келавермади.

Райҳон бибининг кеча куйиб-пишиб, қоронғи тушгунча нон ёпганига хонадонда Зумрад ёки Камол парво қилгани йўқ. Аммо кампирнинг бугун каллаи саҳардан лом-мим демай ясан-тусанга тушгани-ю, тажанг ўтиргани Зумрад ёки Камолни таажжубга солиши мумкин эди. Кампир буни билар, гап пишгунича оғиз очгиси бўлмаганидан, Зумрад ёки Камолнинг юз-кўзига қарамасликка тиришиб, Мақсад биби тезроқ кела қолмаганига ҳуноб бўларди.

Райҳон бибини, одатда, Камол маҳал-бемаҳал сўроққа тутмас, кампирнинг ўзи бир гапни гапирмаса, ўғли ундан нима гаплар борлигини суриштириб ҳам ўтирмасди. Бугун ҳам Камол индамай нонушта қилди-да, далага чиқиб кетди. Бироқ Зумрад Камолга ўхшамайди. Кампирнинг каллаи саҳарлаб лом-мим домасдан ясан-тусанга тушгани-ю, эиди тажанг ўтирганини кўриб, қизнинг авзойи ўзгарди. Унинг қош-қовоғи осилиб, ўтли кўзлари кампирни таъқиб қила бошлади.

— Бибижон, тараддуд катта... Нима гап ўзи? — сўради у, Камол чиқиб кетганидан кейин.

— Манга бирон ишинг бўлса айт, қилай, — бўш келмади кампир. — Мани тараддудимга нима дейсан?!

Кампир: «Ниманки хоҳласам, шуни қиламан, ҳамма ишни сан билан бамаслаҳат қилишим шарт эмас!» — деган фикрни Зумрадга ўтказиш, қизнинг оғзини боғлаб қўя қолишни истаб, ўрнидан турди; жўрттага тўрдаги токчадан ойначани олиб, хумча шаклида ясалган, аммо ниҳоятда митти — жимжилоқдай келадиган кумуш сурмадонга учи йўнилган гугурт чўпини суққанича, кўзларига шошилмай сурма тортишга тушди. У кўп кексалар сингари, одатда, кўзи хира бўлганидан сурма тортар, ҳозир эса бу ишга жўрттага қўл урганди.

Зумрадга гап ўтказиб, унинг оғзини боғлаб бўлар эканми! У пинагини ҳам бузмади, кибор ҳолатда ўтириб, кампирни гапга тутишда давом этди:

— Сурма қўйиш кам, бибижон. Озгина ўсма эзиб берай...

— Иби, қиз бала ҳам бундай гапчи бўлайканми!

— Жаҳдлингиз чиқмай айтинг, бахайр, бибижон, меҳмонга борасизми?

— Меҳмонга бораман!.. Санга нима?!.

— Менга ҳеч нима!.. Лекин айтиб қўяй, биламан, сиз совчиликка боряпсиз, мени алдаш, мендан гап яшириб ўтиришнинг ҳожати йўқ...

— Совчиликка бораман!.. Нима дейсан?!

— Кимнинг ҳовлисига борасиз?!

— Иби, санга нима?!.

— Менга ҳеч нима!.. Лекин айтсангиз, ўзингизга фойда... Мисол учун, бировнинг эшигини бекорга тақиллатсангиз, ўзингиз хижолат бўласиз...

Райҳон биби Зумрадга рўбарў девор этагига бўшгина ўтирди. Дераза ойнасига, ойнадан кўкда чарақлаган эрталабки тиниқ қуёш нурлари таралиб ётган ҳовлига тикилиб, хаёлга чўмди кампир. У ёш қизларнинг турмуши нима, кўнгли нима-ю, қадам ташлаши қандай — буни Зумрад ўзидан кўпроқ билишини ҳис этди. Ўзи чиндан ҳам бировнинг эшигини бекорга тақиллатиши, оқибат ўсал бўлиб уйга қайтиши мумкин эканлигини, ўртада рози-ризалик пайдо бўлган тақдирда ҳам, адашиб қўйиб, кейин бошини қайси деворга урарини билолмай қолиши ҳеч гап эмаслигини ўйлади.

— Ман шу Хосиятга оғиз солайлик, нима бўлайкан, деб турибман. Муни манга Мақсад айтди. Икков шунга бормоқчи...

Райҳон биби, муз устида сирғалиб кетишдан қўрқиб секин қадам ташлаган кишидай, эҳтиёткор оҳангда, қўрқа-пуса гапирди. У Зумрадга ички ваҳм билан илтижоли тикилиб, қизнинг ҳозир: «Хосият бировга унаштирилган» ёки «Хосиятнинг бировга кўнгли бор, фалончи йигит билан кўришиб юради», дейишини, ёхуд: «Хосиятнинг мана бундай айбини биласизми, йўқми», деб айтиши, шундай жавоб жонига наштардай санчилишини кутди.

Зумрад кампир кутган гапларни айтмади.

— Хосият менинг биринчи дугонам, — деди у. — Биламан, бинойи қиз. Уни келин қилган одам ҳеч вақт пушаймон бўлмайди. Қанийди, сиз шу қизни келин қилсангиз!..

Райҳон биби енгил тортди.

— Иби, садақа бўлай санга. Ман сандан гап ёшириб ўтирибман-а!

— Бибижон, сиз бари бир Хосиятни келин қилолмайсиз-да...

— Нимага ундай дейсан?! Хосият Камолни писанд қилмайдими?! Камол ҳеч кимни олмайман, деб яна оёқ тирайди, дейсанми ёки?!

— Гап писанд қилиш, оёқ тирашда эмас! — мужмал жавоб қайтарди Зумрад. — Камол бари бир Хосиятни олмайди, бибижон. Уям бунга тегмайди...

Райҳон биби гаранг бўлиб қолди. Хосият бинойи қиз бўлса, Камолни писанд қилса-ю, Камол ҳеч кимни олмайман, деб оёқ тирамаса, демак, нима учун хайрли ишга йўл топилмас экану бу ишга нима халал бераркан?!

Зумрад «гап тамом», дегандай ўрнидан турди. У бошидаги енгил қора рўмолни ечиб, қайтадан танғидида, эшик олдидаги шкафдан йўл-йўл нимчасини олиб кийди. Афтидан, у кампирни сув билан оташ орасига ташлаб, энди ўзи ташқарига чиқиб кетмоқчи, ўзини нимадир ишга уриб, кампирнинг армони-ю ҳасратига қиё боқмай, эркин айланиб юрмоқчи эди!

Райҳон бибига қизнинг бу хатти-ҳаракати маъқул келмади. Эрталаб кампирнинг ясан-тусанга тушгани-ю, тажанг ўтирганини кўриб Зумраднинг авзойи ўзгарганидай, қизнинг беғамлигини кўриб, энди Райҳон бибининг феъли айниди.

— Биламам, сани ичинг бир сарой, — деди кампир. — Локин бир гапни очдингми, бу ёғи оғиргина ўтириб, манга мағзиини чақ...

Зумрад қайтиб девор этагига ўтирди.

— Нима дей, бибижон?!

— Ичингга борини айт...

— Камол Хосиятни яхши кўрмайди. Бунинг устига, Хосиятни оласан, деганингиз билан баъзи йигитларга ўхшаб ўйламай-нетмай ола бермайди... Яна айта берсам, Камол бошқа бир қизга кўнгил берган...

— Ким экан у кўнгил бергани?..

— Битта қиз-да... Сизга нима фарқ қилади!..

— Иби, ман ўлай, Камолни мўмин десам, буям оёқ чиқарганми!.. Айт... Манга айт, кимни қизи билан юрибди?!

— Сиз унинг ота-онасини билмайсиз...

Кампирнинг назарида, кўз олдини туман босгандай, туман ичида қандайдир нотаниш қиз оёқлари ерга тегмасдан юзиб ўтгандай бўлди.

— Қишлоққа қиз камми?! Нимага бундай қилади-а?!

Зумрад миқ этмади.

Райҳон бибининг тарвузи қўлтиғидан тушди. Унга ўғлининг қандайдир қиз билан танишлиги бир алам қилса, ўғлим бу қиз билар қаерларгадир кетиб қолиши мумкин, деган гап хаёлига келиб, икки алам қилди.

Зумрад ташқарига чиқиб кетди.

Райҳон биби дераза ойнасига, ойнадан кўкда чарақлаган эрталабки тиниқ қуёш нурлари таралиб ётган ҳовлига ўйчан, паришон, ғамгин ва ташвишли тикилганича, бир муддат қимир этмай ўтирди. Сўнг, ўрнидан туриб, камзулини ечди; даҳлизга чиқиб, кўзларидаги сурмани ювди; илдам ташқарига чиқди. Зумрадга ўхшаб, ўзини қандайдир ишга ургиси келди.

— Ассалому алайкум!

Бир тавақаси очиқ дарвоза остонасида Мақсад биби кўринди. У ҳам, Райҳон биби ясан-тусан қилганидай, ўзига оро берган, духоба камзул кийиб, бошига шоҳи рўмол ташлаган эди.

— Иби, келдингизми?! Келинг... — Унга пешвоз юрди Райҳон биби. — Қани уйга кирайлук. Бир пиёла чой ичайлук...

— О, сиз барвақтроқ туриб, мани пойласангиз бўлмайдимми?! Чойни келинникига ичэйдук...

Райҳон биби индамади. У Мақсад бибини уйга бошлаб кирди, шшилмай дастурхон ёзди.

— Мангинага эс йўқ, — деди шундан кейин Райҳон биби. — Сандуқни очиб кўрсам, сиз кеча айтган гап тўғри, Камолбойга ман олган сарупо тўйга урвоқ бўлмайдигон...

— Би-и... шунга ғамми?! Юринг-э, бориб бир гап-лашайлук, тўйгача камомадни<sup>1</sup> аста-аста жам қила берасиз...

— Муни устига, Камолбойни келиндан қизғонганим тўғри... Юрсин икки-уч йил, хотун қочмайди...

— Сиз энди қизғонишни қўйинг-да!.. Камолбой тизангизга қайтиб ўтирмайди...

— Бошқа вақт... Бугун оёғим тортмади.

— Сизгинага Хосият маъқул бўлмаган... О, уни йўқ десайиз, Раҳимага борайлук. Бунёдга бўлса-ку, мани танишларим бисёр. Юринг-э...

— Йўқ, бошқа пайт...

Мақсад биби чиқиб кетганидан сўнг, Райҳон биби ташвиш ва қайғу гирдобига тушди.

Уни Зумрад бир қур сув билан оташ орасига ташла-

<sup>1</sup> «Етмаганини», демоқчи. Бухоро шеваси.

ган, аммо на қайтиб чиқиш йўлини кўрсатгану на кўлини узатиб, кампирнинг чиқишига ёрдам берган эди.

У Камолнинг охирги пайтларда шаҳарга кўп бормай қўйганидан мамнун бўлиб, қишлоқда Камол қандай юрганига парво ҳам қилмаганини сезди. Угли Усмон бобо даврида — отасининг кўзи остида қандай юрган бўлса, ҳамон шундай юргандир, деб ўйлаб, унинг кўпинча уйга кеч қайтаётганини иши кўпликка йўйганини эслади. Унга Камолнинг уйдан ташқарида, умуман, ҳеч бир иши йўқдай, ўгли ишни баҳона қилиб, кўча-кўйда санқиб юргандай, демакки, уялмай-нетмай маломат кўчасига киргандай бўлиб туюлди.

Кампир ўглининг бугун эртaroқ уйга қайтишига умид боғлади ва ўгли билан ҳам ота, ҳам она бўлиб гаплашгиси келди-да, қайси тартиб, қайси оҳангда гаплашишни ўйлай бошлади.

Уни ўгли ҳақидаги хабар, бир томондан, бутунлай ташвиш ва қайғу гирдобига туширди. Аммо, иккинчи томондан, у: «Шайтон бу Зумрад, аввалдан бамаслаҳат иш тутмаганим учун, мени ёлғондан бўлмаган гапларга андармон қилиб, ўч олишни хоҳлаган!» — сингарни хаёлларга борди-ю, ўзини шу хаёлларга ишонтиргиси келди.

Райҳон бибининг томоғидан кунни бўйи на бир бурда нон, на бир қултум сув ўтди.

У, Камол уйга қайтиб, кечки таомга ўтирганларида ҳам, ўзини қўлга олиб тузук бир овқат еёлмади. Ичига тухум солиб қайнатилган хамир таом — тухумбаракдан яримтасини оғзига тикди-ю, қўлини сочиққа артли ва тезроқ дастурхон йиғиштирилиб, Зумрадининг нариги уйга чиқиб кетишини кутганича ўтираверди.

Ниҳоят, Зумрад дастурхонини йиғиштириб, она билан болани уйда ёлғиз қолдирди.

— Балам, сан ҳеч вақт «она, хафа ўтирибсиз?» деб мандаи гап ҳам сўрамайсан! — арқонни узун ташлади кампир. — Икков бир хонага туриб, сан манга на чақчақни биласан, на суҳбатни. Бу, онам ганимат бир одам, эрта-индин ўлади-кетади-ю, бошқа дунёга туғилмайди, деган гап хаёлингга тушмаган...

— Э, нимага ундай дейсиз?!

— Шундай дейман-да... Бу ёғи, сани хотун олишинг манга бир армон бўлди. Бобо дунёга орзу-ҳавас кўрмай, ёшгина қазо қилдилар. Энди мани хаёлим ўзимга паршон...

Райҳон бибининг назарида, Камол бўзариб-бўзрай-

гандай бўлди. Йигитнинг хаёлчан кўзларида номаълум бир изтироб акс этиб, у бехосдан шу қадар хастаҳол қиёфага кирдики, буни кўриб, кампирнинг юраги қиндан чиқаёзди. Кампир шу лаҳзада турмуш муаммоларини ҳам унутиб, ўғлини ёш бола сингарини бағрига тортиш, унинг бошини кўксига қаттиқ босиб, сочлари, юз-кўзларини мана шу қоронғи шомдан то саҳар беозор сийпалаш истагидан энтикди. У ҳозиргина ўғлига чолнинг қазо қилгани-ю, ўзининг ҳам саноқли кунлари қолгани тўғрисида гапирганини эслади ва айтган гаплари шунчаки умр бебақолигидан шикоят бўлмай, аччиқ ҳақиқат эканлигини энди беихтиёр ҳис этиб, юрагига ваҳму гулгула тушди. Уғлини узоқ йиллардан буён эркалаб қўйиш қўлидан келмаганини, насиб этмаганини, фарзанди улғайгани сайини ўзидан йироқлашиб кетгани-ю, кетаётганини ўйлади. Камолга қанчалик меҳри кўп бўлмасин, бари бир, унга ҳеч қачон болалик пайтларидаги сингари яқин бўла олмаслигини англаб, инсон қисматида нега бундай шафқатсизлик белгилари борлигига тушунолмади.

Райҳон биби Камолнинг товушидан ўзига келди:

— Одамни хафа қиладиган гапларга ҳожат йўқ, она! Мен билмасам, сиз нима хоҳлайсиз...

Кампирнинг кўнглидаги бутун ҳароратни Камолнинг мулоҳим товуши ювди-кетди. Унга ўғли бир умр журъат, жасоратни билмагандай, ўғли бўшанглик қилаётгани учун ҳам, то ҳамон орзу-ҳавасга имкон топилмагандай бўлиб туюлди.

— Балам, ман бир қизни топдим. Бу ёғи, шу яқин ўртага тўю тамошо қиламиз! — деди кампир қатъий.

— Сиз топган қизни мен олмайман, она, — беозор эътироз билдирди Камол.

— Иби, майли, биронтасини ўзинг топ... ёки топганинг борми?!

— Мен яқин ўртада хотин олмасам керак...

— Топганинг бор, ман билдим. Айт, у кимни қизв?!

— Сиз унинг ота-онасини билмайсиз...

Кампир қўлидаги арқонни Камолнинг бўйнига шаппа ташлаб, энди унинг оёқ-қўлларини бирваракай маҳкам боғлади:

— Ота-онасининг тайини бўлмаса, сан уни нима қиласан!... Қишлоққа қиз камми!

— Э, одамни тинч қўясизми, йўқми?..

Кампирга ўғли, негадир, иккиланиб тургандай,

журъат, жасорат етишмаганидан, бировнинг домига илиниб, қутулиш йўлини билмаётгандай бўлиб кўринди.

— Қишлоққа қиз кўп! — деди қатъий. — Сан нозаниндай бир йигит бўлсанг. Одамлар ҳазар қилган бедаво бўлмасанг... Манга ростини айт. Уша топганинг агар сани бўйинингга осилиб юрган бўлса, ман бориб сочларини юлай, юзини бир тимдалаб келай...

Райҳон бибининг назарида, Камолнинг авзойи баногоҳ ўзгарди. Йигитнинг оёғин юзи янада тортилиб, кўзлари қисилди; ёшгина, мулойим, беозор, содда ўғли бирданга балоғатга етган, жасур, аччиғи тез, қайсар, асабий йигит қиёфасига кирди-кўйди. У худди Усмон бобонинг ёшлик лайтларидагига ўхшаб кетди.

Камол кампирга дона-дона, кескин гапирди:

— Бу индамас экан, деб ҳаддингиздан кўп ошаберманг. Сиз умрни қандай ўтқарган, бунга менинг ишим йўқ. Мен қандай ўтқараман, бунга сизнинг ишингиз бўлмасин! Бундан бу ёғи шу тўғрида оғиз очсангиз, тураман-у, кетаман, беҳурмат бўлиб қолаверасиз...

Кампир умрида ўғли бу қадар қизишганини кўрмаган, ундан бу тахлит гапни эшитмаган, унинг ҳар қалай журъати, жасорати борлигини билмаганди. У Камолнинг «масалан, мана бундай...» деганга ўхшаб, ўрнидан кескин қўзғалгани, ташқарига кескин йўналганини кўриб, нафасини ичга ютди.

Қишлоқларда тўйгарчилик авжига минган кунлар келиб, ўзининг умидли инсон эканини ҳис этган, кўнгилдаги армон туфайли тинчи йўқолиб, тили эркин калом бошлаган Райҳон биби, Камол билан баҳсдан сўнг, қайтиб аввалгидай ҳафтада, ойда ниманидир ғўнғирлаб қўядиган, тоғдай юриб, тоғдай лол қотган бегап-безабон кампирга айланди. У, Камолнинг орзу-ҳавасини Усмон бобо кўрмай кетганидай, мен ҳам кўрмай кетаман, деб ўйлайдиган бўлди.

Бу совуқ ишонч Райҳон бибини энди ичдан емира бошлади.

\* \* \*

Камол ёз кечалари ҳовли ўртасидаги қуриган ўрик остига қўйилган тахта сўрида тунарди.

У Райҳон бибининг ёнидан асабий ҳолатда ташқарига чиқди ва сўри четига келиб ўтирди-да, кампирга озор берганини ўйлаб, эзилганича, бошини букди.

Камолнинг икки тарафида турган икки уйнинг ҳам деразалари очиқ, уларда чироқ милтирар, уларда бири-бирдан айру ўтирган икки аёл, эҳтимолки, ҳавли юзи-



даги сўрида бош буккан йигитдан кўпроқ, унинг бахти учун қайғуриб, унинг тақдирини ўзларича ўйлашарди.

Ниҳоят, Райҳон биби ўтирган уйда чироқ ўчди.

Кўп ўтмай, Камолнинг ёнидан елкасига кўрпа юклаган Зумрад ўтди.

Зумрад тахта зишачани гижирлатиб сўрига чиқди; Камолга ўрин сола бошлади.

— Маца, бўлди... дам олинг, — деди у бир пайт эҳтиёткор, меҳрибон товушда.

— Озгина ўтиринг... гаплашайлик...

Камолга Зумрад билан гаплашса, тақдири ҳал бўлиб, кўнгли ёришадигандай, бахти ярқираб кетадигандай туюларди.

Зумрад зинча устига оғир ўтирди.

— Кампирга мени биров билан юради, деб сиз айтдингизми?! Илтимос... шуни билмоқчи эдим...

— Мен айтдим... — иқрор бўлди Зумрад.

— Нимага ундай қилдингиз?..

— Бибим саҳардан совчиликка боришни ўйлабдилар. Мен фақат «борманг», дедим...

— Кейин, ҳаммасини гапириб бердингизми?..

— Гапирдим... Чунки, бир одамнинг эшигига қизини сўраб борсалару, у одам: «Ўғлингиз фалончи билан кўча-кўйда судралиб юрганини билмайсизми! Мен сизга қизимни бермайман!» деса, уятга қолмайдиларми! Бегона гапирганидан, менинг гапирганим маъқул.

Камол ўзи учун кампир онаси қанчалик куйса, бу қиз шунчалик куйишини ўйлаб, ундан ичида миннатдор бўлди. Зумрадга кўнглида ётган гапларни очиқ айтди:

— Мен яқин ўртада уйланмасам керак... Мен ҳеч вақт ўзим яхши кўрмаган бирон қизга уйланмайман... Олсам, фақат Олияни олардим...

— Сизга у кишини олиш учун нима халақит беряпти. Олинг!.. Тўй қилиш қийин эмас...

— Тўғри, тўй қилиш қийин эмас...

— Олия опа рози бўлмайди, деб қўрқаяпсизми?! Яхши кўрганингиздан кейин, рози бўлмай қаерга борарди!

— Мен бунга қўрқаётганим йўқ...

— Бибимнинг майлларига қараяпсизми?.. Кўплашиб бибимга гап тушунтириш мумкин-ку...

— Тўғри... Кампирга гап тушунтириш қийин, лекин тушунтирса бўлади... Биласизми, шошмаётганимнинг сабаби буям эмас... Кампир Олияни олишимга рози бўлган тақдирда ҳам, мен унга уйланишим даргумон. Мен ичимда Олия билан қовушиб бахт топишимга унча

ишонмаяпман. Ҳзимнинг бўлса, дунёда жудаям бахтли бўлгим келади... Мен Олиясиэ туролмайман. Лекин, у билан кўришган пайтларда доим ҳам кайфиятим ёруғ бўла бермайди. Бир одам Олиянинг шаънига маломатли гап айтган, шу гап ҳар замон ёдимга тушиб, кўнглим огрийди...

Камол, Олияни тилга олган заҳоти, Зумраднинг тўлғанишини, эътирозли фикр билдириши ёки суҳбатга нуқта қўйиб, ўрнидан туриб кетишини кўп марта кўрганди. Шундан, у Олия ҳақида «айтсамми, айтмасамми» қабалида иккиланиб гапирди. Йўқ, Зумрад бу сафар, аксинча, гапни ўйчан, босиқ эшитди.

Камолнинг оила-ю, оиладаги инсон бахти тўғрисида ўз тасавури бор эди. У қишлоқдаги хотин-халажнинг ўз эри ва дунёдаги жами эркеклардан шикоят қилган пайтларини умрида кўп кўрганди.

— Мани чолим ўлгур даиғаса... Қуриб кетсин, бу эркеклар хотин кишига меҳрибон бўлишни билмайди...

Камол тахминан шундай гапларни эшитишга ўрганиб кетган, аммо бундай гаплар ёш болалик чоғларидан унинг гашига тегар, унда ҳар қачон нохуш таассурот қолдирарди.

Йигитнинг таъбини қишлоқдаги эркекларнинг ўз аёли ва дунёдаги жами хотинлардан шикояти ҳам бирдай хира қиларди.

— Бизни хотун сонга кирмайди. — дерди масалан, кимдир. — Гапурсам, гапим бу қулогидан кириб, у қулогидан чиқиб кетади. Ман сизга айтсам, хотунлар ўзи...

Камол тил орқали фош бўлган ҳар қандай шикоят кўнгил қатида ётган ҳасратнинг меваси эканлигини тушунар, яқин одамлар кўнглида бир-биридан инжиш бўлмаслиги керак, деб биларди. У ўзи улғайган хонадонда чолу кампирнинг бир-бирига худди сиғингандай муносабатига вақтида эътибор берган, унинг учун оиланинг маъноси шу бўлиб, оиладаги бахт шундан иборат эди.

— Бир одамнинг гапига сизнинг нима ишингиз бор, — деди Зумрад. — Ҳамманинг оғзига қарайдиган бўлса, ким ундай дейди, ким бундай... Одам ўз фикрига қараб иш тутиши керак...

— Тўғри-ку... Лекин унчалик тўғри эмас! — деди мулойим Камол. — Юракка кирган гап одамнинг ичидан бари бир қола беради...

Камол кўнглидаги гаплардан Зумраднинг хабардор эмаслигини, гап бир очилдими, борини ўртага тўкишдан бўлак иложи йўқлигини ҳис этди.

— Олия албатта яхши қиз! — деди у. — Мен Олия билан таниш бўлганимдан хурсандман. Лекин биласизми, баъзи вақт Олиянинг феълени кўриб, хаёлим қочади. Олия нарсани бир оз яхши кўради... Кунда янги соат... янги кўйлак... этикча ёки исирға... Гўёки янги нарсга олмаса, туролмайди...

— Ғалати одам экансиз!... Қайси бир аёл нарсани ёмон кўради! Масалан, менинг кунда янги-янги кийиб, чиройли бўлгим келмайди, деб ўйлайсизми!.. Қизларнинг доим ўз дугоналари ичида энг яхшиси бўлиб, ажралиб тургиси келади... Сиз бунга парво қилманг...

Тун қоронғи эди.

Чироғи ўчмаган уйнинг деразаси олдида бир даста нур ётар, заррадай митти парвоналар билан бармоқдай келадиган қанотли қора қўнғизлар тўкии нур устида бе-корга талашарди.

Қамолга Зумраднинг тун бағрида ярқираган кўзлари ўтли, чиройли кўринди. У қиздан фақат бу оқшом эмас, умуман, нечундир миннатдор эканлигини ҳис этди. Қизни кўпдан буён нима биландир хурсанд қилиш истаги кўнглида чўкиб ётганини, аммо уни хурсанд қилиш ҳеч қачон қўлидан келмаганини сизди.

— Биласизми, Олиянинг кўксига қачон чиройли соатни кўрсам, сиз Қосим билан шу соат устида уришганингиз ёдимга тушади... Қосим нима учун сизга ўша соатдан бермади-ю, Олияга кўп нарсалар толиб берган, шуни мен билмайман... Тўғриси, уларнинг бир-бирига муносабати менга қоронғи... Олиядан буни суриштирсам, авзойи ўзгаради, индамайди...

— Соат учун Олия опа эмас, Қосим айбдор. Бу Қосимнинг ўзи қизларга хушомад қилиб юради... Бунга сиз парво қилманг...

— Мен Олияни яхши кўраман. Лекин у мени ҳеч қачон яхши кўрмайди, деб ўйлайман...

— Яхши кўради! Бўлмаса, ҳаммани қўйиб, сиз билан судралиб юрмасди... Кейин, эсингизда бўлсин, биров яхши кўриб қолган одам уни доим ҳам ўшандай яхши кўра бермайди... Сиз Олия опани яхши кўрибсиз, эҳтимол, кимдир сизни яхши кўриб юрар... Кўпинча шундай бўлади...

— Ёшим йиғирма бешга кириб, мени ҳеч вақт биров чинакам яхши кўрмади... Кимдир кўнгил боғлаган бўлиши мумкин, лекин ҳеч ким ростдан яхши кўргани йўқ... Қизлар чиройли, гапдон йиғитларни яхши кўришса керак...

— Қизлар сизни ҳам яхши кўради! Сиз ҳеч кимдан кам эмассиз!

Улар жим бўлиб қолишди.

Унг қўлдаги уйда чироқ бир ёниб, қайта ўчди. Райҳон биби, одатда, чойнак-пиёлани бош томонига қўйиб ётар, юраги куйиб, томоғи қуруқшаган пайтларда девордаги тугмачани босиб, бир қултум чой ичиб оларди.

— Мен ичимда Олия билан қовушиб бахт топишимга ишонимаяпман, — деди яна Камол. — Ҳзимнинг бўлса, бахтли бўлгим келади...

Зумраднинг бирдан аччиги чиқди.

— Ғалати одам экансиз!.. Ёки, Олия опа билан гап кўпаймасдан хайру хўш қилинг. Ёки, одамларга босаётган қадамнингизнинг ҳисобини беринг... Бундай юриб бўлмайди-да, биродар!.. Сиз билан гаплашиб ўтириб, киши баъзан бўғниб кетади...

Зумрад ўйчан, босиқ ҳолатдан ногаҳон шундай кескинликка ўтди-да, зиначани бир ғижирлатиб, уй томон кетди.

Бирпасдан кейин, бу уйда ҳам чироқ ўчди.

Бундан бирон соатча бурун икки чироқ ўртасида ўтирган Камол, мана, қоронғи ҳовли юзида мунғайиб, ёлғиз қолди.

Бу оқшом Райҳон бибининг асабий гапдан ранжиб-ранжимагани унга маълум эмасди. Аммо у Зумраднинг кескинлигидан ранжимагани ва ҳеч қачон ранжимаслигини яхши биларди.

Камол, аксинча, кўнглида яна бир қатла Зумраддан миннатдор бўлди.

\* \* \*

Райҳон биби замонлар ўзгарганига тушунарди; энди йигитнинг уйланиши, қизнинг келинлик либосини кийиши учун муҳаббат деган ҳиссиётни тан олмаслик мумкин эмаслигига, бундай шароитда ёшларга ён бермасликнинг иложи йўқлигига ақли етарди...

Райҳон биби бир куни ўз хотирасидан Камол билан Зумрад колхоздаги ёшларга зиёфат беришганида даврада хизмат қилиб юрган хушрўй қизнинг қиёфасини излаб топди. Излаб топди-ю, ўшанда Зумраднинг «шу қизни келин қилмайсизми, бибижон?» — дегани бенхтиёр ёдига тушди.

У Олия аталган, номини баъзан Зумрад билан Камол секингина тилга оладиган қиз ҳам, Камолнинг ишқи тушган қиз ҳам ўша «хушрўй»нинг ўзгинаси эмас-

микан, деб тахмин қила бошлади. Камол «топган» қизнинг ота-онаси номаълум эканлиги-ю, афтидан, бу ерлик эмаслиги — Райҳон бибининг тахминига гўёки бир далил бўлди.

Райҳон биби Зумраддан ўша хушрўй қизнинг нега уйларига келиб турмаслигини суриштирди. Зумрад Олияни уйга етаклаб келишга ҳеч бир мойиллик кўрсатмаганидан кейин эса, бу қиз Мунаввар бибининг ташқисидан туриши-ю, кутубхонада ишлашнинг ора-сира гап ковлаштириб, ўзи учун аниқлаб қўйди.

У Камолнинг кимндир яхши кўришига қарши эмасди. Аммо у ўғли боғланган қизнинг ҳамма жиҳатлардан ўзига маъқул келишини истар, унинг бу борада ўз қарашини, ўз мулоҳазалари бор эди.

Райҳон биби баъзан «катта арава қаёққа юрса, кичкина арава ҳам шу ёққа юради» деган гапни ўйларди. Унга Олиянинг ота-онаси бағридан узилиб, қишлоққа келиб қолган қиз эканлиги-ю, қизнинг ота-онаси ўзи таниган, билган, синашта бўлган одамлардан эмаслиги ёқмасди. Умуман, дунёда нимаики номаълум бўлса, кампирда, албатта, ваҳимални, совуқ таассурот уйготарди. Кампир Олиянинг ота-онаси, балки, ниҳоятда яхши одамлар бўлиши мумкинлигини ўйлашни ҳам истамасди. У «катта арава» бўлган қизнинг ота-онасини, аксинча, фарзандини суймаган, фарзанди ҳаётига, тақдирига бепарво қараган ёмон одамлар, деб ўйлар, ўзини шунга ишонтирарди. «Дунёда фарзанд ота-онасидан ўтиб, қаёққа борарди?» деган гап қону қонига сингигану, «Яхши одамларнинг фарзанди — яхши, ёмон одамларнинг фарзанди — ёмон!» деган тушунча билан яшаган кампир, Олиянинг бир кун Камолни бахтсиз қилиб қўйишидан кўрқарди.

Райҳон бибига Олиянинг шаҳарлик қиз эканлиги ҳам ёқмасди. Қишлоқ аёллари кўпинча пичан ўришга чиқиб, ундан-бундан гаплашган пайтда: «Шаҳар қизларининг юз-кўзи жуда эрта очилган бўлади; уларнинг қишлоқ қизларига нисбатан ҳаёси, иффати камроқ». — дейишар, Райҳон биби ҳам аёлларнинг бу фикрига юз фонз қўшиларди. Бундан ташқари, кампир хонадонда ўзидан кейин ҳам томорқа-борча ишлари билан кимдир машгул бўлиши, молу ҳолга қишлоқ кишиларига хос меҳр қўйиб, ҳўжаликни бутун сақлашини умид қиларди. Ҳар қалай шаҳар шароитида ўсган Олия, унинг назарида, бу ишларни уддалай олмасди.

Райҳон биби, мана шу мулоҳазалар бўлмаганида,

муҳаббат деган ҳиссиётни тан олмаслик йўлини тутмас, Олияга Камолнинг кўнгли чопганини кўриб, фигони чиқмасди.

Кампир замонлар ўзгарганлигига яхши тушунарди.

Зумраднинг қўлини сўраб уйга бир гал совчилар келганида, кампирнинг қистов-қийноқ йўлини тутмагани ҳам худди шундан далолат берди. Райҳон биби икки ёш ўртасидаги муносабат бобида Зумраднинг раъйини биринчи ўринга қўйиб, муҳаббатга ҳаттоки эҳтиромкор қараганини намойиш қилди.

Қишлоқларда пахта йиғим-терими олдидан тўйгарчилик авжига минган кунлар бошланиб, улар остонасига ўшанда кўп совчилар қатори, пакана, пучуқ, гапдон бир хотин билан новча, индамас бир кампир ҳам қадам қўйган эди. Қизилтепа райони этагидаги қишлоқдан Чаманга қадам ранжида қилган бу икки аёл бегона эмас, Райҳон бибининг ота томонидан уруғ-аймоқлари бўлиб, аҳён-аҳёнда уни сўроқлаб туришарди.

Меҳмонлар кечгача ўтиришди.

Пакана, пучуқ хотин Райҳон бибининг қўлига қўл солиб кўриш пайдан бўлди. У «айланиб-айланиб» сўзини қадим Бухоро шеvasи бўйича «айналиб-айналиб» тарзида кўп ишлатар, Райҳон бибига унинг Қизилтепада туғилгани-ю, аслида қизилтепалик эканини қайта-қайта эслатарди.

— Сизни биз бир вақт бу қишлоққа берган, — деди меҳмон хотин, ниҳоят. — Айнаиб-айнаиб сизга келишдан сабаб, қишлоқдан бир қиз олиб кетайлук. Бизга Зумрадхон керак...

Соядай ўтирган новча, индамас кампир бошини тебратиб қўйди.

Райҳон биби меҳмонларга бундай жавоб қилди:

— Ман йўқ дейманми, садақа бўлай... Локин, билмасам, ҳозир ёшларга муҳаббат деган гап чиққан... Зумрадга айтайлук, қани, майли деса, аввал икки ёш бир-бирини кўриб гаплашсун. Бир-бирига кўнгли чопса, ман, албатта, рози...

Аёллар йигит билан қизни Қизилтепа райони этагидаги қишлоқдан ҳам, Чамандан ҳам қарийб баробар масофада жойлашган Гала-Осиё райони<sup>1</sup> марказида кўриштириш фикрига келдилар...

Зумрад йигит билан кўришишга ҳеч бир эътироз билдирмади.

<sup>1</sup> Бу район кейинчалик Бухоро районига қўшилиб кетган.

У кўп ўтмасдан икки дугонасини ёнига олиб, Гала-Осиё райони марказига борди. Ниёз деган йигит билан улар район марказида, қатор оқ уйлар соясидаги уюм тол остида кўришдилар.

Зумрад Ниёзни таниди.

Ниёз болалигида Чаманга ҳалиги индамас кампир билан келган пайтлари бўлганди. Зумрад ҳовлида унинг ташвишга ботгандай, афтини бужмайтириб юрганини яхши эсларди.

Ниёз энди катта йигит бўлиб қолган, аммо бўйи-бастини ҳисобга олмаганда, деярли ўзгармаган эди. У қизнинг қаршисида ҳамон афтини бужмайтириб турар, уйланишга ҳам, гўёки олдида катта, зерикарли бир ташвиш турибди-ю, мажбурият юзасидан шу ишни бажаришига тўғри келган одамдай, қисиниб қараётганга ўхшарди.

Зумрад Ниёздан ўз қишлоғида ҳаёти нима-ю, мақсади нимадан иборат бўлиб юрганини сўради.

— Бизни иш, асосан, қурилишга... Гоҳо вақт одамларга уй-пуй деворини суваб, томинини андавалаш керак бўлса, бундан ҳам қочмаймиз...

Гап гапга қовушмади.

— Мен-ку қиз бола... Наҳотки, сиз учун ҳам биририга кўнгил қўйиб-қўймасликнинг фарқи йўқ!..

Зумрад сўз билан йигитни чўқиб қочирди.

Қишлоққа қайтиб келганида, Райҳон биби унинг тўйга рози бўлган-бўлмаганини суриштирди.

Зумрад Ниёз билан қандай гаплашганини айтиб берди.

— Сан бало-ку! — деди кампир. Кейин қўшиб қўйди: — Аввалдан шу ишга маниям дилимга ёруғлик тушмади... Майли... Тўғри қилибсан...

Райҳон биби Зумрадга совчиларнинг қариндош эканлиги-ю, ишнинг бундай кўчгани бир оз хижолатли бўлганидан ақалли бир оғиз ҳам гапирмади.

\* \* \*

Пахтазорда механизаторлар, тележкачилар, теримчилар, тарозибонларнинг қўли-қўлига тегмас, машина теримига ажратилган ерларда энди далаларда кўпайиб қолган — «зангори кема»лар юзар эди.

Зумрад далада ўзи олдин кўрмаган, танимаган янги «кема капитани»ни учратди.

— Бу гавдали, бақувват, чиройли йигит эди. Пишиқ

жусаси, қисқа, кучли қўллари биланми, бир ёнга енгил таралган сочи, мрамардан йўнилгандай тиниқ юзи биланми, илк қарашда у шаҳарлик кураш тушадиган спортчиларни эслатарди. Содда жилмаяр, бироқ ерга ойқларини дадил босиб, шиддатли қадам ташлашидан журъат-жасоратни сезилиб турарди. Бу билан спортчилардан кўпроқ ҳаёти киноларда ҳикоя қилинадиган қаҳрамонларга ўхшарди.

У ўзига рўпара келган одам билан дарҳол танишиб, сўзлашиб кетадиган, тезда апоқ-чапоқ бўлиб қоладиган, шунинг баробарида, афтидан, ҳеч кимдан, ҳеч нарсадан қўрқмайдиган йигит эди.

Далада Зумрадга биричи салом бериб, қизнинг қанча пахта тераётгани, қийналиб-қийналмаётганини сўради.

— Кунига уч юз килогача теряпман, — деди Зумрад. — Қийин эмас, ўрганиб кетганмиз...

— Қишлоқда келгусида механизатор асосий фигура бўлиб қолади, — деди йигит. — Бундай қўл меҳнати барибир аёлларга жабр...

Зумрадга йигитнинг қишлоқ аёлларига аллэнечук кўнгли ачиб қарashi ёқди. Унга «фигура» сўзи шахмат тахтасини эслатди. Бундан сўнг у йигитни шахмат ўйнаса керак, деб ўйлаб бу йигит, аслида, шаҳарлик эмасмикан, деган фикрга борди.

Зумрад, кўп шаҳарлик ёшлар пахта териш машинасини ҳайдашни ўрганиб, мавсумда колхозлар, совхозларга ёрдамлашиш учун ўз ихтиёрлари билан қишлоққа йўл олишаётганини газеталарда ўқиган, одамлардан эшитган эди. Шундан, бу йигитни ўз қишлоқларига келган ўшандай ёшлардан бири, деб тахмин қилди.

— Сиз шаҳарликка ўхшайсиз...

— Йўқ, мен шу колхознинг иккинчи этагидан. Биласиз, колхозимиз катта... Лекин бу қишлоқда мени таниган одамлар ҳам йўқ эмас, сўрасангиз айтишадди. Отим Умар... Олдин гаражда слесарь-механик бўлиб ишлардим...

Зумрад Умарни баъзан далада учратиб турадиган бўлди. Йигитнинг кўнглида бир олам куюнч борлиги қизни ҳар гал ҳайратга солар, юрагида қизиқиш уйғотарди.

— Пахта осонликча униб-ўсмайди... Ҳаёти далага боғланмаган одам бу қандай меҳнат эканини билмаслиги, тасаввур ҳам қилолмаслиги мумкин. Бизнинг бўлса, бунни унутишга ҳаққимиз йўқ!.. — дерди баъзан Умар.



Бунинг устига, пахтани деб ҳамма нарсани нобуд қилиш... биласизми, бизнинг ерга муносабатимиз худди фарзанд ўз ота-онасига қарамай қўйганидай бир гап. Одамнинг кўнгли ачийди...

Зумрад Умарнинг фидойи эканлигини ёқтирар, йигитнинг ўзига, ўз қудратига ишонч билан соддадил жилмайиб гапиришлари унга хуш ёқарди.

Умар бир куни, агар уйланса, аёлини албатта асраши, бундай азобдан қутқариш учун жонини ҳам беришга тайёр эканлигини айтди.

— Биласизми, биз кун-тун меҳнат қилиб, яна ҳаммага раҳмат дейишга ўрганиб қолганмиз. Ўз қадриятимизни қачон тушунар эканмиз!...

Зумрад Умар тўғрисида ўйлайдиган бўлиб қолди.

У бир куни пахта тераётиб, қоматини ростлади; олис уфқларга хаёлчан тикилиб, ёнидаги эгатда пахта тераётган дугонасини чақирди:

— Хосият!... Менга қара, Хосият...

Хосият дугонаси нега кўққисдан чақирганига тушунолмай, анграйиб қаради:

— Нима бўлди?..

— Бу ёққа қара...

Хосият унинг ёнига келди.

— Нима дейсан?..

Зумрад боши айланган одамдай, пахта жойланган қоп устига бўшашиб ўтирди. Хосият унинг тоби қочди, деб ўйладими, ёнига ўтириб, маҳкам кучди.

— Зумрад... ў, Зумрад...

— Менга ҳеч нарса бўлгани йўқ, қўрқма! — Хосиятнинг тинчитди Зумрад. — Сенга бир нарсани айтмоқчи эдим, шунга чақирдим... Сен менинг феълимни яхши биласан. Мен «етимча» бўлганим бекор гап. Мен анча эрка ўсганман! Ҳеч қачон бировнинг оғзига қараб кун кўролмайман. Ўзим ўйлаб, ўзим хоҳлаган ишни қилиб кета бераман... Бу феълим билан кимгадир тегиб, бахтсиз бўлишим мумкин, деб қўрқяпман... Биламан, фақат битта одам бор, ўша билан бахтимни топишим мумкин-ку, лекин унинг менга муносабати ҳали маълум эмас...

Зумрад мени бекорга ишдан қолдирди, деб Хосиятнинг аччиғи келдими, қовоғини уйиб, чеккага қаради. Зумрад эса ваҳм-қўрқув аралашган сирли, сеҳрли ҳолатда оҳиста пичирлади:

— Мен жинни, уни яхши кўриб қолдим...

— Камолни айтяпсанми?.. Кимни-и?.. — сўради Хо-

сият яқин кишиларга хос заҳарсиз зарда билан.

— Ҳалиги... «капитан» бор-ку...

— Мунча сенинг муҳаббатинг кўп! — бу сафар жиддий койинди Хосият. — Олдин Камол бор эди. Энди буниси...

Зумрад азбаройи ўрганган уйни тарк этишга қўрққанидан, ўзига Камол керак, деб ўйлагани-ю, ўз ҳиссиётини ўзи ҳам билмасдан, хато қилганини айтди.

Хосият, Камолга муносабатинг муҳаббат бўлмасдан, бунга муносабатинг муҳаббат эканлигини қаердан биласан, деб сўради.

Зумрад «Камолни яхши кўраман», деб юрганида нуқул изтироб чеккани, қийналганини эслади.

— Ҳозир бутунлай бошқачаман! — деди у. — Яхши кўриш алам эмас экан... бахт экан!.. Бунга энди тушуняпман... Кўнглим шундай ёруғки, худди бағримда катта бир дарё лим-лим оқяпти-ю, сувнинг устида ой нурлари жимирлаб турибди... Бирданига йиғлагим келади. Лекин, бу хафафиликдан эмас. Бошқача бўлиб қолганим ўзимга ёқиб, таъсирланиб кетганимдан... Нимагадир мана шу далани, ҳамма одамларни, ҳар бир гиёҳ, ҳар бир тирик жонни алоҳида бағримга босмоқчи бўламан. Шундай хурсандманки!.. Хурсандлигим ичимга сиғмаганидан, кўзларимга ёш тўлади... Сен бировни яхши кўрмагансан, Хосият. Сен буни билмайсан...

Хосият, афтидан, Зумрадининг сўнгги сўзларидан бир оз ранжиди.

— Бизга бировни яхши кўришга йўл бўлсин! Муҳаббат фақат сени деб тугилган дунёда...

У ўрнидан туриб кетишга чоғланди. Зумрад уни туришга қўймади. Дугонасини қаттиқ қучиб, ўпди.

— Вой уялмайсанми!.. Сенга нима бало бўлди?!

Зумрад бағридан Хосият юлқиниб қочгунича, уни қўйиб юбормади...

\* \* \*

Пахта планлари бажарилиб, пахтакорлар байрам тараддудини кўра бошлаган кунларда Зумрад билан Умарнинг тўйи ўтди...

Тўй куни ҳовлига шаҳардан ташриф буюрган созандалар кириб келишди. Кичиккина соқол қўйган, қорача, сурнайни кўп чалганиданми, лунжи андак шишган чол ҳовлига биринчи бўлиб қадам қўйди. Унинг изидан иккита узун ёғоч оёқ кўтариб, бақалоқ йиғит ва доира,

«Бир латта тугун, бир чарм халта кўтариб, қизил кийган нозиккина болатой кўринди.

Созандалар «тўй қуллуқ бўлсин», деб қўйишди-да, ўрик остидаги сўрига ўтиб ўтиришди. Чол фотиҳага қўл очиб, келин-куёвга саодат, осойишта турмуш, қўша-қўша фарзанд тилади. Сўнг, бақалоқ йигит сўридан тушиб, сўри четида оёқларини осилтириб ўтирган нозиккина болага яқинлашди; сўрига тиркалган ҳалиги иккита узун ёғоч оёқни боланинг икки оёғига қайиш билан маҳкам боғлади.

Қизил кийган бола ёғоч оёқда тик турди. Бақалоқ йигит латта тугунни очиб, тўртта қайроқ тошни унга олиб берди, ўзи бўлса, доирани қўлига олди.

Чол ҳам сурнайини кўтариб, ниҳоят сўридан тушди.

Сурнай товушига чилдирма оҳанги қўшилди.

Қизил кийган бола қайроқ тошларни бир-бирига шиқирлатиб органича, ўйинга тушди...

Қишлоқ болаларининг шодон қий-чуви остида созандалар томошаси ярим соатча давом этди. Кейин, улар яна сўридан жой олишди: яна чол фотиҳага қўл очиб, келин-куёвга саодат, осойишта турмуш, қўша-қўша фарзанд тилади.

Райҳон биби уйдан саватдай дастурхон кўтариб чиқди. Созандалар ўзларига ўроғлиқ ҳолда инъом қилинган дастурхонни чарм халтага солиб, ўринларидан туришди.

— Тўй устига тўй бўла берсин, биз хизмат қила берайлик. Омин! — деди чол.

Созандаларни дарвозагача кузатган Райҳон бибининг кўзлари ёшга тўлди.

— О, тўйгайм одам йиғлайдими! — уни койиди эргашиб чиққан Мақсад биби.

Тўй кечаси ҳовлига одам ёғилди.

Бир ёндаги майдончада иккита дош қозонга ўчоқ жавланди, каттакон самовар қўйилди; чеккага қўҳна бир гилам ташлаб, устига кўрпача ёзилди. «Зумрад учун биз хизмат қиламиз», — деган Мутавалли бобо, Саъди амаки, Зариф акалар шу ерда ўтириб, вақти-вақти билан сув келтириш, чой ташишга ёрдам бериб турдилар.

Куёв томондан бир енгил машина, бир автобус ва бир юк машинаси келди.

Куёвни ёру жўралари «Тўйлар муборак» ашуласи билан ҳовлига олиб кирдилар, айвон томонга — давра тўрига олиб ўтдилар.

Оқ кийган, бошига ҳам оқ ҳарир ташлаган Зумрад-

ни аёллар Райҳон бибининг ўйидан етаклаб чиқишди. Келиннинг икки томонида шам кўтарган иккита кампир. Бир қадам олдинда элу элазнинг удумини билган Мунаввар биби худди қадимий номаларга ўхшаб ўралган қоғозни аста-аста очиб, минғирлаган товушда ундаги ёзувни оҳангга солди:

— Келин минан куёв шаънига салом айтурмиз...

Зумраднинг дугоналари — Хосият, Лобар, Гулнора, Олия, Раҳималар унинг бошидан удумга кўра басма-бас танга ва қанду курс сочиб боришди.

Аёллар келинни куёвнинг ёнига ўтиргизишди. Келиннинг дугоналари унинг ёнидан қатор жой олишди.

Тўйни куёв билан келган колхоз марказидаги мактабнинг адабиёт муаллими очди. Қадаҳлар жаранглади.

Тун ярмидан оққунича базм давом этди.

Сўнг, келиннинг юклари бир машинага ортилди. Келин-куёвни машинага ўтиргизиб, одамлар автобусга тикилишди.

Машиналардан «па-паб»лаган овоз чиқди-да, улар оҳишта силжиб, худди уммондаги кемалар сингари чироқлари йилтираганча, Чамандан узоқлашди.

— Худойим, кетди. Буям кетди...

Райҳон биби шундай пичирлади; унинг кўзларидан мўлдир-мўлдир ёш оқди.

— О, тўйгаям одам йиғлайдимми! — уни койини яна Мақсад биби.

— Хе-е, яхши тўй бўлди, — деди уларнинг ёнига келиб қолган Саъди амаки кампирга далда оҳангида.

Бир чеккада ўйчан турган Зериф ака тантанали оҳангда Саъди амакининг гапини тасдиқлади:

— Яхши тўй бўлди!

\* \* \*

Зумрад гарчи, «тўй устида кўзимга фақат Қосим кўринмасин», деган бўлса ҳамки, ул-бул харид қилиш мақсадида Камол бутун гина-кудуратини унутиб, энг аввал Қосимга учаркан, уни мулозамат юзасидан тўйга чақирди.

Қосим тўйга чақирмасликларини мумкинчилигини билгану ичида шундан қўрқиб тургандай, Камолнинг таклифидан яйраб кетди. У бўйинини қисиб, ингичка елкаларини андак кўтарганича, қўлларини бир-биринга ишқалади-да, фақат розилик бериб қолмай, ҳаттоки хизматга тайёр эканлигини ҳам билдирди.

— Мен тўйнинг ёғ-гуручи, уи-шакарини тўғрилаб берман, оғайни. Яқин атроф қишлоқлардан таниш-билишини тўйга айтаман. Бухородан Акбарни, раҳматлик бобога қадрдон бўлган чолу кампирларни ўзим таклиф қиламан. Зумраднинг шаҳарда юрган синфдошларини... Хуллас, бир қоғозга исми шарифлари-ю, адресларини ёзиб берсанг, бўлди...

Қосим, ўз ваъдасига биноан, тўйда чиндан хизмат қилди.

У тўй кунда ҳам Камолнинг ёнида камарбаста туриб, югур-югур, бутун ташвиш, бутун юмушга хонадоннинг яқин кишисидай беминнат аралашди.

Камол шундай кунда Қосимнинг Зумрадга кек сақлаб бирон ишдан бош тортмагани, Зумраднинг қошқовоғига ҳам қарамай, тўйхонадан оёқ узмаганини кўриб, кўнглида ундан ҳар қалай мамнун бўлди.

Тўйдан ўн кунча ўтгач, бир оқшом уйга яна Қосим келди-ю, Камол у билан сўрида ўша-ўша, болаликдаги қадрдони сингари ҳеч қандай гина-кудуратсиз суҳбатлашиб ўтирди.

— Зумрад кетиб, хонадон ҳувиллаб қолди...

Камолнинг бу гапи ҳақиқат эди. Зумрад турган уйдаги тақир деворларда бўш михлар сўппайиб, уй худди ўғри урган мачитдай ҳувиллаб қолган эди. Бериги хонада бўлсин, ҳовли юзида, ошхонада, боғда — ҳар қадамда Зумраднинг кетгани сезилиб турар, турмушда олдинги саранжом-сарипталик ҳам, файз ҳам кўринмас эди.

— Энди, оғайни, сен йигит киши бўлсанг... Кампир қарнган...

— Тўғри айтасан, — деди Камол. — Зумрад юмушларга ўзини уришидан ташқари, кампирга мадор эди...

Камол шу кун эрталаб кўзлари ўнгида рўй берган ҳолатни эслади.

У одатдагидан барвақт уйкудан туриб, ташқарига чиқди-да, челақ кўтарган Райҳон бибининг молхонадан ошхона томон оқсаб бораётганини кўрди. Кампирнинг оёғига пима бўлганини суриштирса, кампир йиғламоқдан бери бўлиб, мол босиб олганини айтди. Сут соғаман, деб жафо чеккан Райҳон биби, ярим соат ўтар-ўтмас яна бир жафога учради. Камол кўйлагини гижимлашиб кетганини айтиши билан, умрида қўлига дазмол олмаган кампир дарров дазмолни олиб келди. Аммо у дазмол босмай туриб, бир қўлининг бешала бармоғини бир йўла куйдирди.

— Кампирга қийин бўлди...

— Албатта, кампирга қийин-да... Сен ҳозиргача уйланмасанг...

Уйланиш ҳақидаги томдан тараша тушгандек кўйда айтилган бу гап Камолга беихтиёр Олияни эслатди.

У Олияни эслади-ю, ўзининг Қосим билан қадрдонлар сингари суҳбатлашиб ўтирганидан бехос гаши келди. Олияни таниганидан буён Қосим билан ўртада ўтган бутун кўнгилсиз гаплар энди унинг ёдига тушди.

— Йигит киши битта хотин олиб қўймаса бўлмайди... Қишлоқда қиз кўп... Чертиб-чертиб, биттасини танлаш керак...

Камолнинг қулоқларига энди деярли гап кирмасди.

У Қосимнинг уйланиш ҳақида нималардир деяётганини ҳис этар, аммо нима эканига яхши тушунмас эди.

Камол, олдинлар, бу йигит уйланишдан кўпроқ ҳали-бери уйланмасликни маслаҳат бериб юргани-ю, кўпинча бу борада ҳафсаласиз гаплашганини эслади. Уни Қосимнинг сўнгги пайтлари ўз тақдирига куйиб-пишиб аралашаётгани ҳозир ниҳоятда таажжубга солди; назарда, Қосим нима учундир ўзини тезроқ уйланишга, уйланганда ҳам Олияга эмас, қишлоқдаги «кўп қизлар»дан биронтасига уйланишга қистаётгандай бўлиб туюлди.

— Кел, шу тўғрида гаплашмайлик...

Камол уйланиш ҳақидаги гап, албатта, Олияга бориб тақалганидан, Қосимни шундай тўхтатди.

У нотинч хаёлларнинг меваси бўлган мавзуларда сўз очиб, осойиш ўрнига ғашлик орттирганидан кейин, Қосим билан қандай мавзуда, нимани гаплашишини ҳам билолмай қолди.

Қосимнинг эса, нафаси гўё кесилди. У бошқа бир мавзуда гап бошлаб, суҳбатни қизитадиганга ўхшамас, афтидан, Камолнинг уйланиши-ю, бу хонадондаги ҳозирги аҳволдан бўлик нарса Қосимни қизиқтирмас ҳам эди.

Қосим бўйинини андак ичга тортиб, елкаларини қисганича, кичкина, ожиз, қандайдир ғариб қиёфада ўтирар, аммо кўзлари одатдагидан ҳам ортиқ кибор ва совуқ боқарди.

Камол сўнгги пайтларда ўзи-ўзини алдаб, Қосим билан барибир яхши муносабатда бўлишга уринаётганини, аслида, даштдаги суҳбатдан кейин, Қосимдан бутунлай кўнгли қолгани-ю, унга энди ҳеч қандай яқинлиги йўқлигини ҳис этди.

У умрида биринчи марта кўрпа тепишиб улғайган, йиллар давомида нону туз бўлган икки ўртоқ ўртасида суҳбат учун гап топилмаслиги мумкинлигини кўрди.

Қосим ҳам шуни ҳис этдим, ўрнидан қўзғалди:

— Майли, оғайни, мен кетдим...

Камол уни дарвозагача кузатиб қўйди.

— Майли... келиб тур...

— Узинг боргин, оғайни... Мен кечқурунлари уйдман...

Камол индамади.

Қосим бошини маъноли тебратиб қўйиб, ўзини катта одам қилиб кўрсатишга уринган ўсмирдай, виқор билан дарвозадан йироқлашди.

Камол Қосимнинг Зумрадга кек сақламасдан тўйга келиб, хизмат қилганини яна эслади, нима сабабдан Қосим тўйдан қуруқ қолишга қўрққанини билгиси келди... Билолмади.

У фақат Қосимнинг Зумрадни ёқтирмаслигини биларди. У Зумрадни қўйиб, Қосим ўзини қачонлар ёқтириб-ёқтирмагани-ю, ҳозир яхши ёки ёмон кўриши тўғрисида ўйлай бошлади.

Камолнинг хаёлини бундай гаплар чулғади:

«Қосим ҳеч қачон бировни қаттиқ қадрлагани ёки бировдан кескин юз ўгиргани йўқ. У ҳеч кимни яхши ҳам кўрмайди, ёмон ҳам!..»

\* \* \*

Олия қишлоқдаги одамлардан, айниқса, Раҳматовдан: «Шаҳарлик экансиз... қишлоқ иши сизга оғирлик қиляпти...» — деган гапни эшитишдан кўрқарди. Шунинг учун куз кунларида кутубхонани гўёки далага кўчирди.

Олиянинг бу даврда Камол билан кўп кўришишга имкони бўлмади. Камол ҳам ўз навбатида қишлоқ ишидан чеккада қўл қовуштириб турмаганидан, улар бир-бирларини фақатгина соғиниб юришди.

Қиш нафаси уфуриб, фарзанд кўрган онадай ранги кетган, маъюс бир чирой даврига кирган заминни яна оппоқ қор қоплади...

Камол Олия билан осойишта кўришиб, оқшомдан кеч тунгача етаклашиб юрди.

— Қаранг, ҳув қорайиб турган дарахт қорда ўтирган одамга ўхшаяпти... Худди саҳрода юриб-юриб чарчагану тош устида ўтириб, бир оз дам олаётгандек...

Олиянинг беғубор юзида болаларча содда жиддияг акс этар, унинг катта, ёруғ, мулойим кўзлари атрофга беозор қизиқиш билан тикиларди. Оқ жундан қалпоқ, оқ пальто кийган Олия гўёки мана шу қорлиқ бағрида яралган қор маликасини эслатар, унинг гаплари ҳам, оламни энди кўрганидан, ҳамма нарсага қизиқаётган мана шу маликанинг содда хаёллари бўлиб туюларди.

— Қор тоза ёғди-да... Эрта эрталабгача ёғса керак, осмон оқариб ётибди...

Олия, ўзини бир ерга уриб, ерни негадир чўқишга тушган, бир юксакка кўтарилиб, нотинч қағиллаётган қора қарғаларни ўйчан кузатди.

— Қарғалар қор йўғида қағилласа, қор сўраяпти, дейдилар. Қор ёғаётганида нимага мунча қағиллар экан, а?! Булбул эмаски, сайраяпти-ю, ўз овозига ўзи маҳлиё, десанг...

— Ким билсин, балки буларгаям ўз овози ёқар... «Қарға қағ этади, ўз вақтини чоғ этади», деган гап бор-ку...

— Ким билсин...

Олия атрофга беозор қизиқиш билан тикилар, ҳар дамда гўёки, «у ҳам қизиқяптими, йўқми», дегандай, Камолнинг юз-кўзига зимдан қараб қўярди.

«Биров, наҳотки, шу гўдакдан айб излашга ҳақли бўлса!—ўйлади Камол Олиянинг кўлини маҳкам тутиб, кафтида қаттиқ қисаркан. — У, балки, мунча содда, мунча бегуноҳ эканини бошқалар билишмас!»

— Қишлоқдан узоққа кетиб қолдик, — деди Олия ногоҳ тўхтаб. — Қаранг, қишлоқ биттагина ҳовлига ўхшаб кўриняпти.

— Юринг, қайтамиз бўлмаса.

— Жиннидай ҳар куни даштга қараб юрганимиз-юрган... Бир гапни айтайми?!

— Айтинг...

— Мен сиз билан шундай юришга хурсандману лекин юрагим бир оз ғаш. Биби якка ўзлари уйда сизни пойлаб ўтирадилар...

Камол қизиқ ҳолатни туйди. Бир пайтлар Зумрад шундай куюнарди. Энди Олия унинг ўрнини эгаллаганга ўхшайди! Аммо йигит қизга бу тўғрида ҳеч нарса демади.

Улар ингичка сўқмоқдан қўлма-қўл ушлашиб, қорга оёқлари бота-бота қишлоққа қараб келишар, қишлоқ чиндан ҳам узоқдан биттагина ҳовлига ўхшар, бу ҳовли бағрида биргина чироқ милтилларди. Камол гарчи қиш-



лоқ кўчаси қийшиқ бўлиб, ҳозир узоқдан бутун қишлоқ кўринаётгани-ю, ёнган чироқ кимники эканлиги маълум эмаслигини билса-да, унга энди ўз ҳовлилари ва фақат Райҳон бибининг ўчмаган чироғи кўзга ташланиб тургандай туюлди.

— Мени кампир, албатта, пойлайдилар. Лекин, сизни қанча вақт кўрмадим, қишда сизга бир оз тўйиб қарайин... Ҳозирлар уйда турай деганим билан, бари бир, ўтиролмаيمان, — пичирлади Камол.

— Биби, эҳтимол, сизга индамайдилар, лекин мени у киши қарғасалар керак. Мен қарғишдан кўрқаман.

— Кампир ҳеч кимни қарғамайдилар.

— Сиз кеч юришингиз у кишига бари бир азоб, бу азобга мен сабабчи... Ўзи, мен сизни тинч қўйишим керак.

Камол Олиянинг елкаларини қучиб, уни бағрига маҳкам босди:

— Э, мени сиз тинч қўймабсизми!..

— Сиз... Сиз... Ҳар гапга битта «сиз»... Яхшиси, мен сизни «сиз» дейман, лекин сиз мени «сен» денг. Майлими?!

— Йўқ. Мен сизни «сен» деёлмайман!..

— Ростдан яхши кўрсангиз, «сен» денг. Мени хафа бўлади, деб ўйламанг...

— Сиз бари бир хафа бўласиз.. Мен сени хафа қиллолмайман, жоним..

— Хафа бўлмадим... Мана, энди биладан, мени ростдан яхши кўрасиз...

Олия йигитнинг елкаларини қаттиқ қучди.

— Сиз тоза совуқ едингиз, — деди у. — Жудаям озгинсиз, дарров жонингизга совуқ ўтади...

— Мен совуқ емадим. Унча совуқ эмас...

Улар қишлоқ кўчасига қадам қўйдилар.

Олия тўхтаб, йигитнинг елкаларидаги қорни сидирди.

— Сиз уйга кириг... Мен ўзим кетаман.

— Бу ёғи, бари бир, икки-уч қадам... Юра беринг...

Юр энди, жоним...

Улар қутидайгина ҳовличанинг пахса девори олдида тўхтадилар. Бу ҳовли қутидайгина бўлса ҳамки, қачондир ички-ташқига ажратиб ташланган, ҳовлининг ичкари қисмидаги уйчада Мунаввар биби турар, дарвозахонадаги уйча Олияга теккан эди.

— Уйга қайтинг энди. Бибига ҳалиям жабр бўлди... Ўзингиз ҳам тоза совуқ едингиз...

— Мени сиз озгина иситинг, кейин кетаман... Озгина

иситгин... — бир «сиз» сираб, бир «сен» сираб қизга қўлларини тутди йигит. У, Райҳон биби индамаса ҳам-ки, ниҳоятда азобда қолганини ҳис этар, аммо Олия билан сира хайрлашгиси йўқ эди.

Олия йигитнинг қўлларини нозик, кучсиз қўлчалари билан зўр бериб силай бошлади. Унинг қўлчалари нозик, кучсиз эканлиги, болаларча содда жиддият акс этган бир ҳолатда йигитни мамнун этишга зўр бериб уриниши Камолга хуш келди-ю, қалбини қайноқ эҳтиросга тўлдирди.

У Олияни қучиб, юз-кўзларидан ўпди.

— Қўйинг... энди уйга қайтинг...

Унга қизнинг овози узоқдан келаётгандай, Олия кераги ҳам, фойдаси ҳам бўлмаган гапни айтаётгандай туюлди. У беҳосдан хаёлига келган гапни эркин-бемалол айтди:

— Мен сен билан уйга кириб бир оз иснай, кейин кетаман...

— Узингизнинг уйингиз узоқ эмас-ку. Шундай гапнинг нима кераги бор?

— Йўқ десанг, хафа бўламан.

— Хафа бўлманг-да!..

— Бари бир, хафа бўламан...

Олия Камолнинг олдида ўзи нималар учундир гуноҳкордай, бўйинини қисиб, бошини букди:

— ...Лекин, дарров кетасиз, майлими?! Бўлмаса, мен сизни ёмон кўраман...

— Сен мени ҳеч вақт ёмон кўрмайсан...

— Шундай гапга кирмасангиз, бир куни ёмон кўраман-да...

Камол қизни елкаларидан қучиб пахса девор ёнидан муюлишга етаклаб келди, бурилиб, дарвозага томон бошлади.

Дарвоза гийқиллаб очилди.

Улар пастаккина уй остонасига келдилар.

Олия жунжикиб-қўнишиб эшикни очди.

— Киринг...

Камол қоронғи хонага кирди. Деразадан хирагина ёруғлик тушар, уйда ҳеч нарсани кўриб бўлмас эди.

Олия уни қўлидан тутганича, ичкарига етаклади, қандайдир курсига ўтқизди.

Ҳовлидан шип-шип оёқ шарпаси ва минғирлаган шикаста товуш келди:

— Олняхон, бу санми, бачам?

Олия эшикка ошиқди.

— Мен, бибижон. Бир оз ҳавони айландим... Энди ухлайман...

— Майли, дамнингни ол, бачам... Дарвоза очилганига мани хаёлим қочди...

Мунаввар бибининг шарпаси тинди.

Камолнинг юзига ҳарорат урилди. У қорайиб турган девор печка ёнида ўтирганини энди фаҳмлади, уйдаги жиҳозларни ҳам аниқ кўра бошлади. Хона тўрида устига оқ чойшаб ташланган каравот, ўртада япасқи бир стол, икки курси, печка ёнида яна бир курси. Хона пойгаҳида қандайдир шкаф, унинг устида қора бир чамадон, бетартиб ташланган китоблар.

Олия шкаф эшигини сассиз очиб, пальтоси, қалпоғини илиб қўйди. Сўнг, қора кўйлак устидан оқ жемпер кийиб, сочини бошига турмаклаган қиз Камолга яқинлашди, уни енгидан тутганича, ўрнидан турғазди-да, пальтосини ечиб, япасқи стол олдидаги курсилардан бири устига қўйди, телпагини олиб девордаги михга илди. Кейин, печка ёнидаги иккинчи курсини йигитнинг олдига олиб қўйди-да, оҳиста ўтириб, йигитнинг қўлларини кафтига олди, койиш оҳангида пичирлади:

— Ўзингиз доим одамлар маломатидан гапирасиз. Ҳозир одамлар сизни кўрса, нима дейди энди?!

Камол «чиндан ҳам судралиб кирганим яхши бўлмади», деб ўйлади. У темир панжара тутилган деразага фаромуш қараб, ҳозироқ ҳовлидан чиқиб кетса, ўлгур дарвоза ғийқиллаши, ёши қайтганига қарамай, қулоқдан қолмаган Мунаввар биби югуриб чиқиши мумкинлигини ҳис этди.

— Бир оз ўтирасиз бу ёғи. Кампирнинг кўзи илинсин. Авалдан айтдим-а, шундай гапни қўйинг, деб!— Олия Камолни анчагача койиб ўтирди-ю, ниҳоят Камолнинг руҳи чўкканини кўрдими, бирдан мулоим гапга ўтди: — Биладан, менинг ёнимдан кетгингиз келмади, сизда гуноҳ йўқ... Уйига бир кирсам, сиғдирмади, деб ўйламанг, бу қишлоқда менинг сиздан бўлак кимим бор?! Қани, кундузи бўлса, кейин мен қишлоқда ёлғиз юрган қиз бола бўлмасаму ҳамма одамлар бировнинг ишига аралашмайдиган, ҳар кимни ҳурмат қилиб, унинг турмушини энг аввал ўзига қўйиб берадиган бўлишса! Қани, ўшандай бўлиб, тортинмай келсангизу мен ҳам сизни тортинмай уйга қўйсам... Қишлоқда менинг сиздан бўлак ҳеч кимим йўқ...

Камол Олияга курсини яқинроқ суриб ўтирди. Қиз—

нинг бошини елкасига беозор босиб, унинг юз-кўзларини мулойим сийпалади.

— Майли, сиз ўтиб ухланг, мен секингина кетаман...

Олия индамади. Камол уни суяб ўрнидан турди.

Олия ҳорғинлик билан бошидаги тўғнағичларни стол устига йиғиб қўйди. Оқ жемперини ечиб, бўш стулга кийдирди.

У кундузи қор бағрида қор маликасига ўхшаган бўлса, энди қора сочлари елкаларида тўлқин-тўлқин ётган, қора кийган тун маликаси эди.

Камол ўзинча, сўнг бор қизни қучиб ўпди, сочларини силлади.

— Илтимос... кетинг энди...

Камол ўз эркалашидан қониқмади. Олияни қучиб кўтарди, айлантирди, ўрнига беозор қўйди.

— Кетинг энди... Кетмасангиз хафа бўламан...

Камол каравот қиррасига ўтириб, Олияни яна эркалади. Олия асабий ҳолда ўзини йигитнинг бағридан тортди:

— Тегма-анг!.. Боринг-э...

Камол туннинг ўтиб қолгани, Райҳон биби сабри чидамай, эҳтимолки қўни-қўшнига чиққан, ўзини қидиришга ҳам тушган бўлиши мумкинлигини биларди. Аммо, ҳозир олдин ҳеч қачон туйилмаган ҳаяжон кўксини тўлдирганидан, шу дамда кампирнинг қанчалик нотинч эканини сезса ҳамки, ўрнидан қимир этмаганди.

У гўёки ҳиссиёт тўлқинларида қирғоқдан йироққа сурингандай ва Олиянинг кескинлигидан қирғоққа қайтиб келгандай бўлди.

Олия ўринда бошини энкайтириб, маҳзун ўтирар, сочлари икки ёқдан юзига тушган, у ёш боладай негандир ҳиқиллаб йиғлар, ҳар дамда кўзларини қўлининг орқаси билан артиб, узук-узук нафас тортарди-да, яна йиғларди.

Камолнинг юрак-бағри эзилди.

У Олиянинг, умуман, аёл зотининг худбинлик, ваҳшийлик нишонаси бўлган шафқатсиз муносабатлар учун яралмаганини, ўзи ҳозир қизга нисбатан шундай муносабатда бўлганини ҳис этди.

— Жоним... Мени биттагина жоним... Йиғлама... Йиғлама, хайми?!

У бир қўли билан Олияни елкасидан беозор тўтиб, уни оҳиста силкиди.

— Бошқа ҳеч қачон бундай ёмон муомала қилмайман... Йиғлама... жоним!..

У қизнинг кўзларидаги ёшни кафти билан арта бошлади.

Олиянинг бокиралигига ишончданми, одамий яқинликданми ёки ёнида Олия борлигига ифтихор-ғурурданми, йигитнинг кўнгли беихтиёр тўлиб кетди. У қизнинг елкасига бошини суяди, шу пайт унинг ҳам юзига, лабларига кўзларидан иссиқ ёш қуйила бошлади...

\* \* \*

Камол ҳовлига қайтиб, дарвозани сассиз очди-ю, уйда чироқ милтираётганини кўрди.

У даҳлизга кириб оёғидаги дағал туфлини ошиқмай ечди. Пальтоси, телпагини миҳга илиб, очиқ эшикдан ичкарига мўралади.

Райҳон биби хона тўрида оёқларини сандалга суқиб, чўнқайиб ўтирар, тўзғиган сочларидан юзига соя тушган. кўзларини кўриб бўлмасди.

Камол уйга кирди. Карахт ўтирган кампир қимир этмади. У гўёки сандалга бир ўтирганича қотиб қолганга ўхшарди. Камол хона тўридаги чорпоя устида тахланиб турган кўрпалардан олиб, орқа девор этагига ўрин солди; кампирга ортиқ кўз ташлашдан ҳайиқиб, ўринга секин кирди-да, бошига кўрпани тортди.

У кўз очганида, деразада қуёш ёнар, ташқарида кечаги қор ярақлаб ётарди...

Уйга кампир кириб дастурхон ёзди ва яна дарров ташқарига чиқиб кетди.

Камол даҳлиздаги қумғонда сув қолмаганини кўриб, ювинишга сув олгани ошхонага борди. Райҳон биби бошига ақалли бир парча латта ҳам ўралмаган, сочлари ёздагидек елкаларида ёйилган холатда ошхонадаги супача лабида чўнқайиб ўтирганини кўрди. Кампирнинг кўзлари аламли, юзи тахтадай жонсиз, ҳаракатсиз, унинг тиззаларига босилган қўллари худди тошбақа косасидай ғадир-будур, кўкимтир, қорамтир тусга кирган эди.

Райҳон биби ўғлига қиё ҳам боқмади.

У, афтидан, қаттиқ ранжиган, рангу рўйига қараганда, туни бўйи миҳжа қоқмаган, ўзини бадбахт ҳис этиб, фожиавий қиёфага кирган эди.

Камол кампирнинг ёнидан журъатсиз ўтиб, каттакон ёғоч чўмич билан хумдан қумғонга сув солди; кампирнинг ёнидан яна журъатсиз ўтиб, ташқарига чиқди. У кампирнинг кўнглидаги аразни, аламини шунчаки узр-

маъзур қилиб ювиш имконсиз эканлигини, кампирга кечиккани учун бирон баҳона кўрсатишнинг эса иложи йўқлигини сезиб, юрагида ўзини журъатсиз, жасоратсиз эканлигидан изтироб чекди. У даҳлизда ювниди; уйга кириб, дастурхон бошида чўнқайди. Қорни очиққанидан қулдираётганига қарамай, томоғидан бир бурда нон, бир қултум чой зўр-базўр ўтди. У: «Беш-олти кун уйдан бутунлай чиқмайман, шундай қилиб кампирнинг кўнглидаги аразни, аламини ювиб ташлайман»,— деб ўйлади. Урнидан қўзғалиб, уй қизидай кўрпа-тўшакни тартибга солди, дастурхонни йиғиштириб, чойнак-пиёлани жой-жойига қўйди. Сўнг, даҳлиздан супургини олиб уйни супурди, ташқарига чиқиб молхонага борди; сигирларга пичан солди, сув берди.

Камол онасининг кўнглини топгиси келиб, кечгача рўзгорнинг кўзга кўринмас икир-чикир юмушларига ўзини урди. Бироқ кампир юмшамади. Ошхонадан уйга қайтиб, худди тундагидай хона тўрида сандалга оёғини суқиб, чўнқайганича қимир этмай ўтираверди; Камолга иши ҳам бўлмади.

Пешиндан кейин қуёш юзини яна булут тутиб, эрий бошлаган қор қайта музлади. Ер бағрини юракни сиқиб юборадиган кундузги қоронғилик қоплай бошлади.

Камолнинг Олияни кўргиси, болаларча содда жиддият акс этган юзи, катта, беғубор, ёруғ кўзларига тикилгиси келди. У апил-тапил кийиниб, кампирга ҳам қарамай, эшикка ошиқди.

Кампир баногоҳ тирилди:

— Сан яна кетасанми, балам?! Сан мундай юрганинга ақалли, мандан уёлмайсанми?!

Камол кампирнинг баногоҳ тирилганини кўриб, ўзини йўқотди:

— Э, она, мен фақат кўчани озгина айланиб...

Райҳон биби қўлини ерга тираб, ўрнидан турди.

— Сан қаерга кетсанг, манам бораман...

Камол эшик оғзида турганича қотиб қолди.

\* \* \*

Райҳон биби Олияни биринчи кўрганида унга мамнуният билан қараган бўлса, иккинчи марта Зумраднинг тўйи кечасида кўриб, унга нисбатан кўнгли норозилик ҳиссига тўлди.

Келин билан куёв давра тўридан жой олиб, қадаҳлар жаранлаганидан кейин, тўй қизиди.

Райондан келган хонанда йигитлар давра ўртасига

чиқиб, рақсбон енгил ашулаларни айта бошлашди. Маҳмуд деган йигит ўйинга тушди. У даврани икки-уч айланиб, келиннинг ёнида ўтирган қизларга яқинлашди ва тўғри Олиянинг қўлини тутиб, уни ўйинга тортди. Олия нозу фироқ қилмади. Унинг, қўлларини қанотдай силкиб, бармоқларини қирсиллатганича эркин ўйнаганидан хонандалар жонланишди. Улар илжайишиб-ишшайиб «Кўзингдан» деган ашулани олишди.

Бухорода «созанда» деган сўзни, асосан, «чолғучи» эмас, кўпроқ «отарчи» маъносида тушунишади. Райҳон биби ҳам «созанда» сўзини шундай маънода тушунарди. «Иби, ман бун туппа-тузук қиз десам, бу созанда эканку!» — минғирлади кампир Олиянинг шундай катта даврада бемалол рақсга тушганидан бўғилиб.

Райҳон бибининг Олияни келин қилишга норозилиги мана шу тўй воқеасидан сўнг икки ҳисса ошди.

Зумрад хонадон билан хайрлашиб, кампир ўғли билан ёлғиз қолгач, ўғлининг юриш-туриши уни олдингидан ортиқ ташвишга сола бошлади. У Камолнинг уйга мунтазам кеч қайтаётганини кўриб, бир кунни Камолга билдирмасдан кутубхонага бормоқчи бўлди. Узича, ўғлининг бошини айлантирган қиз билан уришиб, қизнинг юзларини тимдалашга, сочларини юлишга қарор қилди.

Райҳон биби ўз қарори бўйича чиндан ҳам бир кунни рўмолини бошига ташлаб, кутубхонага йўл олди.

Олия, кекса кишининг ёш боладай кутубхонага бошдан кўрқа-пуса мўралаб, сўнг имиллаб киришини биринчи кўраётгани учундир, аввал кампирга, «бу кишининг нима иши бор экан?» дегандай ҳайрат билан қаради. Бироқ кампир ичкарига кириб келгач, уни таниб, ўрнидан турди. Илдам юриб, салом берди-да, ўтиришга таклиф қилди.

— Шаҳарда кўп кўрганман, бибижон, рус кампирлари, бобойлари кутубхонага кириб, китоб танлаб юришади... — кулди Олия — Лекин, бизда онахон, отахонлар вақтида ўқийлмаган, кутубхонага ҳам кўп киришмайди... Бу қишлоқда сиз биринчи бўлдингиз, бибижон...

Райҳон биби бу гапга совуқ жавоб қайтарди:

— Бизни бесавод қолганимиз ўзимизга сандан кўпроқ маълум... Биз албатта ўрус бўлолмаймиз. Сан мунга айтиб, бизни устимиздан кулма!..

Кампир Олиянинг юз-кўзида кексаларга беҳурмат қарашдан асар йўқлигини, унинг самимий кулиб, самимий гапирганини кўра туриб, жўрттага шундай деди..

Кампир қизнинг сапчиб кетиши, жанжалга имконият яратиб беришини истарди. Аммо Олия жанжалга имконият яратиб бермади.

— Мен сиздан кулиб, эсимни ебманми, бибижон!.. Мен фақат сизни кўриб, жудаям хурсанд бўлдим...

Райҳон биби, «сенга кўзим учиб тургани йўқ эди», деган мазмунда гапириб, яна қизнинг қитиғига тегишни ўйлади. У, магазинга харид қилгани келган эдим, йўл устида шу даргоҳни кўриб ўтайин, деб бошимни суқдим, холос, сингари гапларни айтди.

Олия кампирдан гўёки ўпкалади:

— Сиз мени кўришга келдингиз, десам, магазиндан гапирасиз-а, бибижон!.. Ёлғондан бўлсаям, сени кўришга келдим, қизим, демайсизми!..

Райҳон биби Олиянинг самимий ва бунинг устига, бир оз синиқ оҳангда гапирганини кўриб, ўзини йўқотди. Унга бу қиз ҳозир нечундир сиқилаётгандай бўлиб кўринди. Усмон бобо вафотидан кейин ёлғизликни сезиб, Зумрад хонадондан кетгач, ўзини тамоман ёлғиз ҳис этган кампирнинг юраги ачишди.

У Олиянинг гапири тинглаб, ўзича: «Бу қизнинг ҳам менга ўхшаган кекса бир онаси бордир, у муштипар она, она эса, ундан ҳам кўпроқ қизини соғиниб юргандир!»— деб ўйлади. Кампирнинг юрагида оналик ҳиссиёти чайқалди. У умрида ҳеч қачон бировнинг юзларини тимдалаб, сочларини юлиш қўлидан келмагани, шу дамда ҳам ёвуз бўлиб, юзи бу қадар латиф, кўзлари бу қадар ёруғ бир қизга ваҳший ташланиш қўлидан келмаслигини ҳис этди.

Райҳон биби Олиянинг кутубхонада там-там бир ҳолатда ўтиришини тасаввур қилган, ўзининг битта гапига иккита жавоб беришини кутган эди. Ушандай бўлган тақдирда кампирнинг ҳар қалай, Олия билан уришиб кетиши ҳам ҳеч гап эмасди. Бироқ кампир ўзига тик қараган кишига тик қарай олар, бўйинини эгиб турган одамга қўл кўтаришга ҳеч қачон одатланмаган эди.

Кампир ич-ичида ҳамон ўғлини бўлажак келиндан рашк қилар, қизғанарди. Аммо энди қону жонидаги рашку қизғанишни босиб, ўғлини тезроқ уйлантиргиси келди. У, ўғлим кимга бўлса-да, уйланса, бас, тезроқ келин туширмасам бўлмайди, деб ўйлади. Унга ўғлини жадал уйлантириб, орзу-ҳавасини кўрмаса, уч-тўрт кун орасида умри шами бехосдан лип этиб сўнадигандай, аксинча, ўғли уйланса-ю, дунёга фарзанд келса, ўзининг



ҳаёти ҳам давом этиб, умри, умуман, боқий бўлиб қоладигандай туюлди.

Райҳон биби Олияга тикилиб, кўнглида унга нисбатан ажиб яқинликни туйди. Қизни бағрига босгиси, эркалагиси келди. Худди шу асно кампирнинг кўнглидан: «Мен сени келин қилишни хоҳлайман-ку, лекин сенга буни қандай билдириб, Камолга қандай айтайин!»— деган гаплар ўтди. У Олияга хаёлан бундай мурожаат ҳам қилди: «Манга келин бўла қол!.. Ман сани ўз бағримда кўрмай туриб, ўлиб кетишдан қўрқаман!.. Шундай бўлиши мумкин, балам. Инсон умри бебақо!.. Ман бундан жудаям қўрқаман!..»

Райҳон бибининг кўз олдини туман босгандай бўлди. У Олияни бир нафасга унутди-ю, туман бағрида енгил буғ кўтарилаётган мис тоғорани, баданига сув текканидан нотинчланиб, ярим юмуқ кўзларини янада қисганича ожизгина йиғламсираб турган яланғоч, оппоқ чақалоқни кўрди. Бу чақалоқнинг ўзига нақадар азиз эканлигини тасаввур қилиб, кампирнинг нафаси бўғзига тикилди. Фақатгина Камол эмас, Ҳасан билан Ҳусаннинг ниҳоллик пайтида қуриган ҳаёти ҳам мана шу норасиданинг қону жонида давом этадигандай бўлиб туюлди унга.

— Ман келишга келдим, балам!— деди у. — Энди сан ўзинг бизни ҳавлига бор...

— Бораман, бибижон, — ваъда берди Олия. — Албатта, бир бораман...

— Бир эмас, кўп келгин... Биз одамга ошиқ, балам...

Кампир қалбидаги бутун ҳарорат, кўнглидаги бутун илтижони оддийгина бир ҳаракатга жамлади — Олиянинг тиззасида ётган нозиккина қўли устига ўзининг меҳнатдан тарс-тарс ёрилиб кетган дағал қўлини оҳиста қўйди.

— Майли, ман кетай, балам... Лекин, сан, гоҳо бизни ҳавлига келишни ёдингдан чиқорма...

Райҳон биби кўчада бораркан, унга бошдан-охир ўзи Олиядан бекорга норози бўлиб юргандай кўринди-да, хайриятки, вақтида шайтонга ҳай бердим, хайриятки уришмадик, деб ўйлади. Шу дамда кампир учун Олия шаҳарлик эканлигининг аҳамияти йўқ, қизнинг ота-онаси ўзига номаълум одамлар эканлиги ҳам уни қизиқтирмас эди. Олия билан Камол бир-бирини қадрлаб, иккиси бирга бахтли бўлса кифоя...

Камол уч-тўрт кун Райҳон бибининг юз-кўзига қаради.

У, ниҳоят эзилиб кетди; кампир индаса индар, индамаса индамас, деб кўчага чиқди-да, тўғри Олиянинг ҳузурига борди.

Кутубхонага киргани заҳоти, ҳар сафаргидек, гўзал бир табиат бунёдининг катта, беғубор, содда кўзларига тўқнашди.

Олия йигитдан кўзларини олиб қочди. У ўрнидан кўзғалди-ю, йигитга ҳамон тик қарамай, тахта тўсиқнинг четигаги эшикчани очди. Сўнг, бери томонга ўтиб, девор этагида қатор турган курсилардан бирини дераза олдига олиб қўйди.

Камол курсига ўтиб ўтирди. Олия одатдагидай, иккинчи курсини унга рўбарў қўйиб ўтирмади. У бекинмачоқ ўйнаган болаларга ўхшаб, ўзини йигитнинг соясига олди.

Камол қизнинг ўз соясида нафасини ютиб, қимир этмасдан турганини ҳис этди.

Олия бирдан йигитнинг бошига энгашди. У йигитнинг бошини қучди-да, эркаланиб, унинг бўйнига икки тарафдан муздай кафтларини босди:

— Сизни бўғин керак!..

Камол қизни сўнгги кўришувда хафа қилгани-ю, устига-устак, уч-тўрт кун ғойиб бўлганини ўйлаб, хижолат чекди.

— Бўғинг... Мен рози...

— Кўнглим бўлмайди-да!..

Камол қизнинг қўлларини тутиб, навбатма-навбат лабларига, юзи, кўзларига босди.

— Жоним.. Чиройлигим...

Олия йигитнинг қўлларидан бирини тутиб, кафтини очди; дарз кетган шишадай серчизиқ кафтига, сўнг эса бармоқларига қаради:

— Бармоқларингиз узун-узун... Шаҳарлик бўлсангиз, балки, пианино чалармингиз!.. Чалмасангиз ҳам одамлар: «Пианино чаласизми?» деб сўрашарди. Чунки, пианино чаладиганларнинг бармоғи шундай узун-узун бўлади...

«Шаҳарлик бўлсангиз...» деган гапдан Камолнинг кўнглига кутилмаганда ғашлик тушди. У ўзини шаҳарлик бўлмагани учун бир оз камситилгандай ҳис этди.

Шаҳар билан қишлоқ ўртасида қандайдир тафовут

Борлиги-ю, Олия билан ўзини мана шу тафовут қачондир биргина дарёнинг икки қирғоғига ажратиб қўйиши мумкинлиги йигитнинг хаёлига келмаганди.

— Қогонда юрган пайтингиз сизларда пианино бордими?!

— Борликка бор эди-ку, лекин уни биров чалганини кўрганим йўқ..

Камол Олияни ёлғон гапиряпти, деб ўйлади.

Унга пианинодан таралган оҳанг остида бу қиз кўп марта ашула хиргойи қилиб, кўп марта рақсга тушгандай, ҳозир ўзига дилраболик кўрсатган санам ўшанда кимларгадир ҳамдамлик кўрсатгандай бўлиб туюлди. Ўзи эса бировнинг усти-бошини топиб кийган фаҳму фаросати кам бир одамга ўхшаб кўринди-да, қўлини асабият билан Олиянинг қўлидан тортиб олди.

Олия Камолнинг кайфияти бузилганини сездими, уни четлаб, орқа девор этагидаги курсилардан бирига бориб ўтирди:

— Сизга нима бўлди?! Бирон гап бўлдими?!

— Йўқ.. Менга ҳеч нима бўлгани йўқ..

Олия ўрнидан енгил қўзғалиб, тахта тўсиқдан эшиккача нари-бери юра бошлади.

Камол ҳам ўрнидан турди. У гўёки ўзи ўтирган курси билан Олиянинг нари-бери эркин қадам ташлашига халал беришидан ҳайиққандай, курсини дераза олдига олиб қўйди. Сўнг, кафтларини курси суянчиғига босганича, совуқ гул ўйган ойнадан ташқарига қаради. Худди кеча ва олдинги кунларидаги сингари ҳамон қор ёғар, хира ойнада оппоқ оламдан бўлак ҳеч нарса кўзга ташланмас эди.

Йигит ўз соясида тағин Олиянинг пайдо бўлганини сезди.

— «Шаҳарлик бўлсангиз...» деганим сизга оғир ботдими?!

Камол индамади.

Олия иккала мушти билан ноғора қоққандай, йигитнинг орқасига ура бошлади:

— Жинни... девона... тентак...

Камол ўгирилиб, қизни бўйнидан қучди.

— Қалдирғочи-им!.. Камалагим!..

Олия бу гапга рози бўлмагандай, эркалик билан бошини чайқади:

— Ўзингиз қалдирғоч!.. Ўзингиз кама-лак!..

У бирдан ўзини йигитнинг бағридан бўшатди:

— Биров келиб қолса, нима дейди!.. Бу сизга уйин-

гиз эмас-ку... — Шундай деб, тахта тўсиқдан нари томонга ўтиб кетди.

У бошини ўйчан букиб ўтирди-да, бир оздан кейин, Камолга сўз қотди:

— Шу Хосият жудаям қурумсоқ қиз-да! Ҳавасим келиб, битта нарсани бир кунгинага сўрасам, бермади...

— Нима нарсани?!.

— А, битта нарса-да..

Камолнинг ёришган кўнглига қайтиб ғашлик тушди. У, «Олия нарсани яхши кўради», — деган гап хаёлидан ўтиб, қизга разм солиб қаради.

Олиянинг кўксига Қосим билан Зумраднинг уришиб қолганига сабаб бўлган медальон-соат ярқираб турмасайди, Камол ҳозир, эҳтимолки, қизнинг гапларига ўзини бепарво тутармиди!..

Камолнинг кўнглига заҳар зарраси бўлиб томган шубҳа энди илондай бошини кўтарди.

— Мен бир гапга тушунмайман... Сиз Хосият билан яқин дугона бўлсангиз, нима учун уни ёмонлайсиз?!. Агар яқин дугона бўлмасангиз, нима учун у билан апоқ-чапоқ юрасиз?! Ахир, Зумрад кетганидан буён икковларинг олдингидан ҳам энёд қалин-ку...

— Мен Хосиятни ёмонлаганим йўқ. Фақат, ундан сизга озгина шикоят қилдим.. Кейин, биласизми, одам бировга дўст ёки дугона бўлса, бу, демак, ўша одамнинг айбини кўрмайди, дегани эмас!.. Инсоннинг кўзи очиқ... Айбни инсон дарров кўради... Оқил — оқ, қорани — қора демасдан яшаб бўладими!..

— Тўғри-ку... Лекин унчалик тўғри эмас! — деди Камол мулойим.— Бировга дўст ёки дугона бўлган киши, унинг айбини ҳеч вақт, ҳеч кимга очмаслиги керак.. Биров бировга ёқмаса, дўст ёки дугона бўлишнинг ҳо-жати ҳам йўқ...

Олия йигитнинг фикрига қўшилмади:

— Сиз кўп ўйламасдан гапиряпсиз... Масалан, сизнинг жўрангиз Қосимни олайлик... Қосим фаришта эмас. Лекин, сиз ундан қачон бутунлай юз ўгирибсиз!..

— Тўғри-ку... Лекин, унчалик тўғри эмас! — деди яна мулойим Камол. — Мен, аввало, ҳеч вақт, ҳеч кимга Қосимдан бирон оғиз ёмон гап айтмадим.. Ундан ни-магадир норози бўлсам, жўралигимиз ҳақи, гапим ичим-да... Қайси вақт, агар, Қосимдан шикоятга келсам, билингки, у билан бутунлай кўришмай, гаплашмай кетаман...

Олия йигитга эътироз билдирди:

— Одамни фазилати-ю, қусурлари билан бирга та-ниш керак... Дунёда фазилатдан маҳрум одамлар бўлмаганидай, нуқсонсиз одамлар ҳам бўлмайди...

— Ким билсин... эҳтимол... Сизга олдин ҳам айтганман, мен бировни ёмон десам, қаттиқ ёмон кўраман. Яхши десам, жонимни беришга тайёрман... Қосимга келсак, охириги пайтлар унга ўзим ўргангандай муомала қилолмаяпман... Ҳаётим мени шундай бир шароитга солди... Лекин битта гап аниқ: менинг Қосимга муносабатим бундай бўлиб қола бермайди. Қосимни бугун бўлмаса — эртага, ёки нари, ёки бери томонга ўтказиб юборсам керак...

Олия йигитнинг фикрини бари бир тасдиқламади:

— Мени кечиринг-у, нима бўлсаям, сиз кўп ўйла-масдан гапиряпсиз... Бировдан юз ўгириб, ҳеч нимага эришиб бўлмайди. Нуқсонга қарши туриб, фазилатни қадрлаган маъқул.

Камол шаҳар ҳақида гап чиққанида, «тафовут» хаё-лига келганини эслади. Унга шу дамда гўёки Қосим биргина дарёнинг қоқ ўртасида туриб, Олия билан ўзи-ни икки қирғоққа ажратиб чиқаётгандай бўлиб кўринди. Олия билан муносабати бобида Қосимнинг бошдан-охир икки ўртада қандайдир қотиб турганини ўйлаб, кўнгли оғриди.

У Олия билан ўзи ҳаётга икки хил қараб, икки хил фикр юритишгани ошкор бўлганидан изтироб чекиб, бир-бирига жондош икки одам ўртасида бундай руҳий ажралиш рўй бериши мумкинлигидан норози эди.

Камол тахта тўсиққа кескин яқинлашди:

— Олия, жоним, илтимос... Когонга кета қол. Сен бу ерда бўлсанг, мен сенсиз туролмайман... Тўғриси, сен билан бахтли бўлишимизга ҳам мен унчалик ишонмайман... Ҳар кимга ўз тупроғи яхши эмасми?!

Олия аввал йигитга бақрайиб қаради. Сўнг ўйчан, маҳзун жилмайди:

— Сиз билан мен иккита тупроқдан бўлдикми!.. Бизнинг тупроғимиз битта!.. Қизиқ... Менга колхоз катталари «кетмагин, қизим», деб ёлворгандай гапирди-ю. сизнинг «кет» дейишга қандай тилингиз борди?! Мен ўзимга ўзим хўжайинман, деб юрсам, дунёда бошқа гаплар ҳам бор экан... Сиз мени ҳечам яхши кўрмайсиз!..

— Яхши кўришдан гапирма! — деди Камол.

Унга ўзи бу қизни биринчи севган одам эмасдай, қизни ўзидан олдин кимлардир, албатта, яхши кўргану ўзидан кейин ҳам яхши кўрадигандай бўлиб туюлди. У,

асаби таранглашганидан, хаёлига келган гапларини Олияга рўйи-рост айтди.

— Сиздан олдин ҳам яхши кўрган, тўғри! — деди у. — Ўқишга кетишимдан олдин, Қогонда, бир йигит мени жинни бўлиб яхши кўрган...

Камол бу гапни Олия ўзини куйдириш учун айтяптими, иқроор тариқасида гапиряптими, билолмади.

— Боргин ўша яхши кўрганингга, илтимос...

Олия тирсакларини столга босди-да, бошини чангаллади:

— Сиз қандай бераҳм одамсиз!.. Сиз мени ҳечам яхши кўрмайсиз!..

— Яхши кўрмайман... Тўғри!.. Мен сени яхши кўрмайман!..

Олия бошини кўтариб, йигитга қаради. Унинг кўзлари аламли ярқирар, жиққа ёш эди.

Камол қизга тик қарашдан қочди. У кескин ўғирлиб, асабиятдан андак титраганича, чиқиб кетди.

Ҳамон лап-лап қор ёғарди. Зимистон совуғи Камолнинг суяк-суягидан ўтиб кетди. Аёз кўзларини ачиштирди.

\* \* \*

Камол бир кеча-кундузни уйдан чиқмай, азоб билан ўтказди.

У Олиянинг ўз изнига қарабми, ўпкаланибми, нима бўлса ҳам қишлоқдан шу кеча-кундуздаёқ ғойиб бўлишини истар, бу қиз агарда қишлоқдан кетса, руҳи енгил тортадигандай туюларди. У Олиянинг содда, эркин жиламайиб, қандайдир ажи-бужи кишилар олдида ўтирганини тасаввур қилар, Олияга нисбатанми, ўзи умрида кўрмаган ўша кишиларга нисбатанми, кўнглида нафрат чайқалар, бу нафратни кимга, нимага сочарини билолмай, дам сайин хуноби ошарди. У ўзини гўёки эшиксиз, деразасиз хонага тушиб қолгандай ҳис этар, қайсидир деворни қулатиб чиқишни ўйлар, назарида, Олия — ҳам қўлга яқин, ҳам юпқа девор бўлиб кўринарди-да, қайта-қайта, «шу деворни қулатишдан бўлак иложим йўқ», деган фикрга келарди. Кўнгилсиз тасаввур, нафрат, совуқ ва оғир хаёллар унга фақат шу кеча-кундуз азоб бермаган, сирасини айтганда, кўпдан буён оромини ўғирлаганди.

Камол иккинчи томондан, Мунаввар бибининг дарвозаси оғзида юк машинаси кўндаланг турганини, ашқол-дашқолларини машинага ортган Олия уйдан қора

чамадонини кўтариб чиқаётганини ҳам тасаввур қилар, бу тасаввурдан кўнглига қўрқув тушарди. У ҳаётидаги ягона илинжи, ягона қувончидан айрилишни истамас, Олиянинг қайсарлик қилиб Когонга кетмасдан, қайсидир қишлоқларда саргардон юриши мумкинлигини ўйлар, қиз бола ва умуман аёл кишига ақалли биронта ҳимоячи нақадар кераклиги хаёлига келиб, йўлга чиқиши муқаррар бўлиб кўринган қизни тезда йўлдан қайтаришга жазм этар эди.

Камол қону жонида ётган бир-бирига зид ҳиссиётлардан қайси бирига бўйсуниб, кўнглидаги бир-бирига зид товушлардан қайси бирига қулоқ солишни билмас, иккала ҳиссиёт, иккала товушнинг ҳам итоаткор қули, маънос бандиси эди...

Кун қорайди...

Тун алламаҳалга борди...

Камол кўнглидаги қўрқувдан тинчини тополмай кўчага чиқди ва музлаган қор устида сирпаниб, қоқиниб, Мунаввар бибининг ҳовлисига яқинлашди

Олиянинг деразасида чироқ ёнар, қор устида бир даста ёғду хирагина порларди. Деразани кўча томондан яхлит темир панжара тутган, деразанинг қоқ ярмини оқ сурпдан тикилган парда қоплаган эди.

Камол Олиянинг оқ парда, мана шу темир панжара ортида беғам, бепарво, эҳтимолки, китоб ўқиб ёки бирон юмушга куйманиб ўтирган бўлиши кераклигини ўйлади. Унга Олия ўз изнига беписанд қарагандай, қишлоқдан кетишни хаёлига ҳам келтирмагандай бўлиб туюлди-да, иккинчи ҳиссиёт, иккинчи товуш қистовида бу ёққа ошиққан йигитнинг кўнглида биринчи ҳиссиёт, биринчи товуш қайтадан тирилди. У кўнгилсиз тасаввур, нафрат, совуқ ва оғир хаёллардан титраб-қақнади. Шу дамдаёқ дарвозани қарсиллатиб очгиси, Олия ўтирган уй эшигини ҳам шундай очиб, Олияга: «Қани, юкларингни ҳозироқ йиғ, эртагаёқ Когонга кетасан!» — дегиси келди. У яна бир хаёлида деразани тақиллатиб қўя қолиш, Олия деразадан қарагач, қатъий оҳангда ҳалиги гапларни айтиш фикрига борди.

Камол яхлит темир панжара тутилган деразанинг нари ёғи-бери ёғига ўтди. Дарвозага шиддаткор қадам ҳам қўйди.

У шу аснода ўйлаган ишини амалга ошириши ҳеч гап эмасди. Олдиндан Олиянинг йиғлаши ва: «Сиз қандай бераҳм одамсиз, сиз мени ҳечам яхши кўрмайсиз!» — дейишини тасаввур қилди. Аммо, бу — йигитнинг кўнг-

лини юмшата олмас, унинг гувиллаб-гулдирашига монелик кўрсата олмасди.

Камол фақат Мунаввар бибидан ҳайиқди. У Мунаввар бибининг ичкари ҳовлидан югуриб чиқиши мумкинлигини ўйлади. Тўю ҳашамларда кайвони бўлиб, катта-кичikka онадай қаттиқ-тизиқ гапириб кетаверишга ўрганган кампирнинг бурушиқ юзи, сим-сиёҳ кўзлари Камолнинг хаёлида жонланди. У, Мунаввар бибининг сингарини шимариб, ёғочдай қуруқ, ориқ қўлларини ҳавода ўйнатиши, яланг кўйлақда чиққанидан совуқда қалтираб, ўзининг ёқасидан тутишини хаёлига келтирди. У, кампирнинг нималар дейиши мумкинлигини ҳам шу дамда ўзича тахмин қилди: «Иккита хотин ўтирган ҳовлига сан бу қаро тун нима деб келасан?! Санга шарму ҳаё борми? Сан босқинчиёки ёки немисми?! Санга отанг шу тарбияни берганми?! Ҳе, афтинг қуриб, аёғингга куйдирги чиқсин!..»

Камол Мунаввар бибидан ҳайиқди.

У, тунни ўтказиб, эртага кундузи Олия билан, албатта, кўришишга, аммо шу дамда ўйлаганидек, шафқатсиз бўлиб, қатъий оҳангда гаплашишга қарор қилди...

\* \* \*

Зумраднинг тўйдан кейин Райҳон биби хонадонида куёв салом ва келин чорлов сингари расми-русумлар ҳам ўтган, энди бу хонадонда кўп кунлардан буён на Зумрад, на Умарнинг қораси кўринган эди...

Умар қорга бурканиб кириб келди.

У эрталабдан қарийб кечгача ўз уйидагидай ёзилиб-бемалол ўтирди.

Райҳон биби ош дамлади. Камол боғ эшиги ёнидаги айвон уйчадан қишга олиб қолинган қовундан келтириб сўйди.

Умар Зумраддан деярли оғиз очмади.

— Зумрад сиз билан бирга келса бўлмайдим!.. Унга сиз мани соғинганимни айтинг, поччо...

Кампирнинг бу галига жавобан, Умар чайнади: «Бибижон, ҳозир ер ёмон, шунга Зумрадхон ичкаридан чиқмаябди!» — дегандай бўлди.

Камолга куёв бола важ кўрсатгандай туюлди. Умарга қараб, йигитнинг кўзларида нечундир ғуссам, инжишми ётганини пайқайди Камол ва бу, Зумрад тўғрисида қандайдир кўнгилсиз гапни яшириб ўтирибди, деб ўйлади.



Йўқ, Камол Умарнинг ҳолатини аниқ ўқийлмаган экан.

Райҳон биби ошхонага идиш-говоқни ювгани чиқиб кетганида, Камолга Умар юрагини очди:

— Зумрадхон тўрт ойлик ўқишга кетди. Бизга ўхшаб, механизатор бўлмоқчи. Бу аёл кишига шарт эмасди. Лекин раъйига қарадим...

Умар уялганми, қисинганми одамдай, ерга вазмин тикилди. Сўнг, у яна икки оғиз гап қилди:

— Бибига индамаган маъқул. Чунки, шуниям ўйлаб юриб, бекорга хаёлларни қочмасин...

Камол энди Умарнинг кўзларида муҳаббат соғинчи, ҳижрон изтиробни акс этганини аниқ ўқиди...

Умарни кузатиб, уйда она-бўла ўз-ўзларича хаслга чўмиб ўтиришаркан, эшик секингина тақиллади. Камол дарвоза очиқ қолгандир, қўни-қўшнидан биронтаси келган бўлса керак, деб ўйлади.

— Кири-инг...

Эшик оҳиста ёғирлаб очилди.

— Ассалом...

Остонада Олия турарди. У оқ жун қалпоқ, оқ пальто кийган — оппоқ қор маликаси эди.

Райҳон биби қўлини ерга тираб ўрнидан апил-тапил турди:

— Иби, сан бизни ҳавлига келайкансан, ман остонага чиқиб ўтирмайманми!.. Сани бўйингга ман ўзим садқа бўлай...

Кампир, токи Олия ўтиб ўтирмагунича, тинчини топмади. Камол, уйга чақирилмаган қўноқ келгандай, Олияга рўйхуш бермай, қуруққина саломлашди. Олия ҳам, Камолга ҳеч қачон иши бўлмаган одамдай, ўзини унга нисбатан лоқайд-бепарво тугарди.

Райҳон биби меҳмонни нима биландир хурсанд қилгиси келиб, ўзини ҳар томонга ура бошлади.

— Бибижон, бир нафас ўтиринг, — деди Олия.

У, кампир ўтиргач, қишлоқдан кетмоқчи эканлиги, хайрлашишга кирганини айтди.

— Иби, сан қаерга кетасан?! Сани биз кетишга қўймаймиз-да!..

— Аввалдан Когонга борсам бўларди. Онам вафст этиб, отам уйлангани учун, Когонга эмас, бу қишлоққа келдим.. Когонга ҳозир ҳам унча оёғим тортмаяпти... Тўғриси, яқин қишлоқлардан биронтасига кетсам керак...

Камол Олия билан энг яқин суҳбатдош, сирдош син-

гари юриб, қизнинг ҳаёти, кўнглидаги ҳамма гаплардан воқиф бўлмаганини сездди. Олиянинг Қогон ҳақидаги гапи Камол учун бутунлай янгилик эди.

— Иби, сани биз кетишга қўймаймиз-да... Сан нимага кетаман дейсан, муни манга аввало тушунтир...

Олия қишлоқдан нима учун кетмоқчи эканлигини кампирга тушунтирмади.

— Мен бу ерда анча юрдим, бибижон... Раҳмат! — деди Олия. — Кетаман-ку, лекин, бибижон, менга бу қишлоқ қадрдон бўлиб қола беради... Мен сизларни бир умр эслайман...

Олия кампир билан хайрлашиб, Камолга ҳам бошини силкиди.

У чиқиб кетгач, Райҳон биби кўзига ёш олди.

Камолнинг юрагига ғулғула тушди. Бир кўчага чиқиб, бир уйга қайтиб, шони ғарибондан алламаҳалгача ўзини қўярга жой тополмай юрди.

Унга бу кеча уйқу ҳам бегона бўлди...

\* \* \*

Камол эртаси куни Олия билан кўришди.

У кутубхона эшигидан ичкарига кирди-ю, бехосдан Қосимнинг шу ерда эканини, дераза олдида оёқларини кериб, виқор тўкиб турганини кўрди.

Олия.. Олия эса, тахта тўсиқ ортида негадир бўйнини қисиб ўтирар, қизнинг катта, беғубор кўзлари даҳшатга тушгандай бақрайган эди.

Камол эшикни ёпди, бироқ эшик олдида турганича туриб қолди.

— Гап қайтарма! Аввалдан мени гапим битта бўлган. Маъқулми?! Йўқ десаиң, менга бари бир, ўзингга қийин бўлади...

Камол, Қосимнинг тўнғиллаши-ю, сенсираши Олияга эмас, ўзига ҳақоратдай тегаётганини ҳис этди.

— Уйлаб кўринг, кишига шундай муомалангиз яхшимми?! Шу сизга муносибми?!

— Бўлди. Гап битта!

— Мени, албатта, кечирасизлар, лекин ўзи нима жанжал?! — чеккада ортиқ туролмади Камол.

Олиянинг маъсум чеҳраси, беғуноҳ, содда кўзларида шундай бир изтироб акс этдики, Камолнинг юраги қинидан чиқаёзди.

— Бу киши мендан уйни бўшатишимни сўраяптилар, — деди Олия. — Мен ҳозир нима қилишимга ҳайронман... Қишлоқдан кетмоқчи эдим, Раҳматов кетишга

қўймаяптилар. Раҳматовдан менга уй топиб беришларини сўрашим мумкин-ку, лекин, тайёр уй дарров қаерда!.. Раҳматовнинг гапларига ҳам қарамай, Когонми, бошқа бирон еққа кетаман, майли... фақат, нима қилай, уйни ҳозироқ бўшатиш бари бир қўлимдан келмайди...

Камол Олиянинг олдида ўзини гуноҳкор сизди. У, Олиянинг Когонга — онаси вафот этиб, отаси биров билан оила қурган Когонга сира боргиси йўқлигини, қизга бу нақадар оғир эканлигини билмай туриб, кечагина қизни «Когонга кетгин», деб қистаганини эслади-да, ўзига-ўзи чиндан ҳам бераҳм одам бўлиб кўринди. Унга бундан ҳам кўпроқ, Олияга уй устида Қосим зуғум қилаётган кунларда, дунёдан беҳабар юриб, уни қийнагани алам қилди.

Камол Олияга нисбатан кўнглидаги бутун ғаплик Қосимдан юққан мараз бўлиб, айни фурсатда, бутун вужудидан шу маразанинг ғубори чиқиб кетаётганини ҳис этди. Унга, умрида муҳаббатдан бенасиб Қосимнинг ўзи билан Олияга адоватли муносабати борлиги энди баралла ошкор бўлди. У беихтиёр жанжалга аралашди.

— Сен бир вақт Олияга шу уйни топиб берибсан, бунга раҳмат!— деди Камол. — Лекин, бу ёғи уйнинг ихтиёри фақат Муқнаввар бибида. Олияни, бибидан бўлак ҳеч ким, менимча, уйдан чиқаролмайди..

— Сен бу гапга аралашма, оғайни. Бу можарони сенга ҳеч қандай алоқаси бўлмагач, орага суқилиб нима қиласан?!

— Сен ҳамма гапга суқилиб юрасан-ку. Мен умримда бир марта суқилсам суқилибман...

— Сиз бибининг ҳовлисига нима учун хўжайинлик қиласиз, тушунмайман... — ғамгин шивирлади Олия.

— Аввало, ҳовли бибиники эмас, меники. Мунаввар бибига менинг отам бу ҳовлини бериб қўйган. Бунинг устига, мен сенга айтдим, қишлоққа менинг қариндошларим келмоқчи, уларга жой керак! Яхшилик қилиб топширган уйимни мендан бутунлай тортиб олмоқчимисан?! Уй бўш эди, бердим, керак бўлди, оламан... Яхшиликни билмаган одам экансан-ку..

— Э, шундай демайсанми!— юмшади Камол. — Майли, ҳовли сеники бўлса-ю, уй энди ўзингга керак бўлса, жанжалга ҳожат йўқ. Олияга сўраб-суриштириб, бошқа жой топармиз. Сен фақат мунча қизишмасдан, уч-тўрт кун сабр қил...

— Мен энди бир кун ҳам сабр қилмайман. Гап тамом!

— Одам қизишган пайт «ҳозироқ юкингни кўтар», деб бировга айта бериши мумкин. Лекин, дарров юкни кўтариш осон иш эмас. Майли, ҳеч сабринг бўлмасаям, эртага кечгача муҳлат бер...

— Сен, яхшиси, аралашма, оғайни. Бировнинг ишига аралашган одамни жиним ёқтирмайди... Аввалдан менинг гапим битта бўлган...

— Эртага кечгача ҳеч нарса қилмайди.

— Менинг сенга гапим йўқ, оғайни. Сенга алоқаси бўлмаган нарсага аралашма, деяпман...

Қамолнинг жони ҳалқумига келиб тиқилди.

У, дераза олдида ҳамон кичкина гавдасига мос келмаган кибру виқор билан оёқларини кериб, жингалак соч бошини баланд кўтариб турган Қосимга қаттиқ, аламли қаради:

— Сўнгги пайтлар ёмон айнидинг-да!

Қосим тугмалари ўтказилмаган енгил плашининг ёқаларини ёғжимлаб турганча, Қамолга бепарво жавоб берди:

— Мендан айб қидирма!.. Маъқулми?!.

— Мен сендан айб қидириб, нима қиламан?! Сендан айб қидириб бўлмайди.. Сен бунга арзайман...

— Арзидиган одамни қара-ю!..

Қамол ҳозир шайтонга ҳай бериб қўя қолмаса, беихтиёр шердай отилиши, Қосимни ердан шиддаткор узиб, эшикдан ташқарига улоқтириши ҳеч гап эмаслигини сизди. Бу можаро оқибатида у, қишлоқда ҳар хил гап кўпайиши, бундан ўзи ёки Қосим эмас, Олиянинг куйиши мумкинлигини ўйлади.

Қамол шайтонга ҳай берди.

У Қосимнинг хонада турганига ортиқ эътибор қилмай, тахта тўсиққа яқинлашди, кўкси билан тахтага суяниб, Олияни Қосимдан тўсди.

Қосимнинг қаттиқ, дағал, ҳиссиз қадамлар ташлаб эшикка йўналгани-ю, эшикни очиб, бир нафас остонада қотиб турганини, сўнг эса, ниманидир гўлдираб қўйгани-ю, эшикни қарсиллатиб ёганини — ҳаммасини Қамол зимдан сизди, аммо Қосимнинг бутун ҳаракати давомда, қимир этмади.

Олия бошини буккан, стол юзига оғир тикилиб ўтирар, униг айри-айри нафас олаётгани сезилиб турарди.

— Олия, мени кечир... Мени кечир, жоним... Ҳаммаси учун мени кечиргин, жоним...

Олия индамади.

— Бу муттаҳамлик қиляпти. Лекин сен хафа бўл-

ма... Қишлоқда, жоним, уй қуриб қолгани йўқ... Топамиз...

Олия индамади.

— Майли, мен кетиб, бирон соатда қайтиб келаман... Жой топаману дарров кўч-кўлонни кўтарамиз...

Камол тахтадан узилди-да, айтган гапнинг амалга ошироқчи бўлиб, «хайр» деган маънода бошини силкитди.

Олия бари бир индамади...

\* \* \*

Осмон очиқ, кун қайтган, ердаги тупроққа қоришиб қорайган қор оёқ остида билчилларди.

Ҳозиргина бўйнидаги шарфни маҳкамроқ ўраб, пальтоси тугмаларини ўтказган Камол, қайтиб ечди ва илиқ ҳаводан эркин нафас олгиси келиб, қорақўл телпагини ҳам манглайдан боши орқасига суриб қўйди.

Унинг ҳозироқ Олияни ғурбатдэн, изтиробдан халос этгиси, шу йўсин бўйнидаги гуноҳини ювиб, қизнинг кўнглидаги ўзига нисбатан ранжини чиқаргиси келарди.

У ўнг ва сўл ёқдаги дарвозаларга бирма-бир кўз ташлади-да, қайси дарвозани тақиллатиб, кимдан ёрдам сўрашини билолмади. Йигит киши қиз боланинг ташвишига аралашгани одамларда ғалатиноқ таассурот қолдиришини ўйлаб, одамларнинг табиатида ҳамон йигит ва қизнинг муносабатига «бу бир ҳавойилик эмасми-кан?!» деган шубҳа билан қараш хислати борлигидан кўнглида ранжиди. У кимга учрамасин, ўша одамнинг аввал: «Сенинг бу қизга нима ишинг бору унинг учун сен нимага сарғайиб юрибсан?!»— дейишини, бундан кейин: «Бизни ўз муҳаббат можароларингга аралаштирма!»— деб рад жавоби беришини олдиридан тасаввур қилди. У гарчи шундай бўлиб-бўлмаслигини билмаса-да, шунга ичида инониб, биронта дарвозани тақиллатишга, кимгадир рўбарў бўлишга ботинмади.

У кўча пойига тушиб, ўз ҳовлилари дарвозасига қаради. Бехосдан хаёлига Олияни ҳовлига кўчириб кела қолиш, Зумрад бўшатиб кетган уйга жойлаштириб қўйиш фикри келди. У хаёлига келган фикрдан жонланиб, кўнгли ёришган бир ҳолатда ҳовли остонасига ошиқди. Остонага етди-ю, белхтиёр тўхтаб қолди. Олия уларнинг ҳовлисига кўчиб келишни қабул қилармикан?! Балки, элнинг кўзи олдида ўзи билан учрашиб юрган йигитнинг уйига тўғри кўчиб келишни орийат деб билар! Балки, бу иш қизга икки ёшининг танг аҳволдан қутулиш учунгина

қовушиши бўлиб туюлару кечагина «Когоинга кетгин», деган Камолнинг эндиги таклифи қизнинг кўнглини баттар оғритар? Олиянинг тўй-ҳашамсиз ҳовлига кириши на унинг ўзига, на Камол, на Райҳон бибига обрў келтиради!..

Камол остонадан йироқлашди-да, ўзларидан икки том наридаги ҳовли дарвозаси қаршисида тўхтади. Дарвозанинг бир тавақаси қия очиқ эди. Камол тавақани ичкарига сурди-да, вазмин гижирлаган дарвозани ичкаридан ошиқмай ёпди.

Ҳовли саҳни бўм-бўш, тўрт томондаги катта-кичик эшик-деразалар бирдай берк эди.

— Бово! Хў, бово!

Чап қўлдаги уйчанинг эшиги гижирлаб очилди-да, остонада қора бахмал нимча кийган кичкинагина, чаққонгина Мақсад биби кўринди.

— Салом алайкум... Бово уйдами?!

— Бово уйга... Биноймисан?! Тўғри кира бермайсанми уйга, балам?! О, сан ўзини эми Камолбой-ку...

Камол чоққина уйга кирди.

— Салом алайкум..

Сандак тўрида қош-сөқоли қоп-қора, кўк бахмалдан тўрт қиррали бухор дўппи кийган Мутавалли бово ҳорғин, мудроқ ўтирарди.

Камол пойгаҳда ботинкасини ечиб, пальтоси, телпагини ошиқмай миҳга илди; юқорига ўтиб, чол билан қўл бериб кўришди.

— Қани, мана бу девор томонга ўтир. Биноймисан?! Қамнамо бўлиб қолдинг?!

— Э, бово, қинчилик... юрибмиз...

Мақсад биби Камолнинг осойишта ўтиб ўтирганини кўриб, уни бемалол ўтиришга келган, деб ўйладими, каллини шипиллатиб, ошхонага чиқиб кетди.

— Афтинг паришон... Бирон гапга хафамисан?!

— Йўқ, бово, ҳаммаси жойида... Мен фақат бир гапни сиз билан маслаҳат қилишга келдим. Ростини, бово, буни сизга айтиш ҳам менга ноқулай... Олия деган бир қизимиз бор. Мунаввар бибининг ҳовлисида туради. Ўзи бечора, қишлоққа бир ёқдан келган... Шу Мунаввар бибининг ҳовлиси асли Қосимники экан, бу энди Олияга ҳовлидан чиқ, деяпти, бово... Олияга бир жой керак... Шунга ҳозир мен гаранг... — Камол бу гапларни қўлидаги псеиқ коса тушиб кетишидан кўрқиб, дастурхонга томон жон ҳолатда югурган пазанда сингарин довдираб айтди. У ҳозиргача ўзига отасидай муомала қилган, кўп

касбу корни ўргатган чол «кўтар аравангни» деб юборса, бу гап фақат шу дамга эмас, бутун умрга татишини ўйлаб, Мутавалли бобонинг юз-кўзига, ҳаттоки, қарамади.

Ҳорғин, мудроқ ўтирган чол ҳадеганда галга оғиз очмади.

— Рангу рўйингни кўриб, айтдим-а!— деди у ниҳоят.— Қани, тўхта, Мақсадга бир гапирайлик, ундан нима маслаҳат чиқайкин.

Мақсад биби чой кўтариб кирди.

— Мақсад, ўтир... Санга гап бор...

Кампир гўёки суҳбатда ўзи тўғрисида хунук бир гап чиққану энди чол таъзирини бериб қўйишини ҳис этгандай, бошда Камолга, сўнг Мутавалли бобога ва яна Камолга кўзлари жавдираб қаради-да, сандалга маъюсгина ўтирди.

— Олияхонни биласан-а?! Шу қизимизга Камолбойни озгина кўнгли бор, ёшириб ўтирмайман... Камолбой кўнглига қараб иш тутса, бир куни тўю тамошо қиламиз, буям ёширин гап эмас...

Камол, Мутавалли бобонинг хаёлга келмаган даромад гапидан хижолатга тушиб, бўйинни қисди ва бошини букиб, титроқ бармоқларини ўйнай бошлади.

Мутавалли бобо даромаддан кейин, кампирга уй борасидаги гапни айтди.

— Би-и... Қосимга ҳамин жой зарил эканми?!— деди ўрнида нотинч ўтирган Мақсад биби. У Камолга, сўнг Мутавалли бобога ва яна Камолга энди куюнчак қаради. Чол ҳам, Камол ҳам ўзининг оғзига тикилиб, фикрига мунтазир турганини сездим, мамнун илжайди. — Биз худо берган тўртта қизни турмушга чиқордик, — деди у! — Бир ўғлимиз Тошкандга қолди, муниси, охиргиси, Асадбой, шу баҳор ўнга киради... Нима кўп, бизга жой кўп. Асадбой дарсини қилиб юрган печкали хонани дарров бўшатамиз, бу ёки бизни қошимизга ўтириб, ёки катта хонага чиқади... Шу печкали хона ҳам чоққина, ҳам тоза-озода... Олияхон келса, бошимиз устига... Хонани ман ҳозир йиғиштириб қўяман...

Камол масаланнинг бундай тез ҳал бўлганидан ичига сизмай, чолу кампирга миннатдорчилик билдирди. Ўрнидан тошилиб, хурсанд кўзгалди.

— Шошма, балам... О, қазонга озгина шўрбоча бор, ичиб кет!

— Бошқа пайт, биби... Мен ҳозир... — гўлдиради Камол.

У Мутавалли бобонинг уйидан тўғри Олиянинг ҳузурига келди. Олияга жой топилганини айтиб, ҳозироқ кўчиш мумкинлигини билдирди.

Иккаласи Олия турган гўшага келинди; уйни очиб, ичкарига киришди.

Камол, «мен нарсаларни йиға бошлай» деб, шкаф олдига курси қўйди, шкаф устида ётган газета-журналларни тартибга сола бошлади. Олия эса, уйдан кетаётганини Мунаввар бибига айтиш учун ташқарига чиқди.

— У, бахайр, туш бу ёққа...

Камол Мунаввар бибининг амирона товушидан сесканиб кетди. Сўнг, кампирга салом берди-да, амрига итоат қилиб, курсидан тушди.

Мунаввар биби қора трикоддан ихчам камзул кийган, бошини қора рўмол билан танғиган эди. Унинг бурушиқ юзи, қоп-қора кўзларида шундай қатъият, шундай мардона босиқ газаб бор эдики. Камол унинг авзойидан, ҳаттоки қўрқиб кетди. Олия эса, кампирнинг соясида туриб, унинг гоҳ бу елкаси, гоҳ у елкасидан Камолга ҳуркибгина қарар, гўёки йиғит билан кампирни уриштириб қўйиб, нафас ютганича, уларни томоша қилгиси келган одамга ўхшарди.

— Қани, сан манга айт-чи, бу қизнинг ихтиёрини санга ким берди-ю, мунга сан қайси жойларга олиб кетаман, дейсан?!

— Э, бибижон, гап менда эмас.. Бугун анча можаро бўлди, ҳаммаси шунга..

Мунаввар биби аввал масаланинг мағзини чақиб олиш кераклигини ҳис этдики, девор этагидаги курсига ўтирди.

Камол ўзи ҳалигина тушган курсининг орқасида тик турганича, кампирга бор гапни тушунтириб берди. У дадил гапирди, унга, кампир бутун можарони эшитгач, ўзининг ночор эканлигини сезиб, мунгайиб қоладигандай, Олиянинг кўчиб кетишидан бўлак чора йўқлигига тан берадигандай бўлиб туюлди. Мунаввар бибининг бўшашиб, гапни жимгина эшитаётгани ҳам шундан дарак бериб тургандай эди.

— Манга бир вақт шу ҳовлини Ражаббой олиб бергани тўғри!— деди кампир ниҳоят. — Локин мунга манга ўзининг ёнидан олиб бергани йўқ. Мани эрим минан фарзандим урушга ўлди, бу ҳовли шуларга ўхшаб жангга кетган бир ота-ўғилники эди... Бу ёғи, ман агар, мана шу қизимнинг аҳволини билмасам, Қосим бибисини тирилтириб олиб келса, бари бир, ҳовлига қўймасдим! —



Кампир ўрнидан сакраб турди. — Санлар ҳеч нарсага тегма!— деди у. — Ман бориб билай, қани, бу бола Олияга хўжайшми, манга хўжайинми?!

Мунаввар биби эшикдан шамолдай чиқиб кетди.

Камол гапнинг бундай тус олишини билмаганидан ҳайратга тушди; ишнинг оқибатини кутиши кераклигини сезиб, олдида турган курсига ўтирди-да, бошини букди.

Олия ҳали кампир ўтирган курсидан жой олди. У Камолдан ранжиганини ҳамон кўнглида сақлаётгандир, бирон оғиз гапирмас, йиғитга тик қарамас эди.

Дам секин ўтар, лаҳзанинг дақиқага айланиши гўёки узоқ-узоқ фурсатларга тенг келарди.

Дарвозанинг ингичка гийқиллаб очилгани эшитилди ва кўп ўтмай, хонага Мунаввар биби маърур, мамнун ҳолатда кириб келди.

— Утиринг!

Олия кампирга жой бериб, ўзи пойгаҳга ўтди. Кампир курсига ҳорғин ўтирди.

— Сан бу ҳовлидан ҳеч қаерга кетмайсан! Шу ҳовли ман минан саники!— Мунаввар биби Олияга ўзининг қатъий фикрини айтди. У нафасини ростлади. Сўнг, беҳосдан Камолга ҳамла қилди: — У, сан нимага ялпайиб пашшахўрда бўлиб ўтирибсан?! Сани ҳеч ким бу ёққа чақиргани йўқ... Қани, дарбоза очиқ...

— Э, бибижон, ҳозир... кетаман...

Камол пальтоси билан телпагини тезгина кийди. Эшик оғзига борди-ю, Олияга қараб, кампирдан ўғринча илжайиб қўйди-да, ташқарига чиқди.

У, Олияга бошпана топмоқчи бўлиб, Мутавалли бобони, Мақсад бибини бекорга овора қилганини ўйлади. Кеч қоронғиси тушиб, оёқ ости қайтадан музлаган шу лаҳзада чолу кампирга қайтиб учраши, уларни беором қилгани учун узр-маъзур қилиши кераклигини ҳис этди.

Чолу кампир унинг боягидай ёлғиз сўппайиб келганига ҳайрон қолишдими, анграйиб қарашди.

Камол бу сафар устини; оёғини ечмай, пойгаҳга омонат ўтирди-да, Олиянинг келолмаслигини айтди.

— О, ман уйни йиғиштириб қўйдим-ку, Олияхон бирон гапга биздан хафамми ёки?!— Мақсад биби ошини дамлаб қўйганида чақирган меҳмонни келмаслигини эшитган одамдай, ғамгин қиёфага кирди.

Камол чолу кампирга Мунаввар биби дунёни бузиб, Олияни олиб қолганини тушунтириб берди.

— Хафа бўлма... Сан Камолбойнинг тўйига хизмат қиласан!.. Олияхон жойига тинч ўтиргани маъқул, де-

майсанми?! — гап қўшди Мутавалли бобо. — Кайвони тўғри иш қилибди...

Камол шу кунн, ўзи билан Олия ўртасидаги муҳаббатга Қосимнинг адоватли муносабатини кўролмаслик нишонаси, деб билди, агар Қосим менга чиндан дўст бўлса-ю, Олияга қачондир эзгуликни истаган бўлса, албатта, бундай қилмасди, деб ўйлади. У, Олия билан қизишиб баҳслашган кунда айтганидай, Қосимга номаълум муносабатдан аниқ муносабат йўлига ўтди. Қосим билан кўришмай юрди, рўпара келган фурсатда, гаплашмади. Бироқ бу муносабат узоққа бормади. Қосим гўёки айбини бўйнига олган одамдай, Камолга биринчи салом бериб, ўзаро яхши муомалани сақлашга урингандай бўлди. Камол гарчи кўнглида Қосимнинг саломини, гапини нафрат билан қабул қилса-да, салом берган кишидан оддий саломни дариг тутини мумкин эмаслигини ҳис этиб, бора-бора Қосим билан оддий бир танишдай расмий муомалада бўла бошлади...

Камол ердан қор кетишини ҳеч қачон бунчалар интиқ кутмаганди!

У баҳор кунларидан бирида Олия билан қовушини ўйлар, тўю-томоша, фароғатли турмуш ҳақидаги ширин хаёллардан кўкси кўтарилиб яшарди.

Икки ёш кўл этакларида, дала-даштда армонсиз кезиб юришар, ўтган кўнглил гашликлари унутилган, кўкни тутган катта-катта булутлар ҳам уларнинг бахтига соя ташлашга ожиз келадиганга ўхшарди...

Камол орзу қилган кунлар яқинлашди. Ернинг томирларига ҳарорат югуриб, гарновлардан шариллаб сув кела бошлади...

Камол бир кунн Олияга болаликдан кўнглида мотоцикл олиш ҳаваси бўлиб, бу ҳавас ҳозирга қадар амалга ошмаганини айтди. У эртаси кунн кечга томон Бунёдга бориб, Қувват бобони кўрмоқчи, баҳонада Вафо билан мотоцикл тўғрисида гаплашмоқчи эди. Шунинг учун кечаси Олиянинг уни деразасига бир қараб кетиши муқаррар эканлигини билдирди.

— Кўришмаганга яраша, — деди Камол, — ақалли чирогингизни бир кўриб кетмасам, кўнглим тинчмайди...

— Овора бўлиб, деразага қараб юрмасангиз ҳам майли. Бир кунн бир йил эмас-ку! — деди Олия.

Камол эртаси кунн Бунёддан ўзи олдин тахмин қилганича алламаҳалда эмас, эндигина тун чўккасида қайтди. У қишлоқ кўчасига келди-ю, тўғри Мунаввар бибининг ҳовлисига қараб юрди.

Олиянинг яхлит темир панжара тутилган деразасида чироқ кўринмади. Камол, «ҳали Олия уйга қайтмади», деб ўйлади-да, қишлоқ кўчасидан янги иморатларга қараб юрди. Лекин бир қаватли кутубхона биносига рўпара келди-ю, бу бионинг деразасида ҳам чироқ ёнмаётганини кўрди. Шошилиб зинадан юқорига кўтарилди. Ажаб, эшикка гурзидай қулф солинган эди.

Камол телбаланиб изига қайтди. Олиянинг яхлит темир панжара тутилган деразасида ҳамон чироқ кўринмасди. Камол қизнинг қаерга, нима учун ғойиб бўлганини билолмай, эсини йўқотди. Кўнглига ғулғула тушиб, беихтиёр хаёли қочди.

\* \* \*

Олиянинг ҳаммага бирдай ишониб, одамлардан қусур эмас, кўпроқ фазилат излаши, соддалиги ва қону жонида қусурларга муросасиз қараш хислати йўқлиги унинг бошига бало бўлди.

У Когон шаҳарчасида ўтган болалигини — умри баҳорини унутолмас, ўша баҳорда қизнинг табиатида кўринган бутун ранглар муайян бир шаклу шамойилга кирган эди.

Когон шаҳарчасининг қоқ ўртасидан қатор темир излар ўтиб, шаҳарчаин иккига бўлиб ташлаган, бу ерда кундузлари ҳаёт қайнар, кечалари ҳам туннинг босиқ сукунатиини поездларнинг пишиллаб-пишқириши, темир изларнинг тарақ-туруқ шовқини, машиналарнинг тариллаши ва, умуман, ниҳоясиз сурон узлуксиз бузиб турарди. Бундан талай йиллар бурун эрталаб ва кечки пайтлар Бухоро шаҳар бекатидан Когонга уч-тўрт вагонли кичкина поезд қатнар, уни «Бухорка» ёки «поездча» деб аташарди. Бу поезд ўрнида энди автобус қатнови пайдо бўлган, олис йўлларга кўприк вазифасини ўтагувчи Когон бекати бухороликлар учун «станция»га айлангану йўллар неча марта кенгайиб, энди шаҳарчада сурон янада авжига минган эди.

Олиянинг ота-онаси темир йўлда ишлашарди. Улар вазмин, дағал ва бужур тошлардан эътибор бериб қурилган бекат биноси олдидаги майдончага келиб уланган сердарахт, соя-салқин пасткўчада истиқомат қилишар, темир йўлсиз, суронсиз ҳаётни тасаввур этишлари қийин эди.

Олия болаликдан ота-онаси ишлаган бекатини кўриб, темир излардан тинимсиз ўтиб турган поездларга маҳлиё бўлди-да, уларга миниб, олис-олис сафарларда

юришни жуда эрта орзу қилди. У болаликдан кўпинча дугоналари, дўстлари билан шаҳарча богига—ўтмиш замонада Бухоро амири ва Русия императорлари «дўстона учрашув» ёки «мулоқоти» мўлжалида қурилган ҳашаматли қаср теграсидаги боққа бориб турарди. У, айниқса, мактабга эртароқ отланиб, наҳорда боққа ёлғиз кириб айланишни яхши кўрарди. Меъморчилик санъатининг гаройиб, хаёлий бир ёдгорлиги бўлган, нақшлари ранг-баранг товланиб, қуббалари сирли жимирлаган қаср ҳам, бу қаср эшикларида соқчидай турган, бошига қадимий қиррадор фонус қўйдирилган нозик устунчалар ҳам, қуюқ боғнинг ўзи ҳам сокин саҳарда гўёки мудрарди. Шундай саҳарларда бу атрофда ўзаро гўнғирлаб, ўйин майдончаларни супуриб-сидираётган паканагина бир чолу новчагина бир кампирдан бўлак ҳеч ким кўрнимас эди. Боққа кирган Олия ҳам уюм дарахтлар остидаги характер келиб ўтирар, поездларнинг пишқиришини ўйчан тинглаб, олис-олис сафарларга чиқишни ҳар кунни янгидан орзу қиларди.

Шаҳарча маркази, асосан, темир йўлнинг нариги томонида эди.

Олия мактабга борганида, бозорни айланиш ёки катта магазинларни кўриш зарурати туғилганида, янги фильмни томоша қилиш хоҳиши пайдо бўлганида, ҳар сафар темир йўл устидаги осма кўприкдан ўтарди. У юзлаб темир зиналардан аста-аста юқорига кўтарилар, нари ва бери томондан сим парда тутилган баланд кўприкка етганида, болаларча орлиқиш, андак ғурур, андак ваҳм билан бир-биринга чирмашиб ётган изларга, одам ва юк ташийдиган поездларга юқоридан узоқ-узоқ тикиларди. Сўнг, юзлаб темир зиналардан пастга тушиб, ўз юмушларини адо этар, уйга қайтиши керак бўлганида, тагин кўприкка кўтарилиб, тагин орзиқиш, ғурур, ваҳм билан пастга қарарди. У олис-олис сафарларга чиқишни орзу қилар, унга фақат шугина ҳаётидаги бириччи ва охириги мақсад-муддао бўлиб туюларди...

Олия сафарга чиқадиган кунлар ҳам келди. У ўқиш баҳонасида ота-онасидан рози-ризоликни олиб, Тошкентга жўнади.

Қизни онасининг ўлими саросимага солди.

У отасининг раъйига қараб, ўқишни чала қолдирмади. Аммо ўқишни битиргач, албатта Когонга бораман, отамнинг пинжига кираман, деб хаёл қилди.

Когонга қадам қўйганида, отаси уйланганини кўрди.

Ота қизининг кўзига тик қараёлмади. Бироқ ўзини оқлашга ҳаракат қилди:

— Биз орзу-ҳавас ёшидан аллақачон ўтганмиз. Икки қария фақат зарурат юзасидан қовушдик, қизим... Одам қариганда, ёлғизлик даҳшат нарса экан! Дунёда ҳар кимнинг иссиқ-совуғи бор... Қари одамлар бир-бирига суюнмаса, кўпга бормасдан йиқилади...

Олия отасини айбламади. Лекин бўйга етган қизнинг янги она олдида ўтириши нақадар оғир эканлигини ҳис этиб, Когонда тургиси келмади. У Бухоро шаҳрига келди ва область газетасини кўздан кечириб ўтираркан, тўппа-тўғри бир ёқларга бош олиб кетаверишга қарор қилди.

Чаман қишлоғига қадам қўйган Олия шаҳарни кўрган, афтидан, ақлли, маърифатли Қосимни учратганига бошда чексиз қувонди. Шаҳарни кўрсин-кўрмасин, Қосимга нисбатан ақллироқ, маърифатлироқ, ниҳоятда олижаноб одамлар қишлоқда кўплигини билгандан кейин эса, унинг Қосим билан дўстликдан чекинмиш даври бошланди.

Олиянинг бундай чекинишига Қосимнинг ўзи сабабчи бўлди.

Қосим қизнинг қўлини, елкасини тутуш, унга суйкалишга уриниб, шундай йўл тутишга ўзини ҳақли деб билганини намойиш қила бошлади. У Олияга ўзининг хатти-ҳаракатини ёқади, деб ўйлаётганга ўхшар, қизнинг силташларини нозу фироқ, деб қабул қилаётгани кўрниб турарди.

Олия Қосимнинг машинасида бир гал универсал магазинга бориб қайтганидан сўнг, бу йигит билан, умуман, кўчага чиқиш, узоқ суҳбатлашишдан кескин бош тортди. Ушанда улар бир оз низолашиб ҳам қолишди. Қосим магазиндан қайтишда қизил «Москвич»ни йўл чеккасида тўхтатиб, чўнтагидан сигарета чиқарди-да, асабий гугурт чақди.

— Сенга уй-жой топиб, сени шу қишлоқда олиб қолган одам мен бўламан-а? — деди у бошини орқага виқор билан ташлаб, паирос тутатаркан.

Олия қишлоққа келиб, бу йигит таклиф қилган кулбага кирганида, унинг ўзи қачондир миннат оҳангида гапириши мумкинлигини ўйламаган эди. У бутун қишлоқ кишилари орасида Қосимга энг аввал суюнган-ю, биргина шу йигитга Когонга бориши қийинлигини айтганига ўкинди.

— Сиз нимага бу гапларни гапиряпсиз?! Уй керак

бўлса, бўшатиб берайин, лекин сиздан иккинчи бу гапларни эшитмайин...

Қосим Олиянинг Камол билан танишиб қолгани-ю, кўча-кўйда кезганидан норози эканлигини айтди.

Олия қачондир бу йигит ўзига отахондай йўл-йўриқ кўрсатмоқчи бўлиши, хўжайинлик қилиши мумкинлигини хаёлига ҳам келтирмаган эди. У қишлоққа қадам қўйганида тўғри колхоз идорасига кириб, ҳамма масалани рўйи-рост ҳал қилмагани, Қосим кўрсатган жойга эргашиб бораверганига энди қатъий пушаймон бўлди.

— Мен сизга ҳисоб беришим шарт эмас,— деди Олия. — Лекин, билгингиз келибди айтай, Камолнинг менга муносабати яхши, мен ҳам у кишини ҳурмат қиламан. Сизнинг бу тўғрида гапиришингиз уят бўлади...

— Менга гап ўргатма! — бўш келмади Қосим. — Мен сенга эзмаланиб ўтирмайман... Агар бундан кейин ёнингда биронта йигитни кўрсам, ўзингга ёмон бўлади. Гап тамом!...

— Тушунмадим, сизнинг менга бундай муомала қилишга нима ҳақингиз бор?! Мени олдиндан таниб, менга уй топиб берганингиз учун шундай муомала қиляпсизми?! Қизиқ... Отангиз бригадир бўлган эканлар, у киши, ҳамманинг менга иши тушадн, деб одамларга шундай муомала қилганми ёки?!

— Гўрда ётган одамга тил теккизма!.. Мен сенга уй учун гапирётганим йўқ... Мени сенга хўжайинлик қиляпти, деб ҳам айлама. Мен фақат сени яхши кўраман...

— Камол дўстингиз билан менинг муносабатимни била туриб, шундай гап қилишга уялмайсизми?!

— Камол сенинг битта тирноғингга арзимаёди... Мен бўлса, хотинимни ҳайдаб, сенга уйланаман...

Олия Қосимнинг бошда яхшилик қилиши бесабаб бўлмагани, унда қандайдир ёвуз мақсад-муддао яшириниб ётганини энди фаҳмлади.

— Кечирасиз... одамнинг оғриб турган яраси устига туз сепиш яхши эмаслигини биламан. Лекин, ҳозир сиз мени шунга мажбур қилдингиз... Сиз саҳнада артист бўлолмай, ҳаётда артистлик қиляпсиз. Камолга муомалангиз худди шундай. Менга муомалангиз... Мен сизга ҳеч қачон гап ўргатмайман. Фақат, бир гапни айтиб қўяй. Саҳнадаги ўйин — шараф! Ҳаётда бўлса, бундай ўйин чиройли чиқмас экан...

— Мендан айб қидирма... Бўлди!..

— Бўлди, десангиз, бўлди-да... Ҳайданг машинани... Улар қишлоққа қайтиб келишди.

Олия машинадан тушганидан кейин, Қосимга тили учида турган гапни айтди:

— Мендан хафа бўлманг. Агар дўст бўлиб қолайлик десагиз, бошқа ҳеч вақт бугунгидай сўзлашмайлик...

Қосим индамади. Аммо индамагани унинг Олия айтган фикрларга қўшилгани эмасди. Олия ўша кундан сўнг, бу йигитдан қанчалик кўпроқ юз бурса, Қосим, аксинча, шунчалик кўпроқ унинг изига тушди. У маврид топиб кутубхонага кирар, тахта тўсиқдан ичкарига ўтиб, Олиянинг қўллари, елкаларидан тутмоқчи бўлар, жавонлар орасида бемалол айланиб, қўполлик билан китобларнинг тартибини жўртгага бузар эди. У китобларни баъзан гўёки қўлдан тушириб юборган одамдай ерга ташлар, уларни шалдиратиб варақларди.

Олия ўзини Камолнинг пинжига ургиси, юзага тўла қалқмаган ёвузликдан Камолнинг ҳимоясига сиғиниб халос бўлгиси келарди. Бироқ иккинчи томондан, шу паллада у Камолда қатъият етишмаётганини кўриб эзилар, йигитга ортиқча суйкалиб, унинг шон-шхтиёрига зид йўлни тутишдан ор қиларди.

Йўқ, Олия Камолсиз илож топди.

У, бир куни Қосим кутубхонага киргани заҳоти эшикка дадил юриб, Раҳматовга учрамоқчи, унга Қосимнинг ноҳўя хатти-ҳаракатларидан шикоят қилмоқчи эканлигини айтди. Қосим бўйинини қисганича, Олиядан олдинроқ кўчага чиқиб кетди.

Олия ўзи билан Қосим ўртасида узоқ давом этган кўнгилсиз гаплардан Камолга ҳеч қачон оғиз очмади. Камолдан ўзи учун курашишни талаб қилаётгандай бўлиб кўринишни истамагани-ю, Камолга ортиқча озор бергиси келмагани бунга сабаб бўлди.

Олия Раҳматовни ўртага солмоқчи бўлганидан кейин, Қосим кўп ўтмай, уй тўғрисидаги можарони кўтарди.

Можаро яна Олиянинг фойдасига ҳал бўлди.

Қосим энди бутунлай мағлуб келганини тан олгандай, узоқ фурсат жим бўлиб кетди ва бехосдан, Камол мотоцикл ташвишида Бунёдга кетган кун, кутубхонага қадам қўйди.

Олия рўпарасида Қосимнинг бехосдан пайдо бўлгани-ю, кўзлари чарақлаб, шодон жилмайиб турганини кўрди-да, унинг ўртада ўтган қанча совуқ гаплардан кейин, нега бундай ҳолатда кириб келганига ҳайрон бўлди.

Қосим рангсиз катак кўйлак кийиб, енгларини ши-

марган, қора кўзойнакни қўлида енгил ўйнар, гавдасига нисбатан катта, вазмин бошини мағрур кўтариб, худди гуноҳлардан пок-фориғ бўлган киши сингари эркин, содда жилмайиб турарди. У ҳозир фақатгина ёмон тарбия кўрганидан умрида кўп жўяли ва ножўя ишларни баббаравар қилган, аслида, кўнгли беғубор, эрка ўсган тапти ўсмирларга ўхшарди.

— Салом алайкум... Яхшимисан?!

— Раҳмат...

— Мен бугун сен билан бир оз юракдан гаплашиш учун келдим. Ўтган ишга салавот. Ўтган гапларни эсламайлик... Биласанми, бугун мен учун байрам. Бухоро театри «Гамлет»ни қўйибди, шуни кўрдим. Менга, ҳар қалай, ёқди. Лекин, ростини айтсам, артист бўлганимда Гамлетни ўзим ўйнардим. Ахир, бу пьесани мен бошдан-оёқ ёд биламан, кейин мен ўзимча Гамлетни бу артистлардан кўпроқ яхши кўраман... Муҳаммаджон Рафиқов уни ёмон ўйнамаган. Лекин мен ундан ўтказардим...

— Билмадим-ку, менимча, четдан доим шундай кўринади...

— Мен ўзимни мақташ учун гапирибманми!.. Мақтанадиган бўлсам, бемалол айтишим мумкин, мен Гамлетни анча дуруст ўйнаган бўлардим...

— Эҳтимол...

— Юр, бир оз ҳавога чиқиб гаплашайлик, хона дим, юрагим сиқилиб кетяпти...

— Шу ерда гаплашганимиз маъқул...

— Юр энди... Бугун уйдан машинани олиб чиқмадим, пиёда айланамиз...

— Йўқ, мен Камолдан бошқа одам билан кўчага чиқиб айланмайман...

— Қўйсанг-чи, бекор гапларни... Йигит билан қиз дўстона шундай айланмасин, деган гап кимдан чиққан! Биз ҳаммамиз ҳам, аввало, одаммиз-ку!.. Нима, менга ишонмайсанми?!

Олия индамади.

— Бу ерда нафас олиш қийин. Устига, менинг чеким келяпти, чексам, ҳаво баттар димиқади, чекиш мумкин ҳам эмас... Уйга кетадиган вақтинг ҳам бўлди, ярм соат айланамизу уйингга кетасан.

Олия иккиланди.

У бир томондан, ўртада ўтган кўп совуқ гапларни эслаб, Қосимнинг самимиятига ишонмаган эди. Аммо иккинчи томондан, болалик йиллари очиқ кўнглили йи-



гит-қизлар даврасида эркин юргани-ю, бу ерда Камолнинг раъйига қараб «ичкари»да яшаётгандай ҳолатга тушганини, бундай яшаб бўлмаслигини ўйлади. Фақат бугина эмас, Олия қишлоқда кимдир ўзига, Камолга нисбатан бундан сўнг ганим бўлиб қолаверишини истамас эди. Агар ҳозир ўртадаги адоват губорини артмаса, узоқ йиллар Камолнинг ҳам, ўзининг ҳам, Қосимнинг ҳам таъби кирланган ойнадай хира бўлиб қоладигандай туюлди унга.

Олия ўрнидан турди. Қосим билан ташқарига чиқиб, эшикка қулф солди...

\* \* \*

Олиянинг ғойиб бўлганини кўрган Камол, бошда: «Балки, у Мунаввар бибининг қошида ўтиргандир. Балки, қизлардан биронтаси уйига олиб кетгандир...» деган хаёлларга борди; шу хаёллардан ўзига таскин қидирди. Бироқ унга ўзини-ўзи алдаётгандай бўлиб туюлди-да, шундай бўлиши мумкинлигига ақли бовар қилмади. Кейин хаёлига: «Олия олдинги гина-кудурат билан бирон томонга бутунлай кетиб қолмадимикан?!» — деган гаплар келди. Бироқ қатъий «кетгин» деган чоқда ёки уй устида можаро чиққанида, қишлоқдан кетгиси келмаган Олиянинг бекордан-бекор бирон томонга кетиб қолишига ҳам кўнглида ишонмади.

У, шунда, ўзи Олияга кеча: «Ақалли чироғингизни бир кўриб кетмасам, кўнглим тинчимаydi», — деганини эслади ва Олиянинг хайрлашиш олдидан айтган гапи қулоқларида такрор янгради:

— Овора бўлиб деразага қараб юрмасангиз ҳам майли. Бир кун бир йил эмас-ку!

Унга кеча оддий бўлиб кўринган бу гап энди бошқача таъсир қилди. Аввало «овора бўлиб» деган сўзлар гашига тегди. Сўнг назарида, Олия «келолмайман» деган гапни мамнун ҳолатда қабул қилиб, бугун «Камол бари бир йўқ-ку!» деган хаёлда ким биландир эркин сайрга чиққандек бўлиб кўринди. У кутубхонага қатнайдиغان Латиф, Чаққонбой, Башар, Маҳмуд сингари қишлоқ йигитларини эслади. Маҳмуд бир куни далада, одамлар орасида Олиянинг номини тилга олиб «ажойиб қиз», дегани-ю, эзмаланиб, «ўзимни опам», деб кўйгани ёдига тушди-да, гаши келди.

Камолнинг кўнглида ётган эски шубҳа илони қайтиб жилпанглаб, яна бошини кўтарди. У жони оғриб, қишлоқ кўчасида нари-берига нотинч юрганича, Олия-

нинг қайси соатда, қаердан бўлмасин, пайдо бўлишини кута бошлади ва асабий ҳолатда ҳар дам, ҳар замон Мунаввар бибининг дарвозаси-ю, Олиянинг яхлит темир панжара тутилган деразасига қарай бошлади.

Тун қоронғи эди. Бир-биридан узоқ ўрнатилган сим-ёғочлардан айримларида хирагина чироқ ёнар, айримларида буткул ёнмас, бир умр нимадандир норизо бўлган зикна кўл пашшалари тинимсиз гингиллаганча ним қоронғи кўчада кезиб, ғашга тегишар эди.

Камол бир гал Мунаввар бибининг ҳовлисига яқин келганида, кўча бошида кимнингдир қораси кўринди.

Қора яқинлаша бошлади. Унинг гавдаси увоққина, боши гавдасига нисбатан вазмин, сочлари жингалак эди.

Камол Қосимни таниб, Олиянинг уйи остонасида асабий тентираб юрганидан уялди. Қосим ичида кулиши мумкин! Ҳеч бўлмаганда, мен олдин айтмабмидим бу қиздан кечишни, мапа, кунинг пойлоқчилик қилишга қолибди, ўл бу кунингдан, деб ўйлаши мумкин!

Камолга гарчи Олияни кутиб турганини Қосимдан яширишнинг фойдаси йўқлиги маълум бўлса-да, у ўзини гўё шунчаки кўчада кетаётгандай қилиб кўрсатишга тиришди.

— Салом алайкум... Яхшимсан, оғайни?!

— Э, дуруст...

Камол, Қосим магазинда кечроққача ўтиргану энди уйга қайтпти, деб ўйлади.

— Уйгамп?!

— Ҳа, уйга, оғайни...

— Мен ҳам бир оз айланиб...

— Яхши-и...

Камолга ҳозир, икки оддий танишга айланган икки эски қадрдоннинг гапи қисқагина бўлгани хуш келди. Уялганидан тезроқ нари кетди, аммо Қосимнинг шарпаси тингач, унинг ўзи ҳам кўча пойига қараб юрди. Мутавалли бобонинг ҳовлисига яқин келиб, яна орқага ўгирилди-да, юқорига қараб кета бошлади.

Бу сафар ҳам кўча бошида кимнингдир қораси кўринди.

Қора яқинлаша бошлади. Бу — нозиккина аёл қомати эди. Сочи бошига баланд турмакланган, енгил оқ крепдешин кийган. Олия!

Олия дарвоза олдидан тўғри пахса девор панасига ўтди.

Камол қизнинг ёнига келди. Олия нечундир бема-

жол ҳамда қандайдир паришон ва қўрқувданми, негандир бир оз титраётгандай кўринди.

— Нима бўлди, а?!

Олия «ҳеч нима» дегандай, бошини икки ёнга тебратди, аммо шу лаҳзада кўзлари, ёшданми, ярқираб кетди. Камол қандайдир кўнгилсиз воқеа рўй берганини сезиб, безовталанди.

— Гапирмайсанми! Нима бўлди?!

Олия ногаҳон ўзини Камолнинг бағрига урди ва қаттиқ титрай бошлади. Камол уни бағридан асабий узди.

— Гапирмайсанми?!

Олия ҳўнграб йиглаб юборди.

— Сиз энди мени яхши кўрмайсиз!.. — деди у йиғи аралаш. — Энди ҳеч қачон яхши кўрмайсиз!.. Билман, бари бир энди яхши кўрмайсиз...

Камол Олиянинг ҳолатидан эсини йўқотиб, даҳшатга тушди.

Олия Қосим дўстона гаплашмоқчи бўлиб ёнига келгани-ю, озгина гаплашишга таклиф қилгани, аммо далага чиққанларидан ва кеч қоронгиси туша бошлаганидан кейин йўлини тўсиб, қучоқламоқчи, ўпмоқчи бўлганини айтди.

Камолнинг жони ҳалқумига тиқилди.

— Сен нега у билан айланишга чиқасан?!

— Мен уни, нима бўлганда ҳам, одам деб ўйлабманда... Аввал тўғри гаплашди, ўтган ишга салавот, деди, ишонсам, охири орқамдан ярим соат қувиб юрди. Базўр қочиб қутулдим...

— Айлантириб урмайсанми бундай!

— Мен уни қандай ураман!.. Умримда бировга қўл кўтармаган бўлсам...

Камолнинг қалбида аёвсиз бир ғазаб уйғонди. Бу ғазабни — Қосимни кечириб, даррси ишонган, ахийри боладай қўрқиб қочган, Қосимни парчалаб ташлаёлмаган Олиянинг бошига тўкиб, ҳозир ҳалқумига тиқилган жонига ором бергиси келди:

— Кет уйга... Кет, деяпман...

Олия бошини букиб, осий сингари ундан маъюс узоқлашди.

Камол баёнсиз бир аламга, ғазабга тўлиб, уйига қайтди.

У туни бўйи мижджа қоқмай, ўринда илон чаққандай тўлғаниб чиқди. У Қосимни доим оқлаб, унга ишонгани учун, табиатан мулойим, беозор, қатъиятсиз бўлгани учун, энг аввал ўзини кечиролмас эди.

«Муттаҳам, бизнинг ишонувчан бўлганимиздан фойдаланиб юрган экан! — ўйларди Камол. — Бундайларга одамлар ишончи доим қўл келади. Бундайлар бизнинг ҳеч кимга кескин муомала қилмаслигимизни яхши билишади. Шундан, менга гап ўргатма, мендан айб қидирма, деб бизнинг ўз гапимизни ёқамиздан узиб олишадилу, бўйнимизга шаппа ёпиштиришади! Кейин, ўзларини олижаноб одамдай мағрур тутиб юраверишади...»

Камол Акбар ва Қосим билан латтадан тикилган олақуроқ папкани елкага осиб, қорлар, ёмғирларда узун, ингичка сўқмоқлардан мактабга қатнаган кунларини эслади. Ушандан буён кўп сувлар оқиб ўтди. Ушанда бир-бирига ўхшаган, ҳаётга бирдай ёруғ, умидвор кўз билан қараган норасидалар, йиллар ортда қолғач, наҳотки, бир-бирига ўхшамаган, ҳаётга турлича кўз билан қарайдиган кишиларга айланиб кетишган бўлса?!

Камол, Олияга ўзи билан Қосим икки хил муддао йўлида муносабатда бўлишганию, тўқнаш келишганини, бошда, ўзини чеккага секингина суришга уринган Қосим, охир-оқибатда очиқ ғанимга айланганини англади.

У Қосимнинг ҳали йўлда ўзига учраб, бегараз кишидай салом-алик қилиб ўтганини эслади-да, бу йигит панада хиёнат қилиб, ўзи билан пинак бузмай қандай гаплашиб кета олганига ҳайрон қолди...

Камол кун кўкариб, хўроз қичқирганида ўрнидан турди. Ювиниб, кийинди. Кўчага чиқди...

Тонг ёришаётган қишлоқ кўчасида ҳали ҳеч ким кўринмас, дарвозалар берк, фақат саҳархез чолу кампирларнинг кучага қаратилган битта-яримта деразасида чироқ милтилларди. Очиқбми, бирон шарпадан нотнчланибми уйғонган итлар гоҳ дашт ёқда, гоҳ шаҳар тарафда калта вовиллар, уларнинг ҳуриши даканг хўрозларнинг қичқиринини авжига кўтарарди.

Камол тўғри манглайда чироқ ёнаётган икки тавақали қизил дарвозанинг олдига келиб, унинг бир тавақаси бағрида жойлашган эшикчани тақиллатди.

Ичкаридан «ҳув» деган овоз келди.

Сўнг, дарча очилди.

Қосим Камолни кўриб, уйқуси бузилганидан жаҳли чиққандай, бехос тумтайди.

— Нима дейсан?!

— Чиқ ташқарига, гапим бор...

Қосим ташқарига чиқди.

— Кеча Олиянинг ёнига нега бординг?!

Қосимнинг қонсиз юзи тиришиб, кўзлари совуқ ярқиради:

— Нима, мени сўроқ қиляпсанми, оғайни?! Кеча сен ҳам уйи олдида юргандинг, мен сендан бирон гап сўрамадим-ку...

— Сен ҳали мен билан ҳақ талашяпсанми?!

— Гап ҳақ талашинида эмас. Қўриб турибман, Олия сенга ўзини оқлаб, мени қоралаган. Ҳолбуки, сен билмайсан, унинг ўзи...

Қамол ади-бадига энди ортиқча тоқати қолмай, Қосимни бўғзидан тутиб, икки юзига бехос икки тарсаки тортди-да, уни даст кўтариб, дарвоза тавақаси бағрида жойлашган эшикчадан ичкарига кескин улоқтирди.

У изига вазмин қайтаркан, қўлларини ёзиб, кафтларига, бармоқларига қаради. Шу аснода қўллари қандайдир булгангандай, қўлларини тезроқ ювиши керакдай бўлиб туюлди унга.

\* \* \*

Райҳон бибининг кўп йиллик орзуси ушаладиган сониялар келди.

Бир кун и уларнинг ҳовлисига кўк духоба кийиб, зангор рўмол ўраган Мақсад биби қадам қўйди-да, уйни йиғишга овора бўлган Райҳон бибини қисташга тушди:

— Дарравгина устингизга тоза бир либос кийинг... Ман савчилкка борайлук, деб келдим...

— Қамолбойга саруло кам... — минғирлади Райҳон биби.

— О, ман айтгандан кейин, мунча ўтирманг охир... Ҳамин ялгон гапга чи зарурат?! Қамолбойга саруло аллақай муҳайё...

— Гапини тўғриси, Қамолбой манга бари бир хотун олмайман, деган!..

— Би-и... Ман у кишини рози қилмасам, сизгинага гапириб юрмайдим...

Райҳон биби довдираб қолди.

— Қимга борайлук, дейсиз?!

— О, жойингиздан аввал туринг, қани.

Райҳон биби гапининг рост эканлигига энди ишониб, ўрнидан қўзғалди.

У гуллари олачалпоқ, кенг, узун кўйлак устидан юпқа матодан тикилган шундай кенг, узун зангор кўйлакни кийиб, пахмайиб, елкаларида тўзиб ётган сочларига тароқ урди ва бошига ҳам зангор дуррани тангиб, худди Мақсад бибидай намоёншга кирди.

— Иби, нону патир ёпмай, қандоқ борамиз! Мангинага эс йўқ, — деди у бирдан бўшашиб.

— Нону патирни ман ёпдим... О, ман сизгинага машаққат бўлмасун, дейман-да...

Ниҳоят, кампирлар кўчага чиқишди.

Улар дастурхонга бўлажак келинга «кўз ҳақи», деб кўйлаклик атлас, зардўз дўппи, нону патир, қанду қурсни ўраб, тўғри Мунаввар бибининг ҳовлисига келишди.

Мунаввар биби чой дамлади, қозон осди.

У меҳмонлар нимага келишганини яхши билса ҳамки, ярим косадан шўрва ичиб, яна чойга ўтгунларича индамади ва ахирий ўзини гап билмаганга солиб, меҳмонларга кибор сўз қотди:

— Мани уйимга мундай келишларингга, албатта, бир гап бор... Хўш, хизмат?!

Мақсад биби Камол билан Олиянинг бир-бирига майлу рағбати борлигини айтиб, Олияга «харидор» бўлиб энг аввал бу хонадонга келишганини, Мунаввар биби тўйга розилик берган тақдирда, фақатгина унинг бошчилигида Когонга бормоқчи эканликларини билдирди.

Мунаввар биби нозу фироқ қилди:

— Ман қизимни ҳеч кимга бермайман. Бир оз юрсун, манга оғирлиги тегмайди...

Мақсад биби Камолнинг ақлли, ишчан, камтар йигит эканлигини эслатди. Мунаввар биби Олиянинг на фаҳму фаросатда, на ҳусну таровағда биронта қиздан кам эмаслиги-ю, меҳнаткашликда ҳам қишлоқ қизларидан қолшмаслигини айтди.

Меҳмонлар кайвонини алдаб-сулдаб, кўндиришди...

Когонга бориб, Олиянинг отасидан ҳам розилик олингач, тўйга тарадуд бошланди.

Камолнинг кўнглида баёсиз бир нохушлик бор эди. Бу нохушлик тўй бошланган кунда ҳам унинг кўнглини тарк этмади.

Тўйхонага қадам қўйганлардан кимдир, бехос: «Қосим жўрангиз кўринмайди», — деб сўрар, кимдир: «Нонни кўпроқ ёпиш керак. Ҳозир ун Қосимнинг магазинида бор!» — деб маслаҳат берарди.

Камол ўзининг сирู асроридан кўпчилик беҳабар эканлиги-ю, ҳаммани хабардор қилишнинг кераги ҳам йўқлигини билар, аммо, ҳар қалай, ўз уйида, ўз тўйи устида шу йигитнинг номи тилга олиншини истамас, одамлар эса, бепарво гапириб, билмасдан унинг юрагини оғритишар эди...

Тўйдан бир кун бурун Зумрад билан Умар келишди.

— Менга уч кунга жавоб сўрадилар бу киши, — деди Зумрад эрига ишора қилиб. — Ховлига бошимизни суқдигу дарров бу томонга ошиқдик...

— Зумрадхоннинг ўқишлари оғир. Узимиз ҳам камдан-кам кўрамыз, — деди Умар. — Уқишлари битса, иккимиз яна янгидан тўй қиладиганга ўхшаб турибмиз...

Камол Зумрад билан Умарнинг бир-бирига тенг эҳтиромни, меҳру оқибатини кўриб, уларнинг муносабатига ҳаваси келди...

Чап қўлдаги уйда тўрт киши ўтиришарди. Райҳон биби нон тахлар, кексаларга эрталабки ош учун Камолнинг ўзи савзи тўғрар, йўлда ҳориб келган Зумрад билан Умар чой ичишар эди.

Райҳон бибини Мақсад биби деразадан чақириб кетди.

Унинг изидан Умар ҳам «ўтин ёриш, сув ташнишга ўхшаган ишлар кўпдир», деб, ташқарига чиқди.

Камол Зумрад билан ёлғиз қолди.

Зумрад худди пайт пойлаб ўтиргандай, шу дамда йигит қалбининг оғриётган ерига наштар санчди:

— Бу, Қосим ошнайсиз кўринмайди. Менинг тўйимга, хоҳламасам ҳам келиб, катта-кичикин сенсираб юрган эди-ку. Сизга нимага келмайди?!

— Э, биз уришиб қолдик, — деди Камол гуноҳкордай синиқ товушда.

— Биринчи жўрангиз-ку, Қосим. Урушманг эди! — таънакор гапиришни қўймади Зумрад. — Нимага уришасиз у билан?!

— У менгаям, Олиягаям анча ёмонлик қилди... Олияга ҳаттоки шилқимлик қилгани ҳам бўлди...

Зумрад ҳадеганда қайтиб гапга оғиз очмади. У Камолга ортиқча озор берганини сездими, Камолнинг алами тошаётганини кўриб таъсирландими, эрка-аразли ҳолатдан ўйчан ҳолатга кирди.

— Эҳ, менга шу Қосим шилқимлик қилмаганига қуяман. Биласизми, уни шундай ёқасидан бўғиб олардим у тугундай тағимга қўйиб ўтирардим! Мен уришган бир пайтим сизнинг у билан жўра бўлганингизни ўйлаб, сизнинг юзингиз учун ортиқча ўчакишиб юрмаганман!.. — Зумрад жим бўлди ва ногоҳ қаҳқаҳлаб эркин кулди. — Бир кунни ўқишдан группа бўлиб Бухорога бордик. Театрга кириб, қизлар билан олдинга ўтсак, бизга яқин бир жойда шу Қосим ўтирибди. Жўрттага ёнимдаги қизларга қизиқ гаплар айтиб бера бошладим. Кейин, ҳаммамиз гуруллаб кула бошладик. Қосим биз томонга қаради, мени кўрди-ю, бўзариб олдимиздан

қочди. Шундай қилиб, кулги билан уни ҳайдаб юбордим... — Зумрад ўйланиб қолди ва энди унинг ўтли, ўтжир кўзларида, бўлиқ, офтобда пишган қип-қизил юзида мардона бир шиддат акс этди. — Менга қаранг, агар майли десангиз, мен эртага магазинга бир кириб, Олия опа учун ҳам Қосимчани бир янчиб келишим мумкин. У менадан ичида кўрқадди, шундан мени асли ёмон кўрарди.

— Э, қўйинг-э!.. Сиз нима қиласиз аралашиб?!

— У сиз билан Олия опага яна бир вақт ёмонлик қилмасин, дейман-да. Битта қишлоқда турсангиз...

Камол хаёлга чўмди.

«Қани шу йигитни кўрмасам қишлоқда!— ўйлади у. — Балки, кўнглим ёруғ бўлармиди!.. Йўқ, гап фақат бизнинг қишлоқда эмас-ку...»

Камол Зумрадга босиқ, мулоийим гапирди:

— Сиз нима қиласиз аралашиб?! Керак бўлса, мен ўзим унга бас келмайманми?! Гап фақат Қосимда ёки у билан талашинишда эмас!.. Мен бошқа гапни ўйлаяпман. Қарилар, одам таниш қийин, дейди, шу тўғри экан!.. Мен кейинги пайтда одамни бир оз танийдиган бўлдим.

Зумрад Камолнинг фикрини кўнглида маъқуллади, уни баҳсга тортмади.

Камолнинг кўнглидаги бутун нохушлик, тўй оқшомида гуж аёл, оқ келин либоси кийган Олияни дарвозадан бошлаб кирганда, аста-аста тарқай бошлади...

Олия Камолнинг кўнглидаги нохушликни тўйдан кейинги илк кунлардаёқ бутунлай тарқатиб юборди.

У Камол билан ёлғиз қолганида, маъсум чеҳрасида болаларча содда жиддият акс этиб, сирли шивирлади:

— Мен умримда сизга фақат битта ёлғон гапирдим.

Шуни қайтиб оламан... Уқишга кетишимдан олдин Котонда мени бир йигит жинни бўлиб яхши кўрган, деганим ёдингизда борми?! Мени ҳеч ким яхши кўргани йўқ... Биров сиздай жинни бўлиб яхши кўрса, ёнига югуриб бормасмидим!.. Сизга айтган ўша гапим ёлғон...

У Райҳон биби билан ҳам тезда тил топишиб кетди.

Райҳон биби, кўп ўтмай, ипак қурти олди.

У, ўзи айвонга чиқиб, катта хонани қурт боқишга берди.

Кампир Олияни етаклаб юриб, келинчакка нима учун сўкчак ердан баландроқда тахт қилинган-ю, нима учун қурт барг орасига бир текисда сочиб ташланиши ва нима учун челақка чўғ солиб сўкчак остига қўйиш кераклигини тушунтирди.



— Ман сизга инак<sup>1</sup> соғишниям ўргатаман, — деди Райҳон биби Оляга. — Ут ўришниям, полизга қандай ишлашниям... Ман сизга ҳаммасини ўргатаман. Қишлоққа иш билмаган одам дар<sup>2</sup> қолади, балам. Сиз мани бошимдан кейин дар қолманг-да...

\* \* \*

Камоллар хонадони тўю-томоша ўтказган кунда Қосимнинг уйи гўёки яна бир карра азахонага айланди.

Қосим эрталабдан магазинни очиб, одатдагидек харидор пойлади. Аммо келган харидорлар нуқул Камол билан Олиянинг тўйидан гапирishaётганини кўриб, эзилиб кетди; магазин эшигига қулф солиб, уйига қайтди.

Уйда негадир Раъно ясашиб, қизчасини ҳам кийинтирган, афтидан, қаёққадир кетишга отланган эди.

— Нима гап, Раъно?! Тинчликми?! — сўради Қосим.

— Биз тўйга бормоқчи эдик, — деди Раъно. Кейин, бундай гап қилди: — Сиз бир умр тўйга ҳам, томошага ҳам ёлғиз борасиз. Мен-ку майли, бечора бола ақалли ўз қишлоғимизда ўтаётган тўйни кўрмаса...

— Йўқ, Раъно, тўйга бормайсизлар, — деди Қосим.

— Нима учун?

— Бормайсизлар! Гап тамом! — деди Қосим.

— Қишлоқда ҳамма одамлар борган тўйга биз нима учун бормас эканмиз?! Нима, биз одам эмасмизми?!

— Мен ҳам бормайман... Мен Камол билан уришиб қолганман.

— Сизнинг ихтиёрингиз ўзингизда. Лекин биз, бари бир, борамиз, — деди Раъно. — Бизни ҳам ёки отангизга ўхшаб қамаб қўясизми?! Қаманг!..

— Гапни кўпайтирма! Бормайсан, дедимми, бормайсан! — қизишди Қосим.

Раъно қизчаси қўлидан тутиб, эшик оғзида турганди. У қизчанинг қўлини қўйиб, пойгаҳда ётган каттакон сандиқ устига омонат ўтира қолди; кўзлари ёшга тўлди. Йўқ, Раъно ҳар қачонги сингари шу билан тинчиб, усти-бошини ечмади. У кўп ўтмай ўрнидан кўзга-либ, яна, паришон қўйга тушган қизчаси қўлидан тутди.

— Майли, биз тўйга бормаймиз. Майли! — деди Раъно. — Лекин мен отамнинг уйига кетаман... тўйдим...

У қизчасини судраганича, уйдан чиқди-кетди.

Пойгаҳда ётган сандиқ устига энди Қосим омонат

<sup>1</sup> Сигир, демоқчи. Қадим турк сўзи, Бухоро шеваси.

<sup>2</sup> Ночор-нонлож демоқчи. Бухоро шеваси.

Ўтирди. Бир оз гарангсиб ўтирди-ю, кейин ўрнидан сапчиди, ташқарига чиқиб, дарвозани кенг очди, машинани кўчага ҳайдади.

Қосим қишлоқдан анча нарида қизчасини судраб бораётган Раънога етиб олди. Қизчанинг оёқларини акалак-шакалак босиб онаси билан судралаётганига эътибор берди-да, кўнгли алланечук бўлди.

У машинани тўхтатди.

— Раъно! Раъно-о!..

Раъно майлсиз тўхтаб, Қосимга маънос қаради.

Қосим қизчасини қўлига олди; Раънодан машинага ўтира қолишини сўради.

— Мен ўзим сизларни элтиб кўяман, — деди у. — Отаиғ уйда уч-тўрт кун дам олгин, мен рози. Кейин, ўзим сизларни яна олиб қайтаман...

Қосим хотини, қизчасини машинага ўтирғизди, уларни ўзи қабиотасининг уйига олиб борди, қолдирди.

Бунёд қишлоғидан машинани дашт томон ҳайдаб, дашт бағрида машинани узоқ физиллатиб юрди, даштни айланди у. Фақат ёввойи ўтлар эмас, бу ерда тикан ҳам табиатнинг саховатидан баҳраманд бўлиб, қизғиш, сарғиш гуллар очишини умрида кўп кузатганди. Бироқ тиканнинг чиройли гуллашини шу кун илк марта кўраётган кишидек, кўнглида қандайдир севинчли туйди.

Қосим Камоллар уйда тўй бўлаётгани, ўзининг эса тўйга боролмаслигини ўйлади. Лаҳза ичида, қишлоққа қайтиб, тўйхонага дадил киргиси, Камолдан, Олиядан астойдил уэр сўрагиси келди. «Мен унчалик ёмон одам ҳам эмасман! — кечди хаёлидан. — Менинг одамларга ҳар қалай яхши, олижаноб муносабатда бўлиш қўлимдан келади!..» Йўқ, Қосим худди шу лаҳза ичида ўзини эди Камол ҳам, Олия ҳам кечирмаслигини, ҳеч қачон, барибир, кечирмаслигини ҳис этди. Қосим бунга ортиқча оғринмади. У ўзининг эзгулик ва ёвузликка йиллар давомида баробар таслим бўлгани, беқўним юрганидан — фақат шундагина изтироб чекди. «Мен нима учун бундай аросатда яшайман?!.. Нима учун?! — ўйлади Қосим. — Нима учун?!..»

У аламин, азобланишни хуш кўрмас, истамас эди. Хаёлида беҳосдан айланган саволга, шундан, ҳозир узоқ жавоб излаб ҳам ўтирмади. Машинани дашт бағридан тезгина катта йўлга олиб чиқди Қосим. Театрда томоша кўришга қарор қилиб, машинада Бухорога қараб жўнади...

## ХОТИМА

Биз ҳикоя қилган воқеалардан сўнг, орадан яна уч йил ўтди.

Олдинги йили Камол билан Олия Райҳон библини тупроққа қўйишди.

Кампир Олиянинг кўзи ёригани-ю, ўгил кўрганидан роса қувонди. У чақалоқнинг чилласи чиққунича, она-болага парвона бўлди — атала қайнатиш, тухум пишириб, устига мурч сепган ҳолда Олияга тутиш дейсизми, болани чўмилтириб, уни ўраб қўйиш дейсизми, ҳаммасини ўзи қилди. Ниҳоят, чилласи чиққан чақалоқни бешикка белашди, бешик бошида, Бухоро одати-га кўра, ёнгоқ чақиб, бешик устига яхши ниятда келтирилган матоларни ташлаб қўйишди-ю, Райҳон биби умрида бир марта чарчаганидан шикоят қилди.

Кампир тўшакка ётганича, қайтиб турмади.

Камол онасининг бошига сўнгги нафасда энгашиб, унинг кўзларида биргина гапни ўқиди:

«Ман энди сизларни кимга, қандай қолдириб кетаман!..»

\* \* \*

— Магазинга бориб келасизми?! Гугурт йўқ, совун...

Олиянинг гапи ўгилчаси Ботирни ўйнатиб ўтирган Камолнинг хаёлини бўлди.

— Майли, бораман...

У этигини кийди-да, айвонга чиқиб, мотоциклини етаклаганча, дарвозага йўналди.

Камол мотоциклини кўчада тариллатди ва лаҳза ўтмай, қишлоқ ортидаги катта анҳорнинг узун, ишгичка кўпригини бир лопиллатиб, колхоз марказига етиб олди.

— Салом алайкум, Бафо ака.

Бир даста сариқ қогозга қараб чўт қоқаётган Вафо бошини кўтарди.

— Ассалому алайкум... Бинойи юрибсизми, укажон, бақувватмисиз?! Шаҳарда ўқишлар яхши кетяптими?!

— Шукр, ака... Уқишга сиртдан қатнаяпман. Хонадоним тинч, ишларим ёмон эмас... Ўзингиз тузукми?! Бово тузук юрибдиларми?!

— Мен-ку милтиқчадай, лекин бовога маза йўқ. Тунов кун чорбоққа чиқиб, боз йиқилдилар, бово... Шу қари одамлар ўзи бир-бирига сўла суяб яшайканми, дейман, ҳамин Усмон бобо дунёдан кетганга тўққиз йил

бўлибди-ю, бизнинг бобо на у кишини ёдидан чиқорган, на олдингидай қоматини кўтарган. Ҳар йилли чорбоққа бир марта йиқиладилар бово...

— Гам қилманг, тузук бўлиб кетадилар, ака...

Вафо ўрнидан қўзғалиб чўт ва олдидаги сарнқ қоғозни тахта остига қўйди.

— Хўш, укажон, ман сизни хизматингизга...

— Гугурт олмоқчи эдим, совун бўлса... Қанду қурсдан ҳам беринг...

Вафо оёқ остидаги қутидан сиқимлаб гугурт олиб, тахта устига тўкди. Кейин юпқа қоғозга совун ўраб қўйди-ю, тарозиди қанд-қурс торта бошлади.

Камол ўзининг Қосим билан муносабатини узоқ кишилардан биргина Вафога айтиб берган, тўғрироғи, магазинга кириб туриш доний зарурат бўлиб, идора олдидаги магазинга унинг мунтазам қатнашга тушганини кўрган Вафонинг ўзи гап суриштиргану бутун воқеани билиб олган эди.

— Шу, укажон, магазин сизга жабр бўлди-да! — деди у тарози олдида туриб.

— Жабрлик жойи йўқ, ака. Пат-пат тагимда...

— Айтасиз-да... Мен бир гапни ўйлайман. Ҳозир, шукр, жангу жадал вақти ённки бошга, қандай бўлмасин, бир фалокат тушган давр эмас. Шундай кунда бир одам уч-тўрт қути гугурт учун овора бўлса, ҳамин ёмон гап-да...

— Нима қилай, ака, Қосимга юзма-юз келишни хоҳламасам...

— Сизга айб йўқ... Мен сизга аввалдан айтиб юрайдим-ку, бу Қосим ёмон, паст одам... Сизни шунча йўлга овора қилган ўшанга айб...

— Э, қўйинг, ўшани гапирмайлик, ака, турмуш уники, ўтгани ўтди, қолгани тагин ўзига ҳавола...

Вафо гапни ортиқ давом эттирмади.

— Халта-палта олиб келмадийизми, укажон?!

— Э, меннинг эсимни қаранг...

— Майли, ўзим ҳаммасини бирон нарсага ўраб бераман...

Вафо каттароқ қоғоз қидириб, токчаларга кўз югуртирди... Бир токчада газета тўпланиб ётарди. Вафо битта газетани олиб, уни ёзди.

Камол тушида кўрмаган, хаёлига келтирмаган га-ройиб ҳол рўй берди. У четдан газетага шунчаки қаради-ю, катта, қора ҳарфларда «Зумрад» деган ёзувга кўзи тушди.

— Э, тўхтанг, Бафо ака... Бу янги газетами?!

— Йўқ, эски...

— Янгига ўхшайди... Буни менга шундай беринг, ака, бизнинг Зумрадни ёзибди, чоги...

Бафо газетани Камолга бериб, тоқчадан бошқасини олди.

Камол газетани очиб, «Зумрад» деб ёзилган ерига қизиқсиниб қаради.

«Зумрад» деган ёзув юқорисида «Илғор аёлларимиз» деган сўзлар бўлиб, остида очерк деган сўз бор эди.

Камол биринчи сатрига қараб «Чаман қишлоғида...» деган сўзларни ўқиди. У ҳаяжонланиб, ошиққан бир кўйда, очеркни кўздан кечири бошлади ва энг сўнгги қаторда Акбар Мақсудов деган имзони кўрди.

Камол Зумрад билан ҳозир кўнглида қандайдир ифтихор туйди. Шунинг баробарида, ҳамма қизлар, аёллар ўзини машинага ураётгани яхши эмас барибир, бу ўзи нималар бўляпти, деб ўйлади. У Акбарни эслади. Бир куллар «Зумрад Акбарни яхши кўради», деб юргани ёдига тушди-да, унга ўзи ўша пайтлар ниҳоятда гўл бўлгандай туюлди.

Камол газетани буклаб, чўнтагига солди.

— Каттақон раҳмат, ака...

У харид қилган нарсаларини кўтариб магазиндан чиқди-да, қўлидаги юкни мотоциклниң орқа томонидаги тўр сим остига босиб, мотоциклни тариллатди.

Камол Чаман қишлоғи яқинидаги катта анҳорнинг узун, ингичка кўпригини лопиллатиб, анҳордан нари томонга ўтгач, мотоциклни бир дамга тўхтатди.

У бир чеккадан Чаман қишлоғига кўз ташлади ва худди бугун байрам келгандай, ўзини алланечук хуррам, бахтиёр сезди.

Дала-дашт кўм-кўк, ер янги ўт билан қопланган эди.

Ҳув, узоқдаги ипдай сўқмоқда бир тўп қишлоқ йигитчалари боришар, улар халқнинг қачондир баҳорда тўқиган енгил қўшигини, овозларини баралла кўйиб, дала-дашт узра янгратишар эди:

Қизлар бородур шўрага,  
Ман ҳам бороман шўрага...

1970—1974 йиллар.

## ТЕПАЛИҚДАГИ ХАРОБА

### ВОҚЕА ИШТИРОКЧИЛАРИ ТУҒРИСИДА ҚИСҚАЧА МАЪЛУМОТ

Бу эртакми, афсонагами ўхшаган воқеа бир кунлар чиндан рўй берган; ammo қизиқ жойи, турли даврда яшаган ҳар хил тоифадаги кишилар иштирок этишган эди.

Воқеани ҳикоя қилишдан олдин улар билан юзакироқ бўлса-да, бир оз танишиб олишга тўғри келади.

1. Мирза Ғолиб. Ёши 30 га яқинлашган бу йигит минглаб одам кириб-чиқадиган бир идорада хизмат қилади. Болалиги Бухорода ўтган. Тарих, айниқса Бухоро тарихи билан қизиқади. Уйланган, лекин ҳали фарзанд кўрмаган.

2. Мастура — унинг хотини. 25 ёшда. Мактабни битирганидан буён фабрикада ишлайди. Сўнгги пайтлар таътилга чиққан.

3. Мардонқул ака. Мирза Ғолиб хизмат қиладиган идорада Бош раҳбар. 60 ёшлардаги сипо киши.

4. Тенглаш ва Ҳакимжон. Мирза Ғолибнинг ўртоқлари. У сингари идорада оддий хизматчи.

5. Лутфий. 1366—1465 йилларда яшаб ўтган буюк ўзбек шоири.

6. Бобораҳим Машраб. 1657—1711 йилларда яшаб ўтган буюк ўзбек шоири.

7. Жорж Гордон Байрон. 1788—1824 йилларда яшаб ўтган буюк инглиз шоири.

8. Амири саъид Абул-Ҳасан Наср ибн Аҳмад ибн Исмоил Ас-Сомоний. 905—943 йилларда яшаб ўтган бутун Хуросон ва Мовароуннаҳр подшоҳи.

9. Бир тўп эзгу, жафокаш кишилар.

10. Бир тўп ёвуз кишилар; жаллодлар ва жиноятчилар.

### ВОҚЕАНИНГ БОШЛАНИШИ

Мирза Ғолибнинг ҳаёти бир маромда давом этаётган эди.

Унчалик бир маромда ҳам эмас-ку, ортиқча ташвиши йўқ эди. Аксинча, қандайдир суюнибми, кўкси кўтарилибми... ишга бориб, уйга қайтар, хотини уйда эканлигидан, баъзан туш пайтларида ҳам мўралар, умуман... Уз кунни кўриб юрган; ўз тирикчилиги билан банд эди.

Шундай кунлардан бирида, кутилмаганда ҳамма нарса остин-устун бўлиб кетди.

Уни Бош раҳбар ҳузурига чақиртиришди.

Кенг-мўл хонани эгаллаган Бош раҳбар, Мардонқул ака, ажиб хушxabарни билдирмоқчидек, унга илжайиб қаради.

Кейин...

— Ҳашарга одам юборган эдик. Биласиз!— деди барча Бош раҳбарларга хос меҳрибон, самимий оҳангда. — Кеча қайтиб келишди... Яна беш-ўнта одам сўрашяпти!

— Мен ишдан қочмайман, Мардонқул ака. Жоним билан! Лекин ҳозир боролмайман, — деди Мирза Ғолиб.

— Нега?! Нима учун?!

— Уйда хотинимнинг ой-куни яқин. Қарайдиган одам йўқ.

— Барибир, бориш керак, — деди Бош раҳбар. — Вақтинча борасиз. Уртоқларингиз бугун-эрта дам олишдан қайтади; ўрнингизга биронтасини жўшатаман!

— Мен ҳозир бормайман. Керак бўлса, аризам тайёр, майли, бўшатинг, Мардонқул ака. Лекин бормайман! — қайсарланди Мирза Ғолиб.

Бош раҳбар ҳамон босиқ, осойишта эди.

— Сиз гапга тушунмаяпсиз, — деди кулумсираб. — Ҳозир бориш шарт. Мендан талаб қилишяпти... Мен сизга ваъда бераман. Уч кун, узоги билан бир ҳафа ичида, албатта, одам юборамиз!

\* \* \*

Мирза Ғолиб ортиқ эътироз билдиrolмади.

Мастура уйда ёлғиз эди.

Одатда, одамлар тўйга олдиндан тайёргарлик кўришади. Кексалар кўпчилик ҳатто ўлимнинг ҳам ташвишини қилишади. Янги инсон туғилаётган экан, бу хонадонда ҳеч қандай тадорик кўрилмаётган эдимми?!

Чақалоққа чакмонча, дегандек нималардир харид қилиб, бичиб-тикиб, эр-хотин аллақачон гимирлай бошлашган эди. Лекин ёшлари улғайиб қолганига қарамай,

улар биринчи фарзанд кўришаётганидан, шу кунлар бир ишқал чиқиши мумкинлиги-ю, қарайдиган одам кераклигини инobatга олишмаган эди.

Тўғри, Мирза Ғолиб бу ҳақда ўйлаган ҳам эди. Аёл энгил бўлаётиб, бир ўлимга юзлашади, дейишади. Буни у яхши билмаса ҳамки, тушунар, тасаввур қилар эди. Аммо унинг ойиси Бухорода, кекса, касалманд; опалари ўз-ўзи билан овора. Мастуранинг ойиси эса болалигида қазо қилган; кекса отаси, икки акаси бор... Янгалар-чи?! Мастура уялганми, бошқа важданми?! — уларни чақиришни истамаган эди.

Қисқаси, Мирза Ғолиб Бош раҳбарнинг сўзига ишониб, хотинини ҳам ишонтириб, шунинг баробарида, бўйнига арқон солингандек, мажбур бўлиб, — уйдан кўнгли нотинч, икки кўзи ортида, — эртаси куни шаҳарни тарк этди. Қирққа яқин киши сафида ҳашарга жўнади.

\* \* \*

Бундан бир неча йил муқаддам даштда ташкил топган, ярим хўжалик, ярим кўриқхона вазифасини бажарган жойнинг номи — Бог, ўнлаб фарсахни эгаллаб ётар эди. Дарахтлар унда-бунда бетартиб бўй чўзган, улар орасидаги майдонлар тўқай бўлиб кетган эди. Ҳар фарсахда лойшувоқ қилинган икки ёки учта бостирма; узун, кенг айвон. Бостирмалар ҳашарга келганлар учун қўналга; ёғоч ва қалин қоғоздан ясалган қутилар уюлган айвон мева саралаб, узоқ-яқин турли ёққа жўнатиладиган хирмон; шу ерлик хизматчилар қароргоҳи эди. Чексиз тўқайзор нчида бундай бостирма-айвонлар уммондаги номи бўлган-бўлмаган кичик оролларни эслатар эди.

\* \* \*

Богда ёрдамчилар учун шаронт ёмон эмасди. Умуман, бу ер жаннат эди.

Гуруҳларга бўлинганча, нарвон, челақ кўтариб, эрталаб бир оз, кечга томон бир оз мева териш керак, холос. Кун қизиганда ётоқхонага қайтиб, бемалол ҳордиқ чиқарасан. Кечқурунлар ҳам, катта-катта пашшалар, минг хил ўрмалаган ҳашоротларни айтмаганда, типтинч; дам олишдан бўлак иш йўқ.

Наҳорда қаймоқчой. Икки маҳал иссиқ овқат. Мева-чева истаганча; ачиб ётибди. Булар бари етмагандек,



уларга ҳали иш ҳақи ҳам тўлашади! Бу ерда ҳамма дўп-  
пини қийшиқ қўндириб юрибди!

Бироқ...

Мирза Ғолиб ҳашарга келганидан буён, безовтала-  
ниб-тўлғаниб, кун санар, ўртоқлари қораси кўринарми-  
кан, деб атрофга аланглар эди.

Уйда аҳвол қандай?! Нима гап?! — у билмас; идо-  
радан нега одам юборишмаябди?! — тушунмас эди.

Ана-мана биронтаси келади, деб кутиб, у чарчаган  
эди.

Орадан йигирма кун ўтиб...

Унинг ўрнига ҳеч ким келмади!

Идорадагилар Мирза Ғолибни «хунутишган» эди!

Аввалдан унга нисбатан номардлик қилинган эди!

## БИРИНЧИ ҚҶРИНИШ

### ТУН БИЛА ТОНГ

Менинг қароғиму онинг жамоли тун била тонг,  
Менинг заволиму онинг намоли тун била тонг,  
Менинг кужо маҳим, онинг ҳилоли тун била тонг,  
Менинг фироқиму онинг вислои тун била тонг,  
Бу нав даҳрда йўқ эҳтимоли тун била тонг.

Нечун тушунтира олдим буни гумон элига,  
Ҳамиша ишқни қилгувчи имтиҳон элига,  
Ки бирни икки дейиб бўлмагай замон элига,  
Ғариб, зулфу юз эрмас бу кун жаҳон элига,  
Кўринмамиш бу иккиннинг мисоли тун била тонг...

ҒАҒУР ҒУЛОМ

*Алшер Навоий ғазалига муҳаммасдан.*

Кун ёришаётганида у қўналғани орқада қолдирган,  
тўқайзорга шўнғиган эди.

Унга, тўғри қибла тарафга қараб бирон соат юр-  
санг, катта йўлга чиқиб оласан, кейин ишинг осон кў-  
чади, дейишган эди. У катта йўлда қандайдир улов то-  
пилса, миниб, Бозор деган жойга етиб бориши, у ердан  
автобусда шаҳарга жўнаши керак! — шуни мўлжалла-  
ган эди.

Аслида, тўқайзорни ораламасдан, катта йўлга қў-  
налға олдидан ўтган тупроқ йўлдан юриб ҳам чиқса  
бўларди. Лекин бу йўл айланма, тўрт-беш ҳисса узоқ;  
бунга унинг сабри етмаган эди. Мева ташигани уч кун-

да бир қатнайдиған юк машинасида осонгина Бозоргача етиб олса ҳам бўларди. Аммо машина кеча эрталаб келиб кетган, икки кун кутишга унинг айниқса сабрбардоши йўқ эди... Тунда хотинини туш кўрган, ўрнидан сапчиб туриб, мени осса оссин, бўлди, кетаман, деган қарорга келган эди.

Мана, энди тўқайзорда судралиб бормоқда; бироқ орадан аллақачон уч-тўрт соат ўтиб, қуёш борлиқни ёндира бошлаганига қарамай, тўқайзорнинг негадир охири кўринмаётган эди.

Адашдимми, бошқами?! — барибир, у — елкасида тугун, қўлида халта, — ҳамон қибла тарафга қараб, азобланиб олдинга сурилмоқда; бу жойлар — номи Боғ бўлгани билан, — дарахтлар говлаб тиқин ўсган ёввойи ўрмонзордан баттар; ўрмонда юриш мумкин, бу ерда йўл топиш ўлимдан қийин. Бош устида — рангсиз осмон; қаршингда — битта-яримта симёғочга ўхшаб қаққайган дарахт. Бўйи-бастинг юнон ҳайкалларидек бўлган тақдирда ҳам, тўқайзорда кўмилиб-йўқолиб кетасан.

Хитирлаб-шитирлаган илонми, қорақурт; тулкими, қуён?! Визиллаб-чизиллаган минг хил товуш. Оёқ остида, атрофда ўрмалаб-ғимирлаб юрган нима!? — ажратолмайсан. Пашша, чумоли чаққани — гўрга; аллақандай зарралар унинг юзи, бўйни, қўл-оёқларига чиппа ёпишган; кўзлари ачишиб, бутун бадани қичимоқда эди.

Турли насл, турфа ранги-тусдаги қушлар, арилар, капалаклар гоҳ тўқайзорга шўнғиб, гоҳ шошганча ҳавога кўтарилишади. Уларнинг барини ҳаммадан кўпроқ тўқайзордаги одам ҳуркитиб, безовта қилгандек...

У йўл қисқариши ўрнига узайгандан узайиб бораётганига ажабланмоқда; шунинг баробарида, гўёки ҳаётнда кўрган бутун хасталиклар вужудида қайтадан кўзғолиб, олдинга босгани сайин лоҳас бўлмоқда эди.

Ҳар дам-ҳар дамда ўзича, бенхтиёр:

— Мастуржон! Мастур! — деб ингранар эди.

«Мастуранинг кўзи ёридими?! Қутулиб олдимми?! Ким?! Ҳозир она қайси ҳолда-ю, боласи қайси ҳолда?!

Илк дафъа оталик насиб этаётган ёки этган Мирза Ғолибнинг уйидан узоқда, аллабир ёқларда тентираб юргани инсофданми?! Боргач, Мастуранинг юзига қайси кўз билан қарайди-ю, вақти келиб, улғайган фарзанди юзига қайси кўз билан қарайди?!»

Тунда кўрган тури унинг хаёлида қотиб қолган эди. Эмишки...

Бир томон — осмонга тик санчилган тоғ. Иккинчи томон — қалин қамиш ўсган кўл.

Шу икки ўртада у ҳолсизланиб, кўксини ерга бериб ётибди.

Кўлда қамишларни оралаб; қандайдир ораста қайиқ сузиб бормоқда. Қайиқда — Мастура. Юзини буриб, унга негадир тескари ўтирибди.

У қўлини сувга солганча, юзини чайиб, ўрнидан сапчиб тургиси, қайиқ сари отилиб, қайиқни тутгиси келмоқда. Аммо ётган жойида, сувга кўл чўзишга ҳам мажоли етмаябди...

Қўналгани орқада қолдириб, тўқайзорга қадам қўйганидан буён Мирза Ғолибнинг кўнгли ғаш; шундай бир хаёл уни эзмоқда эди:

Мабодо идорадан вақтида унинг ўрнига одам юборишиб, у бемалол уйига қайтаверса, олам гулистон эди! Рухсат текканидан, унга ҳеч ким ҳеч нарса демас; орада ноқулайлик, эътироз бўлмас эди! Ҳозир-чи?! Шаҳардан у билан бирга ҳашарга келган қирққа яқин киши инқиллаб-синқилламасдан, бўйинларига юкланган вазифани бажариб юришганида, унинг ўз ташвишини ўйлаб, яна шартта-шаҳарга йўл олгани, албатта, яхши эмас. Ҳашар — тўй; буни тушүниш керак! Кўпчилик — жамоа, деган гап; ҳисоблашишга мажбурсан! Ахир, сендан бошқа йигитларнинг ҳам уйи, хотинчаси бор... Мирза Ғолиб инжиб-эркалик қилганга ўхшаб турибди! Лекин... Лекин...

Дунёда бир одам бахтли бўлмас экан, ҳар қандай жамоанинг падарига лаънат!

Шу тўғрида у хаёлга чўмган эди.

«Менинг кутилмаганда осойишталигим бузилиб, шу кунларда бу ўпқонга тушишим шартмиди?! Қаяқдан ҳам бундай чигал шаронт, бемаъни савдога йўлиқдим?! Худойим, бундан бўлак мен учун имтиҳонинг йўқмиди?!»

Энди ярим кун ўтиб, қуёш тик қадала бошлаган эди. Айни ёз. Борлиқ аланга ёқиб, жонзотки бор, қозонига солганча, қовурмоқда.

Бироқ Мирза Ғолиб асабийлашиб-қайсарланиб, тўқайзорни бирдек чангитмоқда. У ўнгу сўлга оғмасданми ёки оғиб-бекорданми, назаризла, минг йил азобланиб йўл босганидан, ниҳоят тинка-мадори қуриган; ҳаётида юз берган хасталиклар энди дам сайин олдингидан кўпроқ хуруж қилиб, унинг қорни, биқини, оёқлари, боши симиллаб оғримоқда эди. Шу боисдан, у дам сайин ўзи-

Ўзидан ҳам, идорадагилардан ҳам кўнглида норозилик туймоқда эди.

«Одам эмас экансиз, Мардонқул ака! Ахир, сиз минглаб кишининг бошида турибсиз. Халқ оғзингизга қарайди! Субут деган нарса қаёқда қолди?! Сиз хўжайин эмас, оддий қулсиз. Катталар кўзига жавдираб қараб хавотирда яшайсиз... Жамоа, деяписизми?! Қуллар, демайсизми? Мен ҳам қулман... Ҳаётим, бисотимда йўқотадиган арзирли ҳеч вақо йўқ-ку, сиздан, кўпчиликдан, бутун дунёдан қўрқиб яшайман! Бўлмаса... аввалдан бу ерга келмас, келган тақдирда ҳам, сизнинг гапингизга лаққа ишониб, роппа-роса йигирма кун қўл қовуштириб турмас эдим! Аллақачон ўз йўлимдан кетаверар эдим...»

Ҳозир, айниқса, Мирза Ғолиб, идорадан ўртоқлари — Тенглашми, Ҳакимжонми — нега, мана, биз бормиз, сен кетавур, деб уни эслаб, тезда етиб келишмаганига туншунмаётган, кўнглида уларни кечирмаётган эди. Булар менинг аҳволимни ҳис этишлари керак эди; булар менга дўст эмас экан, деб ўйламоқда эди. Шу кунлар агарда Тенглаш билан Ҳакимжон эмас, Лутфулла бўлганида, мени бу ҳолга ташлаб қўймас эди, деб ҳам ўйламоқда эди... Лутфулланинг болаликдан бирга ўсгани, Тошкентга бирга келиб, ўқишга киролмай қайтиб кетгани, кейин аскарликка жўнагани — барчаси унинг хаёлида жонланган эди...

Тўқайзорда Мирза Ғолиб шу тахлит судралиб бораётиб, беҳосдан тўхтади.

Тўқайзор тугамаган; у катта йўлга ҳам чиқиб олмаган эди.

Бироқ унинг рўпарасида ўрмонзор ичидаги сайхонликка ўхшаш катта бир майдон очилган эди.

Майдон ўртасида — тўнтарилган қозондек дўппайиб турган тепалик.

Тепалик устида — бузилган бир-икки иморат; улар орасида бузилмаган бир уй, лекин бу ҳам хароба — гиштлари тўкилиб, захдан кўкариб кетган.

Мирза Ғолиб этакдан тепаликка тараддудланиб-ҳорғин кўз ташлаганича, оёқ остида сочилиб ётган каттакичик тошлардан бирига келиб ўтирди. У биринчи навбатда ўзининг аламдийда-абгор жисми-жонига жилла ором бермоқчи; нафас ростлаб олмоқчи эди. Шунинг баробарида, уйдан кимдир чиқса ёки уй олдида биров кўринса, катта йўлга қандай чиқиш тўғрисида сўрашни ўйлаётган эди.

Афтидан, бу уй ҳам — деворларида янтоқ яйраб ўсганга қарамай, — «уммондаги ороллар»дан бири эди. Аммо харобанинг ёрдамчилар учун одатдаги қўналғами, овчилар оромгоҳими ёки қўриқхона хизматчиларидан кимнингдир турар жойими эканлигини айтиш қийин эди.

Қандай бўлмасин, Мирза Ғолибга бино шаҳардаги бир кунлари ўзи ётган касалхоналарни эслатган эди.

Унинг болалик, илк ёшлик йиллари дард нима, беморлик нима?! — билмай ўтган; бундан беш йил муқаддам дабдурустдап, — кўчада кетаётиб қоқилиб тушган кишидек, — у жисми-жони борлиги-ю, улар оғриши мумкинлигини англаган эди. Ушанда Мирза Ғолиб бир йилда икки марта «қоқилган», худонинг касали кўплиги, одамлар нақадар оғир шаронтда даволанишаётганининг ҳам гувоҳи бўлган эди!

Дастлаб Мирза Ғолибни бир қаватли пастак иморат, торгина йўлак, етти-саккизта хонадан иборат касалхонага ётқизишган эди. Пахта пайти, лекин негадир одам ёвилган; хоналарда камида йигирматадан киши ётар эди. Бу — инсон шифо топадиган даргоҳдан кўпроқ қатагон даврларидаги қамоқхоналарни эслатарди.

Иккинчи марта у каттароқ касалхонада ётган; бироқ буниси ҳам олдингисидан кескин фарқ қилмас эди. Гиштан тикланган икки қаватли бинонинг деворлари увадаланиб-тўзиган. Телада зангор кичик бир қубба; одамлар аслида бу ер черков учун қурилган, дейишар эди. Уруш йилларими, бир пайтлар бу ерда казарма ҳам жойлашган экан. Бино борасида яна, буни шведларми-олмонликларми қурган, деган гапни ҳам айтишарди... Бу касалхонада, ҳар қалай, хоналарда беш-олтитадан одам ётар эди. Лекин кана, сувараклар — майли; сичқон, каламушлар бемалол сакраб-ўйнаб юришар эди. Улардан биров ҳазар ҳам қилмасди! Эркакаёл ташқари чиқадиган, ўзини эплайдиган хона — бир. Қўл ювгичда идиш-товоқ ювилар, таҳорат оладиган кексалар оёқларини ҳам кўтариб юваверишар эди...

Ушанда Мирза Ғолиб ҳали орадан икки йил ўтиб, бундан қаттиқроқ «қоқилиши», йиқилишини билмас; қисматида бундай кун ёзуғлиқ эканлигидан беҳабар эди! Бу гал у руҳи чўкиб, юрагида лапиллаётган шам сўна бошлаб, шундай ҳолатга тушган эдики... унинг ҳаммон буни эслагиси ҳам, бу ҳақда ўйлагиси ҳам келмас эди!

Мирза Ғолибга умуман, баҳона қидиргандек, бирон

жойда соғлом эмаслигини пеш қилиш — ёт; унинг учун бу — йигит кишига номуносиб эди. Идорада ҳам, кундалик ҳаётда ҳам у ишдан-ташвишдан ўзини четга олмайди! Мана, шу кунлар ҳам Мастурадан хавотирланиб, аввалдан унга нисбатан номардлик қилинмаса, Мирза Ғолиб қанча ҳашар бўлса, миқ этмай юриверар эди...

Қуёш зўр бериб, осмон танобини тортмоқда.

На паст, на тепаликда бирон одам қораси кўрилади.

Мирза Ғолиб гўёки бўм-бўш олам билан юзма-юз қолгандек эди!

У ўтирган ўрнидан узилиб, энди тепаликка кўтарилишга аҳдланган эди...

қаёқдандир пайдо бўлган — ювги пахмайган, айиқдек ит тепаликдаги бино эшигида уймалаша бошлади.

Мирза Ғолибнинг, тўқайзорда судралаётиб, ҳаммаёғи шилиниб-қонаган; усти ҳам бир ҳолда эди. Гадойга ўхшаган бу намойишда ҳар қандай қобил ит ҳам сенга ташланади, деган хаёлга борди. Аммо вақт ўтмоқда; унинг бошқа иложи йўқ эди. Муттаҳам-ўғридек бунча итдан қўрқмасанг, деб ўз-ўзидан кулиб, у қўлига калтак олганича, ҳассадек суйанган кўйда тепаликка кўтарила бошлади.

Йўқ, ит унга ташланмади.

Аксинча, тепаликнинг бошқа томонидан пастга эниб, харобадан орқа тарафга қараб кетди.

Мирза Ғолиб бинога яқинлашиб, эшикни тақиллатди.

Ичкаридан ҳеч ким жавоб бермади.

Зарб билан, қаттиқроқ тақиллатди.

Яна жавоб бўлмади.

Мирза Ғолиб эшикни туртган эди, шиф этиб очилди.

Торгина даҳлизда деворда осифлик, чанг босган эски бир пўстин, анчадан буён сув кўрмай ичи оқариб қолган иккита челакдан бўлак нарса йўқ эди.

Мирза Ғолиб хонага кирди.

Хона тўрида қандайдир олачalloқ парда тортилган эди.

Дераза остида — бир нечта сопол кўза, лаган, қоша.

Ўртада — пастак хонтахта.

Девор томонда — тахта-тўшак.

Мирза Ғолиб шошмасдан қўлидаги, елкасидаги юкни хонтахта устига қўйганича, қайтиб ташқарига чиқди.

У, ахир, кимдир келиши керак-ку, деб ўйлаб, интиқ кута бошлади.

Ҳадеганда ҳеч ким келмади.

Мирза Ғолиб бир кўнгли бу ерда имиллаб ўтказиб ўтирмай, яна йўлда давом этаверишни ўйлади. Лекин кун қариб, қуёш энди уфққа ёнбошлаган, тўқайзорга ўзини шунчаки уришда маъно кўрнмаётган эди. Бунинг устига, унинг қанчалик ичи пишаётган бўлмасин, йўл босадиган кучи ҳам, ҳафсаласи ҳам қолмаган эди. У ҳозир уммонда қўлига илинган тахтага ёпишиб олган кишини эслатарди.

Кун зое кетганига беихтиёр ўкиниб, хонага кирганида, олачалпоқ пардага кўзи тушиб, ҳар хил ашқол-дашқоллар ётган бўлса керак-да, деган гап хаёлидан кечди. Шу билан бирга, демак, бу эгасиз, ташландиқ жой экан, деган хаёлга ҳам борди.

У мана энди чидамсиз даражада очикқан, чанқаганини пайқади.

Кўналгадан чиқаётиб, қўлидаги халтага уч-тўрт кесим нон, бир нечта олма солиб олган эди. Тезда Бозорга етиб бораман, деб ўйлаганидан, ҳар эҳтимолга қарши шундай қилган; бошқа бирон нарса олишни хаёлига ҳам келтирмаган эди. Саҳари-мардонда бунинг имкони ҳам йўқ эди.

Тахта-тўшак четига ўтириб, халтадан бир кесим нон, иккита олма олганича, шошмасдан кавшана бошлади.

Шу аснода, Мастура ҳозир туғруқхонадами, уйдамикан, тинчмикан, нима қилаётган экан, деб ўйлади.

Кейин, Бош раҳбарни эслади.

Кейин, Тенглаш билан Ҳакимжонни ҳам эслади.

Яна Лутфулла унинг ёдига тушган эди...

Лутфулла — Мирза Ғолибнинг дўсти; Мирза Ғолиб ҳам унга дўст эди.

Лекин улар бир кўчада ўйнаб-ўсган, бирга ўқиган бўлишса ҳамки, Мирза Ғолиб Лутфуллага «кечроқ» аҳамият берган; юрагида унга нисбатан аста-секин меҳр уйғонган; мана, энди бу меҳр азобга айланган эди...

Лутфулла аввалдан — хаёлпарастми, фидойими?! — бошқача эди. Дейлик, кўчада кетяпти. Совуқ. Бир чеккада дийдираб ўтирган тиланчини кўриб, шартта эгнидаги тўнини ечганича, бу сизга деб, ташлаб кетаверади! Унинг яқин кишиларга муносабатини шунга қараб тасаввур қилаверасиз!

Адабиётни яхши кўрар, кўп китоб ўқир; мактабни энди битирган, ҳали бирон жойда жиддий таълим олмаган Лутфулланинг билими, ақли-заковати, айниқса,

кишини ҳайрон қолдирар эди. У ўтмиш шоирлардан Лутфийга айрича қизиқиш билан қарар, пайти келиб, Лутфий тўғрисида, албатта, китоб ёзаман, деб орзу қилар эди. Лутфуллага олимлар адабиёт тарихидан ёзган китоблар бир хил, жўн, зерикарли бўлиб туюлар; унга ҳозиргача адиблар тарихга бағишлаб ёзган китоблар ҳам унча ёқавермас эди. Мени маълум даврда юз берган воқеалар эмас, инсоннинг кўнглидан кечган тарих, яширин, кўзга дарҳол ташланавермайдиган таржиман ҳол кўпроқ қизиқтиради, дер эди...

Тепаликдаги харобада, тахга-тўшак четида ўтирган Мирза Ғолиб, шулар хаёлидан ўтганича, чуқур хўрсинди.

У болаликдан номини эшитиб юрганига қарамай, ўсмирлик, илк ёшлик даврида ҳам Лутфийни билмас эди.

Тўқсон тўққиз йил умр кўрган Лутфий ҳаёти Ҳиротда кечган; Ҳирот, Марв вилояги, Балх, Эрон, Афғонистон, Туркистоннинг бир қисм ерлари қараган, кейинчалик йўқолиб кетган — Хуросон мамлакатидан ташқари, у Исфаҳонда, Ироқда, Форсда бир неча марта бўлган, аммо қаерга бормасин, тез орада яна Ҳиротга қайтган эди. Умуман, гўшанишин — умрини ўз уйида ўтказган киши эди.

Бироқ, Амир Темур ва Темурнинг фарзандлари даврида ҳаёт кечирганидан, Лутфий бевосита улғувор бир салтанатга дахлдор бўлган эди. У Хуросон билан бирга, Эронни, Туронни ҳам, Арабу Ажам, Ҳиндистонни ҳам ўз юрти, деб билар эди! Лутфий тўғрисида: «Форсий ва туркийда назри йўқ эрди; аммо туркийда шуҳрати кўпрак эрди!» ёки баъзан: «Латиф ғазалиёти интишори Ироқ ва Хурсонда бениҳоятдур!» — дейилса ҳамки, аслида, у Темур эгаллаган бутун сарзаминни, — олимлар айтмоқчи! — қалам билан забт этган эди...

Мирза Ғолибга буларнинг барини дастлаб Лутфулла сўзлаб берган эди.

Мана, бу ҳикоятни ҳам у Лутфулладан эшитган, эди.

Алишер Навоидан «Туркигўй шуъродин, — улча шеърлари рўзғор саҳифасинда сабтдур, — қайси яхшироқ айтмоғига бегонурсен?!» — деб сўрашибди. Насимий, Отоий, Яқиний, Гадоий — кўпчилик шоирларни кўзда тутиб, шундай савол беришган экан! Одоб юзасидан, Алишер: «Борча яхши айтибдурлар, мен бегонурмен!» — деб жавоб қилган; лекин саволни яна қайтаришгач, Навоий: «Мавлоно Лутфий ҳало мусаллам-



дурлар ва бу қавмнинг устоди ва Малик-ул каломидур!» — деб таъкидлаган экан...

Булардан ташқари, яна — Лутфулла орқали, — Лутфий ҳаётига тегишли муҳим бир гап Мирза Голибнинг хотирасида сақланиб қолган эди.

Амир Темурга эътироми юзасидан, унга бағишлаб ёзилган бир китобни Лутфий, кўп йил азият чекиб, форсийдан туркийга ўгирган эди. Айниқса, Темурнинг фарзандларидан — Шоҳруҳ Мирзо, унинг ўғли Бойсунғур, набираси Алоуддавла билан Лутфийнинг яқинлиги бор эди... Бир кун Лутфий Бойсунғур Мирзонинг илтимоси билан шоир Ҳиравийнинг «Боғ» қасидасига жавоб ёзгач, у «Сарой» деган қасидани бериб, бунга ҳам бир жавоб айтсангиз, дейди. Шунда Лутфий ҳадди сиғиб, ҳазиллашиб, биз аввал «Боғ» дан мева тотиб кўрайлик-чи, кейин «Сарой»га ҳам кириш мумкин, деган эди!

Бироқ бу муносабат, бутун шарти-шароитга қарамасдан, Лутфийнинг умри, асосан, фақирлик, ночорликда ўтган эди! У камтарин, хоксор... «сўхта киши эрди». Абдурахмон Жомийга илтифот кўрсатиб, бунга у жавоб қайтаролмай қисинганида, «Сизнинг эски тўнингизни гадоёйлик қилурбиз!» — деб, Лутфий унинг қисватини эғинга илган эди... Лутфий тўғрисида «Дарвеш киши эрди... Агарчи шоирлик тариқида маъруф ва машҳур бўлди; аммо дарвешлик тариқини доғи илқидан бермади!» — деган гап айни ҳақиқат эди. У Шайх Шаҳобиддин Хиёбонийдан маълум муддат сўфийлик тариқатидан таълим ҳам олган эди.

Таптикалик, жўмардлик; псмига мос — лутф унинг ғариб, содда ҳаёти соясида тоғдек юксалиб турар, Лутфий бу тоғин ҳаммага кўрсатавермаслик учунгина девонавор яшаб юргандек эди! Фақат баъзан офтоб ярақлаб, қорли чўққилар бехосдан барқ урар эди... Ҳали ёш Навоий «Оразин ёпқоч...» деб бошланган бир ғазалини ўқиб берганида, Лутфий баралла: «Воллоҳ, муяссар бўлса ўн-ўн икки минг байтимни бу ғазалга олмошардим; ўшанда ҳам, бахтиёр бўлиб олмошардим!» — деган эди. Афтидан, Лутфийнинг феъл-атворидаги шу жиҳатлар Лутфуллани мафтун этган эди.

Мирза Голиб Лутфулла билан дўстлашиб юришганида ҳам, кейинчалик ҳам адабиётдан кўпроқ тарихга қизиққан; ана, у энди бу ихтисосни эгаллаган ҳам эди. Уни «ёш, истеъдодли олимлардан» дейишарди! Лекин Лутфулла туфайли Мирза Голибнинг юрагида илк

дафъа адабиётга нисбатан муҳаббат уйғонган; у адабиёт тарихи — халқ тарихининг ажралмас бир бўлаги эканлигини англай бошлаган эди...

Тахта-тўшак четида ўтирганича, тамадди қилган Мирза Ғолиб ўзини олдингидан кўра бир оз дармонга киргандек сезди.

У ўрнидан қўзғолиб, остидаги чойшабни ташқарига олиб чиқиб қоқди.

Кейин, ўзи кўтариб юрган тугундаги кўрпани чойшаб устидан тўшади... Ухлаш керак! Ҳали қоронғи тушгани йўқ; аммо бу ерда серрайиб ўтираверишда ҳам маъно йўқ. Уйқу босяпти; ухлаш керак! Эртароқ туриб, яна йўл қидиришга тўғри келади!

Энди ечиниб, тўшакка ўзини ташламоқчи эди...

Сергакланди.

Ўрнидан саячиб, уй эшиги ҳалқасини бориб ўтказди. Эшикни тамбалади. Деразани ҳам текширди.

Эҳтимол, бунини Мирза Ғолиб хаёлига келтирмас эди. Лекин бино олдида бояги айиқдек ит яна пайдо бўлиб, уймалаша бошлаган эди. Хўп, итга парво қилмаслик мумкин... Мирза Ғолибнинг халтасида нон, олмадан бўлак ўн боғлам пул бор эди! У қўналгадан чиқаётганида, ҳашарга олдин келиб кетган кишиларнинг иш ҳақини, олиб бориб топширасан, деб унинг қўлига тутқазишган эди! Уйқу—ғафлат. Одамлар омонатига, ҳар ҳолда, эҳтиёт бўлишга мажбурсан!

Мирза Ғолиб шундан сўнг, дарҳол ётаверишга шошмай, яна нима иш қолди, дегандек у ён-бу ёнга қаради.

Унинг кўзи хона тўридаги олачалпоқ пардага тушди.

У, нима бор экан шу парданинг орқасида, бир кўрайлик-чи, деб ўйлаб, шахдам босганча-бориб, пардани сурди.

Пардани сурди-ю...

эй худойим-эй! —

кесак бўлиб қолди.

Мирза Ғолиб даштга сув олиб борадиган ярим-очиқ қувурми, каттакон тарновгами ўхшаган нарсани; нарса ичида бир-бирининг оёғига бош қўйиб, қатор ётган учта жасадни кўрди...

Йўқ, аввал Мирза Ғолиб қатор ётган учта жасадни, кейин ярим-очиқ қувурми, тарновгами ўхшаган нарсани кўрди!

Жасадлар янги; яқиндагина бу ерга келтирилган бўлсалар керак, илк қарашда ширин уйқуга кетган кишини эслатишар эди...

Уйқуга ўхшар — ўлим;  
Ўлим ўхшар — уйқуга...

Булар ким?! Қаердан келиб қолган?! Нега бу ерда ётишибди?! Мирза Ғолиб қотиб турганича, шу ҳақда ўйламоқда эди. Уни хавф-хавотир чулғаган эди!

Туйқусдан эътибор берди... Марҳумларнинг афт-ангори, кийими бир-биридан анча фарқ қилар; шунинг баробарида, уларнинг учаласи ҳам Мирза Ғолибга қандайдир таниш; Мирза Ғолиб уларни қаердадир кўрган-дек эди!

У титраб-қалтираб, шошганича, пардани қайтиб ёпди.

Мирза Ғолиб бошқа бирон жой, бошқа бирон шароитда мабодо бундай манзарага дуч келса, албатта, оёғини қўлга олиб, орқасига қарамасдан қочган бўлур эди! Лекин ҳозир унинг борадиган жойи йўқ; у бўм-бўш олам билан гўёки юзма-юз қолган; уммонда қўлига илинган тахтага ёлишиб олган одам эди!

Паришонланган, аммо ўзини дадил тутишга уринган кўйида, тўшакка келиб чўзилди... Дунёда қабристон яқинида яшаган, қабристонга кунда кириб-чиқиб юрган кишилар қанча; сен ҳозир шундай ҳолатдасан, чида, деб ўйлаб, кўзларини чирт юмди. Ухлагиси; уйқуга берилиб, оламини унутгиси келди...

Уйқуга ўхшар — ўлим;  
Ўлим ўхшар — уйқуга...

Бироқ тўлғаниб, — ухлаёлмади.

Шу дамда Мирза Ғолиб яна Лутфуллани, Лутфулла билан бирга, вобаста ҳолда ўзининг хасталаниб икки марта касалхонада ётгач, учинчи марта олдингидан қаттиқроқ «қоқилгани», йиқилганини эслади.

Ушанда Мирза Ғолиб шундай ҳолатга тушган эдики...

Ўлим тўғрисида у ўйламаган кун йўқ эди.

Бу гал уни шаҳар чеккасидаги бир касалхонага ётқизишди.

Бу касалхона аввалгиларга ўхшамас эди. Кенг-мўл ҳовли; оппоқ бино. Телефону ойнаи жаҳон; алоҳида хоналари бириктириб қўйилган меҳрибон ҳамширалар.

Аммо Мирза Ғолибнинг кўзига ҳеч нарса кўринмас; унга дунё қоронғи эди!

Бунинг устига устак, аввалги касалхоналарда ҳамма нарса оддий, рисоладагидек; бу касалхонада эса... Мирза Ғолиб бу ерга келиб ётишдан олдинроқ аллақандай

сирли, ақл бовар қилавермайдиган ҳолатларга йўлиқа бошлаган эди...

У ҳаян «даволанишдан қочиб юрган» эди... Кўчада кетаётиб, бир куни, сен намунча — касалхонага ётишдан, жарроҳ пичоғидан қўрқмасанг, — деб ўйлади эзилиб; — агар паймонанг тўлиб, ажалинг етган бўлса, мана, шу кўчада бораётиб ҳам, ўлаверасан! Масалан... рўпарадан ҳайбатли юк машинаси келаётган эди... мана, шу машина остида қолиб ҳам, одам ўлаверади! Мирза Ғолиб шундай деб ўйлаётган эди, кутилмаганда муюлишдан бир ит чақмоқдек отилиб чиқиб, кўчани кесмоқчидек югурганича, ўзини тўппа-тўғри филдирак остига отди... Мана, сенга «масалан»! Мирза Ғолибнинг юраги ағдарилиб кетган эди. Бу қандай мужда?! Яхшилиқками, ёмонлиқками?! — у билмас эди.

Касалхонага ётганидан кейин, орадан беш-ўн кун ўтгач, уни жарроҳлар қўлга олишди.

Аравачага ётқизилганча, ана, узун йўлақдан секин жарроҳлик бўлмасига бошлаб боришмоқда; йўлақдаги беморлар, одатдагича, кимни жарроҳлар олиб кетишаётганига пичирлаб-қизиқишмоқда; Мирза Ғолиб ўлим билан юзлашмоқда эди.

Шу паллада яна ўша — сирли, ақл бовар қилмайдиган ҳолат...

Бу — Унинг ўзи;

лекин учта Менга айланиб, уч жойда ҳаёт кечирмоқда. Тушми, хаёлми, деса — ҳаммаси аниқ кўриниб турар эди!

Биринчи Мен — ҳамон аравачада; шифтга тикилиб ётибди. Аравачани энди шиддат билан олдинга суриб, қайсибир эшикларни очиб-ёпганча, уни ёруғ бир хонага олиб киришябди...

Иккинчи Мен — негадир кечга томон, зерикиб, — уйдан чиқди.

Уй олди уфққача ястанган майдон. Яқинда ёмғир ёғиб ўтган. Ҳавода анвойи гуллар-кўкатлар ҳиди.

Қоронғи туша бошлаган. Булутлар тарқаб, битта-яримта юлдуз кўринмоқда.

Бехос узоқ бир нуқтадаги чўғ солинган манқалга ўхшаш нарса унинг диққатини жалб этди.

У қаро тунда ўйламай-нетмай бир ёққа кетаверадиган одам эмас! Лекин бу — олисдаги қизғиш-кўкиш шуъла — манқал қандайдир уни ўзи томон имлаб-чорламоқда эди.

Сеҳрланиб қолгандек ўтга тикилганича, шуурсиз

ҳолда шошиб, илдам юра бошлади. Ҳаш-паш дегунча, ўт олдига ҳам бориб қолди.

Манқал — чироқлари бир маромда лапиллаётган машинами, кемами экан! Ён томонида эшик... эшикдан кўпроқ — шунчаки очиқ туйнук! Шу туйнукдан икки тарафда ялтироқ-қора, коржомага ўхшаган усти-бош кийган икки киши турибди. Баланд бўйли; афт-ангорлари ҳам бир хил; сочлари оқиш, кўзлари мовий. Лекин шакллари, юз-кўзлариданми, уларни йиғит билан қиз, эҳтимолки, ака-сингил, деб ўйлаш мумкин эди.

У биров сўраб-буйрмаганига қарамай, — яқинлашиб, салом берди.

Туйнук олдидагилар жилмайишди:

— Биз бошқа сайёраданмиз. Қўрқма! Юр, сени олиб кетмоқчимиз.

— Қаёққа?! — деб сўради у, ўзи эшитган гапга тушунган бўлса ҳамки.

— Осмонга, албатта, — дейишди йиғит билан қиз кулиб. — Биз сенга олдин сен кўрмаган оламини кўрсатмоқчимиз. Айланиб келасан!

— Қайфиятим йўқ... Ҳозир сайри-саёҳат кўнглимга сиғмайди! — деди у, ўзи-ўзи билан сўзлашаётгандек оҳангда. — Чарчадим. Руҳим чўккан. Сўнги пайтда бутун жисмим ишдан чиққандек ҳолатдаман... Қўлларингдан келса, менга ёрдам беринглар! Жарроҳга юзлашиш, пичоқни кўришга менинг ўзимда сабр-тоқат етишмайди. Баданимдаги ишдан ташқари, ошқозоним касал. Юрагим ҳам. Мени оёққа турғизинглар, илтимос. Дарров...

Манқал ёнида турганлар ўйчанми, ғамгинми қиёфага киришди.

— Бу осон, тузатса бўлади, — деди кўзлари мовий йиғит. — Фақат, биз ундай қилолмаймиз! Сен чекишинг керак бўлган азобни сендан ҳеч ким ололмайди. Кўришинг шарт! Ҳар бир одам дунёда ўзига тегишли азоб-уқубатларга чидайди. Қисмат, насиба шу! Бунга аралашиш ҳуқуқи бизга берилмаган...

— Бўлмаса, мени чақириб нима қилардиларинг?! — деди у, азбарой ранжиганидан.

— Сен биз билан барибир юр. Ушанда ҳаммаси ўрни-ўрнига тушади, — деди баланд бўйли қиз. Улар яна жилмайишди.

У янги танишларига эргашиб, туйнукдан ичкарига кирди. Кўкми, зангор нурга чўмган хонада муаллақ турганми, шифтга осилганми — бир қанча курси кўзга ташланар эди.

Курсига ўрнашгани заҳоти, афтидан катта, вазмин кема ердан капалакдек беозор кўтарилди... Лаҳза ўтди, дақиқами — ёруғ-чароғон бир шаҳарга келиб қўнди.

Шаҳар кўчаларида чироқ кўринмас, офтоб ҳам, соя ҳам йўқ эди. Бинолар энсиз; юксак. Ойнадан ёки шунга ўхшаш бир нарсадан тикланган бўлса керак, пастдан-тепагача ялтирар, у ён-бу ёнга оҳиста тебранаётгандек туюлар эди. Боғлар — улардаги дарахтлар, ўсимлик-гиёҳлар — уммон остидагидек илдизсиз; ҳавода тўнтарилиб-юзиб юрибди...

Иккинчи Мен осмондаги шаҳарда кезаётган айни сонияда...

Учинчи Мен — ўшанда уруш бораётган

Афғонистонга қараб жўнади.

Кун иссиқ, дим; қора бир тўзон гирдибод уради.

Ҳири руд устидаги кўприкдан ўтиб, «Ҳирот» меҳмонхонасини ёнлаганча, саф чеккан оғир машиналар илдам суриномқда. Улар қўшни мамлакатдан бу ерга аскар олиб келган.

Машиналардан биридаги йигитлар, асосан, ўзбеклар. Бошлиқларнинг тазйиқи, ҳарбий ҳолат русумига қарамасдан, баланд товушда сўзлашиб-гурунглашиб кетишбди.

Фақат, ранглар, хивичдеккина йигит... энг сўнгги қатордаги тахта четида ўтирганича, бундай пайтларда бўладиган маза-бемаза суҳбатга аралашмай, машинанинг орқа — очиқ томонидан кўриниб турган атрофманзарага аллақандай суқланиб тикилади.

Рўпарада узоқдан аҳён-аҳён кўзга чалинган, қуббалари учиб, тўкилиб-тўзиб ётган миноралар, катта-кичик масжид ва мадрасалар — буюк обидалар бўйлаб нигоҳи сирпанганча, —

унинг юзига бир ҳайрат, бир ғусса

кўлка ташлайди...

— Эҳтиёт бўлинглар! Шошмасдан!!!

Мирза Ғолиб сесканди: уни арғавчадан кўтариб, оддий кўрпа-тўшакдан анча баланд; тахтами, темирми — қаттиқ бир нарса устига ётқизишмоқда эди.

У ҳозиргача ёнида бировнинг бор-йўқлигига эътибор қилмаганди. Энди разм солиб, беш-олтитами, кўпроқми киши ўзини қуршаб-пичирлашганча, куйманишаётганини пайқайди.

Қейин, яна...

бояги ҳолатга қайтди.

Биринчи Мен — жарроҳлик бўлмасида ётибди. Унинг оёқларига маҳси ёки ғилофни эслатган ниманидир кийдириб, уларни маҳкам танғиб қўйишмоқда. У ўзини бировлар қўлига топширган. Ҳамма нарсага шай; лаббай деб тургандек! Кўнглида бирон норозилик, исён йўқ. Худди қўйга ўхшаб...

Иккинчи Мен — осмондаги шаҳарда. Лекин энди кўчада эмас, ҳамроҳлари билан мисдек қизиган, ярақлаётган аллақандай узун ўрама ичида ҳаллослаб-югуриб кетябди. Осмонлик ака-сингил — майли; совғадан қуруқ қолаётган боладек, у нега, қаёққа шошябди?! Бу ўртаниб-ёниб, ўзингни олдинга ташлашнинг интиҳоси борми? Шу азоб учун уни осмонга чиқаришган эканми?!

Иккинчи Мен осмонда елиб бораётган бир дамда...

Учинчи Мен — нечундир, қанот чиқаргандек,

Афғонистонга қараб учди.

Машиналардан бирида, сўинги қаторда ўтирган рангпар, хивичдеккина йигит атроф-маңзарага бирдек суқланиб тикилмоқда... У, ниҳоят, эндигина йигирмага кирган эмас, дунё кўрган кишилардек, ўйчан бош чайқаб, ўзи-ўзи билан сўзлашаётган алпозда пичирлайди:

— Деҳиканор қайси томонда бўлса экан?!

— У нима деганинг? — қизиқсинади ёнида кетаётган, ёши каттароқ, норғул йигит.

— Шундай бир жой бор. Деҳиканор!

— Гапингдан, сен олдин ҳам Ҳиротни кўргандек...

— Етти ёшимдан орзу қилардим! Кўрмаганмиз, албатта.

— Хўп, нима бор экан сен айтган ҳалиги...

— Деҳиканордами?! — ҳамроҳига ёрдам бериб юборади хивичдеккина йигит. Кейин, шуни ҳам билмайдиган одам бўлар эканми, дегандек сал ажабланган, сал огринган кўйда, яна пичирлайди: — Ахир, у ерда Лутфий...

Мирза Ғолиб диққат қилди... Жарроҳлар оёқларидан кейин, ўнг қўлини биқинига, чап қўлини эса қанотдек ёзиб, ён томонга боғлаб қўйишди.

Унинг шу — чап тарафида қорачадан келган, кўзлари чақноқ ҳамшира — ёшгина бир қизалоқ тик турар; Мирза Ғолибнинг қўлини меҳрибонликми, куюнч биланми тинмай сийпалар эди. Дунёда фарзанд ўз отасига ёки она ўз боласига шундай мурувват кўрсатиши мумкин! Бундан таъсирланиб, Мирза Ғолиб дафъатан ўзини бир оз дадил сезаётгандек бўлди.

— Сизнинг исмингиз нима? — деб сўради у қизалоқдан.

— Гулгун.

Мирза Ғолиб ҳушёр тортди.

— Сиз ҳам Гулгунми?!

— Яна ким Гулгун экан!

— Эй, бу жуда катта тарих! — деди секин Мирза Ғолиб. У бениҳто, муҳим ишлари билан машғул жароҳларни ҳам, ўзининг худ-беҳуд, ночор ҳолатини ҳам унута бошлаган эди. Назарида, шунинг баробарида, ҳозир ўзи фақат алаҳлаётгандек, унинг ўрнида бошқа биров Гулгун билан гаплашаётгандек эди. — Бир йигит бор эди. Лутфулла! Афғонистонга юборишган эди... Отаси адабиёт муаллими бўлгани учунми, адабиётни яхши кўрар; Лутфий деган шоирга, айниқса, ихлосманд эди. Кўпинча, мен Лутфулла эканлигимдан, Лутфийга қизиққанмиканман; дадам Лутфийни эслаб, менга бу исми қўйганмикан; бунинг иккиси ҳам «лутф»дан келиб чиққан, деб юрар эди... Лутфий — тахаллус; Лутфий Кашмирий, Лутфий Бухорий, Лутфий Машҳадий, дегандек бу тахаллуснинг эгаси кўплигини била туриб, шоир Лутфий уни танлаган эди. Ўзига бепарволикданми, атайин кўзга ташланмаслик учунми, шундай қилган эди! Тахаллусдан ташқари, Лутфий ўз исмини ҳам бирон ерда белгилаб қолдирмаган эди... Унинг исми — номаълум: Муҳаммадми?! Маҳмудми?! Аҳмадми?! — Лутфулла шу тўғрида ўйлагани-ўйлаган; бу жумбоқни ечгиси келар эди... Умуман, Лутфулла — «исм жинниси», — ҳар қандай исм одам ҳақида тасаввур беради, исм қўйишни бекорга ота-онанинг бурчи, дейишмаган, мазмунида гапириб юрар; шунга одатланган эди...

— Мен тушунмадим. Гулгун, деётган эдингиз! Энди Лутфулла, Лутфий... Гулгунга дахли борми?!

— Бор, албатта, — деди Мирза Ғолиб, — Лутфийку, ўз исмини «яширган»; лекин атрофдагилар-чи?! Лутфийни яхши таниган, билган ҳолда, нега бу тўғрида «индашмаган» экан?! Лутфуллани шу савол қийнар эди... Ўзига замондош шоирни «Маҳдуми Мавлави Нурани — Абдураҳмон Жомий!» — деб тугал ёзган Алишер Навоий, устози, ўзи «Азиз ва мутабаррак киши эрди!» — деб билган, бир умр эслаб юрган Лутфийнинг исмини ёзмагани устига, тахаллуси тўғрисида ҳам бирон ерда лом-ним демагани Лутфуллани ажаблантирар эди... Қисқаси, у Лутфийнинг ҳам исми Лутфулла бўлмаганмикан, деб тахмин қиларди. Исми тахаллусга



айлантириб юбориш расми йўқ эмас! Уша замонда, Мавлоно Лутфуллоҳ, Мулла Лутфуллоҳ, Хўжа Лутфуллоҳ, деган обрўли кишилар ҳам учраганидан, балки Навоий, аксинча, чалкашлик рўй бермаслиги учун «Мавлоно Лутфий» дейиш билан чеклангандир?! Бошқалар ҳам «Лутфулла-Лутфий» деб юрмасдан, «Мавлоно Лутфий»ни «қабул» қилишгандир?! Лутфулла шундай деб ўйлар эди... У Афғонистонга кетаётганида, бир қизга унаштирилган; қизнинг исми Гулгун эди! Энди Лутфулла, умрида буюк бир муҳаббат насиб этган Лутфийнинг севгилиси исми ҳам — ўша пайтлар кенг тарқалган Чўлпонми, Навшодми эмас, — аниқ Гулгун бўлган, деб ишонар; ҳаётда шундай бир исмлар мутаносиблиги бор, тушунтириш қийин, дер эди... Сизнинг исмдошларингиз шулар!

— Кейин-чи?! — ҳуркибгина сўради Гулгун.

— Кейин... Ҳирот — қадимий шаҳар, Искандар замонидан келган; Хуросон деган мамлакат пойтахти... Амир Темур вафот этгач, Шоҳруҳ Мирзо пойтахтни Самарқанддан кўчиртириб, бир пайтлар бутун салтанатнинг ҳам маркази! — бўлган эди. Шоҳруҳ Мирзо, аynиқса, Ҳусайн Бойқаро даврида боғлар барпо этилиб, юзлаб обидалар қурилиб, у ниҳоятда гўзаллашган эди. Мухтор тоғи этакларида жойлашган — Хиёбон, у ерда ташкил топган Мусалло — намозгоҳ кишини ҳайратга солар эди. Ушанда, муҳташам иморатларни оралаб, буралиб оққан Инжил наҳри, қирғоқдаги ҳовузалар, фавворалардан завқланиб, Ҳиротни сув ёқасида ўлтирган нозанин, дейишар эди... Бироқ Темур салтанати парчаланиб, шайбонийлар, кейин, эроний сафавийлар келишди. Кейин, бир-бири билан тахт таллашиб, масжидлардан дахмаларгача — барчасини аёвсиз тўлга тутган, тўзитган афғон шаҳзодалари... Лутфулланинг Ҳиротга кўнгли ачир эди! У буюк боболар хоки — руҳи поки Ҳиротда эканлигини ўйлаб, улар учун безовталанаётгандек ҳолатни туяр эди! Лутфулла Алишер Навоий қабрига урушларда шикаст етиб, энди баттар топталаётганини билар; Ҳиротдаги хиёбонлардан бири — Деҳқанорда яшаган, вафотидан сўнг шу ерда дафн этилган Лутфийнинг — қариянинг манзил-маскани қайси аҳволда?! — ўзича тасаввур қилар эди... Лутфулланинг юраги — Ўзбекистонда, аммо Ҳиротдан ҳам кўнглини узолмас эди! Эҳтимол, шу боисдандир, Афғонистондан, кўп ўтмай, унинг ўрнида, уйга темир қутига солинган жасади келди... Сиз, Гулгун, мени кечиринг, албатта...

Мирза Ғолибнинг ёнида турган қизалоқ — Гулгуннинг кўзларида бир даҳшат қотган; уларнинг туб-тубида ёш милтирамоқда эди.

Бу гўёки ўша — Лутфулла унаштирилган Гулгун; келинлик либосини киймай туриб, азадорлик юки бошини эгган эди! У, дунёдаги бедодликлар; урушлар, ёвузликлар, одамзоднинг ваҳшийлик-қабиҳликларидан ҳозир дод солиб — фарёд кўтариб юборадиганга ўхшар эди!

Шундай яхши қиз экан бу Гулгун!

Мирза Ғолибнинг энди силласи қуриган; уйқу босаётгандек, кўзлари ўз-ўзидан юмила бошлаган эди.

У — яна, ақл бовар қилмайдиган ҳолат...

учта Менга айланган эди.

Биринчи Мен — ҳамон жарроҳлик бўлмасида. Лекин уни қайтиб аравачага ётқизишмоқда. Ана, аравачани илдам суриб, катта чироқлар ёнган хонадан-хонага олиб ўтишябди...

Иккинчи Мен — мисдек қизиган, ярақлаётган узун ўрамадан чиқиб, ҳамроҳлари билан осмондаги дастлаб юзлашган шаҳар кўчасида, энсиз, юксак биполарни ёнлаб бормоқда. Улар кўчама-кўча айланиб, ниҳоят, манқалиш эслатган кема олдига келишди. Кемага миниб, Ерга туша бошлашди... Лутфулла унинг хаёлидан кетмаётган эди!

— Лутфулла қаерда?! — деб сўради, чамаси ерукўкда ҳамма нарсадан хабардор ҳамроҳларига тикилиб.

— Сен нега уни эслаяпсан?! — қизиксинди баланд бўйли қиз.

— Мен кўришим керак! Соғиндим...

— Лутфулла энди йўқ, — деди кўзлари мовий йигит. — Лекин сен тирик қолдинг! Яшайсан... Лутфулла учун ҳам!

— Нега?! Нега, ахир?! — деб бақариб юборди у.

— Ердаги ҳаётдан одамлар ўзлари хулоса чиқаришади... Биз зарур пайтдагина аралашамиз! — деди баланд бўйли қиз.

Иккинчи Мен кемада Ерга тушаётганида...

Учинчи Мен — шошганича, —

Афғонистонга йўл солди.

Иссиқ; дим.

Қора тўзон ичида қоқиниб-чайқалиб — ўлим гирдобига тушиб бораётган машинада, энг сўнгги қаторда ўтирган хивичдеккина йигит олис-олис бир нуқталарга кўз тикиб, —

ота-боболардан ўрганиб-билган,

юрагида кўмилиб ётган муқаддас сўзларни топиб-  
танлаб; —

Ўзича, —

Ўйчан пичирламоқда эди:

«Илоҳи, агарчи журму исёндан ўзга-ишим йўқ; аммо  
Сендин ўзга ҳам — кишим йўқ!

Илоҳи, ўзлук ёмонлиғидин — ўзлугум била ўта ол-  
майдурмен! Ва, яхшиларнинг этагин — ёмонлиғим уёти-  
дин! — тута олмайдурмен.

Илоҳи, Одам (аввалдан) хилофот тахтининг мустав-  
жиби — ўзиму бўлди?! Сенинг тақдиринг бўлмай, Шай-  
тон мухалифатининг — сўзиму бўлди?!

Илоҳи, ул узун йўл ва қаттиғ водийда (мени) иноя-  
тинг била йўлла! Ва, анинг қатъида оёғим тойилса, —  
дастгирлигинг била қўлла!

Илоҳи, дарди ҳолимни ҳар кимга айтсам, — рад қил-  
са, — Сенга таважжуҳ эткаймен! Ва агар Сен рад қил-  
санг, — неткаймен; ва, кимга кеткаймен?!

Илоҳи, тоатқа тавфиқ берсанг, — риёдин асра! Ва,  
ибодатқа йўл кўргузсанг, — хатодин асра!..»

Тепаликдаги ғариб бинода, кимлардир ётиб-турган  
тўшакда тўлғанаётган Мирза Ғолиб...

Қачон кўзи кетиб, қотиб қолганини билмас эди.

Тун бағрини ёрган нолами-қичқириқдан чўчиб уй-  
фонди.

Уни тер босган; ҳаммомдаги сингари бадани жиққа  
ҳўл эди. Кечаси бўлса ҳамки, айни саратонда эшик-де-  
разани очмай, кўрпага бурканиб ётгач, — у пишмай, ким  
пишсин...

Ўрнидан туриб-турмай, кўзи тушди... Хона сутдек  
ой нурига тўлган; шу билан бирга, ўзидан нур ўтказа-  
ётгандек, — нурга халал бермай, — кимдир деразага  
ёпишиб олган эди!

Мирза Ғолиб аввалига, уй эгаси; демак, мен нотўғри  
ўйлаган эканман, бу эгасиз, ташландиқ жой эмас экан,  
деган хаёлга борди. Ўрнидан ирғиб, дарҳол эшикни оч-  
гиси келди! Бироқ шу ондаёқ иккиланди. Ўринга қа-  
лишди... Уй эгасининг бундай ўзини жонсарақ дераза-  
га уришига унинг негадир кўнглида иштибоҳ туғилган  
эди!

Мирза Ғолибнинг хаёлидан, бегона бирон, деган гап  
ҳам ўтди. Аммо бегона киши, бегона жойда ўзини журъ-  
атсизроқми, бошқача тутди! Деразага сакрамайди;  
нари борганда, эшикни зарб билан қоқди! Ташқарида-  
ги кимсанинг туриши — кўршапалакдек деразага ёпи-

шиб олгани ҳам — бир оз ғайритабний; айниқса, нега узидан нур ўтказаётганига тушуниб бўлмас эди! Мирза Ғолиб иккиланмоқда эди. Умуман, уйда қандайдир жасадлар ётгани, бунинг устига, ёнида бировларнинг омонати борлигидан... тухматга учрайдими?! Уни тунаб кетишадими?! Бу иш нима билан тугайди?! — билмаганидан, Мирза Ғолиб ҳар кимга эшик ёки деразани очгиси йўқ эди!

Нола чекканми-қичқирган ким?! Шу — дераза ортидагими, бошқами?! — у ҳали англаб етмаган эди... деразадаги кўланка титраб-қақшаб, қичқирди:

— Оч, номард! Оч! Ёрдам беринглар! Уламан...

Мирза Ғолиб — яхшироқ диққат қилган ёки овозга эътибор бергандир?! — ҳар қалай, мана, энди сезди: ташқаридаги — аёл киши эди! Мирза Ғолибнинг сал ҳамияти келди! Шунинг баробарида, хижолат чекиб, саросималанди. Қўрқоқлик ҳам эми билан! Эҳтиёт бўлишнинг ҳам чегараси бор! У, аёл бирон фалокатга йўлиққан; аралашиниш, ёрдам бериш керак, албатта, деб ўйлади. Уридан сапчиб, дераза томон босди. Ва беҳосдан...

эс-ҳуши оғди.

Ташқаридаги аёл... Мастура! — эди.

Мирза Ғолиб — дераза ёки эшик?! Қайси бирини тезроқ очиш мумкин?! — шу паллада, довираб қолганидан, аниқ фикрга келолмай бир дераза, бир эшик томон отилди. Мастуранинг бағрига босиб, ичкарига олиб кирмоқчи; агар шунга эҳтиёж бўлса, — жонини бермоқчи эди! Ана, сен кўришга ошиққан — Мастура! Сен аҳволини билишга ошиққан — Мастура! Оч! Оч!

Бироқ ҳаяжонланиб-талпинганича, тўхтади.

Мабодо, ким бўлмасин, — биров! — эшикни тақиллашиб, тирик жон борми, оч, деса, Мирза Ғолиб ҳеч иккиланмай, аллақачон — уйғонганидаёқ, — бориб эшикни ланг очар эди! Мулоҳаза юритиб ўтиришга ҳам улгурмасди! Аммо эшик бирон марта тақилламаган эди! Умуман, ташқаридаги кўланканинг эшикни қўйиб, деразага ёпишиб олганидан ҳамон Мирза Ғолибнинг кўнглида шубҳа уйғонмоқда эди!

Яна, мабодо, ичкарида жасадлар ётмаганида, — Мирза Ғолибнинг хаёли қочмас эди! Олачалпоқ парда орқасидаги кимларнингдир жасади уни, очма, деб огоҳлантираётгандек эди!

Айниқса...

ташқаридаги аёл негадир сўнги пайтлардаги эмас,

Мирза Ғолиб янги танишган — анча йил бурунги Мастурани эслатар эди! Қолаверса, Мастуранинг энг оғир шаронтда ҳам, яқинми-узоқми, ҳеч кимга сенсираб, номард, деб бўғилиб-сўзлашадиган феъл-атвори йўқ! Мўмин-қобил. Одатда, жанжалли парсаларни ҳам сирдек шивирлаб гаплашади... Булардан ташқари, муҳими: туққанми, шунча пайт ўтиб, ҳали ҳам «семириб» юрибдимми?! — нима қилганда ҳам, — Мастура шу кунлар уйдан чиқадиган аҳволда эмас! Хўп, уйдан чиқди, дейлик... Мирза Ғолибни мишг қидирганда ҳам, идорадан аниқлаб, тўғри қўналгага бормайдими — Мастура?! Тўқайзор ичидаги бу харобага қаердан келиб қолиши мумкин?! Деразадаги кўланканинг юпқа бир матоҳга ўхшаб, ўзидан нур ўтказаетганини айтмайсизми?!

Мирза Ғолибга ақлу ҳуш шуларни уқдирмоқда; лекин бу гал ҳам у — олдингидан кўпроқ! — иккиланмоқда эди.

Шу пайт...

қаердандир — тепаликнинг этак томонидан, — тинчи бузилган итнинг — ҳалиги, юнги пахмайган, айиқдек ит бўлса керак! — ув тортиб, қаттиқ ҳураётгани эшитилди.

Мирза Ғолиб шошиб қолди. Тезроқ бир қарорга келиш керак! Тезроқ! Тезроқ!

Аmmo унинг кўз ўнгида, шу сонъяда дабдурустан ташқаридаги аёл буришиб-бужмайган кампирдек қиёфага кирди.

Кейин, ғижимлаб-ёққан қоғоз сингари қорайди.

Кейин, бирдан туси ўчди.

Кейин, итнинг ҳам овози тинди...

Мирза Ғолиб қайтиб ўринга келиб чўкди.

У энди — ўзи нима бўлаётган эди-ю, нима бўлди?! — билмаганидан, даҳшатга тушган; биров эшик-деразани бузиб; ана-мана хонага бостириб кирадигандек, қимир этмай ўтирар эди.

Ухлаш қаёқда! Энди шунчаки кўзини юмиб, мудрашни ҳам хаёлига келтирмаётган эди...

Уйқуга ўхшар — ўлим;

Ўлим ўхшар — уйқуга...

Ахийри, осмонда ой бўзариб, тонг ёриша бошлади. Бироқ, Мирза Ғолибнинг ҳамон қимир этишга ҳоли йўқ эди.

Ниҳоят, офтоб ҳам ёйилди.

Мирза Ғолиб шошмай, туриб, кўрпа-тўшагини йиғди.

Кейин, кўнгли тиламаса ҳамки, нонушта қилишга уринди.

Кейин, эшик томон босди.

Эшик томон босди-ю, тўхтаб, ўғирилди. Қаради.

Унинг олачалпоқ парда орқасига яна бир қур кўз ташлагиси келди.

Яқинлашиб, пардани сурди.

Ажаб! Парда орқасида ҳеч вақо йўқ... тўғрироғи, бир-бирининг оёғига бош қўйиб, қатор ётган жасадлар йўқ; фақат ярим-очиқ қувурми, каттакон тарновгами ўхшаган нарса қаққайиб турар эди!

Мирза Ғолиб, нафаси ичга чўкканича, бўйни, елкаларини қисиб, —

пардани қайтиб ёпди.

## ИККИНЧИ ҚУРИНИШ

### Кўнгул қуши

Висол авжи бийик, эй кўнгул қуши,  
сен паст...

*АЛИШЕР НАВОИЙ.*

Сўроғингда, бидбонлар кезиб, бе поу сар юрдим,  
Қуюндек чарх уруб, жисмим ғуборин кўкка совурдим.  
Сен азм айлаб кетарга, мен бўлуб бемор, қайғурдим.  
Кўнгул — жон бирла бўлди ҳам-раҳинг, мен — дард ила  
турдим,  
Сенга — жон бирла кўнглумни, сени — таирига  
топшурдим...

Сени топмоқ баса мушкул кўринди — жусти-жў бирли,  
Фироқнинг дардиға таскин тиларман — гуфту-гў бирла,  
Гаҳи — паймона бирла шугл этиб, гоҳи — сабу бирла,  
Кўнгул тинмасқа қолмиш эрди, ҳар нав, орзу бирла,  
Ризо кўйиға то қўйдим қадам — кўнглумни тиндурдим...

*НОДИРА*

*Алишер Навоий газалиға муҳаммасдан.*

Қуёш найза бўйи кўтарилганида, Мирза Ғолиб тепаликни орқада қолдириб, яна тўқайзорга шўнғинган эди.

У тўғри қибла тарафга қараб бормоқда; тўхтамай тепаликдан олиб, йўлни давом этдираверганга ўхшар эди.

Мирза Ғолиб ўнг ёки сўл томонда, ҳаттоки анча яқин бир масофада катта йўл ястаниб ётган бўлиши ҳам мумкин, деган гапни хаёлидан ўтқарган; аммо ўзи танлаган йўлдан чалғишни истамаган; баттар адашсам-чи, деб хавфсираб, бу фикрдан кечган эди.

У — елкасида тугун, қўлида эса халта, — ана, охири кўринмаётган тўқайзорда, кечагидан минг чандон азобланиб, бирдек олдинга сурилмоқда. Унинг тунда кўпгилдагидек ҳордиқ чиқариб, жилла қурганда бир оз дармонга кирмагани сезилмоқда; умрида кўрган хасталиклар ҳуруж қилиб, яна қорни, биқинни, оёқлари, боши симиллаб оғримоқда эди. Назарнда, кечагидан ҳам бугун ҳаво иссиқ, дўзах; қуруқ ўтиндек, гуруллаб ёнмоқда эди. Офтобга ўзини солган чумоли, пашшалар баданидаги шилиниб-қонаган жойларни топиб, талаб, айниқса, Мирза Ғолибни қонига ташна бир ҳолга келтиришмоқда эди.

Мирза Ғолиб тепаликдаги харобадан энди узоқлашиб кетган; бироқ елкасидаги тугундек, унга юкланиб; тепалик гўёки унинг орқасидан судралиб, эргашмоқда эди!

У муттасил Мастура тўғрисида ўйламоқда; тунда ҳис этган иккиланиш ҳолати то ҳозир уни тарк этмай, қийнамоқда, эзмоқда эди.

Мирза Ғолиб учун энди идорадагилар — Мардонқул аками, Тенглаш билан Ҳақимжонми?! Ким? Нега?! — номардлик қилишгани, уни «унутиб» қўйишгани муҳим эмас! Қўналгада қирққа яқин киши заҳмат чекиб қолаверганида, ўзи этак силкиганча, чикиб кетавергани ҳам муҳим эмас! Ҳаттоки, Мастуранинг ўз «юк»идан қутулиб олган-олмагани-ю, дунёга келган ёки келмаган боланинг қайси ҳолда?! Ким?! — эканлиги — бу ҳам! — муҳим эмас... Мирза Ғолиб, уйга борганимда, қандай аҳволга дуч келамади?! Қандай ҳолатининг устидан чиқаман?! — деб ўйлаб, ўз-ўзини бурдаламоқда эди!

У, тунда уйғониб мен кўрган кўланка — сийрат эмас, қандайдир сурат эди; жуда эшганда, кўршапалакдек деразага ёпишиб олган, ўзидан нур ўтказган номаълум бир мавжудот эди! Шу, холос! — деб, ўзини қапчалик «кўндирмасин», бунга муқобил фикрлар уни шунчалик пармалаб, эғовламоқда эди! «Сен барибир номардлик қилдинг! Дераза ёки эшикни очиб керак эди! Ҳаётда ҳар нарса бўлади! Биров сенга қушни, биров сичқонни эслатиши мумкин! Ойнинг тўлинигидан, балки нур хонага ёпирилиб киргандир?! — қолгани, балки, сенинг

«оддий хаёлотингдир?! Хеч ким бекорга жеркиниб, сендан ёрдам сўрамайди! Сен ташқарида нима бўлганини билмайсан-ку! Бу овлоқ жойларда ўғри ҳам, безори ҳам, қотил ҳам учраб-йўлингдан чиқса, ажаб эмас. Бу ерда ёвузликка майдон етарли! Мастурами, бошқа аёлми?! — жиноятчилар ўлдириб, шу чексиз тўқайзорда ташлаб кетган бўлишса-чи?! Тўхта! Сен кўланка, деб ўйлаган, — сендан хавотирланиб, қидириб келаверган — аниқ Мастура бўлса-чи?!»

Мирза Ғолиб шундай хаёлларга бориб, бошини чайқаганча:

— Сен Мастурани ўзинг беркинган хонага киргани кўймадинг-а?! Мастурани-я?! Йигит киши, ўз хасминги-я?! — деб беихтиёр ингранар, кейин тиклаб-битирган бутун иморатини ағдариб:

— Йўқ! Мастуранинг бу ерларда пайдо бўлиши ҳақиқатга зид, ахир! Мантиқсиз гап! — деган фикрга келиб, яна ўзи-ўзини овута бошлар эди. У жисми-жонини — шаҳарга, уйга етиб бормагунича, — бу иккиланиш, бу изтироб, ҳар ҳолда, тарк этиши қийини эканлигига дам сайин қаноат ҳосил қилмоқда эди!

Тўқайзорни бирдек чангитиб, олдинга сурилаётган Мирза Ғолиб бундан бўлак сир-синоат тўғрисида ҳам ўйламоқда; тунда, харобадан гашқарида юз берган ҳодисанинг хонадаги жасадлар билан боғлиқлиги, бир-бирига дахли борми?! — азбаройи безовталанганидан! — билгиси келмоқда; унинг кўз ўнгида олачалпоқ парда очилиб-ёпилмоқда эди!

Мирза Ғолибни, эшик-дераза берк бўлса, жасадларни ким, қайси йўсинда хонадан олиб — «ўғирлаб» кетгани, қачон, нега бундай бўлгани ажаблантирмоқда; у, жасадлар, эҳтимол, менга шунчаки кўрингандир, дейишга тайёр, лекин... ҳамма-ҳаммаси эсида; бутун-бор манзара кўзи олдида қайта-қайта жонланмоқда эди! Жасадлар янги, бир-бирининг оёғига бош қўйиб, қатор ётгани... афт-ангори, кийими бир-биридан анча фарқ қилгани... уларнинг учаласи ҳам қандайдир таниш, қаердадир кўргандек...

Мирза Ғолиб тўқайзорда судралиб бораётиб, ҳозир кечаги — учратган пайтидагидан ҳам ёрқинми-яхшироқми?! — барча тафсилоти билан эслай бошлади... Марҳумлардан бирининг: бошида фўта, эгнида одми яктак; юзи чувак, кичик соқол қўйган... Иккинчиси: бошида кулоҳ, эгнида жанда; патила-патила сочлари кулоҳ остидан чиққан, камаригача тушган; соқоли ҳам қалли, тўс...



Учинчиси: бошига ҳошияли калпоқ қўндирган, негадир қўлида юпқа, оқ қўлқол; ёнида калта бир таёқ ҳам ётибди; юзи қонсиз, аммо жуда кўҳли...

Мирза Голиб кетаётган жойида бехосдан чайқалиб-гандираклаганича, тўхтади.

«Эй худойим-эй! Эй худойим-эй!»

У юзлашган марҳумлар — оддий, бу кунги одамлар эмас, унга қандайдир — китобларда кўрган тасвирими, тасавури бўйичами?! — азиз, буюк бир инсонлар: Лутфий, Машраб, Байрони эслатган эди!

Унинг буларни танигани ҳам, қаердадир кўргани ҳам — шу эди!

Мирза Голиб — кеча, пардани суриб, кўзи тушганида, — буларнинг уст-боши нега бошқача, деб ҳайрон бўлгани ҳам (эсида!) — шундан эди!

Ажабланиш мумкин! — аммо, шу аснода Мирза Голиб соддадил кўйда, менинг кўрганим — ўша, буюкларнинг ўзимиди ёки жасадлар фақатки уларни менга эслатдими?! — деган хаёлга борди.

Минг йиллар шаклланган — ҳаётнинг ўз қонунлари бор! Тобут ўрнида ўтган — ярим-очиқ қувурми, каттакон тарновгами ўхшаган нарса ичида ётган жасадлар янги, бузилмаган, илк қарашда улар ширин уйқуга кетган кишидек эди... Умуман, Лутфий, Машраб, Байронлар бир-биридан узоқ жойлар, бошқа замонларда яшаб, неча юз йиллар бурун вафот этишган! Уларнинг қабрлари ҳам... Лутфий Ҳиротда, Деҳқанворда! Машрабни Балхда дафн этишиб, жасадини, кейин, Исканмиш деган жойга кўчиришган. Уша ерда! Байрон Юнонистоннинг Миссолунги деган жойида вафот этиб, унинг юраги Юнонистонда, танаси Англияда — Лондон яқинидаги ўз ота мулки-музофотида, дала бир ерда ётибди! Бунинг устига, уларнинг жисми аллақачон хоки-туробга айланган бўлиши керак! Шундай!

Бироқ... Ўтган кишилар, айниқса, ажойиб инсонларни: «Улар ўлмаган! Улар бизнинг ҳаётимизда яшайди!» — деб эслаш баландпарвоз гап эмас, аини ҳақиқат эканми?! — Мирза Голиб тарихда номи қолган минг-минглаб кишиларни, — болалик пайтларидан бир умр, — ҳаётда бор, деб билишга одатланган; уларга тирик, ўзи билан ёнма-ён яшаётган одамдек муносабатда бўлишга ўрганиб қолган эди! У қадрдон — Лутфулладан айрилиб, энди «Лутфулла бўлиб» ҳам яшаётганидан, сўнги йилларда китобга берилган; китоблардаги тасвирдан

кўпроқ — тасаввур туфайли ҳар хил шахслар ҳаёти-ю, уларнинг қиёфасини кўз олдига келтира олар эди!

Мирза Ғолиб Лутфий, Машраб, Байронни ҳам ўзича «яхши танир», аниқ тасаввурга эга эди!

...Лутфий — бир қарасанг, — ўзига ҳам, атрофдагилар ҳаётига ҳам бепарво; дунё билан иши йўқ. Яна бир қарасанг, — ўта куюнчак; ҳамма нарсани зийрак кузатган, инжа баҳо берган, одамлар муносабатида энг нозик белгиларни илғаган! Ўрта бўйли, озгин, соядеккина киши. Ярим қисмтир кўзлари — ажабо! — ғамгин; ҳам шўх. Чувак юзида доимий хижолатли бир табассум!

...Машраб — йирик жуссали, ёруғ чеҳрали; кўзлари катта-катта; ўтлуғ. Уктам ва эрка; «жазб ҳолатлиғ». Олов ичидан ўтади; ариқдаги сувга тўни билан ўзини отади. Унта одамга тенг кучи бор. Аммо ўта эҳтиросли; таъсирчан. «Ҳар ерда гўристон бўлса, одамларнинг устихонларин кўриб, йиғлар; эй инсон, охир ҳолинг шу экан-да, дер эди!» Унинг ҳаёти... «Ёш қолибман отадан!» ва: «Кўнглумни шод этган онам!» Яна: «Дунёга келиб, лойиға билмай бота қолдим!»; кейин: «Қона тўлгон юрагим!» Ниҳоят:

«Дунё сориға бир келибон — ғам-зада кетдим,  
Бир лаҳза дам олмай турибон — лаҳзада катдим!»

...Байрон — ранг-рўйидан, гўзал ва бахтсиз. Болаликдан бир оз оқсагани учун ҳам, «буни беркитишга уринган алфозда қўлидаги таёқчани ўйнаётган бўлиб, тез, югураётгандек одимлайди». Баҳодир келбатли эмас; лекин кучини қаерга қўйишни биламайди; ғаюр; ҳаддан ташқари, тоқатсиз. Зодагон оиладан; лорд; ўн ёшидан парламентда белгили ўрни бор. Аммо қироатхона — қаёқда, бутун Англияга ҳам снэмайди! Даста-даста китоб ёзгани кам; Ла-манш бўғозини сузиб ўтиб, сузиб қайтади. Бир Балқонга, бир Швейцария, бир Италияга жўнайди. Шахсан ҳарбий кема ясашиб, Юнонистонга боради. Ватани — Англия Ҳиндистонни забт этган бир даврда, босқинларни қоралаб, юнонларнинг туркларга қарши озодлик жангида бошчилик қилади! Эрка бағишланган асарларини «Шарқ дostonлари» деб атайди...

Мирза Ғолиб ота-боболарнинг тириклигига ишонгани, тарихчи эканлиги-ю, тарихни баъзан шу тарзда «тирилтира олгани» учун ҳам, менинг кўрганим — Лутфий, Машраб, Байрон — ўша, буюкларнинг ўзи эмасми-ди, деган хаёлга борган; бу хаёлдан «кўнгул узолмаётган» эди!

Хўп, гап шунчаки тасаввурдами?! Тепаликдаги харобадан узоқлашгани билан, уни барибир «орқалаб» кетаётган Мирза Ғолиб, шу аснода яна бундай тафсилотни эслади... Марҳумлардан бирининг: чап бетнда шахсий муҳрдек билинар-билинамас афғон яра... Иккинчисининг: бўйнида чизиқ тортгандек, арқон изи... Учинчисининг: бир оёги бошқасидан жилла қисқароқ... эди!

Дунёда бирон зот қўшилмаслиги мумкин! — аммо, мана энди, Мирза Ғолиб, парда орқасида ётганлар — Лутфий, Машраб, Байронни менга фақатки эслатган эмас, уларнинг ўзи эди! — деб ўйламоқда; муайян хулосага келган эди!

Шунинг баробарида, Мирза Ғолиб жасадларни ким, қайси йўсинда хонадан олиб — «ўғирлаб» кетгани-ю, қачон, нега бундай бўлганига ҳамон тушунмаётган эди... Улар ўзлари «келишган» ва яна ўзлари «ғойиб бўлишган» эмасмикан?! Ахир, эшик-дераза берк; Мирза Ғолиб ҳеч кимни киришга ҳам, чиқишга ҳам қўймаган эди... Мабодо, у қаттиқ «қоқилиб-йиқилиб», касалхонада ётганида, — учта Менга айланиб, уч жойда ҳаёт кечирмаганида эди! — албатта, бу хаёлга бормас эди! Ҳозир эса саволга жавоб излаётиб...

Шундай ривоятни эслади:

«...Андин сўнг, Шоҳ Машрабнинг муборак жасадларини лаҳадга дафн қилдилар...

вафотларига етти кун бўлуб эрди; тўққуз қаландар Балхга талқин этиб келдилар...

Вазир айдики:

— Эй қаландарлар, бизларга Худойи таоло бир ваolini каромат қилуб эрди; отлари Машраб экан! Бизлар кадрларини билмадук; подшоҳим шаҳид қилди. Маҳмудхонни ўзи ҳам ўлди! — деди (лар).

Анда, қаландарлар айдилар:

— Бизлар Машрабни яхши танурмиз. Уч кундурки, бизлар уни кўзумиз бирла кўруб келдук; Ҳирот даштида, кафанлари бўйнида, итлари кейинларида Маккага кетиб борадурлар!

Бу сўзни эшитиб, вазирлар отлонишиб, Шоҳ Машрабнинг лаҳадларига келуб, кўрдиларки...

гўрларининг қибла тарафидин бир эшик очилибдур. Анда на кафан кўринадур; ва на жасад! Ҳеч нимарса йўқ...»

Мирза Ғолиб бундай ривоятни ҳам эслади:

«Мен шаҳардаги боғ эшигида отамни — одатдаги кийимида, қўлида ҳасса тутган ҳолда, — учратдим. Биз

қўлтиқлашиб, уйга қараб юрганимизча, ундан-бундан узоқ гаплашдик. Аммо... уйга келиб, остона кечганим заҳоти — отам хонада, кўрпага ўраниб, қотиб ухлаб ётганини кўрдим! Ёнимда судралиб келган кўланка бе-хосдан ғойиб бўлди...

Бу гапларни уйдирма, деб ўйламаслигиниғиз учун, айтмоқчиман. Шундай воқеа Байроннинг қисматида ҳам учрайди! У Юнонистонда, безгак тутиб, оғир ётганида, уни яхши таниган кишилар — Лондон кўчаларида бемалол айланиб юрганини кўришган эди!»

Мирза Ғолиб, тинка-мадори қуриб, ҳаммаёғи олдингидан баттар шиллиниб қонаб, тўқайзорда судралиб бо-раётиб, бу ривоятларни эслагач, Лутфий тўғрисида хал-ёлга ботди.

У Лутфуллага «айлангани» дан буён ўтмиш шоир-лардан Лутфийга айрича қизиқиш билан қарар; Лут-фий тўғрисида — Лутфулла хотирасига бағишлаб, — ни-мадир ёзиш орзуси билан яшар эди! Мирза Ғолиб Лут-фийнинг вафоти олдидан — унинг ҳам ҳаётида, шу тах-лит, ажабтовур, ҳайратли бир ҳолат рўй берганини би-лар; тасаввур қилар эди. Шу дамда беихтиёр ёдига тушди...

Ушанда...

у жуда қариб қолган эди.

Бир кунни, одатдагидек, саҳарда туриб, бомдод на-мозини ўқиди. Кейин жойнамоздан қўзғалмай, ярим со-ат чамаси, — кўзлари ёшланиб — Қуръон тиловат қилди.

Шу кунлар чарчаб, ўзини лоҳас сезганидан, масжид-га бормаётган; кўча-кўйга ҳам чиқмаётган эди. Кеча-ми, кундузми?! — аҳамияти йўқ; билгани: мизғиш, ян-гидан таҳорат олганча, намоз ўқиш; худога ялиниб-ёл-вориш эди! Ҳафсаласи бўлганда, ора-сера китоб варақ-ларди. Энди шеър ёзмас; қўлидаги сўнгги сатрларни би-ровларга, ўзлари ёзиб-тугатишларини сўраб, тақдим қилган эди. Назарида, унинг фоний дунёда иши тугаган эди!

У ўз аҳволидан норозилик туймас, инжимасди. Ак-синча, умрида оғир хасталикларга йўлиқмагани, то ҳа-мон қўл-оёқдан қолмагани — кимларгадир қарам, хор бўлмаганини ўйлаб, худога шукрона келтирар эди! У фариштадек — пок бир руҳ, беғубор бир қиёфага кир-ган эди!

Қуръон тиловат қилиб бўлгач, ҳар қачонгидек, қай-тиб ўринга бориб чўзилди.

Бироқ мизғий олмади... Кўзларини юмгани лаҳзада,

Ўз-ўзидан, негадир: бугун сени ажиб ҳодисалар кутмоқда! Огоҳ бўл! — деган гап кўнглидан кечди. Бу — аслида, гап ҳам эмас; қандайдир нидо эди! Очиқ-ошкор эшитди.

Ёшлик — ғайрат, журъат, жасорат; кексалик ҳикматдир!

У ҳаётдаги ҳар хил ҳодиса-воқеаларни аксар олдиндан ҳис этиб, башорат қила олар; тажрибам, билим туфайлими, сўнги йилларда бу унинг учун жўн бўлиб қолган эди! Лекин шу пайтгача ҳеч қачон ич-ичдан ўрмалаб чиққан нидоши у эшитмаган эди! Шу паллада гўёки кўнгулнинг ўзи гапирган эди!

Ҳаяжонланиб, ўрнидан туриб кетди.

Аввалгидан ҳам қизиқ ҳол рўй берди.

Унинг баданидан челақлаб сув оқмоқда эди.

Кейин, қайнаган қозондан буғ кўтарилганидек, бутун хасталиги, лоҳаслиги бир йўла тарқаган-кетгандек бўлди.

Кейин, ерданми, осмонданми, томирларига куч-мадор қуюлиб, ўзини — ўн саккиз ёшар эмас-ку! — тахминан қирқ-эллик ёшда юрган давридагидек, бардам сезди!

Таажжубланиб, хонада чарх-урганича, деворлардаги бири-биридан кичик ўймакор токчалардан ойна қидира бошлади. Ахийри, топиб ўз экенига қаради...

Юзига қон югурган, соқоли ихчамланиб, мош-биринч тусга кирган; кўзлари порлар эди!

Шу кунлар у, қора қиш ўтиб, наврўзга етсам, юз ёш насиб этган бўлади, деб мулоҳаза юритмоқда, кўнглининг туб-тубида бунга умидланмоқда эди! Ҳозир ойнадаги аксини кўриб: «Ёшарибмен-ку, тавба! Манглайимда бир эмас, ҳали анча кўкламлар ёзуғлиққа ўхшайдур; Оллоҳ-Оллоҳ, ўзингга шукр!» — деб ўйлади.

Қўлидаги ойнани қайтиб токчага қўйиб, дераза томон ўгирилди. Тунда қалин қор тушган; лекин энди офтоб чарақлаб атроф оқиш бир ўт ичида ёнмоқда эди.

Уйда ётишни бас қилиб, дарҳол кўчага чиққиси келди.

Унинг аниқ мақсади йўқ; худо ниманидир прода этган бўлса, уйга ҳам бостириб келади! Қандай ажиб ҳодиса бор экан, деб югуриш шарт эмас, албатта... Бироқ у энди ёшарган эди! Уйда ётишга тоқат қилолмаётган эди! Бундан ҳам ўтадиган жойи: деразадан кўз узиб, бурилиб қараган эди... унга — ўзининг кекса бир шакли ўринда чўзилиб ётгандек туюлди! Бу шакл унга ёқмади. Юраги қисиб, тезроқ уйдан чиқишга чоғланди.

Бошига одатдаги шабпўш устидан фўта ўраб, эгнидаги одми якак ўрнига жун чакмон кийди. Кўлига ҳас-са олиб, апил-тапил эшиқни очди... Ҳовлига чиққанида, уни ажаблантирган яна бир ҳол юз берди.

Атрофни оппоқ чодирга айланиб, чирмаб-қамраб ётган қор печундир парча-парча булут бўлиб, ердан осмонга кўтарилди. Сўнг, ҳовлидаги қорайиб турган дарахтлар бирдан кўкариб, яшнаб кетди. Бир зумда — гулзордаги анвойи гуллар ҳам барқ урди! Бу етмагандек, ҳовлининг ҳув этак томонидан баралла булбуллар чах-чахи эшитила бошлади.

У қаршисидаги манзарага тикилиб, остонада қотиб турганича, беихтиёр пичирлади:

Кўкарди чаман, гулузорим қани?!  
Сихи сарв бўйлуқ — нигорим қани?!  
Топибдур бу кун, вассели гул — андалиб, —  
Дариго, менинг навбахорим қани?!

У ўз ҳолатидан ўзи таъсирланиб, кўнгли тўлиб, алланечук ўртаниб кетди.

Мана, энди кўчага нега талпинганини англай бошлагандек эди! Шошганича, бир қадам олдинга сурилди.

Ул — менинг жони-жаҳонимга салом,  
Жондир ортуқ — меҳрибонимга салом.  
Бир замон холи эмасмен — ёддиди, —  
Мушиси жони равонимга салом.

Яна бир қадам олдинга босиб, тўхтади. Инжиган-озорланганича: «Арз қилма гулларингни — бизга онсиз, эй баҳор!» — деган гап хаёлидан кечди. Кейин, дарди-ҳасрат билан, овоз чиқариб: «Сенсизин, қилмас кўнгул — майли тамошойм-баҳор!» — деди.

Ниҳоят, гулзор этагига келиб, рўй-рост тиз чўкиб, осмонга бошини кўтариб қаттиқ тикилган ҳолда, худога ёлбора бошлади: «Оллоҳ-Оллоҳ! Мен уни кўрмоғим керак! Чидадим. Кўп чидадим. Сенга, ёлғиз Сенга ибодат-илтижо қилдим! Энди тугадим. Сабр-бардошим қолмади... Сен раҳмли ва меҳрибонсан, Оллоҳ! Ўзинг менга мағфират кўргаз!»

Бу — унинг йиллар бўйи асранган, бир умрлик муҳаббати эди!

Ҳозир худога ёлборгач, бошини мутеларча эгиб, маҳзун жилмайганича, ўйлади:

Бир неча кун — ҳар киши севгай, — вале  
Бу — муҳаббатнингки, — поён керак!

Унинг назарида, «бир неча кун»да ўтмаган шу муҳаббат туфайли — унга ўлим ҳадеганда яқин йўлаёлмаган; Азроил оёқлари учига келиб ўлтирмаган эди! Поёнсиз муҳаббат! — унга ҳаёт багишламоқда эди!

У йигитлардек ўрнидан шарт қўзғолиб, ҳовлидаги барқ урган гуллар, дарахтларга энди бир оз шўх, қув кўз ташлади; «Биллоҳ, мени тирик татадургон ҳаёлидур!» — деб, ўз-ўзи учун бунга таъкидлагандек бўлди. Кейин, яна таъкидлади: «Мангу яшар — кимки кўрар сизни — бир!»

Унинг юрагида бугун Гулгунини, албатта, бир кўришига ишонч туғилган эди!

У дарвозага дадил йўналиб, Деҳқанордаги атрофдагиларга инсбатан ғариб-кўримсиз ҳовлидан кўчага чиқди. Иланг-биланг кўчада беш-ўн қадам босгач, ўйланиб, тўхтади.

Сўнг, шаҳдланиб, Мухтор тоғи этакларида жойлашган Хиёбонга, Мусалло — намозгоҳ майдонига қараб юрди. У кўнглида туғилган ишонч ҳаққи, биринчи навбатда, малика Гавҳаршод оға — Шоҳруҳ Мирзонинг хотини, — қурдирган жоме масжидига кириб, шукрона намози ўқигиси келди.

Йўлда кетаётиб, ўзини қадам-бақадам қандайдир ёшариб бораётгандек сезар, қайнаётган қозондек, баданидан ҳамон буғ кўтарилар эди.

Унинг қаршисида — чарақлаётган офтоб нурлари остида, — ердан ҳам баҳорги ҳовур кўтарилмоқда эди...

Тўқайзорда бораётган Мирза Ғолиб — шуларни эслаб, — кўнгли сал ёришгандек; руҳи кўтарилгандек бўлди.

Аммо у — ҳеч ўзгаришсиз, бирдек — бошдан-оёғи оғриб, азобланиб олдинга сурилмоқда эди.

Бу тўқайзор бутун рўйи-заминни қоплагану Мирза Ғолиб билмаган эканми?! — қуёш осмон пештоқига жадал чирмашиб, кечагидек куннинг яна баракаси учмоқда; лекин на бирон умид нишонаси, на бирон одам қораси кўринмоқда эди!

Мирза Ғолибнинг энди ниманидир ўйлаш, мушоҳада юритишга ҳам ҳоли қолмаган эди! У қайтиб қўналгага — шериклари ёнига бориш, катта йўлга янгидан тупроқ йўлдан юриб чиқиш ёки юк машинасини кутишга — минг рози; бироқ олдинга судралиб юришида маъно

бўлмаганидек, орқага қайта олишига ҳам унинг кўзи етмаётган эди! Шу паллада у қудуққа тушиб қолган саҳродаги йўловчини эслатарди. На бақириб-чақирининг, на ўзининг тўрт томонга уришининг фойдаси бор! Умидланиш керак, холос!

Мирза Ғолиб шу кўйда бораётиб, бехос кўзларини йириб бақрайди...

Унинг рўпарасида — ўрмонзор пчидаги сайхонликка ўхшаш катта бир майдон... майдонда тепалик... тепалик устида... хароба!

Мирза Ғолиб ҳеч нарсага гушунолмамай, саросималанган эди.

У аввалига, бу бошқа жой, бошқа, фақат олдингига ўхшар экан, деб ўйлаб, ўз-ўзига гап уқдиришга уринди. Аммо бўлмади. Ўзини ишонтиргани билан, кўзини «ишонтиролмаётган» эди! Дўппайган тепалик ҳам... Бузилган иморатлар; бузилмаган уй ҳам... Бунинг устига, бино эшигида айиқдек ит — қаёқдандир пайдо бўлиб, уймалаша бошлаган эди!

Мирза Ғолиб, ахир, мен қуёшни мўлжаллаб, тўғри қибла тарафга қараб юрдим; кетган жойга қайтиб келишим мумкин эмас эди, деб ҳам ўйлади. Лекин бутун Ер унинг оёғи остида сирланаётган эканми, ҳар ҳолда, у ўзи бир тун меҳмон бўлган кулба қаршисида турар эди!

Бундан жилла бурун ўзини қудуққа тушган йўловчига менгаган **Мирза Ғолиб**, нима қилганда ҳам, ишнинг бундай кўчишини кутмаган эди!

У қўлига калтак олиб, шошмасдан тепаликка кўтарилди.

Эски арқонми?! — алламбалони тишлаган ит, унга аҳамият бермай, бинонинг орқа томонига қараб кетганича, пастга энди.

Хўп...

бу хароба ёрдамчилар учун кўналга эмас, дейлик. Мирза Ғолиб чексиз Бог ичида хўжаликдан қўриқхонага адашиб, ўтиб кетган, дейлик! Бу уйнинг эгаси ҳам йўқ, дейлик. Бироқ... овчимн, хизматчимн, алоқачимн?! — кимдир бу ерга келиб-кетиши, баъзан ақалли ҳордиқ чиқариши мумкин-ку, ахир! Вақтида Робинзон Жумабойни учратганидек... кимдир... бирон одам!

Мирза Ғолиб шу хаёлда бинога яқинлашиб, кечагидек эшикни тақиллатди.

Ичкаридан садо бўлмади.

Зарб билан қоқди.



Яна ҳеч ким жавоб бермади.

Мирза Ғолиб эшикни очиб, ичкарига йўналди.

Даҳлизда: олдинги чанг босган пўстин; оқариб қолган иккита челақ...

Хонада: олачалпоқ парда; сәпол идишлар; хонтахта-ю, тахта-тўшак...

Жимжит!

Хўш, энди ишнинг бу ёғи қандоқ бўлишидан гапиринг!

Ҳаво қизигандан-қизигаи, айни пешин пайти эди.

Мирза Ғолиб қўлидаги, елкасидаги юкни хонтахта устига қўйиб, ўзи секин тахта-тўшак четига ўтирди.

Шу онда биров, отиб ташлайман, деса ҳам, у, олдин мен бир оз мизғиб олишим керак, деган бўлур эди! Шундай, мажоли йўқ эди!

Кўнглида у, албатта, кўрпани ёзиб, бемалол-мириқиб ухлашни истар эди-ку! — лекин унга ҳозир мизғиб олиш кифоя; уйқу — гафлат, кечгача қотиб, тунда яна харобада қолиб кетишдан ич-ичида қўрқастган эди! Бу — унинг учун ўлимга тенг эди...

/Уйқуга ўхшар — ўлим;

Улим ўхшар — уйқуга.../

Мирза Ғолиб, шу бондан, бутун-бёр иродасини жамлаб, — кўрпани тўшабми-тўшамайми, барибир, — ўринга чўзилишдан ўзини тийди. Бошини деворга суяб, кўп эмас, бирон соат чамаси мизғиди.

Кейин, кўзларини ишқаб, силтаниб-керишди.

Кейин, халтада қолган иккита олма, икки бурда нонни олиб, кавшанди. Унинг иссиқ овқат, бир парча гўшт егиси келмоқда эди! Жилла қурганда, уч-тўртта пишган тухум... Пул бўлса — чангалда шўрва, дейишарди. Тўқишган экан-да!

Бироқ бу истакни ҳам енгиб, ўридан турди.

«Бузилган иморатлар орасида яна бирон бошпана бўлса, ичида одам йўқмикин?!»

Шу ҳақда ўйлаб, юкни қолдирганча, уйдан ташқарига чиқди.

Бинодан орқа томонга ўтиб, эринмай айлана бошлади.

Кўп ўтмай, вайроналардан бирида бўғизлаб ташланган қандайдир оқ-кулранг тулкига Мирза Ғолибнинг кўзи тушди.

Кейин, бошқасида, худди дўконда териб қўйилган бухор-дўппига ўхшаб, кулча бўлиб ётган катта-кичик

бир даста илонни кўрди. У бояги итнинг уй олдидан нимани ташиб юрганига энди тушунди.

Мирза Ғолиб қўналғадаги шериклари, қирққа яқин кишидан фақат бир йигитчани қорақурт чақиб, бахтига машина борлигидан, Бозордаги касалхонага дарҳол жўнатишганини эслади. Ушанда шу ерлик хизматчилар, бу ерда ҳар нарса бор; қўриқхонада тулки, бўри кўп; айиқ, битта-яримта қоплон ҳам учрайди, лекин улао бу томонга кам оралайди, дейишган эди... Мирза Ғолиб хўжаликдан қўриқхонага ўтиб кетган-кетмаганини билмаганидек, — ана, икки кундирки, тўқайзорни чангитиб. — оёғи остида, теграсида нима бор?! — деярли хаёлига келтирмаган эди! Уйлаганда ҳам, у — бунга эътибор бермаган эди! Унинг тўқайзорга шўнғишдан бўлак иложи йўқ; орқа-олдига қарамай, бостириб кетаверган эди! Ҳозир ҳам, Мирза Ғолиб бу ҳақда ортиқча хаёлга ботмасдан, энди вайронадан тез изига қайтди.

Холага кирган пайти, олачалоқ пардага кўзи тушиб, ўз фикри-тасаввурини текширмоқчидек, беқарор ҳолат уни чулғади.

Яқинлашиб, пардани сурди.

Парда орқасида, — тонгдаги сингари, — у бир қур юзлашган жасадлар кўринмас; фақат ярим-очиқ қувурми, каттакон тариовгами ўхшаган нарса қўққайиб турар эди!

Бундан, Мирза Ғолиб, ўзини нечундир, кўнгли таскин толиб, мадад олгандек сезди!

У юкини кўтарганича, уйдан чиқиб, бинонинг орқа томонига ўтган ҳолда, яна тўқайзорга қараб юрди.

Катта йўл — ўнг ёки сўлда, яқин масофада бўлиши мумкин! Аммо қибла тарафга қараб юриш — Мирза Ғолиб учун қисмат эди... Илдам босганича, кетди.

Одам — минг ўзига ишонганда ҳам, — тирик жон, банда экан!

Мирза Ғолиб вайронада ёриб ташланган тулки, вишиллаган илонларни токи кўрмагунича жонини ўйлаб, қандайдир хавф-хавотирга тушмаган эди. Тинка-мадори қуриган, азобланган, лекин бир лаҳзага бўлсин! — хаёли қочмаган эди. Мана, энди тўқайзорга шўнғигач, ташвииланиб, бу дунёда инсоннинг нақадар душмани кўп, деб ўйлади. Илон-чаёндан йиртқич ҳайвонларгача... Зилзила, тошқин, ҳар хил касалликлар... Булар етмагандек, инсон ўз-ўзи-ю, бир-бирига душман бўлмаса экан!

Мирза Ғолибнинг ваҳм-қўрқувдан, — тилсиз, сокин

табиат бағрида, бутун йўл давомида, — мана, энди биринчи марта, тиззаси қалтирай бошлаган эди!

Ниҳоят...

«Сен кечадан буён бирон одам қораси кўринмасмикин, деб интиқ кутябсан! Умидланяпсан! Лекин, — тўхта! — сенга шу паллада одамни учратганинг яхшироқми, ҳайвонними?!»

Шундай фикр хаёлидан кечиб, ўзи кимдандир эшитган ҳикоят ҳозир Мирза Ғолибнинг ёдига тушди...

Дашти-бибонми, чакалакзордами?! — бир одам кетаётган экан; рўпарасидан арслон чиқиб, атрофида гир айлана бошлабди. Ҳалиги одам дастлаб қўрқибди; кейин, қараса, арслон негадир ушга суйканиб, оёғига бош қўйишга уринмоқда; мушукка ўхшаб, ўзини у ён-бу ёнга ташлаганча, кўзи, хатти-ҳаракати билан ундан қаёққадир эргашиб боришини сўрамқда! Одам ноилож арслонга эргашибди. Бир ерга келишса, арслоннинг боласи оғриб, ҳаммаёғини чақа босган, чумоли талаб ётган экан! Қўлидан келганча, ҳалиги одам, арслоннинг боласига ёрдам бериб, муолижа қилишга уринибди. Ишни битиргач, уни она арслон қайтиб ўзи боя кетаётган жойгача кузатиб қўйибди...

Мирза Ғолиб қаердадир ўқиб — хотирасида сақланган бундай ҳикоятни ҳам эслади...

Томошахонада арслон ҳар куни ўртадаги майдонга чиқар, гоҳ оловдан сакраб, гоҳ дорбозлик қилиб, одамларга ўйин кўрсатар экан! Аммо вақти келиб, арслон қарибди; уни майдонга чиқармай қўйишибди... Энди арслон ҳар куни, томоша бўлаётганида, ўзини қафаснинг тўрт томошига урар, тоқатсизланар, бўкириб-ингранар экан! Шундан сўнг, кўп ўтмай, у ўлиб ҳам кетибди...

«Сен одамни учатганинг яхшироқми, ҳайвонними?!»

Мирза Ғолиб олдинлар ҳеч ўйламаган эди; ажабланди. Одамзоднинг феъли... Одамлар орасида юради; шу билан бирга, одамлардан қочади. Туйнукка ўзини урган юмронқозиқ! («Анграйма, болам!», «Эшикни қулфлаш эсингдан чиқмасин, болам!») Одамлар сафида туради; шу билан бирга, умр бўйи — ёлғиз. Ёлғиз! Тошбақа! («Қимга айтай додимни?!») Хўп, сабаб?! Бу — инсон дунёда самимият, эзгулик бор, деб ишониб, оғзи куйганидан эмасмикан?! Энди сувни пуфлаб ичишга одатланган!

Мирза Ғолиб билган латифа... Бухоролик Шариф

Нурхон — боғбон-шоир, — Зарафшон бўйида айланиб юрган экан; бошқа бир боғбон ёнига келиб, сўрабди:

— Бу ерда нима қилиб юрибсиз, ота?!

— Бу яхши дарё, гузал дарё! — дебди Шариф ота. — Мен у билан гаплашяпман!

— Эсингиз жойидами, ота?! — дебди бошқа боғбон. — Эси бор одам ҳам, дарё билан гаплашадими?!

Тўқайзорда қибла тарафга қараб, қайсарланиб бирдек судралиб бораётган Мирза Голибнинг яна кўзи олдига ўзи «таниган» Лутфий, Машраб, Байрон қиёфаси келган эди!

...Ҳақир, хоксор Лутфийни одамлар аксари, аслида ҳам фақир, ғариб, деб билишар; унга эътибор беришмас, кўзларини каттароқ очиб қарашни исташмас ҳам эди! (Ҳазрат Навоий атрофдагиларга қайта-қайта унинг буюклигини тушунтириш, баъзан баҳслашишга мажбур бўлар эди!) Хўл, нега?! Нима учун?! Дарё билан гаплашгани учун... албатта!

...Машрабни гоҳ қози, гоҳ муфти ҳузурига неча марта судрашмаган! Бир канизақ юзига кўзи тушиб, Офоқ Хўжам ўз муҳрларини ўтда тоблаганча, унинг гардан томирига босган эдилар! Кейин, дор. Нега?! Нима учун?! Дарё билан гаплашгани учун!

...Байрон кўрган маломатлар, таҳқирлар, тухматларчи?! У бекорга ёзмаган эди:

Менинг кўнглим — эзилган, нохуш —  
Ўз жуфтидан жудо бўлган қуш.  
Атрофимда барча — душман, ёт,  
Мен ҳеч кимдан кутмайман нажот.  
Кезинаман ёлтиз, дарбадар —  
Муҳаббатга етгунга қадар...

Кейин, яна, дилгир бўлиб: «Умримда бир лаҳза топсайдим ором!», «Керагим йўқ менинг ҳеч кимга!», «Ўткинчи бир қўноқ бу дунёда — мен!» Нега, ахир?! Нима учун?! Дарё билан гаплашгани учун-да!

«Бу тўқайзорда одамни учратганинг яхшироқми, ҳайвонними?!»

Милтиқ (пичоқми, ойболтами?!), кўтарган икки оёқли махлуқ қандай ҳунар кўрсатишини билмайсан. Алданасан!

«Жиноят... жиноятчилик бир ой ичида йигирма фоизга ўсди». (Газетадан)!

Ана, бундан кейин, рўпарангдан чиқадиган одамнинг йўлига кўз тикаверишинг мумкин!

Мирза Ғолиб тўқайзорда шуларни ўйлаб бормоқда эди.

Бу тўқайзорда юриш учун, аслида, одамга оҳангарлар коржомасими, фазогирлар устидаги кийимми?! — керак! Енгил калта кўйлак, юпка шим, енгил ёзлик пойабзал — бу ердаги шароитга мўлжалланмаган! У — илож йўқлигидан, — ҳаммаёғи дам сайин янгидан шиллиниб-қонаб, пашша-чумолига таланиб, азобланиб олдинга сурилмоқда; баданидаги хасталиклар қўзиб, яна қорни, биқини, оёқлари, боши симиллаб оғримоқда эди... Лекин Мирза Ғолиб бир лаҳза ваҳм-қўрқув туйиб, тиззаси қалтирагач, ўзини қайтиб ўйглаб олган эди. Ҳаёт ширин; унинг осонликча жон таслим қилгиси келмаётган эди! «Сенга қийин, аммо чида! Ўлмайсан! Рўпарангдан одамми, ҳайвонми чиқса, ўзини тутишига қараб, унга ҳам муомала қилаверасан! Олдиндан шовқин кўтариб, таҳликага тушиш аҳмоқ одамнинг иши! Мабодо буткул дармоннинг қуриб, бир ерда йиқилиб қолсанг, яна худо пошшо! Нима бўлгандэ ҳам бу — яккама-якка жанг; сўнгги томчи қон қолгунича...»

У тўқайзорда судралиб бораётиб, ҳаммадан кўпроқ — ўзи аввалдан бош суққан бу маҳшаргоҳда! — қандай ҳолат рўй бераётганига умуман тушунолмаётганидан, эзилмоқда эди. Катта йўл қаёқда қолди?! Қибла тарафга қараб, тўғри юраётган бўлса, бир соат ўрнида нақ ўттиз бир соат ўтиб, ахир, нега кўринмаяпти?! Катта йўл эмас, унинг қаршисидан нега тепаликдаги хароба чиқди-ю, тўқайзор бутун рўйи-заминни қоплагани ҳолда нега — бу ҳамон жумбоқ! — у офтобни мўлжаллаб кетаётганига қарамай, айланиб-айланиб, боя тепаликдаги харобага қайтиб рўпара келди?! Харобанинг сир-синоатга тўла эканлигини айтмай қўяқолайлик!

Мирза Ғолиб мизғиб олгани билан, уйқудан қониб-дармонга кирмагани сезилмоқда; аксинча, у чанқаганидан томоғи қуриб, лаблари қақраган одамнинг бир қултум сув ичагандан кейинги ҳолатини туймоқда эди. Шу паллада сувнинг ўзи ҳам... уйқу сингари, бу ерда на юз-қўлингги ювиш, на ичишга сув топилгани уни қаттиқ қийнамоқда эди! Ҳозир Мирза Ғолиб, айниқса, бу тун ҳам харобада қолиб кетишни истамаётган; буни шунчаки ўйлаб ҳам — кўнгли хижил; юраги зада! — қўрқаётган эди! У энди тепаликдаги харобани уммонда қўлига илиниб, ёпишиб олган тахта, деб билмас; бу — ишониб, бемалол устига чўзиладиган тахта эмасди! Мирза Ғолиб, мени ота-боболар арвоғи, азиз инсонлар

руҳи бир қатла қўллади, деб ўзига далда бера бошлаган; тунда кўрган деразадаги кўланка эса ўз номи билан — кўланка эди, деган фикрдан осойишталик топа бошлаган эди. Унинг харобада тунаб, яна бир «ғалтак» ичидан ўрмалаб ўтишга ҳоли ҳам, тоқати ҳам йўқ эди!

Мирза Ғолибнинг хаёли аллақачон ўз уйи, шаҳарга кўчган; уни аввалдан қизиқтирган ҳаётдаги элкинлар қайтиб фикри-зикрини банд этган эди:

— Мастуранинг кўзи ёридими, уйдаими?! Тинчмикан, нима қилаётган экан?!

— Мардонқул ака нега илжайиб туриб, мени алдادي?! Тенглашми, Ҳакимжон нима учун бундай одамгарчилик ҳақида ўйлашмади?! Булар барчасининг шунчалик идорада иши кўпми?!

— Мардонқул ака нега илжайиб туриб, мени алдادي?! Тенглашми, Ҳакимжон нима учун бундай одамгарчилик ҳақида ўйлашмади?! Булар барчасининг шунчалик идорада иши кўпми?!

— Қўналғадаги шериклар, шаҳарга қайтгач, бу ишдан қочди, деб мендан шикоят қилишмайдими?! Биров юзимга солмайдими?! Идорада бундан ҳали ҳар хил гап чиқаришмайдими?!

Ва ниҳоят:

— Менинг шу кунлар кутилмаганда бу ўпқонга тушим шартмиди?! Қаёқдан ҳам бундай савдога йўлиқдим?! Худойим, менга бундан бўлак имтиҳонинг йўқмиди?!

Тўқайзорда бораётган Мирза Ғолиб бу ўйлардан паршонланганича, беихтиёр ҳис этди:

У, аризам тайёр, дегани, баъзан, кетаман, деб шаҳланганига қарамай, ўз ишини яхши кўрар эди! Шу дамда чуқур хўрсиниб қўйиб, яна ўйга чўмди.

Унинг ота-отаси умрида китоб ўқимаган, дунёдан беҳабар кишилар эмас; отаси негадир аҳён-аҳён унга Байрон тўгрисида гапирар, ойиси мунтазам Машраб ғазалларини ўқиб юрар эди. Бу шоирларни болаликдан билган Мирза Ғолиб, Лутфулла туфайли Лутфийни танигач, уларга чинакам меҳр қўйган; уч буюк шоир (кеча, тепаликдаги харобада жасаглари қатор ётганидек!) энди кўпинча унинг хотирасида тизилиб туришар, дунёда булардан айри ҳолда яшаш мумкинлигини у хаёлига ҳам келтиролмас эди! Бу — Мирза Ғолибнинг кўнгул мулки; ўзи қадрига етган, ўзи билган — ишқ эди! Бу ишқ, айниқса у «Лутфулла бўлиб» ҳам яшай бошлагач, аланга олган эди!

Шунинг баробарида, Мирза Ғолибнинг касби-кори — тарих; асосан, унинг турли тарихий воқеаларга бағишлаб ёзилган китоблари эълон қилинган; у обрў қозониб, шуҳрат топа бошлаган эди! Мирза Ғолиб бажараётган иши, эришган даражасидан кўнглида қаноат сезар; бу билан фахрланар эди! Шу боисдан, у идорадаги ҳар хил машмашалар, бемаъниликларга то ҳозир тишини-тишига босиб, чидаб келган; кўз юмиб қарашга ўрганган эди! Мана, энди биринчи марта, мисли кўрилмаган чигал, даҳшатли шароитга тушиб, унинг юрагида атрофидаги муҳит, одамлардан ҳам, ўз-ўзига нисбатан ҳам норозилик уйғонган эди...

Мирза Ғолиб, кечадан буён бир савол шуурида чўкиб ётганини сезмоқда; аммо бу нима эканлигини англаёлмай, асабийлашмоқда эди. Бехос юзага қалқди:

— Мен кўрган тушни қандай таъбирлаш керак?!

Унинг тушига кирган манзара ҳаётдагидек ёки девордаги суратдек — аниқ; наздинда жонланиб турар; Мирза Ғолибнинг хаёлида ҳам шу тарзда ўрнашиб қолган эди. Осмонга тик санчилган тоғ билан қалин қамиш ўсган кўл ўртасидаги йўлкадек тор бир жойга ҳолсизланиб чўзилган — шубҳасиз, у; юзини буриб, ораста қайиқда кетаётган — тушда бўлса ҳамки, бу сизга олдинги пайтларни эслатган кўланка эмас! — шубҳасиз, Мастура эди! Хўп, энди... қайиқдаги Мастура қаёққа кетаётган эди-ю, сувга тикилган Мирза Ғолиб қаергача боради?!

Аслида, бунга у диққат қилиб, бу ҳақда ўйламагани дуруст экан!

Бу тушни кўриб, Мирза Ғолибнинг юраги қинидан чиққан; у мени осса оссин, деб этак силкиган эди! Ана, ҳозир яна юраги орқага тортди! Уйга етиб олмагунича ҳеч нарсани аниқлаб бўлмаслигини ҳис этиб, бу мавҳумлик, бу зулматдан — у қўнғилгани орқада қолдириб, тўқайзорга қадам қўйганидан бери биринчи марта — кўзларида ёш-ҳалқаланди.

«Олим бўлма, одам бўл!

Сен олим бўлиб, одам бўлолмадинг!»

Мирза Ғолиб шундай деб ўйлади.

Кейин яна ўйлади:

«Аёлга нисбатан оилада эркак киши кўпроқ масъул эмасми?! Сен бировнинг фарзандини, менга ёқди, деб Бухородан бошлаб келиб, кўрсатган ҳунаринг — ўз ҳимоятингга олабилмадинг!»

Кейин, яна:

«Ойинг Бухорода, кекса, касалманд. Тўғри! Лекин, аҳвол шунақа; келинингизга қарайдиган одам керак, десаңг, белини ушлаб бўлса ҳам, келмасмиди?! У она, ахир!

Опаларинг ўз-ўзи билан овора. Уйи, менга қарама-санг, ўламан, дейдиган эри бор. (Оёғини тоғорага солиб ўтириб ювдирадиган!) Тўғри! Лекин, тушунтирсанг, сен ҳам ўлмас эдинг!

Ҳеч бўлмаганда, нега Мастурани кўндириб, янгаларини чақиртирмадинг?! Эриндинг, холос. Уйлагинг келмади! Энг аввал — айб ўзингда! Мана, оқибат...»

Мирза Ғолиб Мастура билан Лабиховузда ўзи танишган кунларни эслади.

Танишиш ҳам эмас; тасодифан кўрди. Кўрди-ю, бошдан олов қуюлиб, оёқларигача куйди. Типирчилаб қолди.

Кейин, шу қиз ким экан, деб суриштирди.

Кейин, йўлини пойлайдиган бўлди.

Кейин, ойиси, опаларини совчиликка юборди.

Мастура унинг ойисига ёқди. Лекин опалари инқиллашди:

— Овози жуда паст-ку! Бу ҳам майли. Ҳеч гаплашмайди. Гап ололмайсан! Қудуқдан сув тортгандек...

Мирза Ғолиб бўш келмади:

— «Индамади» деган ашула бор, эшитганмисиз?! Менга унинг шунақалиги ёқади!

Ушанда Мастураинг ёнида ўтириб, қўлини тутиш, бармоқларини бирма-бир лабларига босиш Мирза Ғолиб учун оламда энг катта бахт эди.

«Шоир бўлсанг, Мастура ҳақида сен ҳам шеърлар ёзармидинг?! Масалан...

Лутфийга ўхшаб...

Э, йўқ! Маза-матрасиз шеър ёзгандан, Лутфийнинг ўзини ўқиган маъқул!

Умуман... эллик йилга яқин — ярим аср! — ёрени кўрмай юриб, уни унутмасликни Лутфийдан ўрганиш керак!

Яна... чинакам севишни Лутфийдан ўрганиш керак!

Яна... ўлими олдидан ҳам (тўқсон тўққиз ёшли қария!) севгилингни қўмсашни Лутфийдан... ўрганиш керак! (Бу — дунёда кам учрайдиган ғаройиб дoston! Ҳали бу дostonни яна эслаш мавриди келади!)

Ўрганиш керак!

Ўрганиш керак... эди!»

Мирза Ғолиб ҳамон Мастурани юрак-юрақдан севар



эди! Лекин, ўзингники бўлгандан сўнг, кўнглинг тўқ, дегандек...

Энди қараса...

шу кунлар рўй берган (бераётган) бутун дилсиёҳликка сабаб — унинг муносабатида фидоийлик етмаганлигида экан! У, нима қилганда ҳам, худбин экан! (Уни Лутфий ёки Лутфуллага менгзаёлмайсиз!)

«Хўп, энди... қайиқдаги Мастура қаёққа кетаётган эди-ю, сувга тикилган Мирза Ғолиб қаергача боради?!»

«Дунёга индамас бўлиб келган Мастура — дунёдан шундай индамай кетган бўлса, Мирза Ғолиб бошини қайси деворга уради?! Мирза Ғолибнинг ўзи — офтоб ловуллатиб ёндириб ётган, бутун рўйи-заминни қоплаган бу маҳшаргоҳда қузғунларга ем бўлиб, қолиб кетаси-чи?! Мастура қандай яшайди?!»

Мирза Ғолиб Бухорога олдинлар кўп борар; айниқса, оёдин туиларда Лабиҳовуз сайргоҳи, Минораи Калон, Арк, Исмоил Сомоний мақбараси, Чашмаи Аюб атрофларида айланиб юришни ёқтирар эди. Кечаси, ой нури остида кундузгидан ҳам соҳир, фараҳли, улуғвор намоёншга кирган обидалар уни ҳайратга солар, у — кўзга кўринмас дарвозалар бирма-бир очилиб, — тарих қаърига кириб бораётгандек ҳолатни ҳис этар эди. Мирза Ғолибнинг назарида, Бухоро — дунёдаги тўртта афсона-шаҳардан бири эди! Аммо Мирза Ғолиб сўнгги йилларда (Бухоро тарихи билан қизиққан бухоролик олим бўлатуриб) — гоҳ иш кўплиги, гоҳ қўл қисқалиги! — Бухорога кам боришни одат қилган; бунга — ўзини оқлабми?! — табиий ҳол, деб қарашга ўрганиб қолган эди! Шу кунлар унинг уйида аҳвол қандайлигини яқин кишилардан биров билмас ҳам эди!

«Олим бўлма, одам бўл!»

Сен олим бўлиб, одам бўлолмадинг!

Сен олим бўлиб... ҳам! — гўр бўлганинг йўқ!»

Мирза Ғолибнинг охирги кучи-дармони тугаб, энди бора-бора ҳар бир олдинга босган қадам унинг учун машаққатга айланмоқда эди. Унга елкасидаги юкнинг оғирлиги сезилиб, гоҳ туйқусдан қоқилиб кетганича, тиз чўкиб қолар, думалар, гоҳ бир нуқтада тўхтаб, турган жойида бадмастлар сингари чайқалар эди. Аммо у чуқур хаёлга ботган, ҳозир ўзининг қайси ҳолда кетаётганига эътибор ҳам бермаётган эди!

«Сен ўз назарингда, ўзинг — олимсан!

Одамлар буни сариқ чақага олмайди!

Сенга ўхшаган «олим» сон мингта!»

Мирза Ғолиб эслади...

Ана, у «олим»ликка «кирган» пайтдаги биринчи ҳолат; —

Бош раҳбар эмас, оддийлари:

— Битта чой дамлаб келсангиз, йнгит!

Энди — Бош раҳбар, сўнгги ҳолат:

— Сиз гапга тушунмаяпсиз. Ҳозир бориш шарт!

«Сен олимман; зиёлиман; обрўйим бор, дейсан! Лекин сени ит ҳам, бит ҳам — битта чертиб, мана, ҳозиргидек ўпқонга учиради! Сенинг ҳеч ким эмаслигинг! — шунақа пайтда ошкор бўлиб қолади!»

Хўп, Мирза Ғолиб, бу — олижаноб вазифа, бу — менинг бурчим, деб ўйлаб, турли тарихий воқеаларга бағишлаб китоб ёзди... Аввалига:

— Сомонийларга тегмай туринг! Шарт эмас! Мавриди эмас!

Кейин:

— Сомонийларни ҳамма ёзпти! Кўпайиб кетди!

Мирза Ғолиб, ниҳоят — хайрият! — мақсадига эришди, денг... Хўш, нима бўпти?! Бирон нарса ўзгардимми?! Дунёни тўнтариб ташлайман, деб кутаётган эди. Қараса, китобини ҳеч ким пайқагани ҳам йўқ! Сувга тушган тош...

Умуман...

у қилаётган иш — у ёзган «тарих» кимга керак?!

Минораи Қалон тўпга тутилганини, етмиш йил — ичида сақлаб, оғзига талқон солиб ўтирган одамларгами?! (Энди барча сайраётганини қаранг!)

Юзлаб масжид, мадраса бузилганини сақич чайнаб, музқаймоқ еб томоша қилиб, ўтиб кетаверган одамларгами?!

Шаҳар қалъасини бузиб, ўз уйига арава-арава тупроқ ташиган одамларгами?!

Мирза Ғолиб эслади...

Исмоил Сомоний! Узоқдаги тўзиб ётган денгиздан сурилиб келаётган туз кемириб-емираётгани кам; нақ мақбара пинжида олдинлар рақс майдончаси (бошқажой қуриб қолган!) бўлар эди. Гумбирлаган ногора, карнай, бадабанг мусиқа. Ярим тунгача оёқ тепиш...

Энди-чи?! Майдонча ёпилган. Лекин Бухорога Мирза Ғолиб ҳар гал борганида, кўради. Ерни титратган ўнта машинада темир-терсак ташиб, нақ (яна) мақбара пинжида одамлар курсида ўтириб-атрофни томоша қиладиган каттакон ғалтак ўрнатишибди! Мирза Ғолиб битта-яримтага гап тушунтиради. Тарихимизда икки

Буюк салтанат ўтган, дейди. Сомонийлар билан Темурийлар даври! Араб халифалиги пайтида сомонийлар мустақил давлат барпо этишган; ўз эрки, ҳуқуқини тиклаган, дейди. Темур эса мўғуллардан еримизни озод қилган! Бу икки даврда илм-фан, маданият ниҳоятда ўсган, дейди. Тарихий обидаларнинг қадр-қиммати ҳақида анча баҳс юритади! Унинг гапини эшитиб, хижолат чеккандек, қизаришади. Мирза Ғолиб суюнади. Демак, масалага тушунинди, деб ўйлайди. Ана-шунда, томдан тараша тушгандек; «Бу иш Фалончи акамни таклифлари билан! Фалончи акам...» Мирза Ғолиб кўзлари хонасидан чиқиб, қўлларини силкийди. Бўғилиб, бир ёқларга югуриб кетади. (Э-э, акамни... Акамг эртага ўлади; боласи ҳам эсламайди. Дунёни бузгани қолади! Эски гап, эски ҳақиқат... Лекин буни кимга айтасан! Шу, олдиндаги одамларгами?!)

Хўп, бу кунлар ўтади; Мирза Ғолиб — истеъдодли, омадли, — у катта тарихчи, машҳур олим бўлди! — дейлик. Ҳамма салом берадиган! Ҳисоблашадиган! Ушанда, унинг ўз қисматидан кўнгли тўладими?!

(Тарихчининг дунёда қачондир манглайи ёруғ бўлганми?!)

Мана, унга устозлик қилган — икки олим.

Иккаласининг ҳам ҳаёти — фожиа.

Шошмасдан, кўздан кечириш мумкин.

Биринчиси — Санжар Маҳзун.

Иккинчиси — Илёс Ҳайрат.

Уларни одамлар билишар; китобларини талабалар қўллашма ўрнида кўришар эди. Лекин шундай тафовут:

**Санжар Маҳзун.** Китоблари худонинг берган йили, эллик мингдан юз минг нусхагача босилар эди.

**Илёс Ҳайрат.** Китоблари аксар оз, икки мингдан уч минг нусхагача, ўшанда ҳам тўрт-беш йилда бир эълон қилинар эди.

**Санжар Маҳзун.** Катта давралар тўрида; кўпчилик яхши кўришар, тахаллус ўрнидами, уни негандир «Улуғ» деб аташар, номини «оқсоқол» деб тилга олишар эди.

**Илёс Ҳайрат.** Ўрни — пойгакда; баъзан, фақир киши панада, дегандек давраларга кирмасди ҳам. Уни киришмасди ҳам. Кўпчилик фақат давра эмас, ҳаётда унинг бор-йўқлиги тўғрисида ўйламас; кўрганда ҳам, кўрмаганга олар эди.

Уларнинг тарихга бўлган муносабати икки хил эди:

**Санжар Маҳзун.** Одамлар орасида анча кенг тарқалган, одатда омма бўйсунган, яшовчан бир фикр-фалса-

фа эгаси эди. У, тарих — ўлик нарса; замонга хизмат қилдириш, замон ниманики кўтарса, ёзиш — тарихни шундай тирилтириш керак, дер эди. Ҳаётдаги ҳар бир ўзгариш уни қизиқтирар, масалан, бир иморат қулаб, янгиси тикланганида, у ҳам азоб, машаққат билан «янгиланар» эди. Ўтмиш китобларни «зарарли» ва «фойдали» деб иккига ажратар, «зарарли» деб билганларини ўқимас, ўқишни бировга маслаҳат ҳам бермас эди. Ўқиган китобларидан ҳам, — Ҳеродотми, Афлотунми, Арастуми?! — фарқи йўқ, — қўрқиб, фақат «фойдали» гапларни «терар», китобига киритар, «зарарли» гапларни «қайчилаб» ташлар эди. Зиёли бир иш бўлмасин, халқ тарбиясига халал бермасин, деб жонни ҳалак эди.

**Илёс Ҳайрат.** «Мен ўзимнинг шубҳамдан шубҳаланаман!» — деган файласуфга ўхшаб, кўз билан кўрган, қўл билан тутганини қўймайдиган, «тор донра»даги кишиларга хос йўлни танлаган эди. У — қўлида ўтмишдан даста-даста китоб, турли рангдаги қаламлар, — тарихни борича, ҳужжатларга асосланиб, далил орқали, бузмасдан ёритиш керак, дер эди. Бу — оддий нарса, лекин ҳеч ким тушунгиси келмаябди, деб бошини чайқар; тарих бизга дахлсиз, бизнинг ортимизда турибди; ўзингга мослаб, ўзгартриб бўлар эканми, деб асабийлашар эди.

**Санжар Маҳзун.** Инсон, асосан, яқинми-узоқ тарихдаги хатолару гуноҳларни билиши, маълум ҳулосага келиб, ҳаётни давом этдириши керак; шундагина, инсон, бугун кечагидан яхшироқ, бахтлироқ яшай олади, деб тушунар эди. Одамни чангу губорлардан тозалаб, эзгуликка, юксалишга чорлаш керак, дер эди.

**Илёс Ҳайрат.** Тарихга бир ёқлама қараб бўлмайди; бутун тарих тундан иборат эмас, дер эди. Дунё азалдан рангин бўлган! Тун билан кун, зулмат билан нур — абадий! Оламда ҳамма нарса (ажиб ҳикмат!) жуфт яратилган; бу — ой билан қуёш, аёл билан эркек, гул билан тикан, дегандек гап; биз бундан кўз юмолямаймиз, мазмунида эътироз билдирар эди. Ўтмишнинг буюк тажрибасидан чекиниб, қанақасига покланиш, бахтли бўлиш мумкин, дер, бу фикр ўтмаётганига ажабланир эди!

**Санжар Маҳзун.** Ҳаётга хизмат қилаётган, тарихни тўғри, ҳаққоний ёритган олим, деб баҳоланар эди.

**Илёс Ҳайрат.** Кераксиз ғояларни илгари сурган, тарихни бузиб кўрсатган, туҳматчи, деб юритилар эди.

Улар иккиси — икки олам; Дунёпараст ва Илоҳиятчи эди:

**Санжар Маҳзун.** Инсон Ерда қурт-қумурсқадек, ўзи-ўзидан бунёд бўлган; ўсиш-ўзгариш маҳсули; самовотнинг бунга ҳеч қандай боғлиқлиги йўқ, деб ўйлар эди.

**Илёс Ҳайрат.** Инсон — коинот фарзанди; биз ҳали англаб етмаган бир мўъжиза, деган фикрда эди.

Улар бир-биридан узоқ — икки қутб эди:

**Санжар Маҳзун.** Юриш-туришида салобат, юз-кўзида ҳар қандай ғояга фидойи кишига хос ўз-ўзи билан ғурурланиш акс этар; исмига «Маҳзун» сўзи қўшилиб қолганига қарамай, ҳаётдан у мамнун эди.

**Илёс Ҳайрат.** Эғнида уринган, баъзан ҳатто йиртиқ-сиртиқ кийим. Эзилган, чўккан. Ранги ўчган-қорайган, афти гижимлаб ташланган.

**Санжар Маҳзун.** Гаплашаётганда, бир қошини сал кўтариб-кериб, тикилади. Овози ширали, ёқимли; қўшиқдек. Қатъиятли, сўзини олга совурмайди. Мард, олижаноб, дейсан.

**Илёс Ҳайрат.** Синиқ, эзгин товушда гапирди. Журъатсиз; ёш болага ҳам, кечирасан, дейди... Ичи тор; тоқатсиз; баъзан тили заҳар.

**Санжар Маҳзун.** Роҳат-фароғатда яшайди. Машина, дейсизми; боғ ҳовли, унвон, мукофот. Қаёққа қўл чўса, қўли етади. Бу имкониятдан — у қисинмайди. «Нимагаки эришсам, ўз меҳнатим эвазига эришдим!»

**Илёс Ҳайрат.** Уй-жойдан, турмушдан ёлчимаган. Ётиб-туришида тартиб ҳам, маза-матра ҳам йўқ; аҳмоқонами, жирканч... Ҳаётдаги имкониятлардан орқилган, уялгандек қочиб юради. Одамлардан — оламондан бир оз ўлкаланиб (бир оз нафратланиб ҳам!) яшаётгандек туюлади. Баъзан қайсидир дўстими-шогирдини тутиб, дунёдаги барча кирдикорлар учун айбдордек, аёвсиз сўкади. Лекин эртами-индини излаб-топиб, илжайиб келади, узр сўраб, қучади, тўлиб-тошиб ўзи ёзаётган нарсалар ҳақида дардлаша кетади... Дунёдаги у билган биргина лаззат; ичади! Деярли ҳар кун, эртдан кечгача ичади! Кўчаларда гоҳо йиқилиб қолади. Бирон таниш учраса, ёпишиб олади. Пулинг бўлса, ароқ, бўлмаса, бошқа дардисар харид қилиб, уни сийлашингни сўрайди. Баъзан пул ҳам сўрайверади. Улма-сам, бир кун узарман, дейди. Кўпинча тийинга зор, очнаҳор юради... Кеч тунда уйига қайтади. Етади. Бироқ — бу нима?! — иродами, ишқми, эҳтиёжми?! — ҳар кун, албатта, қоронғи саҳарда туриб, ювиниб-тараниб, китоб кўра бошлайди. Алланарсаларни белгилайди. Кейин, ёзади... ёзади! Офтоб ёйилгунинча — бир кулумсираб,

бир кўзларида жиққа ёш; — қимир этмай ўтиради! Офтоб ёйилгач, қоғоз-қаламни нари суриб, ўрнидан кўз-ғолади... Яна одатдаги ичиш, қисиниш, қашшоқлик — аянчли ҳаёт!

Бу икки олим билан дастлабки учрашуви Мирза Ғолибнинг ёдида эди:

**Санжар Маҳзун.** Бирон муносабат олдидан бўлса керак, уйда от сўйдирган; сал ҳаяжонланган-нотинч ҳолатда қассоблар атрофида айлавиб, уларга кўрсатма бермоқда эди.

**Илёс Ҳайрат.** Уйда, калта, йиртиқ бир кўйлақда, яланг тахта устида бошини эгиб ўтирар эди. Унинг оёқлари остида — очилиб-очилмаган, ичиб-ичилмаган шишалар. Ушанда хотини ташлаб кетган кунлар бўлса керак, уйда — бурчакда уюлиб ётган беш-ўнта китобдан бўлак нарса йўқ; уй ўғри ургандан баттар яп-яланғоч эди.

Бу икки олим четдан қараганда, бир-бири билан иши йўқ; аслида, бир-бирига адоватли; умр бўйи талашиб юришар; шу ҳолда — Илёс Ҳайрат олдинроқ, Санжар Маҳзун уч-тўрт йил кейин — энди ўлиб ҳам кетишган эди.

**Санжар Маҳзун.** Кутилмаганда фалаж бўлиб, касалхонага олиб боришаётганида — йўлда қазо қилган эди.

**Илёс Ҳайрат.** Сирли, сабаби номаълум тарзда, хорзорликда дунёдан ўтган эди. Унинг жасадини қиш кунини, шаҳар боғидаги қуриган кўл этагида, балчиққа ботиб ётган ҳолда топишган эди.

Катта-кичик тарихчилар орасида, Илёс Ҳайрат ўлганида, унинг ўлими — ўз ажали ҳам, тасодиф ҳам эмас, жиноят содир бўлган, — бу ишда Санжар Маҳзуннинг қўли бор, деган гап чиққан; давраларда ҳамон шундай тахмин юрар эди. Санжар Маҳзунни бундай тупроққа қориш... ҳақиқатга тўғри келмайди. Узоқ! Лекин бошқа бир ҳақиқат! — Мирза Ғолиб билар; гувоҳлик бера олар эди:

**Илҳс Ҳайрат.** Ўлганидан кейин, китоблари кетма-кет, қайта-қайта босилиб, қўлма-қўл бўлиб; негадир «бир умр унга дўст, меҳрибон» кишилар кўлайиб кетди. Уни — ҳаётидаги бор белгиларни ўчириб ташлаб, йўқ сифатлар билан улуглаш бошланди!

**Санжар Маҳзун.** Китоблари бирдан — қизиқиш сўниб, — яроқсиз бўлиб қолди. Ўзи ҳам — на мухлис, на шоғирд эслайдиган — чўккан-ғариб ҳолатга тушди. Сўнгги йилларда у тирик мурдага айланган эди...

Тўқайзорда бораётган Мирза Ғолиб — шуларни ха-

Ғлидан кечирмоқда эди.

«Сенинг ҳаётинг — шу...

Сен — икки йўл ўртасида; қай бирини тутма, барибир! — қисматингдан кўнглинг тўлмайди! Бахтли бўлолмайсан! Бу — азалдан келган тартиб, қоида!»

(Тарихчининг дунёда қачондир манглайи ёруғ бўлганми?)

Мирза Ғолиб икки машҳур олимни эслаб, гўёки ўз ҳаётига ҳам бир йўла яқун ясаган эди! Бунга — ажаб-жи, кўнглида лоқайдлик сезмоқда эди.

Энди жонида жон қолмаган; елкасидаги тугун, қўлидаги халта билан бирга — шундайгина дуч келган бир жойга чўзилгиси келмоқда; фақат ҳозирча жойни танлашга қийналиб тургандек эди!

Шундай бораётиб, ўз-ўзидан...

Тўқайзор — шу тўқайзор; у катта йўлга ҳам чиқмаган эди; лоп этиб, анча кенг, узоқ-узоққа кетган, тик сўқмоқ оёқлари остига тўшалди.

«Сўқмоқдан — йўл, ирмоқдан — дарё!»

Тақдирга тан бераётган Мирза Ғолибга қайтиб яна жон кира бошлаган эди.

Бироқ атрофга қараб, диққат қилганича, ажабланди: у тўқайзорда озмунча юрмаганига қарамай, қўлидаги соатга қўшилиб, бу гал вақт тўхтаб қолгандек, офтоб нечундир боши устида михланган; уйдаги эски чилдирмага ўхшаб, ранги ўчган, тош қотган эди.

Буниси майли.

Мирза Ғолиб кирган сўқмоқ сўнгида — булутми, босиб келаётган тошқинми?! — қандайдир парда тортилган; бу парда сўқмоқ бўйлаб, унга томон секин — сурилиб келмоқда эди!

## УЧИНЧИ КҶРИНИШ

### ХОҲ ИНОН. ХОҲ ИНОНМА

Борча топилаур — бизга керак ёр  
топила...  
*ЛУТФИЯ.*

Бир қуёш ҳажрида тундек, —  
рўзгорим тийраду;  
Тоғ эмас, гар тун киби —  
мотам тутуб, йиғлормен...

*АЛИШЕР НАВОИЙ.*

Кўзларим васл интизори бирла бўлди чор-чор,  
Печи зулфи ёдида, мен гўйиё бемор мор,  
Бора-бора, бўлди ҳажр андуҳи — кун, — душвор  
вор,  
Дўсглар, мен телба аҳволига йиғланг, зор-зор,  
Ким солодур гаҳ-гаҳ ўт — кўнглумға тушган  
хор хор...

ЗАВҚИЯ.

*Алишер Навоий газалига мухаммасдан.*

Тўқайзорда бирдек судралиб бораётиб, узоқ-узоққа кетган, тик сўқмоқ оёқлари остига тўшалган Мирза Ғолиб, энди бу ёғи нима бўларкин, деб ўйламоқда эди.

«Сўқмоқдан — йўл, ирмоқдан — дарё!»

Якка-ёлли тўқайзордан — бу сўқмоқ яхши, албатта; катта йўлми, кичигими — бир ерга олиб ҳам чиқади, деган хаёлдан ҳозир Мирза Ғолиб, ҳар ҳолда, таскин топмоқда; яна олдинга сурилмоқда эди.

Анча кенг сўқмоқ сўнгигаги — булутми, тошқинми?! — парда ҳам унга томон тўхтамай, сурилиб келмоқда эди!

Бу — худонинг қандай балоси экан, деб ташвишланаётган Мирза Ғолиб, орадаги масофа қисқаргандан-қисқариб, ниҳоят, илғай бошлади...

Рўпарадаги — булут ҳам, тошқин ҳам эмас, — шу ёққа бостириб келаётган одамлар экан!

Мирза Ғолиб ҳаяжонланиб, саросималаниб қолди.

У кечадан буён — бир умидланиб, бир хавотирланиб, — одам пойлаётган бўлса ҳамки, ишнинг бундай кўчишини кутмаган эди... Уч-тўртта, боринги, ўнта, ҳатто юзта — кам; — жума намозидан чиққан жамоа ёки бозор қилгани саҳарлаб қишлоқдан шаҳарга кириб келаётган деҳқонлар сингари — сўқмоқда негадир тўп-тўп одам саф чеккан; бу — бутун бир карвон эди! (Сен одамни кўрмоқчимидинг?! Мана, одам!)

Мирза Ғолибнинг дам сайин таажжуби ортмоқда эди... «Булар ким?! Тўқайзорда, сўқмоқда нима қилиб юришибди?! Қаёқдан келишяпти-ю, қаёққа кетишяпти?!»

Шу палла мабодо рўпарада фақат бир неча киши кўзга ташланса, Мирза Ғолиб ҳамон хаёли қочиб, хавотирланиши мумкин эди! Аммо ҳозир у ажабланмоқда эди, холос; осойишталигини йўқотмаган эди. Аксинча, — ялангликми, пана-пастқам ерми?! — кўпчилик бўлган жойда безовталаниш ортиқча, деб ўйлаб, хайрият, одам-



лардан йўлни суриштириш мумкин, деган хаёлдан кўнгли ёришганича, суюнмоқда эди.

Мирза Ғолиб, шунинг баробарида, ҳаммадан кўпроқ уст-боши, афт-ангоридан алланечук қисиниб, уялмоқда эди... Шундай ҳолатда, у четланиб, одамлар яқинлашишини вазминлик билан кута бошлади.

Бироқ сўқмоқда келаётганлар яқинлашиб, уларнинг шакли-шамойили кўринган сари...

Мирза Ғолибнинг тинчи бузила бошлади...

уни баёнсиз бир русса, ғам-андух чулғай бошлади.

Энг аввал, Мирза Ғолиб, пайқади:

унинг қаршисидаги одамлар — у каби ғариб намоёнишда эди!

Кейин, Мирза Ғолиб, яна пайқади:

буларнинг аҳволи уникидан ёмон; юз чандон хароб эди! Булар ҳаммаси қандайдир гадо; бечора-бенаво!

Кўп ўтмай, у эътибор берди:

сўқмоқда келаётганлар, асосан, майиб-мажруҳлар, чол-кампирлар, норасидалар эди!

Мирза Ғолиб касалхоналарда ётган лойларни, неча бора, дунёда дард ҳам, бемор ҳам етарли, бисёр экан; худойим, бу касалхоналар мамлакат ичида бир мамлакат экан, деб ўйлаган эди. У ўз ҳаётида «Болалар уйи» эшигидан ҳам ўтган; «Қаровсиз кексалар уйи»га-ю, шу ғам-зада, унут гўшалар эшигида уймалашган қарияларга ҳам кўзи тушган эди. Аммо Мирза Ғолиб умрида бундай аламли карвонни кўрмаган эди! У ҳар хил «уй» лару «даволаш марказлари»ни вақти-вақти билан бир жойдан бошқасига кўчириб туришларини эшитган эди. Шу аснода, атроф-жавонибда ўшандай жойлар — бирон «оромгоҳ» бормикан?! Булар кўчишаётганмикан?! — деган хаёлга борди. Яқинлашиб келаётган одамларга эгилганча салом бериб, улардан дастлаб имкон қадар ҳол-аҳвол — кўнгул сўрашга чоғланди.

Лекин сўқмоқдаги одамлар Мирза Ғолиб томон даярли қарамай, бир арқон билан боғлаб-тортгандек, зумга ҳам тўхтамасдан, олдинга сурилишмоқда; уларда гаплашишга на ҳол, на иштиёқ бор эди. Улар мулозаматга жавобан, Мирза Ғолибга: «Менинг болам йўқ!», «Менинг отам йўқ!», «Менинг онам йўқ!» — қабилида бир оғиз-ярим оғиз сўз айтиб, ўтиб кетишмоқда эди. Мирза Ғолибнинг: «Сизга нима бўлди?!» — деб берган саволига, қайсибир майиб-мажруҳлар нисбатан-бемалол қайтарган жавоб ҳам — барибир, узук-юлуқ, қисқа; қаноат ҳосил қилиш қийин — мавҳум эди:

— Сув ичсам, заҳар экан!

— Калламга осмондан темирми, бир нарса тушди!  
Оғрийди!

— Аравамиз гилдираги чиқиб, ағдарилиб кетди!

Мирза Ғолиб кимсасиз, ҳимоясиз, қўлсиз, оёқсиз — минг балога мубтало одамларга, юрак-бағри эзилганича, кўз ташлаётиб, сўқмоқ четида қотиб турар эди. У ҳозир, буларни янги бир фалокатми, саргардонликка солишган; аниқ, деб ўйлаётган; бундан, баттар — ўзини нақ шу карвон олдида гувоҳкордек сезаётган эди... Мирза Ғолиб: «Бирон зот дунёда бу одамлар йўлига тикилармикан?! Эслармикан?! Зориқармикан?! Сен нақадар шафқатсизсан, ҳаёт!» — деб ҳам ўйлади. У беихтиёр, янз қисмат ўйини: одамлар сафида — одамнинг умр бўйи ёлғизлиги тўғрисида хаёлга ботган эди!

Бехосдан: «Керагим йўқ менинг ҳеч кимга!» — Байроннинг шеъри унинг қайтиб ёдига тушди. Мирза Ғолиб Машрабни эслади: «Мени йўқлар кишим борму?» Кейин: «Лутфийи-бечора... туман ҳасрат билал!»

«Хўп, сен-чи?! Сен ёлғиз эмасми?! Сен кимгадир керакми?!»

Мирза Ғолибни бу хаёл сескантириб юборди.

Умуман, одамлар ҳақида ўйлаш билан — шахсан ўз ҳақингда ўйлаш бошқа экан!

У бўйинини қисганича, ўз хаёлидан қочаётгандек, рўпарадан келаётганларга халал бермасдан, сўқмоқ чеккалаб бир неча қадам илгарин юрди. Аммо яна тўхтади.

«Қочма! Ёлғизлик фақат бировлар эмас, сенга ҳам тегишли. Дунёга ёлғиз келгансан; ёлғиз кетасан... Нега инсонни бундай яратгансан, эй Худо?! Кўп бўлиб, тўп бўлиб яшаса ҳамки, ўз аҳволини тушуниб, ўз ҳаёти ботида бир куни ўзи жавоб берсин учунми?! Бошқаларга гувоҳини ағдармасин учунми?! Тавба...»

Мирза Ғолиб яна бир оз илдам босди. Яна тўхтади.

«Эҳтимол, сен онанг, опаларинг, уруғ-аймоқларингга керакдирсан! Хотининг, агар насиб этган бўлса! — болангга! Одамлар-чи! Улиб кетмайсанми! Уларнинг сен билан чақалик иши йўқ. Керак бўлсанг, сени бу ерларга ташлаб, унутишармиди?! Саргардон қилишармиди?! Сенинг қаршингдаги шу мискинлардан фарқинг борми?! Сен буни пайқамай, парво килмай юравергансан, холос...»

Мирза Ғолибга уни ҳаёт сўқмоқдаги одамларга бекордан йўлиқтирмагандек туюлди. Қисмат улар билан Мирза Ғолибни бирлаштириб юборган эди! Айни со-

нияда, у ўзини дунёда, айниқса, бахтсиз инсон, деб билмоқда; шундай ҳолатни теран ҳис этмоқда эди!

Дафъатан сергакланди:

карвоннинг олд сафлари Мирза Ғолиб ҳалигина юлқиниб чиққан тўқайзорга кириб, кўздан ғойиб бўла бошлаган эди!

Мана, энди у, беихтиёр, мен ҳам йўлдан қолмаганим дуруст, деб ўйлаб, ҳаракатланиб, сўқмоқда кетаётганлардан бировни тўхтатишга уринган ҳолда, дардини ёрди:

— Кечирасиз, ота. Адашдим. Менга катта йўл керак.

Бироқ, ғудраниб:

— Катта йўл?! Билмадим, — кифтини қисди шошаётган қария.

Мирза Ғолиб ўрта ёшлардаги бошқа бировга юзланди. Лекин яна жавоб ололмади:

— Биз катта йўлни билмаймиз!

Мирза Ғолиб унга-бунга мурожаат қила бошлади. Аммо қанча уринмасин, натижа чиқмади:

— Катта йўлми?! Катта йўл йўқ...

Мирза Ғолиб, катта йўл бўлмаса, кичиги; ваҳотки, қудуққа тушган йўловчидек ночор аҳволдан қутулишнинг бирон-бир йўли топилмайди, деб ич-ичида озорланиб, огринди. Бу одамлар йўлни билишмайдими, айтгилари келмаяптими?! — майли; ўзим тўғрига қараб кетавераман, сўқмоқ ахийри бир ерга олиб чиқади, деб қарор ҳам қилди. У шиндатланиб, шунинг баробарида, рўпарадан келаётганларга халал бермасдан, катта-катта одимлай бошлади. Анча олдинга юргандек бўлди...

Ниҳоят, шунчаки осмонга қараб, тўхтаб қолди.

Уйдаги эски чилдирмага ўхшаб, офтоб ҳамон нечундир бир нуқтада михланиб турар эди!

Мирза Ғолиб ажабланиб, қаршисидаги карвонга тикилди.

Карвоннинг охири кўринмаётган эди!

Мирза Ғолиб бунча одам тўқайзорда, сўқмоқда нега, нима қилиб юрганига аввалдан-ҳозиргача тушунмаётган эди! Бу одамлар тўғрисида аниқ ҳеч нарса билмаслигини ҳис этиб, янада ҳайратга ботганидан, ўтиб кетаётганлардан бировни енгидан ушлаб, саволга тутди:

— Кечирасиз. Қаёқдан келяпсизлар?!

Сўқмоқдаги одам егини унинг қўлидан бўшатиб, кетаётганича, жавоб қайтарди:

— Бухородан!

Мирза Ғолиб эсанкиради... Бу одамлар — Бухоро эмас, Самарқанду Тошкентдан ҳам олис масофада — бу ерда яшаб ёки даволаниб юришибдими?! Ахир, «оромгоҳ» — қамоқхона эмас-ку; одамни бунчалик овора қилишмас?!

У бояғи одамга ишонмаганидан, бошқа бировни тўхтатишга уринди... Аммо бу кимсанинг жавоби олдингисидан ҳам ўтиб тушди:

— Бухородан! Подшоҳим олдидан!

Мирза Ғолиб баттар эсанкираб: «Булар руҳий хаста одамлар бўлса керак?! Ёки, мен ақлдан оздиммикан?!» — деб ўйлади. Ҳозирги кунда, Бухорода пошшо борлиги унинг тасаввурига сиғмас эди!

— Қайси подшо олдидан келяписизлар?! — сўради, барибир.

— Амири саъид Абул-Ҳасан Наср...

Абул-Ҳасан Наср минг йил бурун яшаб ўтган! Мирза Ғолиб тажангланди... Масалан, жасадга қараб, бировни эслаш, ҳатто бировга ўхшатиб, хотиранда тирилтириш — бошқа; бундай минг йил олдинги одамларни тирикдек кўз ўнгингда кўриш эса — бошқа, албатта. Мумкин эмас... Шунга қарамасдан, у, икки ўртада музокара бораётгандек, яна савол ташлади:

— Қаёққа кетяписизлар?!

— Бизга ё ҳаким, ё ҳоким керак!

Мирза Ғолиб эслади... Абул-Ҳасан Наср замонида ҳали Ибн Сино туғилмаган эди! Лекин Бухорода унинг дунёга келиши учун бешик-йўртак тайёр; унга йўл очган ҳакимлар яшар эди! Ҳоким-чи? Бу — айни сомонийлар ҳукм сураётган давр эди!

У яна қизиқсиниб сўради:

— Ҳаким ҳам, ҳоким ҳам Бухорода эмасми?

— Бухоро ҳозир ёниб ётибди...

Мирза Ғолиб учун: Бухоро нега ёниши-ю, одамлар нега аллаёқларда тентираб-улоқиб юриши керак! — қоронғи эди. Бироқ буни у сўраб ўтирмади. Бухоро ўт ичида қолган, одамлар саргардон бўлган пайт камми?! Мирза Ғолибнинг хаёлида замонлар қоришиб кетганидан, ажабки, у ҳозир биринчи галда, Бухоро ёнаётган бўлса, менинг яқинларим, Мастуранинг яқинлари нима қилишаётган экан?! — деб ўзича алланечук ташвишланди.

Кейин, аввалгидан минг қатла кўпроқ таажжубланиб, яна карвонга тикилди...

Бу одамларнинг кийими, афт-ангори — бугунги кун; гаплари, ҳолатлари, дардлари — минг йиллик эди!

Мирза Ғолиб яна: «Булар руҳий хаста одамлар бўлса керак?! Ёки, мен ақлдан оздиммикан?!» — деган халғга борди. Беихтиёр эслади... Бир кинофильм бор эди. Қаҳрамонлар хотирасида ким, нима азиз туюлса, йўқдан мавжуд бўлар — жонланаверар эди! Яна бир киноасар Мирза Ғолибнинг ёдига гушди. Олижаноб, беозор қария нимани ўйлаб-галирса, — амалга ошар; ўзидаги бу хислатдан қўрқиб яшар эди. Гап шундаки, қария кимгадир, масалан «ер юткур!» — деса, бас, ер ёрилиб, кириб кетанерар эди...

Мирза Ғолибни ҳам кечадан буён шундай бир каромат жунбушга келтиргандек эди! Бу — унинг беҳад толиққаниданми?! Ёки, уни домига тортган тўқайзор сирли — «оғир» жой эканми?! Ёки: «Инсон ҳаётида Тарих, Замон, Келажак яшайди!» — деган гап кони-ҳикмати?! — Мирза Ғолиб буни билмас эди... Буни билиш ҳозир Мирза Ғолиб учун муҳим ҳам эмасди! Муҳими... у энди сўқмоқдаги одамларни ҳадеб безовта қилавермай, бошини эгиб, ер чизганича, яна бирдек олдинга судралиб бормоқда; мен тўғри қибла тарафга қараб кетяпман, мен катта йўлга чиқишим шарт, деб ўйламоқда эди!

Мирза Ғолиб олдинга сурилмоқда; лекин ёнидан дарёдек оқиб ўтиб кетаётган одамлар барибир хаёлида эканлигидан, юрак-бағри ҳамон эзилмоқда; барадла янграган оҳангдек бир нидо қулоқларида акс садо бормоқда эди:

— Бизга ё ҳақим, ё ҳоқим керак...

Мирза Ғолиб — ҳақим ҳам, ҳоқим ҳам эмас! Буни умрида у интилиб-ҳавас ҳам қилмаган! Аммо бошқа бир нарса аён: Мирза Ғолибни ёшлиқдан, одамлар дунёда бир оз бахтлироқ яшасини учун, буюк бир ишлар қилиш истаги қийнар эди! У нимадир, қандайдир чора кўриб, бу мақсадга етгиси келар эди! Ёҳу...

Мирза Ғолиб бу мақсадга эришмаган...

эришолмаган...

эришолмайдиганга ўхшар эди!

Нега?!

Унинг ҳаётида чипакам МУҲАББАТ етишмагани...

«Юртни,

ҳаётни,

одамларни севмоқ учун,

Оллоҳни севмоқ учун —

қонингда худбинликни қатра-қатра ўлдурмоқ,

фидоний бўлмоқ,

энг аввал —  
бир жонни севмоқ керак!  
Бир кимса — бир жонни севмай туриб,  
юртни,  
ҳаётни,  
одамларни севмоқ мушкул;  
айниқса, Оллоҳни севиб бўлмайди!»  
Мирза Ғолиб Мастурага нисбатан муносабатини эс-  
лаб, яна ўз ёғида ўзи қовурила бошлаган эди.  
Севги тўғрисидаги ўйлар эса ҳозир ёдига тушган,  
холос; уники эмас...  
Лутфийники! —  
Лутфийнинг ҳаёти, ёзишмаларидан келиб чиқадиган — туб маъно эди!  
Мирза Ғолиб эслади...  
Лутфий ёзган эди:

Валвала солди кўзларинг —  
кофиру аҳли дин аро...

Қофирлик-куфр — ёвузлик. Қофирни нима учун ара-  
лаштиряпти, дейсизми?! Инсон, севгандан кейин:

Мен агар кофир эдим,  
эмди мусулмон бўлдим...

Бунинг учун шукрона келтириш керак:

Сени кўрган сайин, — Оллоҳ! — дермай...

Ниҳоят, ошиқнинг очиқ-ойдин иқрори:

Қилманг мени ишқ учун маломат, —  
Чун ишқин ҳам Худо яратди...

Мирза Ғолиб юрак-бағри эзилган, ўкинчми, армон-  
ми ҳис этган ҳолда, елкасидаги, ҳатто қўлидаги юкнинг  
оғирлиги сезилиб, ҳаммаёғи симиллаб оғриб, азоблан-  
ганича, илдам бормоқда; шу билан бирга, гўёки зина-  
ма-зина — ўзи то бугун англаб-англамаган, — хаёл те-  
ранликларига тушиб, у ҳам энди мусулмонлик — Чина-  
кам ишқ иқрори манзараларини очиқ-ойдин кўрмоқда  
эди! Бир пайтлар Лутфуллани мафтун этган бу манза-  
ралар энди ўз-ўзидан, парча-парча Мирза Ғолибнинг  
юрагига кўчмоқда эди...

Инсон ҳаётида қачон, қандай кутилмаган воқеа рӯй беришини Худодан бўлак ҳеч ким билмайди!

Ҳали ёши янги йигирма учга чиққан, мадрасада муллавачча Лутфий, кунлардан бир куни Ҳиротдаги бозорни ёнлаган катта кўчада кетаётган эди. Шу кунлар у анча ғазал ёзган, кайфияти хуш, ғазалларидан бирини ўзича хиргойи қилмоқда эди:

Гул чеҳралар — очунда агар сад ҳазор эрур.

Сайд этгувчи кўнглум қушин — бир нигор эрур...

Дунёдаги минглаб гўзаллар ичида бир нигор ҳали унинг кўнгул қушини сайд этмаган эди! Бозор орқада қолиб, у ҳаммом ёнидан ўтаётганини пайқади. Шу пайт...

ҳаммомдан чиқиб, шошганча кетаётган бир тўп қизларга кўзи тушди. Қизлар орасида бўйи тикроғи бошини буриб, унга қаради. Дугоналарига нимадир деди. Улар ҳам бурилиб қарашди. Кейин, гур этиб кулишди. Бунга — унинг қизларга маҳлиё бўлиб, бир лаҳза саросималангани боисми, бошқами?! — у билмас эди.

Бўйи тикроқ қиз юрагига ўт солган эди. Ўз йўлидан кетаётганга олиб, қизларга эргашди.

Ҳали бедард, телба-жиловсиз, мужаррад йигит эди. Хаёлига ҳар бало келиб, шу дамда ўйлаганлари шеърга ҳам айлана бошлади:

Ҳаммомга азм айлагач — ул шўжи ситамгар,  
Ҳаммом юзи — акси била бўлди мунаввар.

Гулдек танидини чунки арақ бўлди равона, —  
Ҳаммом — гулоб нси била бўлди муаттар.

Сув гайратидинки, танига тегди дамо-дам, —  
Жоним бори сув бўлди-ю, ҳолим дағи абтар.

Эй кошки, мен бўлғай эдим — оқлида ходим, —  
То васл туни бўлғай эди бизга муяссар...

Унга ўзи нега бундай шеър тўқиб, қизларга эргашаётгани номаълум эди; ўз аро гаплашаётган қизлардан бирининг сўзи қулогига чалинди: шоир!

Хатти-ҳаракатиданми, хаёллариданми?! — хижолат чекиб, йўлини бурди. Кейин, кетди. Кетаверди...

Йўлдан озди ногаҳон — зулфин кўруб, мискин кўнгул,  
Йўллар эгри, тун узун...

У баъзан эгаси йўқ, баъзан ўткинчи бировларга бағишланган газаллар ёзган; кўпчилик бир-бирини ҳар куни кўриб турган, таниган — кафтдек Ҳиротда ўз номи қолиб, аллақачон Лутфий, Шоир, деб аталишга ўрганган эди. Шунга қарамасдан, назарида, ёзганлари ҳали бир оз пала-партиш, жўн, умумий эди. Форсий шеъриятда Саъдий, Ҳофизга тенглашиш қийин; туркий шеъриятда эса «агар шер бўлмаса, бори паланге» дегандек, уларнинг олдида «паланге» даражасига ҳам етадиган шоир йўқ эди. Шеърга «гўзал либос кийдириш»га уриниш бор эди, холос. Буни ҳис этганидан, ўз ёзганларидан ҳам унинг кўнгли тўлмаётган эди!

Эгри-бугри, қоронғи кўчаларда тентираб юриб, бу тун у хаёлга ботган, қандай ҳолат рўй бераётганини англамаётган эди... Гап қизлар уни, шоир, дейишганида эмас! Ҳеч қачон бундай бўлмаган эди. У аввалида қизларга девонавор эргашган, хаёлидан бемаъни, ҳатто бепарда гаплар ўтган; мана, энди... унинг қаршисида сирли бир олам эшиги очилиб, у кириб-кирмасликка ақли етмай, остонада анқайиб қолгандек эди! Бўйи тикроқ қиз унинг кўзи олдидан кетмаётган эди:

Кўз юмуб очгунча —  
қолимни дигаргун айлади...

Бу қизни у ҳуркитиб — хаёлидан қочириб қўймаслик учун титраб-ҳаяжонланиб, аниқ белги ҳам қидира бошлаган эди:

Не ҳуш ярашур қаддинга —  
ул шаклу шамойил...

Яна, аниқроқ:

Гулгун қабо нетак қучар —  
ул ичкка белли...

У ора-орада ширин энтикиб қўяр эди:

Қайдадир ул бахтким...

Уни шонрликдан ташқари, салкам мударрис, дейиш мумкин; диний ва дунёвий пухта таълим олган, шаҳардаги йиғин-давраларда обрў-эътиборга эга эди. Бунинг устига, унинг тенгдошлари тартибга кўра ўн олти-ўн



«саккиз ёшда уйланиб, фарзанд кўриб, «қариб» қолишга ҳам улгуришган эди! Бироқ у болаликми, ўсмирликми даври ҳамон давом этаётгандек, жиддий тортиб — салобатга киришни ўйламаган ҳам эди. Мавқеи, улғая бошлагани билан — бу ҳолат ўртасидаги зиддият кўзга яққол ташланар эди!

Мана, ўша воқеадан кейин бир ойча вақт ўтди.

У телбаланиб, кеч тунгача кўчаларда кезар, бозор, ҳаммом атрофларида айланиб, «ул шаклу шамойил»ни излар, узоқдан яна бир кўрмоқни истар эди. Негадир «дилраболиқ фани», «дилраболиқ ояти» деган сўзлар хаёлидан кечар, уларни сабоқдек пичирлар эди. Муттасил қаршисига, ҳавога тикилиб: «Недур отинг, қаю ерлик парисен?!» — деб сўрар эди. Унга баҳор — энди буюрган эди!

Излаганида эмас, яна тасодиф дуч келди.

Мадрасадан муллаваччалар билан чиқиб кетишаётган эди; кўчада гуж бўлиб бораётган қизлар...

Лутфий кўрмас ул юзунг;  
Кўрса, дағи беҳуд бўлур... —

У дилрабоси юзини кўрмаган; бурқаж остида кўрмаётган ҳам эди.

Лекин ёнидан ўтгани заҳоти, кўнгли билан «таниди». Шу сонияда ўйлади:

Бурқажни кўтар, тенгри учун...

Аммо ўз хаёлидан сесканиб, бунга терс ҳолда, яна ўйлади:

Кўрқиб ўлармен, —  
эя кўзи теккай, дею сенга...

Унинг юраги суюнчга тўлган; қизни учратганидан ташқари, назарида, қиз ҳам унга қараган, уни «таниган» эди:

Эл билмасун, деб  
ул қоракўз лутф ила менга —  
Ўғриш боқарни ўргатур учун,  
қиё боқар...

Қиз дугоналари орасида, ниҳоят, узоқлашди:

Ул тани сиймин уза, —  
ел тегса, титрар кўнглаки...

«Сен уни яна бир кўрмоқчи эдинг! Шу бас, деб ўйлаганмидинг, Лутф?! Бас — эмас экан! Бори олдинда экан... Оллоҳ-Оллоҳ! Бу қандоқ дард?! Қандоқ исён?! Инсоф бер!..»

Кунлар. Тунлар...

Зорлик. Интизорлик...

«Чора недур ҳукми Ҳақ ичра?!»

Анча пайт шу алфозда ўтиб...

олдиндан таниш туркистонлик ўзбеклардан, маълум муддат Ҳирот шаҳрининг доруғаси (маъмури) ҳам бўлган обрўли беклардан бири уни Хўжа Аббос мавзендаги ҳовли-боғига суҳбатлашиб, янги ғазаллардан эшитиш учун меҳмонга чақирди.

Бекнинг уни бундай таклиф қилишига яна бир сабаб бор эди.

У болаликдан мусиқага қаттиқ қизиқар, фақат туркий эмас, арабий, форсий, ҳиндий, озарий оҳангларни яхши билар эди. (Кейинчалик мусиқа бобида янгилик яратишга уриниб, унинг китоб ёзгани бежиз эмасди!) Айниқса, қўлида сетори бор; баъзан дилкаш давраларда сайратар эди! Бек шеърятдан ҳам кўпроқ мусиқага ишқибоз; мусиқасиз яшаш мумкин эмас, деб тушунадиган кишилардан эди.

Бек боғ эшигида қаршилаб, уни ичкарига бошлаб кирганида, бир оз кечикканидан, унга катта давра тўпланиб, ўзини кутаётгандек туюлган эди... Аммо у бекнинг ёлғиз меҳмони экан; хонада ҳеч ким йўқ эди. Кенг, баҳаво хона юпқа парда билан иккига бўлинган; парда орқасида шунчаки кўрпачалар ёзиб, парқулар ташлаб қўйилган, бу томонда эса ўртада хонтахта; дастурхон-тузалган тайёр эди.

Аввалига — хизматкорлар югурган-елган; зиёфат-зарофат бўлди. Кейин, улар Амир Темур салтанати барқарорлиги, қўлдан-қўлга кўп ўтган Ҳирот — ана, неча йилки осойишта эканлиги — ҳар бобдан бир шингил суҳбатлашишди. Ниҳоят, бек сеторга имо қилди:

— Недур чолсангиз! Сўғун ғазал бўлса бўлғай...

У сеторни қўлига олди.

Бек шу пайт қўшиб қўйди:

— Агар мумкиндур, бизнинг бир ожизамиз-да, тинглағай...

У бехос парда орқасида ўтирган санамни кўрди. Санамнинг қачон, қандай хонада пайдо бўлганини сезмаган эди! Буниси майли. Бу — унинг дилрабоси эди!

Сеторни сайратди.

Бир неча куй чалгач, олдин ёзилган ғазаллардан ҳам ўқишга тутинди:

Гул чеҳраларнинг жавридин  
қат-қат бу бағрим қон эрур...

Бек сел бўлиб ўтирар; мамнун, бахтиёр эди.  
Унинг дилрабоси-чи?!  
Ғазаллар ўқиб-тугалгач, —  
у бошини кўтармай, секин парда ортига қаради:

Илгин ўпуб, —  
оёғина кўнглак енги тушар...

Бекнинг қизи — ўктам, бунинг устига, билимли-фикр-ли экан; парда орқасидан унга мурожаат қилди:

— Маъзур тутқайсиз! Мусиқадин ғазалингизга наф теккайму?!

— Иншооллоҳ, теккай! Мусиқани билмай, улус не сўйлаб, не куйлашин илғамоқ, англамоқ мушкул. Алар бир-бирларин тўлдурғусидур!

— Ишқи илоҳий, ишқи мажозий, дейлар. Сиз қай бирига амал қилурсиз?!

— Борчаси Оллоҳдин! Оллоҳ ишқ бермаса, дунёда ҳеч нимарса бўлмағай. Бир кимсага муҳаббат қўюб, ҳар кимсанинг бахтин ўйламоқ, улусни ўйламоқ ҳам Оллоҳнинг инояти!

— Ушбу ғазаллар бир кимсани ўйлаб, ёзилғонму?!

— Ҳоло йўқ. Насиб этса...

Шу куни бекнинг уйдан Деҳқанордаги ўз ота-ҳовлисига қайтаётиб, рўй берган мулоқотдан — тақдирнинг бундай ўнг келганидан, унинг ҳаяжони ичига сигмаётган; кўкси кўтарилган; у шунчалар бахтли эдики!..

Кўчада кетаётиб, қўлидаги сеторни ҳавога отиб-отиб ўйнатиш, одамлар тўпланган бирон жойда тўхтаб, ер-кўкни тутадиган янгроқ куйлар чалиб беришни истамоқда эди...

Шунинг баробарида, у яна дилрабосига тегишли аниқ белгилар изламоқда эди:

Солди Туркистон элига —  
Лутфийни кофир кўзунг..

Бундан-да, аниқроқ;

Улус ичинда дурур —  
Ўзбегим қиё кўзлук...

У кўчада кетаётиб, дилрабосига юзлана: «Мен йироқдин жон берурман!» — деб нидо ҳам қилмоқда эди!  
Шу тун узоқ ухлаёлмади.  
Ўзича кулумсираб, ўйлар эди:

Бормағил уйқуға, эй кўз, —  
Сен хаёлидин уёл...

Ниҳоят:

Тушимда тутдум илкима —  
кўнглаки елгини...

У энди дилрабосининг оти не, қаю ерлик пари эканлигини билар, аммо бундан суюниш билан бирга, изтироб чекар эди. Шундай терс ҳолат: дилрабосини кўриши мумкин-у, мумкин эмас! — эди. Аввалгидек кеч тунгача кўчаларда кезиш ёки Хўжа Аббос мавзуига бориб, қизни учратишга уриниш — осон; лекин, бу — қанчалик азоб бўлмасин! — сақланиш керак... у бекдан истиҳола қилар, айниқса, қизнинг кўнглига озор етказиб, бор муносабатни ҳам бузиб қўйишдан кўрқар эди!

Шу йўсинда орадан икки ойдан ҳам кўп вақт ўтиб кетди.

У бир қанча янги ғазаллар ёзди. Унинг ғазалларини мухлислар, одатда, бир-бирларидан кўчириб, ҳаммаёққа тарқатиб юришарди. Бу гал ғазаллар одамларга фавқулодда таъсир қилиб, бутун Ҳирот бўйлаб тарқалиб, унга илк дафъа шуҳрат келтира бошлагандек бўлди.

Ана шунда...

Гулгундан хат келди.

Гулгун уни уйга таклиф қилган эди!

Шунчаки таклиф ҳам эмас... қоронғи тушганида, ҳовли-боғнинг орқа томонидаги дарча олдига келишнини сўраган эди!

Борди...

Гулгуннинг хос чўриси уни боғ этагидаги шам ёқилган, ердан баланд кўтариб қурилган қандайдир хонага бошлаб кирди.

Мана, Гулгун шам ёнида, хона тўрида, у — пойгак томонда; юзма-юз ўтиришибди.

— Эмди ғазалларингиз бир кимсага ёзилганму? — деб кулиб сўради қиз.

— Бир кимсага...

— Сўйланг!

У ҳаяжонланиб-саросималанди:

Айтайин дерман сенга кўнглумдагин,  
Не дейин?! —  
билурсан узинг, эй бегим...

Иўқ, гапга-гап улана бошлади.

Уни қизнинг юзига бир қўр назар ташлаш истаги  
ўртамоқда эди:

Учар руҳим —  
сенинг юзунгни кўрсам...

У ўзича ўйламоқда эди:

Бурқаъ очғил чехрадин...

У яна ўйлади:

Юз очғил, —  
кўз сени тўйгунча кўрсун...

Унинг кўнглидан кечаётганини Гулгун ҳис этдими,  
юзидан бурқаъни кўтарди. Аммо шам томонга бурилиб-  
роқ ўтирди:

Бурқаъ олғонда, юзунгни —  
шам кўрмиш тун-кеча...

Аммо сочларини парда қилди:

Сочинг била юз ёпмағил-у,  
Лутфийга кўрғаз...

Аммо қизариб кетди:

Гулдек қизарур юзи — назардин, —  
Ҳай-ҳай не бало, ҳаё бўлурму?!

У ўзича ўйлади:

Кўзум юзунг сори бехост боқса, —  
ман этма...

У яна ўйлади:

Ул юзу зулф учун ўлайин —  
менки, қллида...

У ажиб ҳолатни тўйди. Қизнинг юзини кўриш баро-  
бариди, кўргиси келиб, соғинмоқда эди:

Юзунг ногоҳ кўруб, ойдек  
соғиндим...

Бу мулоқотдан кейин улар узоқ — бир йилдан кўп-  
роқ вақт кўришишмади!

Бурқаъни кўтариб, юзини бир кур кўрсатган Гулгун,  
унга қайтиб кўрниш бермади!

У ўша — хаёлдек учрашувни деярли ҳар куни эслаб,  
ўзича ўйлар эди:

Бахт шукрин айла, Лутфий,  
давлати дийдор учун...

У хўрсиниб қўяр эди:

Эй роҳати руҳ...

Гулгун уни буткул унутди, деб ҳам бўлмас эди! Баъ-  
зан хат ёзиб турарди.

Сўзламак бўлди — битик бирла-ю,  
кўрмак — уйқуда...

У ҳам: «Уқи, бу Лутфийи-мунглуқ ниёз-номасини!» —  
деб жавоб ёзар, янги газалларини ҳаммадан олдин Гул-  
гунга юбориб турар эди.

Унинг юрагида кун-тун бир умид яшар эди:

Не бўлғай агар  
Лутфийи-бечорани сўр-саиғ...

Аммо кейинги йил баҳори ҳам ўтди. «Ёз бўлди...»

Ёз фасли; борча шод-у,  
кўнглимиз ғамнок эрур...

Гулгундан яна хат келди:

То эшитдим дилбаримнинг оғриқин... —

Гулгун хасталаниб ётганини билдириб, ундан келиб-кетишини сўраган эди!

Таниш боғ. Таниш дарча. Таниш чўри...

У шам милтираётган хонага кириши билан, болишларга суялиб-чўкиб ўтирган Гулгун мурожаат қилди:

— Сўйланг! Уқунг!

Уқиди:

Жамолинг шамъина парвона келдим,  
Фироқ ўтина ёна-ёна келдим.

Пари рухсора — сендек дилрабони  
Кўройин, деб мени девона келдим.

Қошинг ёсин кўруб, ийд ойидур, деб —  
Қошингда Лутфийдек қурбона келдим...

Шу кундан бошлаб...

Чу йўл эрди кўнгулга —  
кўнгулдин...

улар ҳафтада бир кўриша бошлашди:

Бўлғай асарӣ бахт, дағи толен масъуд —  
Ҳар ҳафтада бир кўрса ўшал моҳлиқони...

Гулгун энди тез соғая бошлади. Бир оз тўлишган; янада кўркамлашган. Эғнида — куртан зар; ҳарир; «кеши жуббани кийган моҳи само!» Қисқаси:

Суратингни кимки кўрди, қилди, жоно, —  
жон фидо...

Орада кундан-кун дўстлик — яқинлик пайдо бўла борди. Улар иккиси ҳам бир-бирини севгандек эди!

Шу кунлардаги муносабат...

Энг аввал:

— Сени — менинг киби ошиқ яратса,  
нетгай эдинг?!

Кейин:

Оғзинг ўлдурди табассум бирла...

Кейин:

Умид эрди —  
бирор кўнглагин енгин тутсам...

Кейин:

Кумуш билакларингизни —  
енг ичра ёшурманг...

Шундан кейин:

Бир зулфини тутқач, —  
яна бир — қўл узотдим...

Кейин:

Сиймдек янгоқин дедим: «Упарман!»,  
Айтур: «Тамаъинг эрур бори хом!»

Аmmo кўп ўтмай:

Эмди қўй — юзума юз...

Кейин:

Дудоғингдин эмасдур айб сўрмоқ...

Кейин:

Шарт қилдингким: «Сени мен ўлдурай!» —  
ўлдурмадинг...

Шундан кейин:

Айб эмас қилса кўнгул —  
ул ичка белнинг фикрини...

Кейин:

Ҳар бир қўпушингда, ётишингда, боқошингда...



Ниҳоят:

Ҳаргиз ўларму ул кишиким — йилда бир кеча, —  
Тонгга тегинча, сен киби бир сиймбар қучар?!

Бу кунлар унга абадий бўлиб туюлар; бахтиёр эканлигидан: «Йиллар сени кўрсам — менга бир дамча кўринмас!» — деб ўйлар эди. У Гулгунни энди ўзиники деб билган; «Офаринлар ушбу бахт-у толеи сайёрага!» — деб юрган эди...

...Гулгуннинг хатти-ҳаракатида бир ўзгарниш сезила бошлади.

Бу — дастлабки кунлардаги Гулгун эмас! Баъзан кўзига ёш олар, инжир, баъзан зардали-кескин оҳангда сўзлашар эди. Унинг муҳаббатига қачондир зориққан қиз, негадир аввалига: «Севсанг, нима қилай?! Севма!» — дегандек муомала қила бошлади:

Сен мени севадинг, дебон — не ёзгурурсан..  
Куп — Лутфийдан — севар мени, деб юз эвурмагил..  
Лутфийни — севар, деб..

Бундан кейин: «Сен мени севайсан! Ҳазалларинг ҳам менга ёзилмаган!» — қабилида уни тергаб-қийнаш бошланди:

Дилбар куп этар ноз..  
Бир сен киби — жафочи-ю, айёра йўқдурур..  
Лутфийни агар ноз ила ўлдурса, — ажаб йўқ..

У қизнинг ҳолатига бошда аҳамият бермасликка уринди. Парво қилмай, ҳатто ҳазил-ҳузилга йўйиб, қизни ҳам шу кайфиятга мойил этгиси келди:

Жафони жонима оз қилки, негаҳон бир кун  
Жафо туганса; нетарсан — жафо керак бўлса?!

Лекин натижа чиқмади; Гулгун севаганими?! — ўзгарган эди.

Унинг аста-секин юраги зардобга тўлиб, хаёли қо-ча бошлади:

Чек жафову жавру нози — борини, —  
Бир кун ўлғайким, дегайдур: «Бор-бор!»

«Бор-бор!»

Гулгун энди кўришган пайтларда ундан ўзини узоқ тута бошлади. Торта бошлади.

Уни ҳафтада хат ёзиб, йўқламайдиган ҳам бўлди. Гоҳ ой, гоҳ бир ярим...

У ҳам шу кунлар қизнинг муомаласидан бир оз юраги зада ҳолга тушгандек эди:

Ишқ Лутфийни анингдек ҳолга еткурдиким, —  
Пўқдур ул ойни кўрарга тоқату тоби апинг...

Худди шу пайтда...

у беихтиёр...

орада Ўзга киши — Рақиб пайдо бўлганини ҳис этди!

Унинг юрагидаги ўтга мой сепилди!

У ўзи биқиниб ётган уйдан девонавор кўчага отилди...

Сенсан севарим, хоҳ инон, хоҳ инонма,  
Қондур жигарим, хоҳ инон, хоҳ инонма.

Ҳижрон кечаси чархи фалакка етар, эй моҳ,  
Оҳи саҳарим, хоҳ инон, хоҳ инонма.

Ҳаққоки, қилич келса бошимга, эшикингдин —  
Пўқдур гузарим, хоҳ инон, хоҳ инонма.

Усрук кўзунг ашқолини ҳар гаҳ назар этсам,  
Қолмас хабарим, хоҳ инон, хоҳ инонма.

Яъқуб бикин кўп йиғидин қолмади — сенсиэ, —  
Нури басарим, хоҳ инон, хоҳ инонма.

Ой юзунга кўз солғали — ўзга киши бирла,  
Пўқдур назарим, хоҳ инон, хоҳ инонма.

Ишқ ўтида Лутфий юзи — олтуни ёшурди,  
Эй сиймбарим, хоҳ инон, хоҳ инонма...

Ўзга киши — Рақиб, аслида, аллақачон пайдо бўлган эди!

Тўғрироғи, орага Рақибнинг ўзидан олдин — номи кирган эди!

Ёшлигидан Амир Темур ҳузурда хизмат қилган, Темурга яқин силоҳи (юз боши) лардан — тўртинчи даражали амирлардан бири жангда қўлидан ажраб, мажруҳланиб, Ҳиротга — ўз уйига қайтган эди. Бу йиғит

нинг Султон Соҳибқиронга садоқати, жанглардаги жасорати, қаҳрамонлиги тўғрисида бутун Ҳирот сўзлар эди.

Гулгун йигитни эслаб, бир неча марта қизиқсиниб, сўз очган эди... У-чи?! Чап қўлини ёнида бириктириб юрган, манглайда безакли ўтоға (ҳарбий белги), қилич таққан хушбичим сипоҳини у ҳам билар; кўчада, давраларда кўрган эди... Бироқ номидан кейин, бир кун сипоҳининг ўзи орага кириши унинг хаёлига келмаган эди.

Умуман...

аввалдан, у билан Гулгуннинг муносабати — азалдан бор тартибга зид; анча чигал; бахтсиз муносабат эди:

Гар қаро қайғу — насибим бўлмаса юз соридин, —

Мен — ким эрдим?! — жон била зулфингни савдо қилғали...

Унинг болалиги оддий ҳунарманд оиласида — кўра олдида, «дам» босиб, — ўтган эди. Оила камбағал эмас, рўй-рост қашшоқ яшар эди. Албатта, ҳунар билан кун кўриш мумкин, аммо... бобоси, отаси бутун ҳаётларини нотинч даврда кечиришган эди! Мовароуннаҳр ва Хуросон тахти учун мўғул хонларининг курашлари... Кейин, сарбадорлар қўзғаган ғалаёнлар... Кейин, Ҳирот устида турли ҳокимларнинг ўзаро жанглари... Темур тахта мингунича, халқ саргардонликдан бошқа нарсани кўрмаган эди!

У, фақат худо берган ҳаётга муҳаббат, тиришқоқлик туфайли, билим олган, одамлар орасида танилиб, маълум мавқе эгаллаган эди. Унга ота-бобосидан қолган мулк: меҳнат кишилари, айниқса, ҳунармандларга хос — бир ёндан содда камтарлик; иккинчи ёндан, шунга баробар — ички ғурур эди!

Уни тақдир илк дафъа туркистонлик бекнинг уйига бошлаб борганида, у — ўзи кутмаган ҳолда, — турли саркарда-сипоҳилар, аъёнлар-бекларга нисбатан қони-жонида қандайдир бегоналик — узоқлик чўкиб ётганини пайқаган эди. Бу — урушлардан, хўрланиб-топталишлардан, машаққатли турмушдан безган ота-боболардан унга «юққан» туйғу эди! Бундан ташқари, у табақа жиҳатидан ҳам, Гулгуннинг тенги эмаслигини ҳис этган эди. Гулгунга қийслаб, ўзини: «Шоҳ қошинда хоркаш (ўтинчи)!» — деб ўйлаган эди. Уша — хоркашга мос фикр юритиб, шундай хаёлга борган эди:

Кишиким, ўз жонига қасд этар —  
сени севсун...

Кейинчалик Гулгун билан дўстлик — яқинлик сезишганида ҳам, бирон кун қайси аҳволда эканлиги унинг эсидан чиқмаган; орадаги масофа, тафовутни унутмаган эди:

Кўнгул — чу билмайин ўз ҳаддини! — сени севди...

Яна:

Сен киби султошни севмяк ҳаддим эрмасдур, вале  
Бу балолик ишқ — фарқ этмас гадоу шоҳни...

У Гулгунга ишқ изҳор қилишни қўймас ва, албатта... мени ўзингга тенг кўргин, дейишга ботинмас эди! Гулгун ўзи унинг қашшоқлигидан — хоркашлигидан ор қилмаслигини истар; «Муҳаббат олдида — Оллоҳ олдида борча тенг!» — деб ўйлар эди! У Гулгунга интилмоқда; шунинг баробарида, бу муносабатнинг қаергача бориши — у эмас, қизга боғлиқ; буни Гулгун ҳал этишини кутмоқда эди! Унинг:

«Мендан дурур гуноҳки, бердим сенга кўнгул!» — деган иқрордан кейин:

«Кўнглумни — гар сен асрамасанг! — не гуноҳ сен?!» — деб талаб қўйгани шундан эди.

У бир томондан, Гулгун билан дўстлик — яқинликни туймоқда; аммо иккинчи томондан, Гулгун билан муносабат, нима қилганда ҳам унга омонат — вақтинчалик бўлиб туюлмоқда эди. Бундан у эзилиб, қўрқиб яшамоқда эди! Шу боисдан, орага Рақибнинг номи кириб, Гулгун бир куни: «Мени ёқтирар эмиш! Одам қўяяпти!» — мазмунида гапирганида, унинг беихтиёр хаёли қочган эди:

Елғиз мен эмасменму —  
сенинг бирла гирифтор?!

У деярли ҳар куни катта-кичик давра айланганидан...

Амир Темурнинг «...боқий мато бўлган жонларини фоний дунё моли учун» сотган; «ўзларини маърака-майдон, ҳалокатга отиб, жонларини қурбон» қилган «сипоҳиларни ҳар жойда ҳурмат» қилиши; «жанг майдонла-

рида қиличлар чопган, шижоат аҳлини дўст» тутиши тўғрисида эшитган эди. Кўпчилик одамларнинг ҳам си-поҳиларга муносабати шундай эди! Бунинг устига, си-поҳи йигит одамлар осойишталиги учун бир қўлидан ажраган эди! Лекин... бу — унга ёт олам эди. Қолавер-са, қилич таққан йигит — Рақиб эди! Шунинг учун ҳам, Гулгун йигитни бир гал эслаганида, у «рашк ўтида ка-боб» ҳолатда, ўзи бу борада ҳақми-ноҳақми — бўғилга-нича, — ўйлаган эди:

Неча тиладинг, қайда-турур, деб рақибимни,  
Не бўлғай эшикингда бир ит бўлса кам, эй жон?!

Бироқ орага Рақибнинг номи киргандан сўнг ҳам, у соддадиллик билан: «Ўзгага берма кўнгул!»; ёки: «Ҳақ-қо, ўлармен — ўзгага сен қилсаанг илтифот!» — деб юра-верган эди. Номардлик рўй бериши, муҳаббат жангида қилич таққан йигит ғолиб келиб, — бу иш шундай якун-ланиши мумкинлигини ақлига сиғдирилмаган, ўйлама-ган эди. Ўз бахти йўлида бир қадам олдинга босгани унда қатъият, журъат-жасорат етмаган; Гулгун «кўн-гулни асраши»га умидланиб, ишониб, вақтни кеткиза-ётганини сезмаган эди! Гулгун кўзига ёш олиб, инжиб, зардали-кескин сўзлашганида ҳам, унинг ороми бузил-маган; аҳвол жиддий экаплиги хаёлига келмаган эди:

Рақиб ўлди сабабким,  
сен жафочи — раҳмсиз бўлдинг...

Гулгун ҳар қандай қиз бола, аёл киши сингари бун-дан кейинги муносабат бобинда ўзи эмас, ундан Аниқ Сўз кутмоқда эди! Бир гал улир бу ҳақда галлашиш-ган ҳам эди. Қиз шундай деган эди.

— Сиз мафтунлуқ, ғазалдин бўлак ишингиз бор-му?! Меним ҳолимни ҳеч онгладингизму?! Бу кунни қў-йуб, эртани ўйлодингизму?!

Гулгун ҳақ: учрашгандан буён унинг фикри-зикри-ни — бу кун банд этган эди!

Шу палла у ҳис этган эди:

«Э-ҳа...

Бадавлат киши эртани ўйлар экан!

Қашшоқ одам бугунни ўйлар экан!»

У яна ҳис этган эди:

«Саркарда-беклар — аҳли ҳукамо эртани ўйлар экан!

Шоирга, яхшими-ёмонми, асосан, бугунни ўйлаш ва-  
зифаси чегаралаб берилган экан!»

Гулгун унинг сукутга чўмганини кўруб, гапни ўзи  
давом этдирган эди:

— Сизнинг тор кулбангизга мен сизмасмен. Кенг-  
луқни одат қилганмен! Илож йўқ... Сиз-чи?! Кенглуққа  
чиққаймусиз?! Олтунга кўмилурсиз. Безалурсиз! Хор-  
луқ кўрмағайсиз! Ҳаётингиз шан билан тўлғай... Ис-  
танг, бас! Нетмоқ керак?!

У дафъатан пайқаган эди...

Унинг учун бахт тушунчаси ҳам, мардлик, жасорат  
ҳам бошқа нуқтада экан!

— Ҳаққо, рост. Истамасмен...

— Нечун?!

— Дунёда бечора-бенаво кўп! Дардкаш кўп! Гадо  
кўп! Минг-минг. Мен алардин бурулиб, Оллоҳ ирода-  
сига қарши қандоқ боргаймен?! Фуқарога қарамай, ўз-  
га либос киймоқ шоирга муносибму?! Оллоҳни таниб,  
Оллоҳга етмоқ учун ҳам, мен бу ғариблуқ, дарвешлуқ-  
дин кечолмасмен...

У ҳамон, севсанг, менинг аҳволимдан ор қилма, ме-  
ни боримча қабул эт, деёлмаган эди!

У Аниқ Сўз айтолмаган эди!

Улар ўшанда муаммони ҳал этишолмаган эди!

Гулгун негадир хаёлга ботган, кейин олдингига зид  
ҳолда:

— Мен сизнинг кулбангизга-да, боргай эрдим! Ло-  
кин... Локин... — деб, гапни чала қолдираверган эди.

Улар яна бир гал кўришишган эди.

Гулгун ўзи хат ёзиб, чақириб қўйиб, ўзи унинг кел-  
ганига норозиланаётгандек, тажанг; одатдагидан ҳам  
«жафочи» эди. «Мен онгладим, ул йигит чин ёқтирғон  
экан! Мен-да... Сиздин ҳоло ҳеч кимга вафо бўлма-  
гай!» — дегандек гап қилиб, у билан тез хайрлашишга  
чоғланди.

У қанчалик умидланиб, ишониб, осойиштаганиб юр-  
масин, барибир ич-ичида сезиб, эзилиб, қўрқиб кутган—  
кун, ахирри келган эди. «Кўздин мени солди!»; «Бор-  
бор!»

«Бор-бор!»

Уша куни кўчага чиққанида, изтиробдан кўпроқ  
кўнглида аламли-нафратми?! — туймоқда эди! Унга ва-  
фо тўғрисидаги Гулгуннинг сўзи айниқса оғир ботган  
эди! У заҳарханда билан ўйламоқда эди:

Мен севарман сизни-ю, сиз ўзгани,  
Менмудурмен бевафо, ё сизмусиз?!

Унинг хаёлида энди шу биргина сўз айланиб-ўрал-  
моқда; тўлганмоқда эди:

Бевафо! Бевафо! Бевафо!

У сўнгги кунларда Гулгун ўзгариб кетганини эслаб,  
ўзича муайян хулосага ҳам келгандек эди:

Мен севарман, —  
ул мени севмас, дариг...

Кўчада бораётиб, умуман, унга таҳқирлангандек ҳо-  
лат азоб бермоқда; Гулгунни аввалдан учратганига ас-  
тойдил ўкинмоқда эди:

Лутфийни ким қаргади, ё раб, балога учра, деб, —  
Қим сенингдек, тош бағирлиқ дилрабога учради...

Кейин, яна:

Не кўнгли содда элдур, ишқ эликим,  
Сенингдек бевафони — ёр, дерлар...

Бевафо! Бевафо! Бевафо!

Сирасини айтганда...

унинг ҳам ҳозиргача,  
севги тўғрисида ўйлаб-сўйлаганига қарамай,  
Гулгунга бўлган муносабати:

Кўнглумиз мундоқки, —  
ўрганда сенинг ёдинг била...

ўрганиш — ёқтириш эди, холос! Ҳали биров сени се-  
вадими, йўқми?! — ўзингдан кечиб, йўлига жонингни ти-  
киш, ҳайронлик ва мажнунлик эмас эди! Ишқ эмас эди!

Уша кунни оғриниб, Гулгундан у ҳам юз ўгирмоқчи-  
дек, уйга қайтгач, биқиниб ётиб олгани шундан эди!

Лекин унинг кўнгли чироқ ёқса ёришмас, кўнглига  
қил сиғмас эди.

Уни номаълум бир ғам кемирмоқда эди.

У ўз ҳолатига ўзи тушуниб етмаётган эди.

Худди шу пайтда...

Ўзга киши — Рақиб пайдо бўлгани, орага киргани-  
ни эшитди:

сипоҳи йигит уйланаётгани тўғрисида Ҳирот бўйлаб  
гап тарқалган эди!

Мана, энди...

у беихтиёр ҳис этди:

Сизга осондур, агар мен бўлмасам, —  
Сенсизин — лекин, менга душвор эрур!

Мана, энди...

у бошини чангаллаб, уйдан девонавор кўчага отил-  
ди:

Бироқ солғунча, ўлдур...

Мана, энди...

Ошиқ кишилар оҳи ёмондур, ҳазар айла! —  
Ким ўтқа ёнар — олам аларнинг нафасиндин...

Мана, энди...

у кеча-кундуз, вақт-бевақт ўзи учун азиз ҳовли-боғ  
атрофида айланиб, Гулгунининг дийдорини кўриш, бир  
оғиз сузлашишни орзу қила бошлади.

Уч кун... беш кун... ўн кун...

Шундай ҳикоят бор. Севгилиси турган ҳовли-боққа  
мўралаган бир йигитни миршаблар ўғри гўмон қилиб,  
тутиб қамашади. Йигит, йўқ, мен ўғри эмасман, деёл-  
майди!

Унинг ҳам аҳволи шу: ўзини, айниқса, Гулгунни  
шарманда қилишни истамас; аммо кўнгул узиб, ҳовли-  
боғдан узоқлашиб ҳам кетолмас эди!

Мана, энди...

Эшик... эшик...

Келдим эшикка:  
орзум юзингдурур,  
кўргуз — чиқиб...

Яна:

Мен кетмон эшикидин —  
агар чиқмаса жоним...

Яна:

Эмдиким, тупроқ бўлмишдур  
'Эшикингда таним...



Яна:

Очилмас не бобдин?!  
Ингларман эшикигда, —

Яна:

Борма, дерлар, эшики сори дамо-дам,  
нетайин?! —  
Кўп тақозо қиладургон  
бу кўнгулдур, бу кўнгул!  
Тори мўйин ҳаваси бирла  
қоронғу кечада —  
Жонни савдо қиладургон  
бу кўнгулдур, бу кўнгул!

Ахийри:

Нолишим берди —  
эшики итларига дардисар...

Ва, яна:

Эшикинг итидан айрилғоним...

...Гулгуннинг хос чўриси унинг ёнига келиб, дарча  
олдига боришини сўради.

Борди.

Гулгунга юзлашаётиб, ўйламоқда эди:

Қилич бирла жудо бўлгунча мендин, —  
Бошим танди жудо қилмасмусен сен?!

У яна ўйламоқда эди:

Ишқинг йўлида боргай. —  
юз бошим агар бўлгай!

Гулгун бу гал уни мулойим, меҳрибон қаршилади.  
Аmmo унинг сўзини тинглагиси келмади. Узр сўраган  
бўлди. «Мендин озорланманг. Қисмат эркан!» — деди.  
«Севсанғиз, мени-да ўйлонг!» — деди.

У — албатта, севади! У — албатта, ўйлайди!  
Унинг бошқа иложи ҳам йўқ эди...

Эшикингиз тупроғиндин — гард бўлуб учсуи танним,  
Мендин ўлтурғунча — нозук хстирингизга губор...

Кетди. («Бор-бор!»)

«Тушдим эшикингдин ироқроқ!» Лекин:

Тан бўлса ироқ,  
жону кўнгул анда дагулму?!

Унинг жону кўнгли Хўжа Аббос мавзеидаги ҳовли-боғда қолаверган эди!

Кетди. («Бор-бор!»)

Қаерга бориш, нима қилиш керак?! Боши гангиб, бу саволга жавоб тополмаётгандек эди! Муайян фикрга келиш учун ҳам, у гўёки энди Ҳиротнинг бошқа мавзеларида, шунчаки кириб қолган кўчаларда тентирашга мажбур эди!

«Сен бундоқ бўлишин билмабмидинг, Лутф?! Бахтга етмоқликни осон, деб ўйлабмидинг?! Қисмат эса, ана... Оллоҳ-Оллоҳ! Инсоф бер! Бу азобдан тўзим бер! Исёндин асра!»

У энди уйга гоҳ адашиб борса — борар, бормаса — ҳафталаб, ойлаб бормас эди! Чойхона-майхона... бозор; ҳаммом... кейин, яна кўча; кўча...

Унинг назарида, кутмаган бир пайтда («Андаким, бўлдум хабарсиз!») жанг, унга қарши ҳужум бошланган; ниҳоят, у — туёқлари тупроқ кўчирган отда қийқириб осмонга сапчиган туркий аскар, қорачерик «бузган-талаган — кўнгул вилояти» билан қолган эди! Гулгун хиёнат қилгани, бундай айрилиқ рўй берганини ҳамон ақлига сиғдиролмасди:

Боқмас менга жонона! Ажаб ҳолат эмасму?!  
Бўлди яна бегона! Ажаб ҳолат эмасму?!

Гулгунни йўқотиб қўйгани — унга аён; бироқ бевафо, деб ранжиш баробарида, интиқ кезиб, Гулгунни излар, эски дард: яна бир учратиб, яна бир сўзлашишни истар... баъзан кўчада гуж бўлиб бораётган қизларга кўзи тушиб, айниқса, саросималанар эди:

Ҳар нечаким, сарв қоматлар қўпар,  
Сизга ўхшатдим, — қиёматлар қўпар...

У кеча-кундуз, вақт-бевақт кўчаларда тентираб, бора-бора гоҳ ўз-ўзи, гоҳ Гулгун билан сўзлашишга одатланган эди. Кўпинча узоқдаги Гулгунга мурожаат қилар эди:

Хаёлигини йибор, Лайли, —  
менинг ҳолимни сўр-моққа...

Кейин, «Лайли»нинг ўзими, Сурати ёки Хаёлими?! —  
етиб келгандек, дарди-ҳасратини дарҳол тушунтира  
бошлар эди:

Сиздан не ёшурай?! —  
кўнгул иши хароб эрур...

Унинг уст-боши, афт-ангори бир ҳолда! Таниган-бил-  
ган кишилардан у ҳақда кимдир: «Илмдан ҳам, меҳнат-  
дан ҳам қочиб, дайди бўлиб кетди!» — дер; яна кимдир  
оппа-очиқ: «Шоир эди; оғирлик қилган. Шўрлик сав-  
дойи бўлиб қолди!» — деб ачинганича, бошини чайқар  
эди. Ўз аҳволини — у ўзи ҳам четдан кўриб турар, ле-  
кин «тузалиш»га қурби етмаётганлигини ҳис этар эди:

Девона кўнгул —  
сўзимга кирмас...

Баъзан у беихтиёр, шундай тушкун кўйда юргани-  
дан, озор ҳам чекар эди:

Бу кўнгулнинг бошига туфроқким,  
ҳар ён бориб, —  
Лутфийни борча азизлар  
кўзида хор айлади...

Уйқу йўқ; ором йўқ. Дуч келган жойда ора-сира, оз-  
гина мизғиганда ҳам:

Тилаб кўнглум, —  
сенинг оғзингни топмас...

Дунёда ота-онадан меҳрибон зот борми?! Боласи учун  
унинг ўзидан кўпроқ куядиган!

Биргина фарзандининг дарди нима?! — билмаган, ту-  
шунмаган, ёрдам беролмаган ота-она —  
у билан бирга! —

телбаланиб, чўкиб-мунггайиб,  
ҳар қачонгидан ҳам ғариб ҳолга тушиб қолишган  
эди...

У бир томондан, қисиниб-уялиб, иккинчи томондан,  
ота-онасини ўзича аяб, Гулгун тўғрисида оғиз очмаган;  
ҳамон кўнглидаги сирини айтмас эди!

Аmmo...

адашиб-улоқиб уйга келган кунлари —  
соатлаб бир нуқтага тикилиб ўтирар эди!

Ҳар қандай садо, шовқинни эшитиб-эшитмаётганга,  
қаршисидаги одамларни кўриб — кўрмаётганга ўхшар  
эди!

Деярли гаплашмас эди!

Бир бурда-ярим бурда нон чайнар; овқат ҳам эмас  
эди!

Тушларида тўлганиб-алаҳлар, инганиб-йиғлар эди!

Ота-онасини қанчалик қийнамасликни ўйламасин,  
улардан бу ҳолатларни у пинҳон тутиши мумкин эмас  
эди:

Неча сирримни ёшурсам, сийнадин бехос ишқ —  
Ўз-ўзи фарёд этарким, айлаган расво мени...

Шу алфозда юриб...

Пил кечса бирор, Лутфийни отин атамасан, —  
Эй ўз қулидан беҳабарим! Нетди?! Не бўлди?!

Йил ҳам гапми?! —

Орадан беш йил ўтди.

Ота-онасининг чарчаб, қашшоқликдан муҳтожлик  
даражасига тушиганини кўриб, кўчадан уйга «қайт-  
ди». Кексаларга ёрдам бериш, тирикчиликни ўйлаш ке-  
рак!

Уйда ота касби — мисгарлик билан шуғулланиб, ўзи  
ўқиган мадрасада маълум муддат мударрислик ҳам  
қилди.

Ҳаёт сал эпга кела бошлагач, —

«Нега уйланмайсан, болам?!» — деган гап чиқди.

Кўнгулни ўзгага бергил, демагки, —  
мушкулдур...

Буни кимга айтасан?!

Ота-она, қариндош-уруғ, қўни-қўшининг уйлан, де-  
ган сўзи унинг қулоғига: «Ондин кеч-у, тутқил ўзга  
дўст!» — бўлиб эшитилар, у ҳам бунга жавобан: «Кўр-  
гуз онинг монандини!» — деб хаёлида уларга шарт  
қўяр эди! Албатта, онинг — Гулгуннинг ўзини билмаган  
кишилар, монандини қаёқдан билишсин?! Кўнглида туй-  
гани билан, Гулгун қандай, монанди қандай бўлиши ке-

рак?! — буни у ҳали бировга тушунтириб ҳам беролмас эди! Умуман, муҳаббат борасида унинг фикри аниқ эди:

То қиёмат сендин ўз-ға, —  
қилмағай Лутфий кўнгул...

У Ҳирот кўчаларини қаричлаб ўлчаб юриб, аллақачон буни англаб етган эди! Бироқ:

Ото рози — худо рози;  
Оно рози — худо рози!

Ёш ҳам ўттизга борган; уйлансанг — ҳозир уйландинг, бўлмаса дунёдан сўққабаш ўтаверасан!

Уйланди. Яна бир Ўзга пайдо бўлди...

Қора қайғу — насиби эса уни тарк этмаган эди.

Кўп ўтмай,

отаси,

кейин, онаси қазо қилди.

Кейин, бир қизалоқни туғиб, иккинчисига кўзи ёриётган ёшгина келинчак —

ҳаёт билан видолашди.

Ушоқ қизалоқларга аёл қўли, аёл кўкси керак эди.

Тезда уйлан, деб қариндош-уруғ, қўни-қўшни уни ўртага олди.

У билар эди... ўзи сингари бир ғарибнинг қизи, гулдек келинчак, бу уйга келганидан кетгунигача — Ўзга бўлиб қолаверган эди! Бирга яшаб туриб, у фақат Гулгунни ўйлаб юрган; ғазалларида Гулгунни куйлаб юрган эди!

У билар эди... Гулгуннинг барибир мотандини тополмайди! Бировларнинг умри хазон бўлгани қолади!

У билар эди... кимдир дунёда муҳаббатсиз яшар. Лекин бу қисмат — уники эмас! Бу йўлда яна бир хато қилишга ҳаққи йўқ!

Қизалоқларни қариндош-уруғ тарбияга олиб кетди.

У — зилзиладан, тошқиндан кейинги вайронадек уйда, бир ўзи қолди.

Янги кулфатлар олдингига қўшилиб, энди унинг қаддини буккан, уни куйдириб, қорайтириб, адойи-тамом бир ҳолга солган эди:

Синди кўнгулум шишаси  
ғам тошидин...

У ҳаётдан тўйгандек эди. Ўзини қўйишга жой то-  
полмаётган, яшагиси келмаётган эди:

Борлигимдин бу жаҳон ичра, —  
пушаймон бўлдум...

Яна кеча-кундуз, вақт-бевақт кўчаларда тентирар,  
бўм-бўш дарахтзор-боғлар, кимсасиз гўлаҳларда ҳол-  
дан кетиб, йиқилиб қолар, ўпкаси тўлиб, йиғлар эди.  
Уйга оёғи тортмас, келганда ҳам, узоқ ўтиролмас эди.  
Ўтирганда ҳам, саторни вазмин чертиб, нола чекар  
эди:

Ҳар нечаки, мен  
бошдин-оёқ оҳу фиғонман...

Ахийри, дард уни енгди. Қулатди.  
Аҳволи оғир эди. Табиблар унинг ўнглинишидан умид  
узишган эди:

Табиблар борча — дардимдин харосон,  
Тирилмакни баса душвор, дерлар...

Ҳаммадан даҳшатлиси: яшашга мажоли қолмагани-  
дан, у «тирилмак»ни истамас ҳам эди! Аксинча:

Эй фироқ, ўлдур мени, —  
филҳол қутқор қайғудин...

Унга «ўлим» сўзи бегона эмас; ғазалларида бу сўз-  
га турли ранг, турли оҳанг берган эди! Аммо ҳозир аҳ-  
вол жиддий; бошқа дардлардан ташқари, унинг асосий  
дарди — давоси йўқ ишқ дарди эди...

Жоним чиқадур — дард ила, — жонима айтинг,  
Мен, хаста гадо, ҳолини — султонима айтинг.

Уртанмак-у, кўа ёши ю, ўлмак — дурур ишим,  
Бу қиссини — ул шамъи шабистонима айтинг.

Қат-қат юрагим боғлади қон, ғунча менгизлик,  
Бу — дарди дилимин, гули хандонима айтинг.

Қон ёшим эрур — юз уза, — юлдуз кибки сонсиз,  
Ул — кўзлари чўлпон, маҳи тобонима айтинг.

Лутфийи-дилафгор, тилар ҳажр элидин дод,  
Аҳволини ул — бегим-аю хонима айтинг...

Шу кунлар Гулгундан яна хат келди.

Гулгун унинг оғир ётганини эшитиб, қаттиқ безов-  
таланган эди!

Гулгуннинг ўйлагани, безовталангани — шундай ҳо-  
лат! — уни қайтиб «тирилтир»ди!

Аҳволи аста-секин ўнглана бошлади!

У энди Гулгун учун, Гулгунга бахт тилаб яшаши ке-  
раклигини ҳис этди! Утиб кетган ҳаётни эса ўзгартириб,  
бошқа ёққа буриб бўлмайди:

Хар не келса — келсун ул дилдор учун! —  
Чора йўқдур тангрининг тақдирина...

Унинг ўз бахти-чи?!

Фарёдима — бахт уйғониб, —  
эй войки, етмас...

Умуман:

Не уйқуси оғир эмиш менинг —  
бу бахтимнинг...

У кутган бахт энди:

Қайғулуқ кўнглумни —  
васлинг бирла бир дам шод қил...

Бир дам кўришмоқ, сўзлашмоқ —  
шу, холос! Бошқа ҳеч нарса!

Гулгун яна икки-уч хат ёзди.

Ниҳоят, оиласи билан Туркистонга — олис сафарга  
кетаётганини маълум қилиб, вақтинчами, абадийми?! —  
хайрлашди.

Кейин...

на хат, на хабар!

Ун йил... ўн беш...

У Гулгундан безовталанадиган бўлиб қолди. (Ахир,  
Ҳиротда, ёнида эмас-да! Тирикмикан?! Соғмикан?!).

Баъзан Гулгун ўзи ҳақда хабар бермаётганидан  
озорланиб, эзилиб ҳам кетар эди:

Неча қўйғай бағрима доғ — ул юзи моҳим менинг?!  
Неча кўйдурғай фалакнинг шамъини — оҳим менинг?!

Туйқусдан...

Гулгуннинг Ҳиротга қайтгани, отасининг ҳовли-боғида эканлигини эшитди!

Ғар кўнгул севди сени, — қон қилмади,  
Куч била ўзини — ҳайрон қилмади.  
Сиздан ушмунча вафосизлиқ кўруб, —  
Эътиқодим зарра нуқсон қилмади...

Ортиқ чидаб-тўхтаб туролмади.

Хўжа Аббос мавзенига йўл солиб, бир кун аллама-ҳалгача ҳовли-боғ атрофида айланди.

Кейин...

ёш элликка етганда, бировнинг кўчасида судралиб юриш ноқулай экан! Ярашмас экан!

Уйда, Гулгун хат ёзишига умидланиб, кута бошлади.

Шунда...

бир куни ҳовлида эди.

Очиқ дарвоза табақасини қамчи билан уриб, отлиқ бир сипоҳи ҳовлига бостириб кирди.

Отни қуриган тутга боғлаб, тўғри ичкарига йўналди.

«Обру тўкилиши мана бундоқ бўпти!» — деган хаёлга бориб, лекин ўзини мағрур, босиқ тутганича, у ҳам — ҳовлида уни кўрмай қолган сипоҳининг изидан — уйга: «Хўш, хизмат?!» — деб қадам қўйди.

Қадам қўйди-ю...

Бўз отлиқ ул санамки...

Кейин:

Хуш келдинг, аё жон тилаги...

Кейин:

Биҳамдиллоҳки, келди дилрабойим,  
Азиз он — кўзи чўлпон, тўлун ойним.

Севар жоним, пари пайкар, ҳабибим,  
Висоли — роҳатим; ҳажри — балойим.

Юзи гул, сочи сунбул, бағри тошим,  
Муҳибларни унутқан, бевафойим.

Муродим давлати, бахтим латифи,  
Сўзи ширии, нигори-жонфизоийим...



Нихоят:

Яна, тан сори боргон руҳ — ёнди...

Бу — ўнг эмас; худо ҳаққи! — бир туш эди.

Гулгун...

қандай келди?! Қандай кетди?! Қандай ўтирди?!  
Турди?! Нималар деди?!

Ҳаммаси — ипга тизилган; азиқ. Шу билан бирга, тонгдаги туман ичнда енгил шарпа — ногоҳ юзиб, кимгадир сўз қотиб, — ўтиб кетганига ўхшар эди!

Тушми, ўнгми?! — муҳими: Гулгун уни яна бир қур йўқлаган; унга яна бир қур дийдор кўрсатган... Ху- дойим! —

улар учрашиб турган ёшлик йилларини эслаб ўти- риб, бир оғиз сўз айтган эди:

— Кўрқдум...

Гулгуннинг юз-кўзига тикилиб, у ўзи билан Гулгун орасидаги муносабатда бўлган-бор ҳақиқатни мана, эн- ди — шунча пайтдан сўнг, — англаб етган эди!

Гулгун ҳам...

аввалдан уни севган, ҳамон севар экан!

Аёл кўнглини билиб, бўлмас экан-да...

Гулгун сипоҳи йигитнинг ҳолига ачинган...

Гулгун орадаги масофа, тафовутни ҳам ўйлаган...

Локин... Локин...

Гулгун уларнинг муносабагинда бир ҳолатни пайқа- ган; кўрққан экан!

У, дастлабки кунлар Гулгунга интилиб, ўтдек ёниб... муносабат дўстлик — яқинликка етиб боргач, ҳамон сев- гидан гапирса-да, лоқайд, беларзо бўла бошлаган; «Гул- гун қаёққа кетарди! Меники!» — деб била бошлаган! —

Танишган пайтдан: «Умр бўйи у мени севади! Умр бўйи у менга бағишлаб ёзади!» — деб ишонган, шундай бўлишини истаган Гулгун, — безовталанган... кўзига ёш олган, инжиган, зардали-кескин оҳангда сўзлашган; ун- га — барибир; шикоятга ўтган, холос...

Гулгун уни бу гуноҳи учун кечирмаган; у кувдан-кун совиб, бошқа бировни севиши, куйлашига йўл қўйгиси келмаган...

Аёл рашкими, аёлга хос баъзан мантиқсиз ҳимоят тушунчасими?! — ҳар ҳолда, Гулгун ўзига нисбатан унинг муҳаббати тугаши, сўнишини айрилиқдан оғир- роқ, деб билган; айрилиқни қабул қилган экан!

Ажабланарли жойи: Гулгун шу йўсинда, унинг Бош талабини бажарган — «унинг кўнглини асраган» эди!

Бундай санамни севмай бўладими?! («Кўргуз онинг монандини!»)

Севгилиси келиб кетгач, ўша кунни, у кўп нарсаларни ўйлади. Тушунди...

«Наҳотки, икки инсон чеккан кулфат, изтироб, аларнинг бахтсизлиги — ҳажр эвазига кўнгул, муҳаббат асранган бўлса?! Наҳотки, доим кўнгул шундоқ асранди?! Наҳотки, дунёда азалдан муҳаббат мезони — айрилиқ (ҳажр)?!»

У, дунёдаги барча ишқий дostonлар ҳажр тўғрисида; ошиқлар қисматининг ўзи — ҳажр эканлигини эслади. Бутун шеъринг ҳам, асосан, ҳажрни ифодаламайдими?!

У яна: «Инсон ҳаётининг ўзи ҳажрдан иборат! Ҳажрни англай бориш; қабул қилиш! — деган гапни хаёлидан кечирди. — Инсон ҳаётида ҳажр — Буюк Ҳижрат, Одам Ато осмондан тушган кунлардан бошланган эмасмикан?!»

Бу айрилиқнинг муқобили: ҳаёт ғaпиматлиги, шафқат, албатта!

Шу мулоқотдан кейин...

орадан эллик йилга яқин вақт (ярим аср!) ўтди.

Унинг кўз ўнгиди қанча воқеалар рўй берди.

Амир Темур вафот этди. Султон Соҳибқирон: «Умидим шулки, кўплаб фарзандларим, авлодим салтанат тахтига ўлтириб, мамлакатларни идора этгай... Давлат ва салтанатимни; ўзингизни эҳтиёт қилинглар!» — деб бот-бот куюниб-таъкидлаганига қарамай, тож-тахт талаш бўлиб; қайтиб пароканда давр келди.

У билган шоҳ ва шоҳзодалардан... Халил Султон тахтдан тез кетди. Бойсунғур Мирзо, Алоуддавла қисқа умр кўришди. Мирзо Улуғбек қатл қилинди! Шоҳруҳ Мирзо, Абулқосим Бобур, Абу Саид...

Бу шоҳ ва шоҳзодалардан у кимнидир ҳурмат қилди; қадрлади. Ким биландир иши бўлмади. Бироқ, ҳаётдаги ғaриблик, хоксорлик баробарида, булардан ҳеч кимнинг олдида ўзини кам тутмади; ғурурини йўқотмади! У дунёда бўйин эгган биргина Султон — Гулгуш бўлиб қолаверди:

Лутфий — ким, очун хоңларини илмади кўзга, —

Қул бўлди жамолинга-у, ишқингда забундур...

Унга ўша мулоқотдан кейин Гулгунни кўриш насиб этмади.

Бир соғинсанг бизни, —  
ой-у, йил керак...

Тулгун тўрт йил, беш йилда бир хат ёзиб, уни йўқлар эди.

Сипоҳи йигит ҳам энди марҳум бўлган эди.

Бу йигитни у ортиқ кин-адоват билан эсламас; айб-ламас эди. Бу йигитнинг ҳам чигал қисмат қурбони эканлигини ўйлаб, ачинар эди. Оллоҳ раҳмат қилсин!

У, айниқса, ўша — учрашган кундан буён, Гулгундан озор чекмаслик, Гулгунни ўлгунича — минбаъд «бевафо» демаслик тўғрисида қатъий қарорга келган эди:

Жон берур Лутфий-у,  
йўқдур севарииндин гиласи...

Энди деярли ҳар куни Гулгунга бағишлаб нимадир ёзар, орада ҳижрон дарди бўлганидан, кўпинча бу ҳикоят шундай бошланар эди:

Бир кунки, йироқ тушдум —  
ўшал ой юзингдин...

Айрилиқ (ҳижрат) — бахтсизлик, одамларга нисбатан уни ўз исмига мос яхши, ширин Сўз, жозибали Сўз — Лутф билан муносабатда бўлишга ўргатган эди! У ўзи сингарин азалдан қисмати фожеъ (ҳажр) одамларнинг ғамгин ҳаётини Шафқатли бир ҳолатда, Латиф сўйлаб, Латиф куйлаб, озгина ёритишни истар, оламда **ҲАЙРАТ — ГУЗАЛЛИК** ҳиссини уйғотишга интилар эди! Бу борада энди кашмирлик сеҳргарга ўхшаб кетганини унинг ўзи ҳам билар эди:

Сеҳр қилгай сўзда Лутфий —  
соҳири Кашмирдек...

Уша замондаги билимдонлар ҳам буни пайқашган, унга «Сўз лутфида ягонаи даврон!» — деб баҳо беришган эди.

У Гулгунга бўлган **МУҲАББАТИ** асрангани, **БУЮК БИР МАҚСАД**га айланганидан, туркий шеърятда мисли, такрори йўқ байтлар яратган эди:

Ёз агар ногаҳ кезар бўлсанг — чаманда, ноз ила,  
Гул — оёғинга тушиб, булбул — дуолар қилгуси...

Сен гам ема ишқимда, дедингим, — сўнғак ўлдим! —  
Неча емасаиғ қайгуни, — ер бизни гам, эй жон...

Сўзлар-да, қачонким кўзи-қоши била ўйнар,  
Ҳар гўшада — юз минг киши боши била ўйнар...

Юзулгдин — лола ранг элтиб, уёлиб — шахрга кирмас,  
Анинг бўйини — киши, — боғлаб, кетурмогунча сашродин...

Сайд этди дилбарим мени — ошуфта сочдин,  
Солди камад бўйиума — икки қулочдин...

У — яна, — туркигўй шуародин ҳеч кимда учрамаган  
ҳол: Аниқ бир Муҳаббатнинг — Аниқ Манзарасини чиз-  
ган эди! Гоҳ Сенлаб, гоҳ Сизлаб, муносабатнинг нозик-  
лигини таъкидлашгача...

Сўнғги йилларда у жуда қариб қолган эди.

Аҳён-аҳён ўз аҳволидан, эллик йилга яқин вақт  
(ярим аср!) Гулгунни энди ҳагто тасодиф, бир учрат-  
магани — кўрмаганидан эзилиб, ўз-ўзинча шикоятланар  
эди:

Кечди умр-у,  
тушмади ул ёр ила...

Кейин:

Қариди гамингда Лутфий...

Кейин:

Гаму ҳасрат била бошим оқарди...

Шундан кейин:

Куйди Лутфий шамъ янглир...

Ниҳоят:

Бу вужудимдин қолибдур —  
ёлғиз ун...

Гулгун билан танишган пайдан бошланиб, унинг  
юрагини ёндирган, ҳамон куйдириб ётган ўша-ўша, эс-  
ки дард; орзу:

Бир яна кўргаймуден —  
ул кўзлари кофарни ҳеч?!  
1

Ва албатта:

Васл умидидур менга —  
ўлмакни душвор айлаган...

У ҳар гал баҳор келганида, одатдагидан ҳам кўпроқ тоқатсизланар, ёш йигитлардек васлга янгидан умидлана бошлар эди:

Навбаҳор ўлди: вале  
ҳижрон жафолар қилгуси, —  
Жон қуши, ёрнинг ҳавосинда, —  
ҳаволар қилгуси...

...Тўқайзордан юлқиниб сўқмоққа чиққан, бошини эгиб, ер чизганича, ҳаммаёғни симиллаб оғриб, азобланиб илдам бораётган, зинама-зина хаёл теранликларига тушиб, бу манзаралар парча-парча юрагига кўчаётган Мирза Голиб, нафас ростламоқчидек, бир лаҳза тўхтади. Кейин, яна машаққат билан сурилиб, хаёлида бўлиниб қолган: Лутфий ҳаётида — вафотидан олдин — рўй берган ажабтовур, ҳайратли воқеани эслади.

Ушанда...

ердан баҳорги ҳовур кўтарилмоқда эди.

Мухтор тоғи этакларида жойлашган Хиёбонга, Мусалло — намозгоҳ майдонига келиб, у малика Гавҳаршод ога — Шоҳруҳ Мирзонинг хотиини, — қурдирган жоме масжидида шукрона намози ўқигач, тўғри Хўжа Аббос мавзеига қараб юрди.

Албатта, унинг Гулгунга юзлашиш учун ҳузурига кириб бориш нияти йўқ эди. Фақат, юрагида бугун Гулгунни бир кўришига ишонч турилганидан, ҳовли-боққа яқинлашаверишни ўйлаган; буни кўнгли унга буюрган эди!

Узоқдан ҳовли-боғ эшиги кўринганида; — саросималаниб қолди.

Эшикда қора чопон кийган бир неча киши тизилиб туришар эди!

Дафъатан...

у эти жунжикаётганини сезд.

Баҳор қаёққадир йўқолган; атрофни қалин қор босган; офтобда эрий бошлаган қордан оёқ ости кўлмак, билч-билч лой эди!

Унинг ўзи ҳам бирдан мункайиб, чўкиб, —  
ҳассага суяниб қолган эди!

Бўлса дўзахда хаёлинг, — танга куймаклик ҳалол;  
Бўлмаса жаппатда ёдинг, — жонга оройиш ҳаром...

Эшикдагилар уни таниб,  
югуриб келишиб,  
«Мавлоно! Мавлоно!» — деганча, қўлтиқлаб,  
ичкарига бошлашди.

У қандайдир хонада, букилиб, кўзлари ўз-ўзидан  
юмилиб ўтирганича, паст, синиқ-титроқ товушда, аммо  
берилиб, Қуръон тиловат қилди.

Нихоят, юзига қўл тортиб, қайтиб ўрндан турди.

Пойгак томон йўналаётиб, чайқалиб кетди. Кўзла-  
рини катта очди.

Мана, энди у пайқади.

Унга таниш...

кенг, баҳаво хона юпқа парда билан иккига бўлинган;  
парда орқасида...

бурқаъ ёпган бир санам ўлтирар эди:

Илгини ўлуб, —  
оёқини кўнглак енг тушар...

Уйга қандай қайтди, ўринга қандай келиб чўзил-  
ди?! — билмас эди.

«Оллоҳ-Оллоҳ! Шукр сенга! Мен они кўрдум... Сен  
мағфиратли, меҳрибонсан!»

Шундан кейин:

Бергай — лаҳад ичинда, — кўзум ёшидин хабар  
Ҳар шабнамеки, тушса мазорим гиеҳини...

Қизлари, куёвлари, неваралари ундан эрталаб бир,  
кечқурун бир ҳол сўраб туришар, уни ёлғиз қолдирмас-  
ликка ҳаракат қилишар эди.

Улар ўша кунни бундай бўлишини хаёлларига кел-  
тиришмаган эди...

Дафи маросимида тўпланганлардан бировлар, сўнг-  
ги кунларда уйдан чиқмасдилар, дер; бошқа бировлар  
кўчада, жоме масжидида, Хўжа Аббос мавзенда учрат-  
ганини айтар эди! Аслида, нима бўлганини — тушуниш  
қийин эди. (Оллоҳ билимдонроқдир!)

...Осмолга ўйчан тикилган Мирзо Ғолиб, паршон-  
ланди.

Уйдаги эски чилдирмага ўхшаб, ҳамон офтоб нечундир бир нуқтада миҳланган; вақт тўхтаб қолган эди!

Ен-верига қараб, эътибор берди:

яккаш арқон билан боғлаб-тортгандек, сўқмоқни тўлдириб бораётган карвон энди ўтиб кетган — тўқайзорга сингиган эди!

Лекин рўпарада янги кичик бир гуруҳ пайдо бўлган... лилипутни эслатган қандайдир одамлар каттакон тобутни кўтариб, югургилаб келишмоқда эди.

Мирза Ғолибга тепаликдаги хароба ёнида неча марта йўлиққан — юнги пахмайган, айиқдек ит ҳам — негадир, тилини осилтирганча, гоҳ олдин, гоҳ орқага ташлаиб, улар атрофида уймалашмоқда эди.

Сўқмоқда бу одамларнинг жонланиши бояги карвонга нисбатан ҳам таажжубли эди! «Булар қаёқдан келиб қолишди?! Қаёққа кетишябди?! Елкаларига ҳайбатли тобут юклаб, бу ерда нима қилиб юришибди?! Ит қачон, қаерда буларга қўшилиб олди?!»

Мирза Ғолиб шу ҳақда ўйлаб, бирон хулоса чиқариш ёки, жилла қурганда, ўзича оддий тахминга йўл беришни истар эди. Аммо беҳад толиққани, ҳамма нарса жонига текканидан, буни эплотмаётган; шунчаки хаёлга чўмиш, ажабланишга ҳам унинг ҳоли етмаётган эди!

У четланиб, рўпарадаги гуруҳнинг ўтиб кетишини кута бошлади, холос.

Одамлар ёнидан ўтишаётганида эса, бошини кўтармай, кўз қирини ташлаб, бенхтиёр, — гўёки оламда бутун инсониятни билган-у, ўзи учун шу энг муҳим, деб ташвишланган кишидек, — пичирлаб сўради:

— Кимни олиб кетяпсизлар?!

Сўқмоқдагилар баралла жавоб қайтаришди:

— Амири саъид Абул-Ҳасан Наер...

Мирза Ғолиб бу гуруҳ билан бояги карвоннинг бирига боғлиқлиги бор, деб ўйламаган эди! Энди бехос сергакланди.

Шу асно, бир кунлар хасталаниб, жарроҳлар қўлига «қараб қолгани»да рўй берган сирли, ақл бовар қилмайдиган ҳолат — учта Менга айлангани; ўшанда осмонга чиқиб кезганини эслади... Кеча бир эслагач, бу — унинг хаёлидан кўтарилган эди! Ҳозир яна аниқ-тиниқ ёдига тушди...

Чўғ солинган манқалга ўхшаш нарса диққатини жалб этгани... Баланд бўйли, кўзлари мовий йигит ва қизни учратгани... Кейин, ўша — чирроқлари лапиллаёт-

ган машинами-кемада, ёруғ-чарогон бир шаҳарга боргани... энсиз, юксак бинолар... Кейин, мисдек қизиган, ярақлаётган аллақандай узун ўрама ичида ҳаллослаб югургани...

Тўқайзордаги сўқмоқда осмонга тегишли белгилар кўринмайди. Мирза Ғолиб ердан оёғини узгани ҳам йўқ! Лекин унга ўзи аини фурсатда, барибир, осмонда юргандек туюлмоқда эди! Офтоб тош қотгани; вақт тўхтаб қолгани... Минг йил олдинги одамлар... Айниқса, бояги карвон билан Мирза Ғолибнинг ёнидан ўтиб бораётган туруҳнинг хатти-ҳаракати, гап-сўзлари вобаста эканлиги; Бухоро ёниб ётгани-ю, тобутда кетаётган Амри саъид Абул-Ҳасан Наср... Нима қилганда ҳам, тўқайзордаги сўқмоқ Мирза Ғолибни минг йил бурунги даврга олиб борган ёки ўша даврни орқага қайтарган эди!

Мирза Ғолиб ўз ҳаётида кечадан буён замонлар қоришиб кетгани, шундай каромат уни жунбушга келтирганини ҳамон ҳис этмоқда эди. Аммо бундан бир муддат илгари у Бухоро нега ёниши-ю, одамлар нега аллаёқларда тентираб-улоқиб юриши кераклигини англамаган; фаромушланиб қолиб, бу саволга жавоб изламаган эди...

Ана, елкасидаги, ҳатто қўлидаги юкнинг оғирлиги сезилиб, азобланиб, яна олдинга сурилганича, энди Амри саъид Абул-Ҳасан Наср даврида кечган бутун-бор воқеани аниқлашга уринмоқда; олисдан унга баралла янграган оҳангдек бир нидо эшитилмоқда эди:

— Бизга ё ҳаким, ё ҳоким керак!

Мирза Ғолибнинг назарида, бу гапнинг маъзиси чақиши шарт; шунда эҳтимол йўл «очишиб», ўзи ҳам «осмон»дан ерга тезроқ тушадигандек эди...

У сомонийлар тўғрисида, — жиддий киришиб, — китоб ёзган; барча сомоний амирлар ҳаётига назар ташлаган эди. Бироқ бу ишда, афтидан, сал шошган; Абул-Ҳасан Наср ҳаётидаги ажиб бир ҳикоят унинг диққатидан четда қолиб кетган эди...

Амир ҳақидаги ҳикоят бундай эди...

Дастлаб:

1. Абул-Ҳасан Наср ибн Аҳмад (ундан элдинроқ амаки-бобоси, Исмоил Сомонийнинг акаси Наср ибн Аҳмад бўлганидан, уни Наср Икки ҳам дейишар эди!) бошқа сомонийларга нисбатан, дунёдаги қисмати ниҳоятда чингал ва қизиқарли — амирлардан эди!

2. Исмоил Сомонийдан кейин, Абул-Ҳасан Наср дав-



рида сомонийлар салтанати юксалиб, энг гуллаб-яшнаган паллага кирган, чинакам улугвор даражага етган эди. Шунинг баробарида, айни даврда салтанат остига сув кета бошлаб, халқ ҳар қачонгидан кўпроқ саргардонлик кўрган, изтиробда қолган эди!!!

3. Абул-Ҳасан Насрнинг ҳаёги дунёга келиб келган (балки, келиб кетадиган) аксар шоҳлар (ҳокимлар, амирлар) ҳаётини ўзида мужассам этган; кўзгудек акс этдирган эди!

Унинг шажароси...

Баҳром Чўбин малик авлоди:

Сомонхудо (у барпо этган бир қишлоқ Сомон деб аталганидан, шундай ном олган эди!)

Асад ибн Сомонхудо

Аҳмад ибн Асад Сомоний

Исмоил ибн Аҳмад Сомоний

Аҳмад ибн Исмоил Сомоний

Наср ибн Аҳмад...

...Араб халифалиги томонидан амир қилиб тайинланиб Хуросонни қўлга киритган Қутайба ибн Муслим, Бухорога юз тутган эди. Бироқ... «Ислому лашкари ҳар сафар Бухорога келганида, ёзда газот қилар, қишда эса қайтиб кетар эди... Бухоро аҳолиси ҳар сафар мусулмон бўлар, араблар қайтиб келганида эса улар яна диндан қайтар эдилар... улар бутпарастлик... оташпарастлик... қилар эдилар...»

Аввал ҳам; Қутайба даврда ҳам шундай бўлган эди. Қутайба «то Марвгача борар ва яна, Бухоро вилоятига қайтиб келар эди». У «кўп қийинчиликлар (Бухорони уч марта мусулмон қилган)дан кейин, ислом динини юзага» чиқарган; тўртинчи марта бу ерни фатҳ этганида, сулҳ тузилган эди. Бухоро халифа ҳамда Хуросон амирига бож тўлайдиган, бўйинсунадиган бўлган эди.

«Вақтеки келиб, Хуросонда салтанат»га путур ета бошлаган; Бухоро маълум муддат «эгасиз» қолган; шу даврда сомонийлар майдонга чиқишган...

халифа Муътаид Исмоил Сомонийнинг акаси Наср ибн Аҳмадга Мовароуннаҳр ҳукмронлигини топширган эди.

Сомонийлардан биринчи амир — Наср ибн Аҳмад, — расман сулола бошлиғи бўлиб, амалда Исмоил Сомоний салтанатни қўлга ола бошлаган; акаси вафот этгач, салтанат буткул унинг қўлига ўтган эди.

Тез орада Хуросонни ҳам эгаллаб, Исмоил Сомоний

Хуросов вилояти, Мовароуннаҳр, Туркистон, Синд, Ҳинд ва Гургонда — араб халифати доирасида, — ягона ҳукмрон бўлиб қолган эди.

Исмоил Сомонийнинг бу подшоҳликдаги мақоми ўн беш йил давом этган эди.

Унинг ўғли Аҳмад анча қисқа пайт — етти йилга яқин подшоҳлик қилган эди.

Наср ибн Аҳмад (Наср Икки) отасидан ҳам, бобосидан ҳам кўпроқ — ўттиз йил салтанат тахтида ўтирган эди. (Олдингилар сингари ундан кейин келган тўрт амирдан биронтаси ҳам бунча муддат салтанатда турмаган эди!)

Хуллас:

Унинг бир ойдан буён жони азобда; ҳаловати йўқ эди.

Ўт тушиб, Бухоро икки кун гуруллаб ёнган; учинчи кун ёнғин ўчирилган, лекин ҳамон тупроқ остида ёғочлар ёниб; гоҳ у ер-гоҳ бу ерда олов лопиллаб, шаҳар тутаб ётар эди.

Қундузлари от миниб, Амири саъид аъёнлари билан шаҳар кезар, кечалари ҳам оддий бир фуқаро ёки қаландар либосида Бухорони айлангани-айланган эди.

У амирлик қилаётган даврда бу — Бухоронинг иккинчи марта ёниши; ўн икки йил бурун ҳам шундай ёнғин чиққан эди. Ушанда у Нишопурга кетган эди... Ўт тушган Гардун-кашон маҳалласи кулга айланиб, Бухоро устида ўрлаган олов Самарқанддан кўриниб турган; тутуни ҳам Самарқандгача етиб борган эди! Амир Нишопурдан шошганича Бухорога қайтган; аммо ўзи бўлмагани учун ҳам, ёнғин сабабини яхши аниқлай олмаган эди. Одамлар: «Бу олов осмондан келди!» — деб қўяқолишган эди...

Ўз замонида у, Бухоро яна бир ёнади, деб ўйламаган эди! Бу гал ёнғиннинг сабаби аниқ эди. Самарқанд дарвозада бир ҳаллимаз, дўконидagi қозон тагидан кулни олиб, томга чиқариб тўккан; айни ёз, ҳаво иссиқ, шу билан бирга, шамол эсаётганидан, кул орасидаги чўғ яқин жойдаги қамишдан ясалган бир уйга келиб тушган; уй ёниб кетиб, ўт бутун Самарқанд дарвозаси маҳалласига ёйилган эди. Мадрасаи Форжак, масжиди Мох, кавушдўзлар тими, саррофлар, базозлар бозори, бошқа бозорлар — ҳаммаёқни ўт қоплаган эди! Амири саъид қолган ўз ҳаёти давомида куйган иморатлар қайта тиклашиб, Бухоро олдинги ҳолига келишни ақлига сиғдиролмас; бунга кўзи ҳам етмас эди...

У отда аъёнлари билан шаҳар кезаётиб, кўпинча бошини кўксидан кўтармас эди. Фақат гоҳ-гоҳида Масжиди Мох ёнидан ўтаётиб, тўкилган-қорайган деворларга кўз ташлар; бу ерда бир пайтлар — масжид қурилгунича, — бут сотилган Мох бозори, кейин оташпарастрлар калисоси-ю, бутпарастрлар ибодатхонаси ҳам бўлганини эслар эди. Секин хўрсинар; «Дунёда ҳеч нарса боқий эмас экан-да!» — деб, ҳаёт оқар сув эканлигини ўйлар эди.

Гоҳо бошини кўтариб қарамасдан ҳам, саррофлар бозори ёнидан ўтаётганини ҳис этар; бобоси зарб этдирган тангалар нечундир унинг кўзи олдига келар эди. Ёки, бобоси қурдирган, энди куйиб-кул бўлган работ ёнидан ўтаётганини кўнгли билан сезар; яна секин хўрсинар эди. Дунёда ҳеч нарса боқий эмас экан-да!

Абул-Ҳасан Наср умуман, сўнгги пайтлар, умр ўтаётгани тўғрисида кўп ўйлайдиган бўлиб қолган эди. У, кўнглимда сезяпман, мен ҳам ана-мана (беш йил билан ун йил ораси) дунёдан ўтаман, деган хаёлга бориб, эзилар; ўз ҳаётини бот-бот сарҳисоб қилар эди.

Айниқса, кечалари оддий бир фуқаро ёки қаландар либосида Бухорони айлавиб юриб, тасодиф учраган ҳар хил одам билан сўз қотишиб, дунёда омонатлик туйғуси уни қийнаб юборар эди... Одамлар қизиқ! Ут чиқарган биров, амирни сўкади; қаргайди. Ҳамма нарсага — амир айбдор! У ўзича ўйлар, эслар эди... Отаси шаҳид бўлган; Амири шаҳид, дейишар, бу баҳо тўғри; иштибоҳга ўрин йўқ эди! Бобосини Амири мозий, дейишар; шу «мозий» деган сўзда Буюк бир Амир ўтиб кетганига надомат-ўқинч бор; бу ҳам узукка тушган кўздек эди! Лекин унга Амири саъид — Саодатли амир, деб нега пом беришди?! Унинг нимаси Саодатли?! Одамларми, тақдирнингми киноясига ўхшайди — бу...

Абул-Ҳасан Наср гоҳ ойдни, гоҳ зулмат-зимистон кўчаларда гамгин бораётиб, бутун ҳаёти хаёлидан кечар эди.

Уни саккиз ёшида подшоҳ қилиб кўтариб, катта бир мамлакат тахтига ўтқазилган эди. Баъзан қабул қилинганидек, у номига подшоҳ бўлиб, салтанатини онасими, акасими, амакисими вақтинча бошқариб турса экан! Қаёқда! Отаси бехос ўлимга юз тутиб, ягона ворис эканлиги-ю, унинг атрофида, — эҳтимол, вазир-вузаролар, аъёнлар назарида, — салтанатга лойиқ бошқа одам бўлмаганидан, унга тўппа-тўғри подшоҳ деб қарашган эди! У эндигина дунёвий ва диний билимлар билан шу-

ғулланиб, от устида ўзини туттиш, қилич чопишни ўргана бошлаган эди. Ҳаммасини подшоҳлик даврида эплаб кетишдан бўлак иложи қолмади! Шундан кейин... ана, йиллар бир нафасдек ўтди-кетди. Уз уруғлари, яқинларидан тахтни ундан тортиб олмоқчи бўлиб, фитна, исёнлар ҳам рўй берди. Бирин Самарқандда, бирин Нишопурда бош кўтарди. Абу Закаринё дегани уни четлатиб, бир муддат Бухорода ўзини Амир деб ҳам эълон қилди. Салтанат учун жангга кирган пайтлар бўлди! Булардан ташқари, яна унинг чекига тушган — Бухородаги икки ёнғин! У — дунёга келиб, кўрган бутун ҳаёт — шу...

Амири саъид кундузлари шаҳар кезганида, кўпинча бобоси мақбараси ёнидан ўтар; бу ерда у от жиловини бир қур тортганча, бошини ади кўтариб, кўзлари чақнаб кетар эди! Бухоро, остидан, мил-мил ёниб, тутаётган ражаб ойида амир кечалари ҳам, кўча айланаётиб, албатта, мақбара ёнига келиб туришни одат қилган эди. Тунда у, аксинча, мақбара қаршисида елкалари чўкиб, маҳзунланиб ўтирар эди. Уймакорлик, наққошлик усулларидан фойдаланиб, худди каштага ўхшаб, деворлари ясси, мусулмон гиштдан, ҳинд раққосалари рақсга тушгандек ҳар хил, ўйноқи шаклларда тикланган, кундузлари офтоб нурлари остида минг йўсини товланиб, кечалари ой ёруғида хаёлий бир чирой касб этган мақбарага Абул-Ҳасан Наср соатлаб тикилар эди. У, дунёда бундай безалган обида йўқ, деб ишонар эди! Амир шу кунлар, хайрият, ёнғини (Самарқанд дарвоза бу ердан унча узоқ эмас!) мақбарагача етиб келмади, шикаст етказмади, деб ўзинча кўнглида бир оз таскин топар эди!

Исмоил Самоний дунёдан ўтганида, у ҳали бир ёшга тўлиб-тўлмаган гўдак эди! Бобоси, туғилганида суюнгани, уни кўрганини кексалардан эшитар; у бобосини одамларнинг ҳикоятлари орқалигина билар эди!

Мақбара ёнига келганида, ҳар гал Амири саъид бобоси ва отаси тўғрисида ўйлар; бобоси бошқа, отаси бошқа бир олам бўлганини ҳис этар эди.

Аҳмад ибн Исмоилни энди кўпинча, инсофли эди, адолатли эди, деб олқаб эслашганига қарамай, жангжадал кўриб, мамлакатини бир неча йил қўлида тутиб турганига ҳам қарамай, аслида, бу бадгумон, ҳар нарсасига таҳлика сезиб, хаёли қочадиган, одамлар билан кам муроса қиладиган — подшоҳликка лаёқатсиз киши эди! Аҳмадининг шахидлиги ҳам, сирасини айтганда, жангдаги шахидлик эмас; ўлими — аҳмоқона бир ўлим

эди... Аҳмад ибн Исмоил жумод-ал-охир ойида, қишнинг айни чилласи, Жайҳун бўйига ов қилгани бориб, саропарда тиклаган эди. Бир куни туйқусдан чопар келиб, Гургон ва Табаристон ерларининг маълум қисми қўлдан кетгани, горат бўлаётганини хабар қилганида, Аҳмад: «Агар бу подшоҳлик мендан кетадиган бўлса...» — деб дарҳол дилгир ҳолатга тушган... бу етмагандек, «Эй Худо! Менинг ажалимни бер!» — деб осмонга тикилиб, қўл очган... бу ҳам етмагандек, ўзига тегishли чодирга кириб, бошини ўраб ётиб олган эди! Одатда, у ўзининг хавфсизлигини ўйлаб, ўргатилган бир арслонни занжир билан чодир эшигига боғлатиб қўяр; арслон ичкарига кирмоқчи бўлган одамни ёриб ташлар эди. Уша куни хос кишилар бу ишни унутишган; Аҳмад ибн Исмоилнинг қулларидан бир печаси чодирга кириб, унинг бошини кесишган эди...

Абул-Ҳасан Наср бу воқеани эслаб, ҳеч тушунмас эди... Нега хос кишилар оғир пайтда подшоҳни ёлғиз қолдиришлари, бунинг устига устак, кундалик ўз вази-фаларини унутишлари керак?! Қуллар нега ўз подшоҳларини сўйишлари керак?! Сабаб?! Чопар келганидан тортиб, бунинг ҳаммаси атай уюштирилиб, маромида бажарилган бир ўйин эмасмикан?! Ушанда подшоҳга нисбатан кимнингдир, нима учундир (хос кишилар, қуллар шунчаки қурол) аниқ адовати бормиди?! Амири саъидга, ҳар қалай, бу воқеа то ҳозир сир-синоатли бўлиб туюлар; у, бобом даврида масалан, бундай воқеани тасаввур ҳам қилолмайсан, деб ўйлар эди.

Исмоил Сомонийга арслоннинг кераги йўқ; ўзи — арслон эди! Унга бировнинг посбонлик қилиши ҳам шарт эмас; аксинча, умаро, вузаролардан оддий фуқаро, қора қулларгача ўзларини унинг ҳимоятига муҳтож сезишар эди. Бир пайтлар... атрофдаги Вардонадан Варахшагача, Афшонадан Баркадгача ҳамма қишлоқларни ичкарига олиб, Бухоро вилояти, ҳар фарсангда бир дарвоза, ҳар ярим милда бир минораси бўлган мустаҳкам девор — қалъа билан ўралган; Бухородаги амирлар харажатни халққа юклаб, ҳашарга чақириб, бу қалъани муттасил тузатдиришар, ўзларича янгилаб, тартибга келтираверишар эди. Исмоил Сомоний амир бўлгач, Бухоро аҳолисини азобдан қутқарган; у дадил: «То мен тирик эканман, Бухоро вилоятининг девори мен бўламан!» — деган эди. У шундай дея оладиган амир эди!

Умуман, қалъага аҳамият берилганининг сабаби бор: ташқи душмандан бўлак, даштдан бебош ҳужумлар бў-

либ турар; ўғри, каллакесар тўдалар кўп эди. Исмоил Сомоний қисқа фурсатда чиндан «девор» эканлигини кўрсатган; биринчи навбатда вилоятдаги нотинчликка чек қўйган эди. Халифатнинг шарқ вилоятларидан Хуросон ва Мовароуннаҳрда мустақил давлатлар тузила бошлагач, гоҳ Муътаид ёки Муътазид, дегандек халифалар кўмагида, гоҳ ўз ҳукмини ўтказиш мақсадида икки давлат ўртасида низо чиқа бошлаган; Хуросондан дастлаб тоҳирийлар, кейин саффаридлар Мовароуннаҳрга қараб юрган... бу жангларда, Исмоил Сомоний, косибдан мардикоргача халқни қуроллантириб, ўзи ҳам қатнашиб, мардлик кўрсатиб, душманларга зарба берган эди!

У юрагида ҳеч кимга, душманга нисбатан ҳам адоват сақламас; душманни ҳам дўстга айлантира олиш хислатига эга эди! Олиҳиммат инсон эканлигидан, енгилган душманларини хижил қилмаслик учун тик қарамас; юзини четга бурар эди. Одампарвар бўлганидан, неча бора, жанглاردан кейин, асирларни ўлдириш, зиндонга ташлаш эмас... ҳатто қул қилиб, ишлатиш ҳам эмас... тўйинтириб, йўл учун озуқа бериб, сарпо кийдириб, уй-уйларига қайтариб юборган эди! Вазир-вузаролар, айниқса, лашкарбошилар норозиланиб: «Бу ёғи қандоқ бўлди?!» — дейишганида; «Қўйинг, бу бечоралар юртига борсин! Булар сизга қарши энди ҳеч қачон уруш қилгани келишмайди!» — дер эди.

Ишониш қийин; бу — одил шоҳ ҳақидаги эртак, афсонага ўхшайди. Лекин ўша пайтда шундай бўлган эди! Буюк бир салтанат вужудга келиб, ҳар хил ташқи, ички жанглар, низолардан кейин, осойишталик ўрнатилганидан, пойтахт шаҳар Бухоро билан бирга, Самарқанд, Балх, Марв, Хўжанд, Ҳирот, Нишопур сингари катта шаҳарлар шу даврда дунёда шуҳрат топган; маърифат, маданият марказларига айланган эди... Бухородаги «Саввон-ал ҳикмат» кутубхонаси, кўплаб расталардан иборат китоб бозорида истаган фан, адабиётдан истаган китобни кўриш мумкин эди... Бухорода исломга ўтилган, бироқ ҳамон оташкадалар, бутхоналар, черковлар ҳам йўқ эмас; асосий эътибор анъаналарни тиклаш, турли халқлар, миллатлар бошини қовуштиришга қаратилган эди. Вилоят ҳокимлари, беклари бўлган ота-болаларидан ўзиб, подшоҳлик даражасига етган — Исмоил Сомоний, — халифага бўйсунар, фармонини бажарар; шунинг баробарида, кундан-кун мустақил давлатни мустаҳкамлаш хаёли билан яшар эди. У фуқаро эрки

Бахтинни ўйлар, фуқаро учун доим «девор» бўлиб туришини истар эди. Кимдир одамлар манфаатига эид иш тутса, фуқарога зулм қилса, хайрихоҳлик, бағри кенгликни йиғиштириб, қаттиқ, кескин жазо берар эди! Бу борада Исмоил, бир кунлари, бемаврид халқдан ўлпон йиғишни сўраган акаси билан ҳам жанг қилишгача борган... лекин олижаноб инсон эканлигидан, Наср ибн Аҳмад жангда енгилиб, чеккада, руҳи чўкиб, ерга кўксини бериб ётганида, илдам яқинлашиб, отдан сакраб тушганича, унинг ёстиғини ўпиб: «Эй амир! Сен фазилатда улугроқсан; мени афв эт!» — дейиш; акаси билан жанг қилгани учун узр сўрашни ҳам ўзинга ор деб билмаган эди...

У Бухорони яхши кўрар; оғзи тўлиб: «Бизнинг Бухоро шундоқ жой!» — деб фахрланар эди. Бухоро маркази — атрофи баланд девор билан ўралган, етти дарвозаси бўлган Шаҳристон, — Исмоил Сомоний даврида кўркамлашган; Шаҳристоннинг теграсида янги маҳаллалар, гузарлар, бозорлар, устахоналар бунёд этилган эди. Буюк Амир шаҳар ичкарасида ҳам, Жўйи-мулиёнда ҳам масжидлар, мадрасалар, рабоблар, қасрлар қурдирган, боғлар барпо этдирган эди! Аммо бу ишларни ўзини кўрсатиш ёки шон-шукуҳни ўйлаб бажармаган эди. Унинг учун бу эҳтиёжми, заруратми эди... Мана, шу гаройиб мақбарани ҳам, у бурч юзасидан падари бузруквори қабри устига, хотирасига бағишланган ёдгорлик сифатида тиклатган эди! Бу — аслида, Аҳмад ибн Асаднинг мақбараси эди! Бироқ, вафот этганидан сўнг, уни ҳам шу ерда дафи этишган; халқнинг ўзи, шуниси тўғрироқ бўлади, деган фикрга келганми, бу обидага «Исмоил Сомоний мақбараси» деб ном берган эди...

Абул-Ҳасан Наср ақлини таниган илк болалик пайтидан бобосидек бўлишни орзу қилар эди!

Тахтга ўтирганидан бошлаб, у ҳам юртда ободончилик, раият осойишталигини ўз олдига мақсад қилиб қўйди! Собит туриб, ҳамма жабҳада бобосига ўхшаб иш туттишга уринди! Лекин дунёда ҳар кимнинг ўз қисмати, ўз ҳаёт йўли бўлар экан... Одамлар уни тахтга кўтариб, изидан: «Подшомиз анча бўш! Ҳали бола-да; гўдак!» — деган гап чикди. Кейин, мамлакатда фитна, исёнлар юзага келди. Амири саъид энди бобоси эмас, кўпроқ отаси тўғрисида ўйлаб, баъзан беихтиёр хаёли қочиб — нотинчланишга одатланди! У барибир, олдига қўйган мақсаддан чекинмади. Тишини-тишга босди; ҳатто фитначилардан айримларини «олдига чақириб олди»;

омонлик берди!» имкон қадар юртни тинчитди. Буни-си — хўп! Дунёда омад деган нарса бор... Амирнинг ша-ҳарни қанчалик обод қилганини эмас, халқ Арк яқини-да, Регистон майдонида унинг ўзи учун гўзал бир са-рой қурдириб, амалдорлари учун ҳам шундай қаср тик-лаганини кўрди! Унга истеҳзо билан қаради! Бунга ҳам чидаш мумкин; майли... Наср Икки замонда Бухоро фақат бундай икки марта ўт ичида қолгани йўқ! (Фало-кат ўзи оёқ остидан чиқса, нима дейсан?! Қаёққа бора-сан?!) Қутайба бир кунлари бино қилиб, шу пайтгача дуппа-дуруст турган жоме масжидини (яна, қутлуғ ра-мазон оини жумаи муборак кунини, айни намоз ўқилаёт-ган вақтда!) бехос ер босди. Гурас-гурас одам тош-туп-роқ остида қолиб, ҳалок бўлди. Шаҳар мотамга чўмди... Амири саъид ўзи назорат қилган ҳолда, масжидни қай-тиб тиклатди! Аммо орадан йил ўтмай, иккинчи марта қулади...

Наср ибн Аҳмад тушунмас эди... Бобоси даврига нис-батан ҳаёт ўзгардимми?! Одамлар ўзгардимми?! Нима бўлди?! У қанчалик бобосидек муносабат тутмасин, не-га одамлар унга бобосига қилган муносабатни раво кў-ришмайди?! Дунёда тўртта одамга бош бўлиш осон эмас! Минглаб одамнинг бошида туриш, уларни шоҳ-мот донасидек суриш ҳам мумкин; лекин на эзгу ишинг, на қаттиққўллигингдан маъно чиқса, додингни кимга айтасан?! (Ана, кейинги ёнгин сабабкори ҳалим-пазнинг бошини кесдириб, бутун шогирдлари, қаролла-ри-ю, оиласини зиндонга ташлатди! Аммо биронта одам, отанга раҳмат, демайди; аксинча, одамлар уни сўка-ди; қарғайди!) Бобосига ўхшаш учун унга нима етиш-майди?! Умуман, нима етишмаяпти?! Қора халққа му-ҳаббатми?! Ҳақиқат туйғусими?! Жасоратми?! Нима?!

Амири саъид мақбара ёнига келиб, ҳар гал соатлаб маҳзун ўтирганича, шу тўғрида ўйлар эди!

Бу ўйлардан у бора-бора дилтанг, дилхун бўлиб қол-ган эди!

...Ражаб оини ўтиб, Бухорода ёнгин батамом босил-гач, амр аъёнлари билан кундузи шаҳар кезиш, кеча-лари ҳам Бухорони айланиб, бобоси мақбараси ёнига боришни тўхтатди.

...Роппа-роса олти йилдан кейин, у қазо қилди.

...Бу орада, халқнинг аҳволдан шикоят қилишади, фитначилар билан тил бирикгиришган, деб шоирлар-дан: Панжрудак қишлоғидан саройга олиб келинган Абу Абдуллоҳ Жаъфар — Рудакийни, кўзларини ўйиб,



шаҳардан ҳайдаттирди; Ҳусайн ибн Али — Марвариддинни ўласи ҳолда зиндонга ташлатди.

Кўп олим-фозил кишилар дарбадар бўлишди.

Кўп умаро-вузаролар саройдан қочишди.

...Амири саъид тўғрисида ўша замон маррихлари ёзишган эди: «Наср ибн Аҳмад (Наср Икки) туйқусдан ўлиб қолганида, унинг ёнида ҳеч ким йўқ эди. Яқин одамлардан бировлар уни тарк этган; бировлар ўлган, бировлар ўлдирилган эди!»

«...БУТУН БОРЛИҚ абадий ТИРИК биргина ВУЖУДдан иборат; биз аксар, руҳимиз нопок эканлигидан, БУНИ пайқамай, адашиб-улоқиб умримиз ўтмаётганмикан?!»

Мирза Ғолиб шундай хаёлга бориб, рўларага тикилди.

Сўқмоқ уни катта йўлга ҳам, кичик йўлга ҳам олиб чиқмаган; у қайсарланиб, ўзинча тўғри қибла тарафга қараб кетаётгани билан, иши юришмаган эди!

Сўқмоқ тугаб, яна тўқайзор бошланган эди!

Бу гал Мирза Ғолиб тўқайзорда узоқ судралгани йўқ.

Икки юз қадам босдим, беш юзми?! — ҳар ҳолда, олдинга мункайиб кетиб; ерга узала тушишига оз қолди.

Кўзи ўз-ўзидан илинган экан; сергакланиб, қаради...

Худоё тавба! Унинг қаршисида — ўрмонзор ичидаги сайхонликка ўхшаш майдон... майдонда тепалик...

У, бундай бўлиши мумкин эмас, мен сўқмоқ бўйлаб тик юрган бир пайтда, орқада қолган тепалик қандай қилиб олдинга ўтади, деб ўйлаб, энди буткул саросималанган эди!

Яна бир қур тепаликка юзлашганини ҳеч қайси йўсинда хаёлига сиғдиролмаётган эди!

Шу палла... баттар саросималанди.

Офтоб уфққа қараб сурина бошлаган; вақт қайтиб «ҳаракат»га келган эди!

Унинг бир қадам жилишга ҳам ҳоли қолмаган эди. Тепаликка кўтарилганча, харобага кириб, ўзини таппа ўринга ташлаши мумкинлигидан қўрққани учундир, Мирза Ғолиб ҳозир, барибир, тепаликни четлаб, йўлга тушаверишни, қибла тарафга қараб кетаверишни ўйламоқда эди! Шу алфозда бундан мурод ҳосил бўлиб-бўлмаслиги ҳам уни қизиқтирмаётгандек эди!

У худди шундай қилиши аниқ эди! Бироқ... ҳалигина лилипутни эслатган одамлар ёнида юрган ит яна

тепаликда пайдо бўлган; бино эшигида уймалашмоқда эди.

Мирза Ғолиб иккилана бошлади.

Унга Амири савид Абул-Ҳасан Насрни бу ёққа олиб келишиб, харобада қолдиришгандек бўлиб туюлмоқда; бундан осойишталигини йўқотмоқда эди. Унинг минг йил бурун ўтган амирда-ю, тепаликдаги итда нима иши бор?! Уз қисматига янгидан фол очмоқчими?! Билмас эди. У Исмоил Сомонийни барча бухороликлар сингари қарийб авлиё ўрнида кўрар; Наср Иккидан эса бир оз ётсирар; ҳайқар эди! Шунга қарамасдан, ҳақиқатни аниқламагунча бу ердан кетолмаслигини ҳам ҳис этмоқда эди.

Қийналиб, тепаликка кўтарилди.

Ит бу сафар бинонинг орқа томонига, пастга энмади. Эшикдан четланганича, этакроққа бориб ётди.

Мирза Ғолиб эшикни тақиллатиб юрмай, шарт очиб, ичкарига кирди.

Уша даҳлиз; ўша хона. Олачалпоқ парда...

У яқинлашиб, пардани сурди.

Наср ибн Аҳмад бу ерда йўқ эди.

Лекин... (қандайдир жиноят рўй берган!) —

ярим-очиқ қувурми, каттакон тарновгами ўхшаган нарса ичида яна учта жасад, у кеча кўрган ҳолда: бир-бирининг оёғига бош қўйиб қатор ётар эди!

Мирза Ғолиб паришонланганича, —

пардани қайтиб секин ёпди.

## ТўРТИНЧИ КЎРНИШ

### ИСМ ЖИННИСИ

Жунун водийсига мойил —  
кўрармен жони-зоримни,  
Тилармен бир йўла бузмоқ —  
бузилгон рўзгоримни...

**АЛИШЕР НАВОИЙ**

Узоқ бир жойда, тилмай  
Тўлиб нола қилар най...  
Аmmo уни чалар ким?! —  
Буни мен биламан;  
Ва, билар — қалбим!

**РАБИДРАНАТ ТАГОР.**

Босин — гар сўрашга, дўстлар, — дили вайронлигим,  
Шунчалар сарсонлигим; кўйида саргардонлигим;  
Ёри — хуршид юзлигим; диллори — моҳ-тобонлигим;  
Хуснига ҳайратдин ўлди борча бесомонлигим,  
Мен ким-у, сомон?!—чу ортар ҳар нафас қайронлигим...

СОБИР АБДУЛЛА.

*Алишер Навоий газалига мухаммасдан.*

Қуёш дам сайин уфққа ёнбошламоқда; тепаликни орқада қолдириб, тўқайзорга шўнғиган Мирза Ғолиб, тўғри қибла тарафга қараб бормоқда эди... У энди, тик чиқиқ тортаётгани билан, аслида, эниқ мақсади бўлгандан кўпроқ боши оққан томонга кетаётган одамга ўхшар эди! Унинг юрагида сўнгги умид учқунлари ҳам сўнган эди... Мирза Ғолибга мабодо парда ортида ётган жасадлар бугун ҳам таниш, қаердадир кўргандек туюлса, ва, айниқса, азиз инсонларни эслатса, у ўзини бунчалар абгор сезмас эди! Минг марта харобада бу кеча қолишни истамагани, яна бир карра даҳшат туйишга тоб-тоқати бўлмаганига қарамай, тепаликка кўтарилиб, бинога кирганида, — бундан қанчалик бош бурғиси келмасин! — ўзини ўринга таппа ташлаб, ухлаб олишга қарор ҳам қилган эди! Ётса, бас, биров тўп отиб ҳам уни уйғотолмаслигини сезган; бунга ишона бошлаган эди... Ҳамма бало шундаки, бир қатла ғойиб бўлган жасадлар қайтиб харобага келиб қолган эди. Буниси майли! Кимдир жасадларни алмаштирганми (ёки, аввалдан шундаймиди?!), улар — бегона; уларнинг турқи-тароватида Лутфий, Машраб, Байронни эслатадиган бирон-бир белги кўринмас эди... Мана, энди Мирза Ғолиб, бу жасадлар ёнида, жиноят рўй берган жойда-тепаликдаги харобада қолгандан кўра тўқайзорда ўлганим яхши, деб ўйлаб, рўй-рост ўлим билан юзлашгани бормоқда эди! У Мастурага, ўзининг мурғак фарзандига (агар дунёга келган бўлса!) ачинмоқда эди. Бухорода юрган касалманд, кекса онати; у ўлса, албатта, бухороликлар одати бўйича оқ сурпдан мотам либоси кийиб юрадиган опаларига ачинмоқда эди. Мирза Ғолиб Бош раҳбар Мардонқул ака, идорадаги ўртоқлари Тенглаш ва Ҳакимжонни алам-адоват билан эсламоқда; у кўнглида бир нарсага ўкинмоқда эди: ҳашарга олдин келиб кетган кишиларнинг иш ҳақи, уларнинг омонати бўйида қиёмат-қарз бўлиб қоляпти! Бу — катта мулк эмас; лекин буни умидланиб кўтаётганлар бор; муҳтож одамлар бор!

Тўқайзорда, ҳаммаёғи шилиниб-қонаб, симиллаб оғриб, елкасидаги, ҳатто қўлидаги юкнинг оғирлиги сезилиб, азобланиб бораётган Мирза Ғолибга, юнги пахмайган, айиқдек ит бу гал негадир эргашган эди. Тилини осилтирганча, гоҳ олдин, гоҳ орқага ташланиб, тўқайзор ичида гоҳ кўринмай, гоҳ кўриниб, Мирза Ғолибнинг атрофида айланишмоқда эди. Мирза Ғолиб тўхтаса, тўхтар, юрса, у ҳам югуриб кетар эди! Аввалига Мирза Ғолиб, ит ўлим ҳидини сезиб, қон ҳидига иликиб, менга эргашяпти, албатта, деб ўйлади. Нечундир: «Отнинг ўлими — итнинг байрами!» — деган гапни ҳам эслади. Аммо кейин...

Бир гал тўхтаганида, яқингина ерга келиб чўккан итга диққат қилиб қаради. Итнинг кўзлари шу қадар мунгли, шу қадар ақлли эдики! — Мирза Ғолиб у ҳақда ёмон хаёлга борганидан, хижолат чекди. Кўп ўтмай, итнинг олдида янада хижил бўлди...

энди Мирза Ғолиб ҳадеб қоқилиб-йиқилганича, ҳушидан кетар; ўзига келганида, ит жароҳатланган қўлоқлари, бетини беозор ялаб-юлқаётганини кўрар эди! У итга нима биландир эътибор билдиришни истар; бироқ халтасида қотган бир бурда нон ҳам йўқ эди! Ўзининг қачон туз тотгани ҳам — унинг эсидан чиқа бошлаган эди!

Тўқайзорга яна шўнгиганидан буён, Мирза Ғолибнинг хаёлини «армон» деган бир сўз банд этган. У — ҳали ёш йигит; ўлимга юзлашаётиб, ўзи АРМОНдан иборат эди! Лекин, назарида, кўнглидаги энг буюк армон: дўсти Лутфулланинг номини ҳам энди тупроққа олиб кетаётгани эди!

Мирза Ғолиб йиқилиб-суриниб бораётиб, узук-юлуқ эсламоқда эди.

Хаёлпараст; фидойи; шу билан бирга, «сояи девор» эмас, одам; мурасасиз, жангари — жим, беозор юриб, баъзан бехосдан «портлаб» кетадиган Лутфулла, дунёда ҳар нарсага чидаши мумкин, Лутфийни кимдир камситишига чидаёлмас эди! У болаларча соддалик, кўнгли тўғрилиқ билан, мени ҳақорат қилишини — майли, Лутфийга тил теккизгани қўймайман, дер эди!

Шусиз ҳам, Лутфий нотантилик, номардликни кўп кўргани уни эзар, ҳар қачон бу ҳақда гап чиқса, асабийлашар эди...

Мирзо Улуғбек даврида, Самарқандда шоирлардан Саккокий катта шўҳрат топган; аммо... «бу навъ ўхшаши йўқ, мазасиз мукобаралар гоҳи воқеъ бўлур!» —

унинг мухлислари бир гал: «Лутфийнинг борча яхши шеърлари» Саккокийникидур; «Ўғурлаб, ўз отига қилиб-дур!» — деган гап тарқатишган эди... Лутфий тўғрисида, Ҳиротнинг ўзида ҳам: «Шоҳлардан манфаат кўрганида, уларни мақтайди; бошқа пайт мискин шеърлар ёзди!» — деган «мазасиз мукобаралар гоҳи воқеъ бўлур» эди!

Лутфийни телбаларча яхши кўрган Лутфулла, айниқса, сўнгги йилларда шоирга боғишлаб ёзилган айрим китобларда: «қараши чекланган!» деган гапни ўқиб, бўғилар эди. Сенинг қарашинг чекланмаган! Баракалла!

Лутфуллани ҳаммадан ҳам, кундалик ҳаётда рўй берган, кимгадир оддий туюлган бир воқеа қийнар эди... Алишер Навоийнинг асарини «саҳнага кўчираётиб» қайсидир театр «арбоб»лари «Навоий номи» билан асарга Лутфийнинг бир неча ғазалларини ҳам «қўшиб» юборишган эди! Ҳар гал бу асар радиодан берилганида, Лутфулла радиони ўчирар; титраб-қақшаб, хонада нари-бери юриб қолар эди! Бу одамлар Лутфийнинг руҳидан қўрқишмайдимми?! Навоийнинг руҳидан қўрқишмайдимми?! Тавба!

Умуман, «исм жинниси» бўлган Лутфулла, исм олдидаги масъулият — инсон олдидаги масъулиятдан кам эмас, ҳатто, юксакроқ туради, деб билар эди...

Тўқайзорда ҳол-беҳол, худ-беҳуд судралаётган Мирза Ғолибнинг дабдурустан ёдига тушди...

Бир кун Лутфулла:

— Ўз исминг маъносини биласанми?! — деб сўраган эди кулумсираб.

— Ўйламаган эканман. Билмадим...

— Мирза — зиёли, дегани. Зиё! Ғолиб — ғалаба! Дунёда зиё, эзгулик ғалабаси...

— Эй! Мени жуда кўтариб юбординг-ку!

— Сени... Лекин хафа бўлма, фақат сени эмас.

— Ахир, Мирза Ғолиб мен...

— Тўғри. Лекин Ҳиндистонда, Байронга замондош буюк бир инсон ўтган. Мирза Ғолиб! Сенга шу одамнинг исмини қўйишган...

Уша кунгача у ўз исмига эътибор ҳам бермаган эди. Буюк салафини билмас эди! Лутфулладан уялиб, китоб излашга тушди. Топди...

...Бобур Мирзо «Ҳинд сори отландим» деган бир замонда, ота-боболари, шуҳратли саркардалар, Турондан Ҳиндистонга бориб қолган — Мирза Ғолиб, — Агра шаҳрида туғилган эди. У ўзи-ўзинга: «Сен қутлуғ Турон ери-

дан; сенинг қонинг — турк қони!» — дер; кўпинча ўзини «содда турк» деб атар эди. Бироқ у — мутафаккир, файласуф, шоир, носир! — урду ва форс тилларида китоблар ёзган; бутун Ҳиндистоннинг ифтихорига айланган эди!

Урду шеърлятида Мирза Ғолибнинг хизматиға қиёс йўқ; туркий шеърлятда Лутфий, Навоийға ўхшаш — вазифани у ҳам бажарган: урду тилида «қандай гўзал сўзлаш мумкин»лигини исботлаган эди! Бу — бинонинг ташқи томони. Ички томони эса — Мирза Ғолиб шеърларида дард ва табассум қоришиқ; у бошиға қилич келса ҳам ростини айтадиган, ниҳоятда виждонли; қайсар; ўз касби қадрини билган шоир эди!

Унинг кечган қисмат йўли шундай эди!

Мирза Ғолиб ёзган эди:

Ҳар бир сўзни ўлчайдиган борми, менчалик...  
Сенинг қалбинг — тозаликда қиличнинг дами...

Мен юз бурдим мунофиқлик, раёкорликдан,  
Гарчи билдим: ҳақиқатнинг аччиқ баҳоси...

Сенга курган кулфатларнинг кам бўлганидан,  
Бундай нижиб, қилмоқдасан қадеб шикоят...

Мен бировни мақташлардан сақландим, балки,  
Бунинг учун мақташ керак менинг ўзимни...

Менга агар берилсайди бошқа бир ҳаёт, —  
Ҳозиргини ўтказардим бошқача яшаб...

Мирза Ғолибнинг ҳаёти...

Бу ҳақда (бизнинг Мирза Ғолиб учун муҳим!) яна икки оғиз сўз:

Уни шоир деб танишган; аммо шоирлик шуҳрати унга жуда кеч, ўлганидан кейин келган эди...

У нотинч, ғалаёшли бир даврда яшаган эди. Бобурийлар, Акбар салтанати емирилган; Ҳиндистонни инглизлар забт этган; ҳаёт тарзи, муносабатлар кескин ўзгарган; исёнлар; тўнтаришлар...

Ҳаётининг ўзи ҳам ғурбат, кулфатдан иборат.

Болалигида отаси вафот этган...

тоғаси қўлида қолган!

Тоғаси ҳам ўлган...

бобоси хонадонида яшай бошлаган!

Бобоси ҳам, тез орада, қазо қилган...

ўн уч ёшида Лоҳар бекларидан бирининг қизига уни  
уйлантиришган; бекнинг тарбиясини ола бошлаган!

Болалари туғилиб-туғилмай, кўз юмган...

тутинган бир ўғил; тарбиялаб, вояга етказганида,  
ундан ҳам айрилган!

Бир аёлни севган...

уни ҳам Мирза Ғолибга худо кўп кўрган!

Онаси, хотини, уруғларидан ёнида ҳеч ким қолма-  
ган...

шунча ўлим, айрилиқ етмагандек, ўзини эркин тут-  
гани учун қамоққа ташлашган!

Аксар гадодан баттар, нонга зор, оч-наҳор яшаган...

турмуш озгина ўнглаган пайтларда, ўғри урган; ту-  
нашган!

Аммо булардан ҳеч бири Мирза Ғолибнинг иродаси-  
ни буколмаган! Уни енголмаган! Ҳақ танлаган йўлдан  
қайтаролмаган...

«Илоҳим, Мирза Ғолибга тепаликдаги харобада, де-  
раза ортида кўринган кўланка Мастура бўлмасин! Ило-  
ҳим, бошқа бирои бахтиқаролик ҳам Мастуранинг бо-  
шига тушмаган бўлсин! Сочидан бир тола узилмасин!  
Яшасин... Илоҳим, уларнинг фарзанди (агар дунёга кел-  
ган бўлса!) узоқ умр кўрсин! Дунёда омади келсин!  
Минг хил бало-қазолардан Худонинг ўзи асрасин... Мир-  
за Ғолибнинг кекса онаси, опалари, яқин кишиларининг  
барчасига Худо бардош берсин! Тўзим берсин! Уни  
ёмон сўз билан эслашмасин. Икки оғиз дуойи-фотиҳа  
қилишга қурблари етсин... Дунёда одамики бор, марги  
бемаҳалдан, тухмати ногаҳондан, номардликдан, қабих-  
лик, фалокатлардан Худойим ҳимоятига олсин! Инсон-  
га муносиб, яхши яшашсин...»

Тўқайзорда хивичдек чайқалиб, ҳар дамда йиқилиб,  
ётиб, яна туриб, олдинга сурилганича, Мирза Ғолиб шу-  
ларни ўйламоқда; шундай илтижо қилмоқда эди. Ана-  
мана, офтоб ботса, бас; қаттиқ бир қуласа, бас; ўзи  
ҳатто сезиб-сезмай, жон бериши аниқ! Ҳамма парса-  
нинг интиҳоси бор. Инсонда бўлган имконият ҳам чек-  
сиз эмас. иштилгани билан, узилади! Даҳшатли жойи:  
у шунчалик азобланган эдики, юрагида энди ўлимга  
заррача норозилик йўқ эди! Шу паллада ҳаётга, бутун  
тириклик оламига уни боғлаб турган биргина нозик,  
ингичка ип — Мирза Ғолиб, деган исм эди! У — эмас,  
исм — ўлим билан олишмоқда; беҳос сарнигун бўлиш-  
дан уни сақламоқда эди...

Илдам босганига қарамай, Мирза Ғолиб тепаликдан

унча узоқлашмаган эди. Беш юз қадам юрдими, минг қадамми?! — билиш қийин... Қуёш ботмоқда; ҳаммаёқ қонга беланган... «шарт кесилган бош!»

У олдинги гал сўқмоққа юлқиниб чиққанидек, бирдан...

унинг қаршисида катта йўл дэрёдек ялтираб ётар эди!

Бу — катта йўлнинг аллабир кесими бўлса ҳам, Мирза Ғолиб рози эди; кўрмайсизми, йўлнинг нақ адоғи; Бозор деган жой узоқдан кўзга ташланиб турар эди! Мирза Ғолиб шошганича, йўлга талпинди.

Беш-ўн қадам сурилгач, тўхтаб, орқага бурилиб қаради.

Тўқайзор уфқдан-уфққача чўзилган, қорайиб, парда тортган эди!

У беихтиёр ён-верига аланглади; унга нимадир етишмаётгандек эди. Пайқади...

эргашиб келаётган ит тўқайзорда қолиб кетган эди!

Мирза Ғолиб йўлга тушди.

Бир оз юрганидан кейин, унинг ёнидап миршаблар машинаси, изма-из тиббий ёрдам машинаси ўтиб кетди.

У қўл кўтаришга ҳам улгурмади. Бунинг устига, иккиландими...

Пойи-пиёда кета бошлади.

Энди қуёш ботган; атроф сурмаранг тусга кирган эди.

Бозорга яқин қолганида, йўл этагида бояги ўтиб кетган икки машина турганини кўрди.

Қатор чироқлар ёқиб қўйилган; бу ерда анча-мунча одам тўпланган; қандайдир куйманишмоқда эди.

Мирза Ғолиб яқинлашди.

Ажабо!

Оёқ остида, у тепаликдаги харобада кўрган уч жасад чўзилиб ётар; миршаблар билан тиб ходимлари уларни кўздан кечиришмоқда эди.

Мирза Ғолиб диққат қилди...

булар — у сўнгги кўрган жасадлар; шу билан бирга негадир... таниш; қизиқ... қайсибир белгиларга эътибор берилса, яна, кимларнидир... тўғрироғи, Лутфий, Машраб, Байронни эслатишмоқда эди! Буларни бегона, дейиш ҳам, демаслик ҳам мумкин эди!

Мирза Ғолиб миршаблар машинасига тикилиб, анграйиб қолди...

орқа эшиги очиқ машинада қўлларига банд солинган уч киши қунишиб ўтирар...



булардан бири, ёши каттароғи Наср Иккигами, Мардонкул акагами?! — Ёхшар эди! Қолган иккиси — Тенглаш билан Ҳакимжон...

Мирза Ғолиб ажабланиб, кифтини қисганича, бу ердан узоқлашди.

У Бозор марказидаги автобус бекатига қараб кетди. Ниҳоят...

## ВОҶЕАНИНГ ОХИРИ

Автобусда тўрт-беш киши бор, холос; афтидан, ҳайдовчи одам кутаётган эди.

Мирза Ғолиб охириги қаторга, бурчакка бориб чўкди. Яна бир жувон мингач, автобус ўрнидан жилди.

Анча олдинда ўтирган жувон Мирза Ғолибга бот-бот ўгирилиб қараётгандек эди...

Ахийри, ўрнидан туриб, унинг қаршисига келганча, тескари ўтирди.

— Салом алайкўм... Мени танимадингиз-а?!

«Аслида, бу афти-афгор, бу аҳволда мени биров танимаслиги керак! Лекин буни қарангки, чиндан мен сизни танимаяпман. Рост!» — Мирза Ғолиб шундай деб ўйлади. Бироқ, жувонга тикилиб, фақат шунчаки бош силкиди.

— Сиз Мирза ака бўласиз. Мирза Ғолиб! Шундайми?! Бизнинг уйимиз шу ерда. Бозорда! Лекин мен шаҳарда, Мастура опа билан бирга ишлайман. Фабрикада... — Жувон бижилдоққина экан; гапни ўзи давом этдирмоқда эди. — Сиз ҳозир ҳашардан келяпсиз. Шундайми?! Демак, билмайсиз... Мастура опани кўзи ёриди. Уғил! Лекин жуда қийналдилар. Бир ўлиб тирилдилар! Ҳозир яхши... Эртами, индин жавоб берса керак! Сизни табриклайман... Қўшнилариңиз менга ёқди. Фабрикадан ҳам қизлар бориб турибмиз. Умуман, ҳаммаси жойида...

Мирза Ғолибнинг кўзлари, қулоқларига нишонгиси келмаётган эди!

«Индамас» Мастурани севган Мирза Ғолиб, шу дамда бижилдоқ бу жувоннинг оёқларига йиқилишга тайёр эди...

Жувон қайтиб ўз ўрнига кетди...

Мирза Ғолиб эса дераза томонга юзини буриб олган; кўзларида вижир-вижир ёш оқмоқда эди...

1987—1994 йиллар.

## БУХОРО ҲАЁТИ ЁКИ ЛАБИҲОВУЗДАГИ ТУТЛАР

(Б а д и а)

Бухоро тўғрисида ўйлаганимда...

қадим икки тоқ оралиғида жойлашган узун бино кўз олдимга  
келади.

Энди бу бино йўқ. Лекин бир пайтлари у биз ўқиган мактаб  
эди! Биз мактабни тугатганимизга бу йил роппа-роса қирқ йил  
тўлади. Ушанда эса...

Азимова, Тошев, Абдуллаев, Аҳмедов, Қурбонов, Абоев, Мир-  
жонова, Самадова, Қашопова ва бошқа азиз муаллимлар бизга  
дарс беришар эди. Кейинчалик танилиб, обрў-эътибор топан Бах-  
тиёр Ихтиёров, Муҳаммад Рафиқов, Барно Аҳмедов, Уткир Акра-  
мовлар, кўнгли пок, ажойиб самимий инсонлар — Анвар, Сулаймон,  
Исмоил, Теша, Усмои, Маждид, Сайфулла, Саъдулла, Раҳима, Ҳадия,  
Хосият, Моҳира деган йигит-қизлар бизнинг синфимизда ўқишар  
эди.

Қирқ йил оз муддат эмас! Шунга қарамасдан, барча устозлари-  
мизга нисбатан ҳам, синфдошларимга нисбатан ҳам менинг кўнглим-  
да ҳамон ҳурмат ва меҳр туйғуси сақланиб қолган.

\* \* \*

Кейинги йилларда Муҳаммад Рафиқов билан Бухорода бир не-  
ча бор қўришиб, суҳбатлашдим.

Биз мактабда юқори синфларда ўқиган пайтимиз турли-туман  
пьесаларни саҳнага қўйиб, ўзимизча нималариндир ёзиб ҳам, то-  
моша кўрсатар эдик. Бизнинг бу машғулотиимизга Муҳаммад кўп  
аралашмас эди. Четдан кулумсираб, бизни кузатарди, холос.  
Қиш кунлари Бахтиёрнинг санъаткор бўлган отаси, раҳматли Аҳ-  
мад ака янги спектакллارни кўриш учун бизни театр биносига  
секин киритиб юборар эдилар. Ёзда биз ўзимиз деярли ҳар оқшом  
томошага борардик. Ёзги театр биноси қаршисидаги томга ўғринча  
чиқиб, оёқни осилтириб ўтирганча, яхши-ёмон барча спектакллари  
кўрар эдик. Бахтиёр, Теша, Усмои, менаи ташқари, Нусрат, Фо-  
вил деган жўраларимиз биз билан бирга бўлишар эди. Аммо Му-  
ҳаммад бизнинг бу машғулотиимизга ҳам кўп аралашмас эди!

Мактабни тугатгач, Муҳаммадга кўчада бир-икки дуч келдим. У симеёгочга чирмашиб чироқ тузатар, ўз фаолиятини чироқ ёқувчи бўлиб бошлаган эди.

Орадан қанча вақт ўтди, билмайман, Муҳаммаднинг Тошкентга келгани, театр ва рассомчилик институтига ўқишга кирганини эшитдим... Бахтиёр айни шуҳрат қозонаётган пайт эди. Бу — табиий ҳол, мактабдалик давридаёқ ҳамма Бахтиёрни албатта, артист бўлади, деб ишонарди! Бироқ Муҳаммад бир кунги актёр бўлиши менинг хаёлимга келмаган эди. Буни бошқалар ҳам тасаввур қилмагандек эди... Бу гапларни нега ёзаяман?! Ҳаёт юзакки нарсалардангина иборат эмас, унинг тубида кўришмас бир жараёнлар кечар экан! Санъат йўлига кириб келиш ҳам ҳар хил. Ҳар ким санъат йўлига ўз сўқмоғидан кириб келар экан!

Муҳаммад Рафиқовни жамоатчилик тез пайқади. У кинода роллар ижро эта бошлади. Ҳамза номли театр унга ишониб, бош ролларни топширди. Сўнг, Муҳаммад қайтиб Бухорога келди. Журъатланиб, Бухоро театри саҳнасида биринчи бора Ҳамлет образини яратди.

Менинг дастлабки «Йиллар шамол» романида Қосим деган йигитнинг шундай гапи келтирилган:

«Бухоро театри «Ҳамлет»ни қўйибди. Менга ёқди. Лекин артист бўлганимда, Ҳамлетни ўзим ўйнардим. Ҳар қалай, мен уни Муҳаммадҷон Рафиқовдан ёмон ўйнамасдим!...».

Романини ўқиган Муҳаммадҷон менидан ўша кунлари сал озор чеккандек эди. Мен асарда салбий қаҳрамоннинг гапи тесқари маъно касб этиши, яъни Рафиқов бўлиш осон эмас, деб қаҳрамонга киноя билан қаралаётганини Муҳаммадҷонга тушунтириб ўтирмадим.

Ҳозирги кунда Муҳаммад Рафиқов Бухоро телевидениесида ишлайди. У баркамол ёшда. Баркамол ижодий қолатда. Утган йиллар давомида кинода, видеофильмларда қатор образларни шакллантирди. Айниқса, Амир Темур, Шайбонийхон, Акбарали мингбоши ролларида унинг бу кунги даражаси, актёрлик маҳорати ёрқин аке эгди. Мен бу ролларни ўзимча умуман, сўнгги йиллардаги актёрлик санъатининг ютуғи, деб ўйлайман.

Яна ўзимча, Муҳаммад Рафиқовни Аббос Бакировга ўхшатаман. Вилоятда камтарлик билан ўз вазифасини бажариб юради. Унга таклиф қилинган роллардан кўнглига ёққан, руҳига мос келганларини ижро этади. Қолган пайтлар фақат ўқийди, ўйлайди, изланади. Яқинда яна Бухоро бордим.

\* \* \*

Ва бу гап ҳам Муҳаммад Рафиқов билан учрашдим. Менга қисқа, узук-юлуқ суҳбатларимиз кўп нарсаларни эслатди.

Бизнинг болалик пайтимизда Бухоро — шибатаи кичик, фақатгина эски шаҳар эди. «Ўғри» деган ҳикояда келтирган экинчи: «Ўшада, уруш эндигина тугаган кунлар эди. Бухорода ҳали янги шаҳар қурилмаган, эски шаҳар бир-бирига улашиб кетган жинкўчалардан иборат бўлиб, бутун шаҳарни томма-том айланиш мумкин эди». Бошқа ҳикоя «Чироқ»да ҳам ўша кунлар тасвирланган: «Бир пайтлари газеталарда бундай гап ёзилган: Бухоро халқ хўжалиги жуда ҳам ўсди. Дизель билан ишлайдиган электростанция ва водопровод қурилди... Бу тахминан қирқ олтинчи йил эди».

Бугун шаҳарнинг қоқ ўртасида бўлган Намозгоҳ ўша пайтларда шаҳар чеккаси ҳисобланарди. Рамазон, Қурбон ҳайити кунлари кексалар, уларга эрганиб ёшлар, биз болалар — гурас-гурас одам Намозгоҳга қараб саҳарлаб йўл олар эдик. Бу — биз учун шаҳардан қишлоққа боргандек бир гап эди! Ҳар қалай, менда шундай таассурот қолган.

Мен Бухорода рўй берган ўзгаришларни имкон қадар асарларимда акс эттиришга уринганимни ҳам эсладим.

Бугунги Бухоро олдингига буткул ўхшамайди, демоқчи эдим, беихтиёр — ўхшайди ҳам! — деб юбордим.

Ахир, бир сайёҳ икки-уч аср бурун бундай манзарани чизмаганидир! («Аёллар мамлакати ва салтанати» романидан):

«Бухоро ҳусни-таровати овруналикларни ҳайратга солади. Запгор гумбазлар, масжидлар, юксак мадраса айвонлари, миноралар, шаҳар ичида шаҳар бўлган, кунгирали деворлар билан ўралган саройлар, уйлар-дарахтзорлар орасида беркинган ҳовузлар, баланд деворли ажойиб чорбоғлар, кейин, далайлар, яна боғлар, дарахтзорлар...».

Минг йиллар давомида сайёҳлар, тарихчилар, адиблар Бухорони кўриб, ҳайрат туйган.

Тасвир излаган! Даста-даста китоб ёзган.

Улуғворлиги жиҳатидан, Бухоро ўзгармаган! Олдингига ўхшайди! Ҳайратга солганидан, илк ёшлардан мен ҳам қўлимга қалам олган бўлсам, ажаб эмас.

Бухоро тўғрисида шеърлар, ҳикоялар, «Болаликка савҳат», «Вазифа», «Мўъжиза» деган қиссалар ёздим. «Йиллар шамолли»дан «Афлотун»гача — аксар романларимда ҳам Бухоро тарихи, ҳаётига мурожаат қилдим. Тасвир изладим! Лекин барибир, сезаман, булар кам. Кам...

Шу ўринда айташим керак. Бухоро — бир уммон. Ҳар ким бир чеклак-икки чеклак сув тортади. Ортиги ҳеч кимга насиб этмаган.

Бухоронинг мукамал тасвири йўқ!

\* \* \*

Бухорода қаерга бориб, ким билал кўришмай, ўтган йили Бухорода катта-кичик кўя воқеалардан ташқари, икки муҳим воқеа ру...

бергани эсага олинди. Булардан бири — Қизилқум бағрида, Қоровулбозор туманида нефтни қайта ишлаш заводи бунёд бўлгани, иккинчиси — Бухоронинг 2500 йиллиги байрами. Менга бу икки воқеа ҚАДИМ ТАРИХ билан БУ КУНнинг тугашган нуқтаси бўлиб туюлди!

Давр шиддатига қарамасдан, шу икки воқеа руҳи Бухороши ҳамон тарқ этмаган.

Умуман, Бухоро бу гал менда умидга чулганган ишчан таассурот қолдирди.

Кўп давраларда ўз тўкин бугдодидан ион ейишаётгани билан фахрланишди. Одамлар яхши режаси бажарилмаганидан изтироб ҳам чекапти. Бухорода ер таркиби мураккаб.

(Бухорода тарих буйи тўкилган тер кўп,  
Шундан балки, бу ўлкада оқарган ер кўп!)

Қиш ўртаси. Лекин туманларда зовур қазини, зовур тозалаш, шўр ювиш — қизғин меҳнат боряпти. Одамлар баъзан қор-ёмғир остида ишляпти. Кейинги йил ҳосили тақдирни қишдан ҳал бўла бошлар экан!

Шаҳарда йўллар кенгайган. Шаҳарга киришдаги дарвозалар шавкатли. Янги «Бухоро» меҳмонхонаси сингари биноларга дунёдаги истаган мамлакат ҳавас қилса, арзийди.

Энг қадим ёдгорлик — Арkning таъмирлангани на бу иш давом этаётгани мени суюлтирди. Мен Арк девори тикан босиб, тўкилиб ётганини эслаймак. Масжиди Калоннинг ҳашамли-кўркем намойишини ҳам кўриб, суюндим. Мен бу ер гариб омбор бўлган пайтни эслаймак. Қўл учиди таъмирланган пайт ҳам ёдимда. Доим гавжум Лабиховуз ҳар қачонгидан файзли, сараҳли бўлиб қолганидан тасвирландим.

Яқин-яқинларгача эски шаҳар билан янги шаҳар бўлиниб-ажралиб тургандек эди. Бугун Бухоро ЯХЛИТ БИР ҚИЕФАга кира бошлаганини сездим.

Олдиндан шўқан сувнинг қадри йўқ! Бизнинг болалик кунларимизда ярим шаҳар Шоҳруддан сув ичар эди. Қишда музни ёриб, челақлаб сув ташир эдик. Ҳозир таъмирланган, чиройли Шоҳрудни дом тоза-озода тутолмаган эски шаҳардаги одамлардан ичимда бироз ўлкаландим.

Фитрат боғи. Файзулла Хўжаев уй-музеи. Галкушонда Файзулла Хўжаев ҳайкали... Ҳар қаламда таъмирланаётган эски бинолар на бир-бири билан баҳса киришган янгида-янги иморатлар. Бухорога маъзум муддаг келмаган киши шаҳарни танимай қолди, деса муболаға бўлмайди. Жондор тумани, кейин Когон йўлидаги Мири Қуллол мақбаралари ёнида ҳам одамлар терлаб-пишиб, фидойлик билан ишлашаётгани, ҳаёт гилдирагани олдинга суринишаёт-

ганини кўрдим. Ҳар хил қийинчиликлар, бу куннинг озорларига қарамай...

Ажиб ҳолат. Мустақиллик — янги бир тараққиёт қадами ҳам экан!

Бу жиҳатдан, Бухоро ўзгарган.

Олдингига буткул ўхшамайди...

\* \* \*

Лабиховуздаги қанча шамоллар, қор-ёмғирларга бошини тутган, танаси гадир-будир, дағал, шоҳларни синган, эгилган тутлар ёнида Муҳаммад Рафиқов билан айланиб юриб, бутун Бухоро эмас, мана, шу минг йиллик паҳлавонларга қиёс изладик. Тасвир изладик. Булар — нима?! Булар ҳам ўлмаган обидами?! Девонаворлигини қарап! Мажнунми, Машрабми?! Қандай буюк куч буларни ҳозирги Мустақиллик кунларигача яшатиб-олиб келди?! Бир йил турмаган ниҳоллар учрайди! Минг йилларни тасаввур қилиш қийин...

Муҳаммад Рафиқов негадир Бухоро ҳаёти, халқ тўғрисида бехосдан, меҳр, куюнч билан гапира бошлади. У тутларга тасвир излаётганимизни унутгандек эди!

Кейин, мен тушундим. Муҳаммаджон:

— Халқ шу! — демоқчи бўлган экан.

1998 йил феврал.  
(«Халқ сўзи» газетасидан).

«Пиллар шамоли» романи — Шарқ юлдузи» журнаlining 1975 йил, 9, 10, 11 сонларида, Фафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти 1976 йилда;

«Тепаликдаги хароба» романи — «Ёшлик» журнаlining 1995 йил 2, 3 сонларида нашр этилган.

### МУНДАРИЖА

Пиллар шамоли . . . . .	3
Тепаликдаги хароба . . . . .	190
Бухоро ҳаёти . . . . .	298

Адабий-бадний нашр

## Омон Мухтор

Бухоролик бир йилит

Романлар

Муҳаррир *Н. Қилич*

Мусаввир *Ж. Саъдулла*

Техн. муҳаррир *Т. Смирнова*

Мусаҳҳиҳ *Д. Қиличева*

Босмахонага 27.11.97 берилди. Босишга 03.03.98 рухсат этилди.  
Бичими 84×108<sup>1</sup>/<sub>32</sub>. 2-босмахона қоғози. Адабий гарнитура. Юқори  
босма. Шартли босма тобоқ 15,96. Нашр босма тобоғи 16,0. Жами  
10000 нусха. 4052 буюртма. Баҳоси шартнома асосида.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасининг Ёзувчи  
нашриёти 700129. Тошкент, Навоий 30.

**ДИЛШОД ҚИЛИЧНИНГ «ТУРОНДОТ»** хусусий кsrхонаси,  
700007 — Тошкент, Вахш кўчаси, 21.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасининг биринчи  
босмахонасида чоп этилди Тошкент, 700002. Сағбол кўчаси 1-бери  
кўча, 2-уй.